


# SOHIBQIRON YULDUZI




СОХИБҚИРОН  
ЮЛДУЗИ

№ 4 (18) 2014 й.



Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимиз, маданиятимиз, қудратимизга асосланиб, буюк ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ



# SOHIBQIRON

**Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-маърифий журнал**

**БОШ МУХАРРИР:**  
Исмоил ТУХТАМИШЕВ

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Мухаммад АЛИ  
Акмал САИДОВ  
Абдураҳим ЭРКАЕВ  
Поён РАВШАНОВ  
Лола САОДАТОВА  
Жумакул КУРБОНОВ  
Тура САИДОВ  
Юлдуз ЭРГАШЕВА  
Зафар ҚОБУЛОВ  
Азамат САТТОРОВ  
Шарофат АШУРОВА  
Санжар ЧОРИЕВ  
Мухаммад ОЧИЛ  
Жаббор ХАЛИЛ  
Турдиали МАДУМАРОВ  
Сирожилдин САЛОМОВ

**МУАССИС:**  
SOHIBQIRON SHULASI M.Ch.J.

Кашкадарё вилоят Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2012 йил 12 мартда 14-  
076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

**Манзилмиз:** Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.  
Телефон: 221-08-44

Нашр учун масъул:  
Гуландон ХУДАЙКУЛОВА

Чоп этишга 18.12.2014 йилда рухсат  
этилди.

Бичими 70x100 1/16.  
8,0 босма табок. Адади 425 нусха.  
Буюртма № 710  
«Узоқбобо» ХСНЧФда чоп этилди.

**БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:**  
Қарши шаҳри, Хусниобод кўчаси-71<sup>а</sup> уй  
Телефон: 221-61-91. 733-25-25.

**Электрон манзилмиз:**  
sohibqironjournal@inbox.uz

**УШБУ**

## Эҳтиром

<b>Фулом Мирзо</b>	
«Амир Темур» уч пардали мусиқали драмаси (давоми) .....	16
<b>Шерзод Курбонov</b>	
«Соҳибқироннинг қиличи - адолат машъали» .....	10

## Эътироф

<b>Исмоил Тўхтамишев</b>	
«Эъзозли мўйқалам соҳиби» .....	36
«Мустақил диёр мадҳи» .....	38

## Рухият сурати

<b>Адиба Умирова билан Назар Эшонқул суҳбати</b>	
«Адабиёт миллат туйғусини тарбиялайди» .....	4
<b>Абдिवой Раҳим</b>	
«Тонгда сўлиган лола» .....	97
<b>Мавлуда Очилова</b>	
«Бола кўтарган эркак» .....	86


## Тафаккур сочқилари

<b>Ўткир Раҳмат</b>	
«Дунё кенглигига сифмайди кўнгил» .....	98
<b>Ҳосият Акрамова</b>	
Ўзбекистоним (шеърлар) .....	106
<b>Муҳиба Назарова</b>	
Синфдош (шеърлар) .....	108

## Жаҳоний жавоҳир

<b>Дарья Донцова (Лайло Ҳасанова таржимаси)</b>	
«Марҳум учун маникюр» .....	91

# YULDUZI



2014 йил № 4 (18)

## СОНДА

### Таҳқиқот

Ёрмуҳаммад Туропов	
«Кўҳи тавба» .....	80
Ҳаким Сатторий	
«Меҳр ва эҳтиром ила» .....	40
Расул Раҳимов	
«Деҳнав қишлоғи қаерда?» .....	96

### Баркамоллик зибси

Азиза Ширкулова	
«Ҳаёт жуда гўзалдир» (шеърлар).....	110
Жонтемир Тоштемиров	
«Кечир мени» (шеърлар) .....	112
Настарин Зарипова	
«Яхшилиқ қил» (шеърлар) .....	114
Севинч Бахромова	
«Ўзбекистон» (шеърлар) .....	115

### Яшаётган сатрлар

Ҳусан Эшмурод	
«Чанқади» (шеърлар) .....	116

### Қоҳ-қоҳа

Шер Али	
«Энанг билмасин» .....	118

### Муаллифларимиз

## 2014 йил - Соғлом бола йили



Журнал саҳифаларидаги  
фотосуратларни  
**Шомурод ШАРОПОВ** олган.

Журналда рассом  
**Ганишер Ҳайдаров**  
ижодий ишларидан  
бадиий безак сифатида  
фойдаланилди.

Журнал саҳифаловчи:  
**Зафар Махсатов.**

# АДАБИЁТ МИЛЛАТ ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Ёзувчи  
Назар Эшонқул  
билан суҳбат



-Адабиётнинг бош вазифаси,  
адабий виждон ҳақидаги фикрлар-  
нингизни билмоқчи эдик...

- Адабиётнинг бош вазифаси, адабий виждон ҳақида баҳслар ҳамма даврда бўлган. Биз ўқиган даврда адабиётнинг вазифаси ўргатиш, намуна бўлиш, "тарбия воситаси" деб ёзилганди. Аммо бу шўрлар кашф этган ёки адабиётга коммунистлар юклаган вазифамас. Буни адабиётнинг илк асарини ёзганлар кашф этган ва шунинг учун ҳам улар адабиётни адаб ўргатиш деб ҳисоблаганлар. Агар шўро тузумига қасд қилиб адабиётдан бу вазифани бутунлай олиб ташласак, унда адабиётнинг жамиятда ҳеч қандай роли қолмайди. Адабиёт бевосита ҳам, билвосита ҳам инсонни тарбиялайди. Унинг дидини, дунёқарашини, савиясини, инсонга, миллатга, дунёга, эзгулик ва ёвузликка бўлган муносабатини тарбиялайди. Мен Кафкани ўқисам, демак, унинг қарашлари менга бевосита "юқади", унинг жамият ва инсон ҳақидаги хулосалари менинг савиямга, дидимга таъсир қилади, эҳтимол, шакллантирар ҳам. Кафканинг ўрнига ҳақиқий истеъдод эгаси бўлган хоҳлаган ёзувчинини қўйиб, шундай дейишимиз мумкин. Эرتак болага қандай таъсир қилади? Нега эртак айтамин болаларга? Алла қандай таъсир қилади? Алла ёки эртакнинг вазифаси нимадан иборат? Адабиётнинг вазифаси ҳам шундай. Кимнинг асарини ўқиманг, асарнинг вазифаси, агар у ҳақиқий адабиёт намунаси бўлса, шундай. Навоий ғазалларини ёд билган ва хиргойи қилиб юрган одамнинг таъби нозик бўлади дейишади адабиётшунослар. Навоий фақат таъбга эмас, инсон руҳиятига ҳам, тарбиясига ҳам, дунёқарашига ҳам таъсир қилади. XIX аср рус прозаси XX аср рус ақлини, рус тафаккурини, рус зиёлисини тарбиялаб берган. Бу инкор этиб бўлмас факт. Шундай экан, адабиётнинг вазифасини торайтириб, у фақат адабиёт учун хизмат қилади, адабий виждон соф адабий тушунчадир дейишларига мен унчалик қўшилмайман. Бироқ масала шундаки, адабиётга вазифа юклаб, шуни қиласан деб буюришнинг ўзиёқ бу вазифани сохталаштиради, сунъийлаштиради, адабиётнинг вазифасини йўқ қилади. Шўро адабиёт вазифасини сунъ-

Материаллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди.

ийлаштиргани учун ҳам у даврдаги адабиёт сунъийлашди. Адабиётга олдиндан вазифа бериш ҳамisha шўро гузуми тажрибасини ёдга солиди. Адабиётга вазифа тайинлаб бўлмаиди, у пайдо бўлган куниеқ ўз вазифасини ўзи танлаб бўлган. У истеъдодлар орқали қарашларни, тафаккурни, туйғуларни, муносабатларни янгилайди, яъни дидни ва савияни тарбиялашда давом этаверади. Унинг олий вазифасидан ким чекинтирмоқчи бўлса, бошига шўро кунни тушаверади. Бугунги баъзи "билимдонлар" "адабиётнинг вазифаси йўқ" деган қарашни тинимсиз сингдирмоқда. Гуё шу билан адабиётни ижтимоий ҳаётдан узиб олиб, уни ўз ҳолича ривож топадиган, ўз ҳолича яшайдиган бир соҳа деб таъкидлашади, мен бу қарашларга қўшилмайман. Бугун Навоийни тушунадиган одамнинг камлиги ёки уни ўқийдиган, завқланадиган ўқувчи озлиги - бу ҳали адабиётнинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолганини кўрсатмайди, аксинча, бизнинг адабиётдан узилиб қолган мизини кўрсатади. Бугунги техник асрда адабиёт ўрнини маълум маънода техника ютуқлари, ахборот технологиялари (ТВ, интернет) қоплаётгандай, адабиётга ўрин йўқдек таассурот пайдо бўлди. Аммо булар бари ўткинчи. Бу технологияларнинг ҳеч бири адабиёт ва санъат ўрнини босолмайди. Булар бугуннинг ахборот ва тарғибот воситалари, холос. Адабиётнинг вазифаси ҳақида гап кетганда, Борхеснинг бир гапи эсимга тушади. "Проза миллат тафаккурини тарбиялайди, шеърят туйғусини". Оддий ва жўн, аммо инкор этиб бўлмас изоҳ. Фақат бу ерга бугунги ўзларни адабиёт деб атаётган беллитристикадан келиб чиқиб, "тижорат прозаси ва таъма шеърятга эмас" деб қўшиб қўйиш керакка ўхшайди. Адабиёт ўз мавзусини ўзи топади. У шунга маҳкум қилинган. У мавзунини топиш учун шу мавзу билан оғриши ва илҳомланиши керак. Адабиёт миллат кўнглидир. У ана шу катта кўнглида содир бўлаётган ўзгаришларни билиши, англаши, оғриши, завқланиши, куйиниши, талвасага тушиши шарт. Шуни айтиш керакки, адабиётни англаш хос ҳолатга, хос тушунчага айланиб бормоқда. Оммавий маданият ва оммавий тафаккур тарзи адабиётни туб-вазифалардан, туб моҳиятдан чалғитишга уринаяпти. Бу ҳолат бутун дунёга хос. Ҳақиқий санъат ўрнини шоу-бизнес тафаккур тарзи эгаллаб олмоқда. Енгил-елпиликка асосланган, савиясиз оломонга мўлжалланган, тижоратдан бошқа ҳеч қандай нияти бўлмаган бу "маданият" шу пайтгача шаклланган, аждодларимиз зеб берган дидимизни хатар остига қўяётгани ҳам рост. Навоийни ўқиш бугун ноёб фазилатга айланиб бораётган экан, оммавийбозлик бизнинг ичимизга ҳам кириб улгургани бу. Бугун болаларимиз Навоийни битта тўртлигини билмаса ҳам, аммо қаёқдаги тутруқсиз бир репни бошдан оёқ ёд билиши ҳам бу бизнинг фожиамиз. Савияси кўча гапига тенг бўлган кўшиқлар ва кинолар, сериаллар, сариқ-матбуотдаги кўнглини айнитадиган, эрмак учун ёзилган "роману ҳикоялар" ана шу хатарнинг яққол белгиларидир. Яқинда бир газетачи ношир бир ёзувчи билан гаплашаётганини устидан чиқдим. Ношир ёзувчидан ур-йиқит, қон тўкишдан иборат ўткир сюжетли дитектив ёки ишқий моҳаролар очиқ ифодаланган асар буюртма бераётган эди. Шунда газетанинг нухаси кўтарилар экан, эвазига эса ёзувчига катта қалам ҳақи тўланар экан. Бу хил шартномалар ҳар бир нухаси катта газеталарда ҳар кунни тузилиб турибди. У хил ноширлар бизнес нуқтаи-назардан миллат дидини Навоийдан ва Қодиридандан совутиб, олди-қочдига бураётгани, шу билан ўзларини тадбиркор деб биланётгани ҳам бугун сир эмас. Аммо ноширларни ҳам айблаб бўлмайди. Улар бизнес одамлари. Бозорда нима ўтса, ўшани сотишади. Ҳамма айб дидда" оилавий дидда, оилавий тарбияда. Агар менинг дидим ўша нашрдаги роман ва ҳикояларни, олди-қочдини ҳазм қиладиган даражада пастлашган ва тубанлашган экан, бунинг учун ноширни, замонни айблаб ўтириш гуноҳ. Айб ўзимда. Агар менинг ва хамманинг диди бу "олди-қочдилар"га йўл бермаганда бунақа асарлар ҳам пайдо

бўлмасди. Бозор дидга мослашади. Ҳамма гап дидда! Бошқа томондан олганда, одамлар, ҳар қалай, қандай бўлса ҳам мутолаа қилаяпти. Шунинг ўзи қувонтиради. Аммо барибир булар ҳали адабиёт дегани эмас. Булар адабиётнинг кўпиклари, лойқалари. Ночора, шу бугунги дидимиз шу лойқа сувни ичишга маҳжум экан, унда ичаверамиз. Лойқа тагида тиниқ ва мусаффо сув борлигини билмагунимизча ичаверамиз. Шу туфайли ҳам ўзини ҳурмат қилган, адабиётни муқаддас деб билган ижодкор ўзини четга олади, бу талотумга қўшилгиси келмайди. Улар шунинг учун сокинликка, сукунатга чўмгандай туюлаяпти. Умуман олганда, азалий тажрибалар, азалий эврилишлар шуни кўрсатганки, адабиётнинг ўрнини олди-қочдилар, таъмагирлар, мадҳиябозлар, сохта туйғулар, сохта муносабатлар, тижорат эгаллаганда, токи шу ҳолат ўзини фош этиб, авра-астари чиқмагунча ҳақиқий адабий туйғулар четга чиқиб, жараённи кузатиб турган. У фош бўлгандан кейин яна ўз ўрнига қайтган. Бу тарихда неча бор исботланган. Шунга қарамасдан, мен адабиёт инсон дарди ва орзуси билан яшаши керак деб биламан. Унинг бош қахрамони ҳам қайғураётган, орзу қиляётган, алам чекаётган, кулаётган, ўйланаётган, изланаётган, изтироб чекаётган, йўл ахтараётган инсондир. Ёзувчи фақат ўша инсонни замон талатўплари ичидан топа олиши керак. Замон қахрамони ҳам ўша инсондир! Биз инсонни топдикми? Менимча, йўқ. Агар топганимизда адабиёт бозори жилови сариқ матбуот қўлида эмас, адиблар қўлида бўларди. Бугунги одам бизнинг асарларда ўзини кўролмаётгани учун ҳам эҳтимол олди-қочдига қараб оғиб кетгандир? Яна ким билади... Адабиёт инсон қалби ҳақидаги энг улкан билим, энг улкан тадқиқот. Ҳар қандай жамиятни, ҳар қандай тузумни адабиётга бўлган муносабатидан бўлиб олса бўлади. Адабиёти хор бўлган ҳар қандай жамият ўзини қанчалик гуманист қилиб кўрсатмасин; барибир бир куни таназзулга юз тутади. Буни биз инсоният тарихида кўплаб марта, айниқса, шўро тузуми мисолида яққол кўрдик. Инсонни ҳеч қайси фан адабиётчалик акс эттиролмайди, ҳеч қайси санъат тури адабиётчалик чуқур ва кенг тасвирлай олмайди, ҳеч қайси восита инсон руҳи ва ҳаёлига адабиётчалик эрк беролмайди. Демак, ҳеч бир восита адабиётчалик эзгудикни ҳимоя қилбўлмайди. Адабий виждон ана шу буюк туйғуга хиёнат қилмасликдир. Адабиёт, аввало, бизнинг ичкаримизга боқишига ўз қалбингиз, хаёлингиз, эркингиз эгаси бўлишга ўргатади: ичкарингизда ҳали ўзингизники бўлмаган жуда кўп нарса бор. Китоб ўқилган сайин ичкарингиз коинотдан ҳам кенгроқ ва бепоёнроқ эканига амин бўласиз. Сиз, аввало, ичкарингиздаги жаҳолатни ўлдирмай туриб, ташқи жаҳолатни ўлдиролмайсиз. Адабиёт ўқиганингиз сайин ичкарингиз сабоқхонага айланиб боради ва у ерда устоз ҳам, шогирд ҳам ўзингиз бўласиз. Шу сабоқхонадан сизнинг "мен"ингиз бош кўтара бошлайди, аввал кўнгилнингизнинг бир четини, сўнг ўзини буткул эгаллайди ва сиз адабиёт билан "ўзлик" деган қудратли ҳамда энгилмас руҳият ҳимоясига ўтасиз. Ўзингизга раво кўрмагани бошқаларга ҳам раво кўрмайсиз. Адабиётдан бир марта лаззат олиб кўрган одамнинг ёвузлик қила олишига мен ишонмайман. Маданиятсиз, адабиётсиз кишигина ёвузлик ва зулм қила олади. Ёвузлик адабиётгача бўлган манзилдир. Адабиётдан сўнг руҳият, руҳ сари ва руҳ билан бирга сафар бошланади. Ҳ.Кортасарнинг шундан ҳимояси бор: китоб ўқиб ўтирган одамни ўқилаётган асарнинг жаллод образи китоб ичидан чиқиб келиб бўғизлаб ташлайди. Гарчи ҳикояда бошқа фикр ифодаланган бўлса-да, ёвузликка ва инсонни маънан қашшоқлантиришга хизмат қилувчи асарларни, айниқса, бугунги тижорат даврида бунақа асарлар кўпайиб кетди, мана шу қотилга ўхшатиш мумкин. Бу асарлар адабий виждондан узоқ бўлибгина қолмай, балки маънавий қотиллик ҳам қилишяпти, улар миллий дидимизни ўлдиряпти. Шу сабабли ҳам бугунги

адабиётнинг бош мақсади инсонни ичидаги кўрқувни енгишга ўргатишдан, унинг қалбини ва виждонини сақлаб қолишдан, уни ўз ичкариси, ўз дунёси сари юз бурдиришдан, унинг толиққан умидини қайтаришдан, уни ўз аслига қайтаришдан иборат бўлмоғи шарт. Адабиёт виждони мана шу - инсон учун, унинг қалби учун қайғуриш ва курашишдир.

**- Адабиётда нима муҳим: истеъдодми ёки тинимсиз машаққатли меҳнатми?**

- Албатта меҳнат қилиш керак. Истеъдоднинг ўзи етмайди. Табиатан ишەкмас бўлган истеъдодларнинг кўпи ишەкмаслиги учун ҳам тез сўниб кетди. Буюк истеъдодларнинг барчаси буюк меҳнаткашлар ҳам бўлишган. Ҳазрат Навоийнинг жисмоний меҳнат қилиб ёзган нарсасининг ўзиёқ кишини ҳайратга солади. Толстой, Достоевский ва яна ўнлаб буюк меҳнаткашлар бўлган буюк санъаткорларни келтиришим мумкин. Шоир Хуршид Даврон ҳазиломуз шундай дейди: "Истеъдод бу - вақтида ўтириб ишлашга кучи етган, ўзини итдай ишлашга кўниктирган, карсонни катта одам дегани". Истеъдод чўғ бўлса, меҳнат уни алангага айлантиради. Истеъдоднинг ўзи ишлай билиш санъатидир.

**- Бугунги ёзилаётган асарларнинг ва китобхонларнинг савияси сизни қониқтирадими?**

- Китобхон билан ёзувчини қарама-қарши қўйишга қўшилмайман. Асар илгари ҳам, ҳозир ҳам ёзилаяпти. Юз йилда ҳам эскирмайдиган асарлар эса юз йилларда бир-иккита яратилади. Аммо адабиёт юқорида айтганимиздек, ўз даврининг виждони сифатида ўз вазифасини бажаришда давом этади. Ана шу виждон бўла оладиган асарлар ҳамisha ёзилади. Фақат гап шундаки, бугун кечадиган ёзувчига жамоат арбоби, мафкура арбоби деб қараш йўқ. Бу ҳам табиий ҳол. Шўро пайтида ёзувчилар ўша даврнинг энг эътиборли кишилари эди. Уларга имтиёзлар, унвонлар, имкониятлар бериларди, уларга фақат ёзувчи эмас, "жамоат арбоби", "ҳар нарсага фикр билдиришга қодир кишилар" сифатида қараларди. Аммо бир ўйлаб кўрсак, бу имтиёзлар, унвонлар кимларга ва нима учун берилган? Ўша давр мафкурасини кишилар онгий бадий тарзда сингдирганлари учун! Мафкурага мос келмаган қайси асар рағбатлантирилган, унга хизмат қилишни устамаган қайси ёзувчига бу имтиёзлар берилган? Шу нуқтаи-назардан қарасак, ўша пайти ростданам ёзувчи фақат ёзувчи эмасди, у тарғиботчи, ташвиқотчи, мафкурачи эди. Тўғри, шўро даврида ёзилган барча асарларни бу қолипга солиб бўлмайди. Бироқ шўро мафкураси қолипига сиғмай, бугунгача етиб келган ва ўқилаётган асарлар даврининг эмас, ёзувчининг истеъдоди сабабли шўро мафкурасини четлаб ўтди. Бундай асарлар, агар насрни назарда тутсак, жудаям санокли. Умуман, азалий бадий дид ва савияга, инсоннинг азалий оғриқлари ва армонларига, инсон кўнглига дахлдор асарлар, бундан минг йиллар олдин яратилган бўлса ҳам ўқиладеради. Чунки жаннатдан қувилгандан буён инсон қалби деярли бир хил оғриқ ва укубатлар билан тўла. Бу укубатларни жамлаб инсон ҳақидаги изтироблар деб аташ мумкин. Биз шунинг учун ҳам "Шоҳ Эдип"ни ҳали ҳам ҳайрат билан, ҳаяжон билан ўқиймиз. Бундай укубати бор асарлар эскирмайди. Шўро даврида чоп этилган худди узун ва адоғи йўқ эшелонлар каби ҳар йили изма-из босилиб чиқадиган асарларда инсондан кўра, ўша давр мафкураси кучли эди. Қани, ўша даврнинг ёстикдай келадиган, расталарни ва кутубхоналарни тўлдириб турадиган роман-у дostonлари? Улар қаерга ғойиб бўлди? Бу асарларни ўқишга бугун ҳам эҳтиёж бормикан? Шундай экан, кечаги ёзувчининг жамиятнинг эътиборли минбарига бўлганига ҳавас қилиб бўлмайди. Ёзувчини бу тарзда эътиборли қилиш ҳам аслида адабиётга ҳақоратдан бошқа нарса эмас. Чунки бу эътиборга тушиш учун истеъдод ҳам унчалик муҳим бўлмаган. У эътиборга эришиши учун адабиёт ўзининг азалий вазифасидан сиз

биринчи саволингизда таъкидлаган виждон бўлишидан воз кечиш керак бўлади. Аслида ҳам адабиётни истеъдодлар белгилайди, истеъдодлар ўзгартиради, истеъдодлар янгилайди. Ёзувчими, рассомми, умуман, ижодкорни, унинг хушомадига, ялтоқланишига, хизматкорлигига қараб эмас, истеъдодига қараб баҳо берган ва қадрлаган жамиятгина ҳурматга сазовордир. Бошқа томондан олганда, эътирофга эришиш учун мойиллик бошландими, у ерда адабий истеъдод сўниб, ялтоқланиш истеъдоди бошланади. Фақат маданиятсиз одам, маданиятсиз жамиятгина ялтоқланишни, хушомад қилишларни ёқтиради, хушомад қилганларни эътироф этади, уларга имтиёзлар беради, уларни миллатнинг "сара" кишилари қилиб кўрсатади. Ялтоқланиш ва хушомадгўйлик авжига чиққан жойда ҳақиқий истеъдодлар ўзларини четга олади, улар бу толатўмга қўшилмайди, лекин ана шу четдаги кишиларгина ҳақиқий адабиётни яратадилар. Бунга кечаги кунимиз мисол бўла олади. Жамият ўзгарди. Сигиниб келинган эътиқодлар синди, шу эътиқодга бағишланган асарлар ўлди. Шу асарни ёзганлар эса ҳалигача ўзларига келгани йўқ. Чунки улар мақтовларга, имтиёзларга, ҳар бир тадбирда ўзларининг номлари тилга олиншига, ўзларига жамиятнинг алоҳида кишилари сифатида қарашларига ўрганиб қолишган эди. Ҳаммаси ўзгарган, уларнинг аксари нима ёзишни ҳам билмай қолишди. Чунки мавзунни ҳам шўро сиёсати белгилаб берарди. Аммо бу довдирашни бугунги адабиётдаги сокинлик билан боғлаб бўлмайди. Бугунги сокинликча ёзувчининг ўзига, ўз дунёсига қайтиш, ўзи билан ўзи қолиши, ўзини англаш жараёни деб тушуниш керак. Бугун ҳақиқий истеъдодлар ўзлари билан ўзлари қолишди, ўзлари билан ўзлари қурашяпти, ўзлари билан ўзлари қолиб, кўнгил танлаган мавзунни танлашяпти. Бу сокинлик ҳали эртага катта асарлар беради. Адабиёт сокинлик билан ўзини ўзи саралаяпти. Сара асарларга аҳтиёж туғдираяпти, бундай пайтда китобхонни ҳам, ёзувчини ҳам айблаб бўлмайди. Вақт ҳаммасини ўз ўрнига қўяди. Лекин барибир ёзувчи зиммасидаги, унинг миллат, халқ ва инсон олдидаги масъулиятини унутиб бўлмайди. Ижодкорлар миллат диди учун масъул эканликларини унутмасликлари керак.

**- Таржима асарлар-ва бу борадаги изланишлар ҳақида қандай фикрдасиз?**

- Ўзим ҳам Онетти, Чехов, Паустовский, Бенедетти, Буниндан таржималар қилганман. Бир томони қалам ҳақи учун, аслида, ўзим учун. Айни пайтда, шахсан мен Онетти, Фолькнер, Кафка, Беккет, Борхес ва жуда кўп япон ёзувчиларининг асарларини тўла таржима қилиш керак деб ҳисоблайман. Кенг китобхон учунмас, адабиёт учун, ўзимиз учун ва ёзувчи бўлишни истаганлар учун. Инсоннинг қалби ҳақидига ҳар қандай адабиёт ўқилишга муҳтож, шубҳасиз, у инсон ҳақидаги билимдир. Бу билимдан бебаҳра яшаш инсон ўз исмини билмай яшаши билан баробар; бу билимдан бебаҳра яшаш ёвузлик билан ёнма-ён яшаш. Ёнида ёвузлик яшаётган инсон эса бир кунининг қурбони ёки ижрочиси бўлиши тайиндир. Чинакам адабиёт инсонга ва унинг қалбига шифо беради, шундай экан, адабиёт инсон қалбининг малҳамидир.

**- Айтинг-чи, журналистика адабиётга катта кўприк бўла оладими?**

- Бу саволга жавоб ҳар бир ижодкорнинг ўзи билан бирга. У адабиёт томон кўприк қура олиши ҳам, бу кўприқдан кулаб тушиши ҳам мумкин. Тўғриси, журналистика, менга жуда кўп ҳалақит ҳам беради, ҳам жуда кўп материал, метафора, ҳаёти воқеалар беради. Кимдир "Факт - пати юлинган товуқ" деганди. Журналистика - ёзувчи учун пати юлинган товуқ. Унинг патини юлиб, пишириш керак. Менга бу соҳа жуда кўплаб пати юлинмаган "товуқлар" бераяпти.

**- Бугунги адабий жараёнга муносабатингиз қандай?**

- Кейинги ўн йилликда ўзбек адабиёти бир қарашда жуда катта эврилишлар-

сиз, катта каяшфиётларсиз ўтганга ўхшайди. Аммо бу ўн йилликда ўнлаб анъаналар, услублар, тақлидлар, услубга ўхшаган йўналишлар пайдо бўлди. Буларнинг аксарияти шу ўн йиллик билан бирга яқун топиб ҳам улгурди. Агар 90 йилларнинг бошида адабиётимизда, айниқса, шеърятда гражданлик туйғуси баланд бўлган бўлса, бугун инсон тақдирини мушоҳада қилиш ва таҳлил усули, босиқлик ва вазминлик эгалламоқда. Кеча ёшлар орасида билиб-билмай ёппасига "сўфийлик" ка мойиллик кучли эди. Қайси шеърни ўқисангиз, "илоҳий муҳаббат" ҳақида ҳали бу фалсафани англамай туриб ҳам шеър ёзиш андозага айланганди. Бугун эса яна кўнгилга қайтиш бошланди. Сокинлик ана шу "қайтиш" жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бугун қалам тебратаётганлар икки гуруҳга ажралдилар: "тижорат"чилар, яъни чўпчаклар ёзиб фойда кўришни ва шу орқали машхур бўлишни истаганлар. Албатта, бундай асарлар бугун газета, журнал ва адабиёт дўконларини босиб кетди. Ёш авлоднинг адабиётни билмаган қисми ана шу асарлар адабиёт экан деб, шуларга эргашаётганлар ҳам бор. Аммо иккинчи йўналиш, яъни ўзини адабиётнинг азалий анъаналарига содиқ қолиб, адабиётни инсон ҳақидаги изтироб, гўзалликни кашф этиш деб билганлар, асарни санъат деб билганлар гарчи, кам асар ёзаётган ёки эълон қилаётган бўлсалар-да, адабиётнинг соф анъаналарига содиқ қолишди. Улар бугунги тижорат васвасаси олдида заиф ва кучсизга ўхшайди. Лекин эртанги ҳақиқий адабиётни бугунги тижоратга ва илтифот кутишга ўрганиб қолганлар эмас, айнан, ана шулар яратадилар. Эртанги адабиётимиз шуларнинг кўлида. Адабиётнинг миллат кўзгуси эканини ана шулар белгилаб берадилар.

**- Замоनावий технология бир-биримизга ёзганларимизни етказишни осонлаштирди, ахборот олишимизни тезлаштирди. Бу жараён ҳақида фикрларингиз...**

- Биз бир бутун яхлит ахборот тизимига кириб, соат эрталабки тўққиздаёқ Геральд Питнер бугун нима нонушта қилганини билиб оладиган даражада имкониятга эга бўлдик. Дунё бир лаҳзада сизни ҳам эътироф этади, ҳам фош қилади. Аммо бу фақат восита, адабиёт эмас. Технология ривожланиши - бу ҳали адабиёт ривожланиши дегани эмас. Техникага техника деб қараш керак, уни илоҳийлаштириш ёки уни фетишлаштириш керак эмас. Адабиётни билмасдан, санъатни тушунмасдан, ҳали дид ва савия, одамийлик тушунчаси шаклланмай туриб, техникага уйғонган меҳр-муҳаббат - бу одамнинг ўзини, қалбини техникага - тошга айлантириб қўяди. Одам ҳамма нарсани, меҳр туйғусини ҳам техника билан ўлчайдиганга айланади. Шу маънода гарб футурологларининг огоҳлантиришида жон бор. "Терминатор" - бу жиддий огоҳлантириш! Инсоният мана шу катта фожиа билан юзма-юз турибди. Адабиёт ҳам шу фожиани англаб, ундан қалбимизни асраб қолиш учун бор имкониятини ишга солиши керак. Биз қайси бирини танлашимиз ўзимизга боғлиқ. Бу фожадан бизни, қалбимизни фақат адабиёт, санъат ва яна адабиёт қутқара олади.

# СОҲИБҚИРОННИНГ ҚИЛИЧИ - АДОЛАТ МАШЪАЛИ

Она Ватанимиз Турони замин озодлиги йўлида ўзини бахшида этган, уни зулм ва жаҳолат, адолатсизлик, талон-тарождлардан қутқарган, жаҳон сиёсий ва ҳарбий майдонига фавқулодда отилиб чиққан, Оллоҳ назари тушган буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур шахси мана салкам етти асрдир-ки, бутун дун-ёнинг тарихчи-ю адабиёт аҳлинигина эмас, ҳар бир инсонни қизиқтириб келади.

Амир Темур Марказий Осиёда шимолий ва шимолий-шарқий сарҳадлардаги Буюк кўчманчилик босқинчиликларига барҳам берган, Шарқда Ҳиндистон ва Ҳитой, Жанубида Эрон, Афғонистон ва кейинроқ қатор араб мамлакатлари, ғарбда Рим ва кейинроқ Европа мамлакатларида тартиб ўрнатиб, дунёни ўз адолат туғи остига бирлаштирган ва унинг тараққий-тининг асоси Буюк ипак йўли тизими ни ишлаб чиққан эди. Шу боис ўз даврида давлат тизими, бошқарув тартиблари, дипломатик муносабатлар, давлатлар билан ўрнатилган дўстона муносабатлар, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг ривожланишига яхши шарт-шароитлар яратилган эди. У зотнинг илм-фан аҳлига гамхўрлик кўрсатганлиги, унинг тарих олдида буюк сиймо эканлигидан далолат беради. Етти иқлим ҳукмдорининг ана шундай мислсиз ҳарбий ва ҳаётий фаолияти нафақат бизни, балки француз ёзувчиси Марсель Брион, рус шарқшунос олими Владимир Бартольд, Владимир Черневанский каби кўплаб хорижлик мозийшуносларни ўзига мафтун этган. Бироқ, ўзбек тарихшунослари дунё

илм-фаннинг тажрибаларини кузатишларига кўра, тарихий шахсларни ҳақиқий ватандош тадқиқотчи, ижодкоргина тўлақонли ёрита олади, тарихий ҳақиқатни ҳаққоний ва холис баҳолайди. Чунки ворис тарихшуносгина аждоднинг миллий дунёқаришини, мақсадини, давр муҳитини чин дилдан ҳис қила олади.

Бугунги кунда улуғ муаррихлар Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Алахонтўра Соқуний, шунингдек, бизга асрдош тарихчилар Бўрибой Аҳмедов, Муҳаммад Али, Темир Ширинов, Ҳаким Сатторий каби темуршуносликка меҳр қўйганларнинг изидан бораётган Бахтиёр Ҳайдаров Соҳибқирон ҳақида янги ва қимматли маълумотларни йиғиш мақсадида юртимизни пиёда айланиб чиққан, ҳатто робомизнинг қадами етган жойларни велосипедда келиб чиқишга тайёр публицист-журналист сифатида уни ҳақиқий темуршунослардан бири десак, муболаға бўлмаса керак.

Шу маънода, Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Соҳибқироннинг қиличи" номли рисоласи жуда катта бадиий-илмий қимматга эга. Асар гарчи, 2002 йил "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган бўлса-да, сира ўз қимматини йўқотмаган. Унда теша тегмаган тарихий маълумотлар, Ватанга муҳаббат туйғуси уфуриб турибди.

Мустақиллик туфайли ўзлигимиз, маънавий-моддий меросимиз халқимизга қайтди. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок, Президентимиз Ислоҳ Каримов Соҳибқирон Амир Темур шахсига юксак шараф, меҳр ва жонқуярлик билан эътибор қаратди. Барал-

ла, Амир Темур асос солган тарихий обидаларни ҳамда маънавий меросини қайта тиклашга даъват қилиб, қанча маблағ керак бўлса сарф қилинишини, зеро, буюк бобокалонимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиблигини таъкидлаб, шу баробарида, барча улуғ бобокалонларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг юбилейларини ўтказиш, тарихий иншоотларни обод этилишига бош-қош бўлди. Натижада дунё сайёҳлари ҳам бу муъжизакор тарихий масканларни ҳавас билан келиб зиёрат қилмоқдалар (ҳатто ўзбектурузим соҳаси юзага келди).

Юртбошимизнинг ана шундай эзгу ва тарихий юксак ишларидан илҳомланган темуршуносларимиз Соҳибқирон бобомизнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ҳолисона ўрганишга киришдилар. 1991 йилда "Амир Темур юрган йўллар бўйлаб" илмий экспедиция ташкил қилиниб, экспедиция аъзолари орасида Бахтиёр Ҳайдаров ҳам бор эди. У темуршунослар жамоасидан айри ҳолда, бир ўзи, буюк Темур туғилган қишлоқ Хўжаилбордан то Қоразм, Қорақалпоғис-тон ва Тошкентга қадар тарихий мавзеларни велосипедда босиб ўтди. "Сафар кундалиги" - "Соҳибқироннинг қиличи" рисоласи янги ва қизиқарли ривоятлар, тарихий ҳужжатлар асосида халқона раванда ёзилгани билан гўзал таассуротлар қолдиради. Бинобарин, асарда Ватанга муҳаббат жўш уриб турибди. Шахсан мен рисоладаги Соҳибқирон Амир Темурнинг она юртга, Шаҳри Кешдаги Оқсаройга, аждодларга, пирларга, келажакка бўлган муҳаббатини англаб, Ватанни қандай севишни ҳис қилдим.

Рисоланинг "Оқсарой" номли ҳикоясида келтирилишича, жаҳонгирнинг буйруғига кўра, 1380 йилда Кеш шаҳри атрофида мудофаа деворлари бунёд этилади. Шаҳардаги Дор ус-саодат, Дор ут-тиловат мажмуалари ва Оқсарой қасри деярли, бир вақтда

қурилган. Манбаларда қайд этилишича, биргина Оқсаройнинг қурилишида 100 мингдан зиёд одам қатнашган, бошқаларида ҳам бундан кам усталар ва қурувчилар иштирок этмаган. Шу рақамнинг ўзидан ҳам Темур салтанатининг қудратини, қолаверса, фақат жангу жадалга эмас, балки бунёдкорликка, ободонлаштиришга илм-маърифатга қанчалик эътибор берилганлигини англаш қийин эмас. Шундай қудратли Империя марказида Оқсарой дунё муъжизаларидан бири сифатида гоёат хайратомуз ва ҳашаматли тарзда бунёд этилган бўлиб, "Кунгураси осмон қадар" минг хонали саройнинг томида зилол сувли ҳовуз бўлган. Бунақаси ҳатто қадимги Бобилнинг Осма боғларида ҳам бўлмаган. Ушбу ҳовузга сув 35 километрлик масофадан сопол қувурлар ёрдамида Тахти Қорача довоидан табиий оқим бўйлаб сарой юқорисигача кўтарилган. Қасрда ҳатто бамбук найлари орқали қимиз ҳам оқиб турган деган маълумотлар бор. Демак, булар ўша даврда бизда меъморлик, муҳандислик илми нақадар ривож топганлигига далил бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки, етти муъжизанинг бири Тожмаҳални ҳинд халқи: "Тўрт устун устида бир лаҳза нафас ростлаётган оқ булут", - дея таърифлашади. Нечоғли гўзал ўхшатиш, гурур мужассам бу жумлада. Оқсарой эса тарихий манбаларда Тожмаҳалдан да гўзал ва улуғвор эканлиги талқин этилган. Агар ҳозир, баландлиги 65 метрлик минг хонали Оқсарой асл ҳолида турганида борми, у "инсон кўли билан бунёд этилган осмон гумбази" деб юритилармиди Шарқ халқларида?! Керак бўлса, ҳозир ҳам муҳташам Оқсаройнинг сақланиб қолган қисми ўз салобати билан ҳар биримизнинг қалбимизга гурур ва қатъийлик ҳиссини бағишлайди.

Рисолада келтирилишича, Чор под-

шосига Туркистондаги маълумотларни юбориб турган бир машхур рус олими катта йиғинларнинг бирида шундай деган экан: "Агар Туркистонни бўйсундириб, бошқаришни истар эканмиз, энг аввало биз уларнинг осмонўпар бинолари-ю, миноралари, масжид-у мадрасаларини ер юзидан буткул йўқотишимиз зарур. Чунки улар ўша биноларга боқиб куч олади, гурурландилар. Сўнгра биз уларнинг тарихини қайта ёзиб беришимиз керак. Шундагина бу халқни мутеликда ушлаб туриш мумкин". Шунга ўхшаш мисоллар билан муаллиф жуда теран, халқона йўсинда, Темур ва унинг фаолияти ҳақидаги ривоятларни, тарихий манбаларни ворислик фарзи, ватандошлик туйғуси, келажак нуқтаи назаридан ўрганайди.

"Хар манзилда минг бир ривоят" ҳикоясида "Дархон момо" ривоятини қистириб ўтишида Темурнинг ҳақиқий образини очиб ташлайди. Унинг камтар, олижаноб эканлигига ишора қилади. Масалан, муаллиф мана шундай ёзади: "Амир Темур ўз жанговар фаолиятининг дастлабки даврида, навкар тўплаш ва ҳокимиятни қўлга киритиш истагида юрт кезиб юриб, бир кун Дархон момонинг кулбасига меҳмон бўлади. Момо уни шавла билан сийлайди. Қорни оч қолган, шошиб шавла еган Темурнинг оғзи куяди. Буни кузатиб турган момо, Темур меҳмони эканини билмай: "Ўғлим, сен ҳам Темурга ўхшаб шошқалоқ кўринадан - у Қарши қалъасини олиш учун тўппа-тўғри шаҳарга ҳужум қилиб, оғзи куйиб енгилди. Аввал, аста-секин ён-атрофдаги қишлоқларни эгалласа, иши осон кўчар эди..." - дейди. Амир Темур Қарши ҳукмдори бўлгач, момага: "Момо тиланг тилагингизни", - деганида, Дархон момо: "Қишлоғимизга ариқ ўтказиб бер!" - дейди. Дархон момо ариғидан хозирда 14 та ариқ сув олади".

Бу ривоятда халқ донишмандлиги

уфуриб турибди. Шундай қилиб, Қарши ҳукмдори бўлган Амир Темурдан момо истаганча тилла эмас, балки қишлоққа катта ариқ ўтказиб беришини сўрайди. Гарчи ариқ илгари ҳам кичиккина бўлган бўлса-да, катта ариқ кавлангач, у халқ томонидан "Дархонариқ" дея аталади. Неча асрларни пешлаб келаётган ушбу ариққа бобомизнинг назари тушган, у шу ариқ бўйларидан ўтган, уни кўздан кечирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Муаллиф буни дилдан ҳис қилади, у жойларни ўз кўзи билан кўради. Ривоятларни оқсоқол ва билганлардан эшитиб, ёзиб олади, фотолавахалар тўплайди.

Асарда "Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб", "Соҳибқирон эътиқод қўйган пирлар", "Абадий севги қасри", "Оқсарой армони", "Соҳибқирон амирлари", "Соҳибқироннинг нафосат ва гўзаллик олами", "Соҳибқироннинг қиличи", "Фаришталар ҳимоясидаги шаҳар", "Амир Темур сағанасидаги қабртош битиги", "Ўзбек аср бек дегани", "Минг аскар"нинг қайтиши" (қураш санъати) каби ҳикоялари таҳсинга сазовор.

Асарни ўқиш чоғида ўтмишга саёҳат қилгандек бўласиз. Бу саёҳат Бахтиёр Ҳайдаровнинг равон тили орқали кўз олдингиздан кино тасмаларидек ўтади. Тарихий воқеалар, ҳатто испан элчисининг дуненинг ярмини эгаллаган хон билан илк учрашувида тахт олдида оқаётган зилол сувли ариқдаги олтин олмаларни Клавиҳо кўзи билан эмас, миллий меросимизга меҳри бор публицист Бахтиёр Ҳайдаров кўзи билан кўриш мароқли эканлигини англайсиз. Ҳатто бобокалонимиз Соҳибқирон дунёқаришини идрок этасиз.

Амир Темур ҳақида барча тарихий манбаларда учраган маълумотлардан хабаримиз бор, лекин уни яқка экспедиция аъзоси орқали репортаж мақола сифатида гўё жонли кўриш, одамлардан ҳайратли ривоятларни эшитиш

ўзгача гашт беради. "Соҳибқироннинг қиличи" мавзусидаги фикр-мулоҳазалари эса "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган иборага жуда хос ва мос келади. Негаки буюк Темур тутган қиличнинг ҳозирда Эрондаги музейда туриши муаллифни қаттиқ таъсирлантиради. Ворислик ҳақини мардларча ҳайқириб талаб қилади. Уни Соҳибқироннинг Ватанида туришини орзу қилади, чин дилдан истайди.

"Сўнмас Сиймо" бобида айтилганидек, турли тарихий ва замонавий суратларда Амир Темур сиймоси тасвирланганига гувоҳ бўламиз, лекин Соҳибқиронни турли миллат рассомлари турлича тасвирлар экан, у бўёқларда ҳақиқий Амир Темур эмас; балки уларнинг орзусидаги ўз миллий қахрамонлари ифодалангани барчамизга маълум.

Замонавий ўзбек рассомларига келсак, муаллиф тили билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳали Амир Темур сиймосини жуда чуқур ўрганса, бунданда яхши суратлар чиза олайди. Шу жумладан, рисолада бу мавзуга эътибор қаратадиган бўлсак, Бахтиёр Ҳайдаровнинг синч-ков, Темур тарихининг ҳақиқий билимдонларидан бири эканлиги намён бўлади. Чунки у: "Соҳибқиронни сўз орқали усталик билан тасвирлаган тарихнавис олим Ибн Арабшоҳдан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди", - дея ҳақиқий Темурнинг чизгиси - портретини тасвирлаб беради, "Темур, - деб ёзган эди у, - баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешанали, катта бошли, бағоят кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу-қизил юзли, лекин доғсиз, бугдойранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг қўли ва ўнг оёғи чўлоқ, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон

овозли эди, у ўлимдан қўрқмас, ёши етмишга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди".

Мана, Темур бобомизнинг асл сиймоси, бундан ортиқ чизги йўқ. Кўз олдимизда унинг улугвор қиёфаси намён бўлади - қўяди, улуг салтанатга мос ва хос салобат, салоҳият!..

27 мамлакатни туғи остига бирлаштириб, у худудларда сарҳадлар дахлсизлиги ва тинчлигини таъминлашнинг ўзи бўладими? Тарихан кўпчилик уни қонхўр, шафқатсиз ва жоҳил дея таърифлаган, бироқ ақл тарозисига соладиган бўлсак, бу таърифнинг умуман ҳақиқатдан йироқлиги ойдинлашди-қўяди. Зеро, Темур шафқатсиз бир тарихий муҳитда туғилди, қолаверса, фақат иши қон тўкиш бўлган вайронкор сулолалар тирқираб юрган улкан салтанатни бошқаришда адолат ва муросага таянган, камдан-кам ҳолларда қилични ишга солганини "Темур тузуклари" да ёзиб қолдирган. Бахтиёр Ҳайдаров эса ушбу бобда Ибн Арабшоҳдан мадад олиб, Соҳибқироннинг икки оламини ҳам топиб олади. "У ҳазил-мазах ва ёлгонни ёқтирмас, уйин-кулгу ва кўнгилхушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди: у (бўлиб) ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди... Унинг мажлисида уятсиз сўзлар, ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчи бўлиб, жасоратли кишиларни, довурак ва мардларни ёқтирар эди... У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада саводатли, улугворлиги ўзига мувофиқ қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй эди... У бировдан бирон гапни эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишораларини сезадиган идрокли

киши эди. У синчков, ҳар ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Зийраклиги, тажрибаси билан чин насиҳатгўйдан сохта насиҳатгўйни идрок этар; тафаккури билан нақ "учиб бораётган юлдуз"ни тўғри йўлга бошлар, фаросати, мулоҳазаси билан ҳар бир қайсар "Сайёра ўқи"ни ўз измига юрита олар эди ". Тасанно! Бу тарихий ҳужжат Соҳибқироннинг сурат ва сийратини очиб беради, ҳеч кимга аён бўлмаган жиҳатларини кашф этади. Бундай хусусият ва хислат Қирон буржида туғилган Соҳибқиронгагина хос; унинг адолатлиги, ҳар бир нарсага ўйламасдан хулоса чиқариш эмас, далил талаб қилишини айтмайсиэми! Бу зот Мулки Турон Соҳибқирони - Амир Темур бобомиздир.

"Амир Темур раҳнамолиги остида" (Соҳибқирон салтанатидаги боғжона сиёсати) мавзусида Темур салтанатининг географик жиҳатидан 27 та мамлакатнинг бирлигидан ташкил топганлиги, ер юзининг катта қисми, турли миллат-элатлардан иборат салтанатни бошқариш, бунинг устига, Буюк Ипак йўлини кўчманчи босқинчилардан ҳимоя қилиши, адолат ўрнатишида ақл-заковати, стратегияси, ҳарбий тактикаси, адолатпарварлиги, моҳир дипломат бўлганлиги, халқпарварлик ва иқтисодий қонунларни мукамал билиши қўл келган. Натижада савдо кўлами кенгайиб, Шарқ ва Ғарб ўртасида алоқалар тикланиб хавфсизлик таъминланган. Чунки Буюк Ипак йўли Марказий Осиё худудидан ўтган бўлиб, Ўрта денгиздаги Суриянинг Антоҳия (ёки Анталья) порти узоқ вақт Испания, Португалия, Венециядан товарларни ташувчи кемаларга хизмат қилган. Бу кемалардаги моллар карвони

Буюк Ипак йўли орқали Хитой ва Японияга йўл олган. Бу маълумотлар орқали юксак дипломатик муносабатлар тараққий этганлиги яна бир бор аён бўлади.

Асарда "Соҳибқирон Амир Темурнинг нафосат ва гўзаллик олами" сарлавҳали бобида бобокалонимизнинг серқирра, бугун ҳам келажакда ҳам авлодлар учун ибрат бўлгулик, ҳатто қалам аҳлига ҳам ибратли жиҳатлари ёритилади. Масалан:

**Ёрга еткур сабо, ким макр  
қилмишдир манга,  
Қилса кимга макрин,  
қайтадур бир кун анга.**

Ушбу байт Амир Ҳусайн билан муносабатларига дарз кетганида, ўзига дўст бўлган инсонидан завол кўрганида (дилбар шоҳ ва шоир Бобур Мирзо авлодининг фазилатлари ҳам бобосининг феъл-атворини эслатмайдами? - Ш. Курбонов) битилган. Бироқ бу мисра унинг нақадар гўзал табиатли, одамийлиги юксак, билими кенг ва назм илмидан ҳам хабардор эканлигини очиб беради!

Зеро, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам Амир Темур тўғрисида "Мулк шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгир соҳибқирон" дея таърифу тавсиф қилади ва ёзади "Амир Кўрогон - анораллаҳи бурҳониҳи, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдилар, аммо назм ва насрни андоғ хўб маҳал ва мавқеда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор" (Алишер Навоий "Мажолис ун -нафосис"). Бу таъриф Амир Темурнинг кучли нотик бўлганидан ҳам далолат беради.

Энг эътиборлиси, унинг васиятидир, яъни охириги муборак манзилени пири Мир Сайид Бараканинг пойидан танлаши!.. Бундай маънавий юксак даҳо


қайда бор?

130 йил давомида советлар томонидан ваҳший ва босқинчига чиқарилган даҳомиз Кешда Оқсарой, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда Ҳожа Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қурдириши унинг қалбида нақадар бунёдкорлик фазилатлари жўш органлигини кўрсатади, не ажабки, авлодлари Бобурдаги дилбарлик, Улуғбекдаги алломалик, Шоҳжаҳондаги бунёдкорликнинг замини ҳам буюк бобосининг қонидан ўтган бўлса. Шу ўринда айтиб ўтишни истардикки, Юртбошимизнинг 1996 йилни "Амир Темури йили" деб номлаши, шарафли "Амир Темури" орденини таъсис этиши буюк даҳомизни ҳамisha қалбимизда ва онгимизда сақлашимизнинг рамзий маъноси эди, десак янглишмаймиз.

Зеро, Соҳибқирон бобомиз шундай салтанат тузиб комиллик манзилига етган экан, биз ворислар унинг қолдирган маънавий ва моддий меросини ўрганишда Бахтиёр Ҳайдаровга тилақдошмиз.

Публицистнинг ўзига хос йўналишда ёзилган ушбу рисоласи янада бойитилиб қайта нашр этилса, шунингдек, мазкур китобни мактаблар, коллежлар, институтлар кутубхоналарига етказиб бера олсак, ёшларни тарихимизни чуқурроқ англашида, Амир Темури шахсини чуқурроқ ўрганишимизда ҳамда ватанпарварлик руҳида камол топишида яхши манба бўлиб хизмат қилади, деган фикрдамиз.

**Шерзод КУРБОНОВ,**  
"Соғлом авлод учун" журналининг  
булим мудирини.



## "Амир Темур" уч пардали муסיқали драмаси

**Муаллиф:**  
Георг Фридрих Гендель  
Либретто муаллифи:  
Никола Франческо Хайм

Таржимон (рус тили):  
А. Шарапов  
Таржимон (ўзбек тили):  
Фулом Мирзо

### Давоми. Боши ўтган сонда

#### VIII саҳна

Темурбек саройининг ҳашаматли пешайвони.

Бир томонда – Андроник,  
иккинчи томонда – Ирина ва Леон.  
Оҳанг (қироат) билан суғлаш

**Ирина:**

Мана, қандай қайлигига меҳрли Темур,  
Бу қайликнинг сепи, зотан бир лодшоҳ  
ликдур!

Аста ўтиб борайин-чи саройга томон,  
учраб қолар ундан бошқа бирор меҳри-  
бон?

**Леон:**

Бунда юнонлар қироли бўлдилар ҳозир.  
Соҳибқирон ҳам кепқолар, бизлар – мун-  
тазир.

**Андроник:**

Гап шундаки, Сиз жаноби олияларини  
хузурига Амир мени шахсан жўнатди.  
Шукр, сиздек марҳаматли хонимни бу-  
гун кутиб олиш шарафига муяссар этди.

**Ирина:**

Аммо, қани, қаердадир, менинг қайли-  
гим?

**Андроник:**

Аммо, қани, қаердадир, менинг қайли-  
гим?

Энди сизга бор гапни рост айтмасам  
бўлмас.

Темурбекнинг ўрнига мен келдим – шу  
абас.

Сезмоқдаман, бундай бадал сизга қай-  
гули.

**Ирина:**

Демак, мени лаққилатиб юрган Темур-

бек,

Эхуд афсус қилмоқдами никоҳимиздан,  
Келганимда, дўст-ёр каби кутмади ва

лек,

Нучимасми баним бўлиб қолмоғимиз-  
дан.

Борми менга уddaбурон бир масла-  
хатгуй.

Токи йулга солиб олай ул бевафони?

Ҳажирлардан ким асрайди, бу ғурбат –  
не куй?

Уч олмоққа кумақлашар бирор мард бор-  
ми?

**Андроник:**

Мен борман.

**Ирина:**

Сен бор. Хўш, қандай йўли бор?

**Андроник:**

Тинглаянг!

Темурбекни билмасдан туриб, бошни  
ёрманг деворга уриб.

Алданг, ўзга либосда келинг,

Иринанинг яқиниман, денг.

Гоҳ ёлворинг, гоҳ қилинг тухмат,

очилмоққа келгай соз фурсат.

**Ирина:**

Сиз айтгандек бўла қолсин, хўп.

Режангизнинг ҳийлалари кўп.

Асосийси – қадримни сақлаб,

ҳақлигимни бергум исботлаб.

**Андроник:**

Леон сизга махфий дўст бўлсин,

Сиз – мағиз, у сизга пўст бўлсин.

**Леон:**

Бош устига, итоатлиман,

Қиролимга садоқатлиман.

**Ирина:**

Кетдик, дўстлар.  
Садоқатли деб билар сизни,  
Трапезунд салтанатин меросхўр кизи.  
Ария

**Ирина:**

Бағритош ул бевафонинг кўйида ўтгай умр.  
Кирдикори бисёр унинг, ўйида ўтгай умр.  
Суйганимни, куйганимни билмас ул,  
золим фалак,  
Мен нетайки, лойқа дарё сувидай ўтгай умр?

### IX сахна

Андроник, ёлғиз.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Андроник:**

Ёрининг бахтсизлигидан куймаганлар қайда бор?  
Истагимни сир тутарман бўлмасин деб ошкор.

Боязидни Темурбекнинг қахридан ас-  
раш зарур, - деб куярман, Астерия лек  
ҳануз саркаш дейур.

Зебо малак ҳайдар мени; васлига куп  
зор этиб, қисмат ҳаргиз ишқ аҳлига  
тўймагай озор этиб.

Гулюзимни кўрсам, қани, бўлгай эрдим  
бахтиёр.

Ёрининг бахтсизлигидан куймаганлар  
қайда бор?

Ария

**Андроник:**

Гарчи нафратланар мендан, зебойим.  
Лекин муҳаббатим ўзгармас доим.  
Хушомад ва лутф қилса ҳам, аммо -  
ғамимга ишқ қадар бўлолмас даво.

### Иккинчи парда

#### I сахна

Темурбек кўшига борадиган йўлак.

**Темурбек ва Андроник**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Темурбек:**

Дўстим, садоқатли хизматларингни са-  
мараси ҳақда олдим шаҳодат.

Манфаатимиз деб жон чеккан сени  
Тўйинг ҳам баракот келтиргай ғоят.

Мени ғаним билиб юрган бир қизни  
попуги пасайиб қолди ниҳоят.

**Андроник:**

Олампаноҳ, Астериянинг аҳволлари ту-  
зукми энди?

**Темурбек:**

Шукр, тузук, у сен туфайли  
Мен - Мажнунга бўлгуси Лайли.

**Андроник:**

Сиз - Мажнунга бўлгуси Лайли.  
Отасининг нечукдир майли?

**Темурбек:**

Ҳозирча у қаттол рози эмасдир.  
Лекин бахтимга ҳам қози эмасдир.  
Наздимда, қизининг майли бор жуда,  
демакки, отасин қаҳри беҳуда.

**Андроник:**

(Ва ниҳоят, мана шу онлар  
тасдиғини топди гумонлар)

**Темурбек:**

Ранжитдими бунча бохабарлигим?  
Хабардорсен - шохсен, дейдилар, илло.  
Бу савдода менинг музаффарлигим  
сабабчиси - сэнга рағбатим аъло.

**Андроник:**

Шу гузал хилқатга эга чиққач, ҳеч -  
у билан юзма-юз келдингизми дуч?

**Темурбек:**

Шу дамларда, зор-интизор ўтаётган  
айни лаҳзалар - Зайда уни хобгоҳимга  
етақлаб келиб қолар...

**Андроник:**

(Водариғо, йўқ эди-я бунинг кераги!)  
Отасининг мазкур ишдан борми дара-  
ги?

**Темурбек:**

Не кону фойда бор бу кўп саволдан?  
Тўй ҳақда тингласам, девдим қиролдан.  
Ирина - сен бориб кўрган киз кеча,  
эрта-индин бўлар муносиб завжа.  
Тўй бошида ўзим тураман, қани -  
кўқларга чирмашсин никоҳ гулхани.

Ария

**Темурбек:**

Маслаҳатли тадбир тарқамас, қовушти-  
рар дилларни никоҳ.

Мен бахтингни кўрсам - шодман, бас.  
Сен ҳам шодсан - бахтим кўрган чоғ.

Бахт очган гулларни чоғиштирамиз, гул-

лардек дилларни алиштирамиз.

## II саҳна

Астерия ва Андроник  
Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

(Ол-а, бевафо ёр! Учрашмай ўлдик,  
қасос кўчасидан тош берар бўлдик)

**Андроник:**

Астерия, хижилмисиз?

Нимадан, нечун?

Сиз шу тахтнинг соҳибаси, юксалинг бу  
кун.

Шу тахтни деб онтлар ичиб келган бир  
чоғда, ҳойнаҳой, сиз мени кўриб, қол-  
дингиз доғда?

**Астерия:**

Сизни кўргач, ҳеч доғда қолганим йўқ,  
тахт ишқидан на бир уялганим йўқ.  
Балки, ўрнак олганман ўзингиздан,  
қилган иш ва айтган ҳар сўзингиздан.

**Андроник:**

Сизга не деган бўлсам, ҳушёр бўл де-  
гандирман.

Энди бундай ўйласам, адашган экан-  
дирман.

Зотан, Темурнинг тахти қамаш тирсудек  
кўзни.

Ўйламагандим, бахтим, жодулаиди деб  
сизни.

**Астерия:**

Мен сизнинг бахтингиз-а?

Бунинг исботи қани?

Бугун чин дўстингиз-а –

менинг қаттол душманим?

Темурбекка нафратим қон-қонимда эка-  
нин билар эдингиз, бахтим, энди гапи-  
ринг, қани?

**Андроник:**

Хабардор эдим, ҳа, бор сизда нафрат,  
лекин тахтга бўлган бундай муҳаббат;  
мана, бугун мамнун ҳукмдор хоним  
иқбол нурларига кўмар дунёни.

Сизда тахтга бўлган бемисл даъво –  
мен ва отангизнинг шўридир, аммо.

**Астерия:**

Тинчланинг, Андроник, тинчлансангиз-  
чи!

Севги-ю даъвом йўқ тахтга нисбатан.

Буни исботлайман...

(лекин, даъфатан, ортиқча нимадир деб  
қўймадимми?)

Бу тахтга ундаган доим сиз мени, аввал  
ҳам айтганман, айтаман кўп бор:

агар рақибим-ла баҳс учун мадор ва ёки  
бир журъат йўқ экан сизда, мен маж-  
бурмас ундан нафратланишга.

**Андроник:**

Агар, шундай бўлса, қаршиман қатъий,  
тўйни тўхтатамиз, тамом-вассалом.

Темурга душманман энди ашаддий, ке-  
ракмас подшоҳлик – у берган инъом.

(Зайда киради ва Астериянинг  
қулоғига шивирлайди)

Ўлиш керак экан, ўлимга шайман, пешо-  
нада ёзган кунни яшайман.

**Астерия:**

Фурсат йўқ, вақт қаёқда – Темурбек чор-  
ламоқда.

Ария

**Астерия:**

Фурсат йўқ, вақт қаёқда – шошгум ёт  
бўғушига

Хўрсинмагин мабодо кириб турсам ту-  
шингга.

Севги – мураккаб савдо, тушуниб етмоқ  
мушкул.

Кимгадир дил бериб, оҳ, ўзгага бергай-  
сан қўл.

## III саҳна

**Андроник, ёлғиз.**

Мусика жўрлигида оҳанг (қироат) билан  
сўзлаш

**Андроник:**

Йўқ-йўқ! Қайга кетдинг менинг илоҳам?

Қалбга қайтарсанг-чи саодатини!

Мен сени кечирдим, авфу эт сен ҳам!

Бироқ, тоқ этасан сен тоқатимни.

Бефарқсан, юрагим тўла ишқ-туйғу,

кўксимдаги ўтга нечун сепдинг сув?..

Бечора Андроник, бошингда не ўй

Астерия кетди. Сен кел энди, қўй.

Ҳаётингни ўйла, Боязидга бор.

Агар шу мағрур чол эплай олмаса

ва ёрингни тўғри йўлга солмаса,

у ҳолда, дардингни аритмоқ душвор.

Ария

**Андроник:**

Хотирим жам эмас, хаёл паришон, сен-  
сиз ҳаёт – азоб, аё илоҳам.  
Тунлари юлдузлар ўқига нишон, кунду-  
зи қуёшдан ўқ ер юрак ҳам.  
Тушкунлик – бир кема, қалқийман беҳол,  
зулматга кўз тиккан денгизчи мисол.  
На қирғоқ кўринар, на бирор чироқ, на  
висол, на умид, на нур, на маёқ...

**IV саҳна**

Соҳибқирон кўшидаги саропарда се-  
кин-аста кўтарилиб, тахт ўртасида: бир  
томонда – болишга суянган Темурбек,  
иккинчи томонда – Астерия намоён  
бўлади.

**Темурбек, Астерия, Леон ва сўнг  
Ирина.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Леон:**

Ижозат этсангиз, эй олампадох кечир-  
гайсиз бу қулингизни.

Бир қизойим Иринанинг номидан шу чок  
тахт пойида сўраб турар қабулингизни.

**Темурбек:**

Гар Ирина бизга уни йўллабдими, бас  
– кирсин, айтсин дилидаги ғусса-ғами-  
ни.

Айни чоғда, Астерия бўлсин ҳамнафас  
тахтимизнинг, бахтимизнинг ёпсин ка-  
мини.

**Ирина:**

(Чўри қиз ардоқда, шоҳбону оёқда?)

Соҳибқирон, маликам – Трапезунд ме-  
росхўри...

**Темурбек:**

У сизга малика ҳамда меросхўр...

Бас! Олибсан мақтов ҳавосин.

Менга аён – нени истаюр –

Иринанинг талаб, даъвоси.

**Ирина:**

Иринанинг даъвоси дангал:

маликага айлаб хиёнат, сўнг чўрига сол-

ганда чангал, қайда қолган экан диёнат?

Ҳойнаҳойки, тахтга чиққан дам,

чўри билмас не қилишин ҳам?

**Темурбек:**

Хўш, хўш, ўша бизнинг Ирина,

нималарни айтаркан яна?

**Ирина:**

Хўш, хўш, ўша Ирина,

неларни айтар яна?

(Зотан, ўшал Ирина –

мен ўзимман-ку, мана).

Эй, сен – кўп калондимоғ,

меросинг недир, билсанг –

ўзга тахтин олган чоғ,

бўйнингга тушган кишан.

Кимдан сенга ўтди ул,

берганга бўлгансан кул.

Зотан, инъомдан мақсад

энг баланд нарх-наводир.

Сот, бер – бари хиёнат,

англадингми, баҳодир?

**Темурбек:**

Бас, етар, ҳов мардумча, чувиллаб кет-  
динг бунча.

Оҳизасан – иззада, хуснинг – нақд би-  
зоат-да.

Ирина, деган исм юракни жизиллатди.

Айб, дейсанми – айбим кўп, тахт, дей-

санми – мана, тахт.

Эвлайдими, келсин, хўп – ҳукмрон бўлсин  
хўшбахт.

**Ирина:**

Бу – осон, ҳам қийиндур, келгай, қол-  
гай, ҳукм этгай.

Кулин сўрмаса Темур – келган жойига  
кетгай.

**Темурбек:**

Жодунг кучлими – қўлла, совет Астери-  
ядан.

Сўнг кучгай ушбу қўллар Иринанинг бе-  
лидан.

(кетади)

**V саҳна**

Астерия, Ирина ва Леон.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Эшит, кимсан – билмадим, бироқ

Иринанинг ёнин олибоқ кўп гапларни

ташладинг тўқиб, бир нарсани энди ол

ўқиб:

Астерия тахтга ҳеч қачон ҳукм сурай, дея

келмаган ва муҳаббат аталмиш туғён

сирларига асир бўлмаган.

**Ирина:**

Бундан менга не фойда?

**Астерия:**

Бундан сенга не фойда?

Ҳовлиқма бир пас, тушун.

Келмаганман бу жойга, йўлингни тўсмоқ учун.

**Ирина:**

Такдир дуч қилгай, насиб.

Бил: на кеч, на азонда, икки қўйнинг калласи қайнамас бир қозонда.

**Астерия:**

Сезмоқдаман: шу кунларда

Иринахоним рад этилгай ёхуд кетгай ўзи тарк этиб.

Айтгил унга – қолсин шунда, бир фур-сат кутиб.

Кафолат деб, мана, сенга тутаман қўлим, мен биламан Темурбекни совитиш йўлин.

(кетади)

**VI сахна**

Ирина ва Леон.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш.

**Ирина:**

Астерия гапирган гаплар – айнан бизнинг мўлжал-матлаблар.

**Леон:**

Шу боис бу гапларни хотирамда сақларман.

**Ирина:**

Хотирангда сақлагин. Балли, эй Леон, сен таянчу суянчсан ҳамиша, ҳар он.

**Леон:**

Шу тариха қиролимга итоатдаман.

Иринахон – маликамга садоқатдаман.

**Ирина:**

Не бўлса ҳам, чўри қизни назоратда тут. Жасоратда олов экан, матонатда – ўт.

**Леон:**

Бош устига, бундан буён бўлгум огоҳ мен. Унинг ҳар бир қадамида унган нигоҳ – мен.

**Ирина:**

Бахтиёр бўлардим – агарки тож-тахт қандайдир тафаккур талаб этган шахд ва ёки гўзаллик туфайли хушбахт, не-не балоларни енгиб йўлида – яна қайтиб келса менинг қўлимга.

Ария

**Ирина:**

Назаримда, юракнинг бу бешигида ишончимнинг нур-боласи улгаймоқда. Айтган сари унга алла, қўшигимдан – бир мустаҳкам Ватан қалбда юксалмоқда.

Аммо ҳали ҳаловатмас, кўкрагимда – Гоҳи шубҳа, гоҳи кўркув уйғонмоқда.

(кетади)

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Леон:**

Кундек равшан бу муҳаббат можаролари – бир-биридан фаройибдир уларнинг бари:

Астерия – ҳаддан зиёд ганим, девона, Темур эса – ошиқдирки, масту мастона,

Ирина-чи – садоқатли дўсту дугона.

Ария

**Леон:**

Ишқ бу қандай илоҳдир.

Ё тинчлик булар тақдир, ё жангга ташлар охир.

Бергай азоб, бергай ғам, ҳолингга қарамас ҳам, сен дард чексанг – у хуррам.

Ишқ ёндирган машъала юрагингга ўқаяр.

Куйдингми, деб сўрмас ул, тўйдингми деб сўрмас ул.

Ишқ илоҳи – илоҳдир...

**VII сахна**

Боязид ва Андроник.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Боязид:**

Андроник, қай ерда менинг қизим?

**Андроник:**

Қай ерда менинг қизим?

Тахт узра сенинг қизинг.

**Боязид:**

Қайси тахт узра, ахир?

**Андроник:**

Қайси тахт узра, ахир?

Душманинг тахтидадир.

**Боязид:**

Темурнинг тахтидами?

**Андроник:**

Темурнинг тахтидами?

Йўқ эса – бахт бўларди!

**Боязид:**

Темурнинг тахтидами?  
Йўқ эса – бахт бўларди!  
Оҳ нотавон, бетамиз!  
Мени сотди-я, бу қиз!  
Қани гапирақол тез!

**Андроник:**

Яқинда ўз кўзим билан кўрдим,  
Темурнинг – хобгоҳига кириб борар  
эди мардона.

Ёки уни қасос дарди беҳад кемирган,  
ё бўлмаса, тахт орзуси этган девона.

**Боязид:**

Ҳой, сен – ошиқ деган номга нолойик,  
кўрқок, менинг тахтим ва демакки се-  
нинг тахтингдан маликани ёт бир тахт-  
га элтганлари чоғ, лаллайганча қолиб-  
сан-да, кечиб бахтингдан?

**Андроник:**

Мен гапирдим, мен бақирдим, аммо у  
батанг.

Отасининг сўзларини қилмаган писанд,  
биз ким бўлмиз?

Ошиқлик ҳам – ҳақирлик, аттанг.  
Шундай экан, сариқ чақа эди бизнинг  
панд.

**Боязид:**

Юргил, қирол, борайлик-чи изма-из у  
ён, балки тахтдан қайтаришга топурмиз  
имкон.

Гар кечиккан бўлсак ҳамки, тахтдан туш  
дерман.

Акс ҳолда, Боязидмас – тупроқман, ер-  
ман.

Ария

**Боязид:**

Ўлса-ўладики, бўлмайди таслим, кадр-  
қимматини топтатиб қўймас.

Ахир, менинг қизим, у – менинг наслим,  
шунинг ўзи бас.

Мендан унга ўтган қон, қаҳр, нафрат –  
кўрқув ё хорликка йўл бермас минбаъд.

### VIII саҳна

Андроник, ёлғиз.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Андроник:**

Модомики, Астерия қилса хиёнат, юра-  
гимни узиб олиб қўлига тутгум – ахир,  
унга ёқар эди ушбу омонат.

Сўнг Темурни ва ўзимни кейин ўлдир-

гум.

Шунда кўнгли ором олса санамнинг  
шояд, азоблари жонимдан ҳам тўйдир-  
ди ғоят.

Ария

**Андроник:**

Йўлбарс мағрур ва маккор, қонхўр, ҳам  
азияткор.

Чунки кўкраги ичра тошдан қаттиқ юрак  
бор.

Шундан меҳру шафқатсиз, илло, у – му-  
ҳаббатсиз.

Жабр унга тасалли.

Бечора, денг ё балли...

### IX саҳна

Тахту равонли кўшк.

Темурбек ва Астерия, сўнг Боязид,  
сўнгра Андроник.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Темурбек:**

Марҳамат, тахт кутар, тахтга, маҳвашим!

**Астерия:**

Амирим, амрингиз мен учун қонун;  
(буғизлаб ташласам, келмоқда ғашим).

**Темурбек:**

Унг қўлингни қўлимга тутгил!

**Астерия:**

Унг қўлингни қўлимга тутгил!

Мана, қўлим сизники буткул.

(Аммо, азоб! Сен тезроқ ўтгил.

Агар, отам кўрсами шу дам?

Ана, отам – боқар сералам!)

**Боязид:**

Астерия, йўл бўлсин?

**Темурбек:**

Астерияга йўл бўлгай!

Боязидга не бўлгай?

**Боязид:**

Боязидга не бўлгай?

Қизин қайтариб қолгай.

**Темурбек:**

Нодон! Бўлсанг ҳам банди,

Хануз сен кўрс ва анди?

**Боязид:**

Дейсан: бўлсанг ҳам банди,

Хануз мен кўрс ва анди?

Гарчанд қўлим кишандор,

Оталик ҳуқуқим бор.

**Темурбек:**

Астерия сенга қизмас шу дақиқадан.  
Умид узгил бундан буён рафиқамиздан.

**Боязид:**

Сенинг рафиқангми?

Асло мумкинмас.

Илло, бизнинг қонлар асти қўшилмас.

**Темурбек:**

Сен қуруқ мақтанчоқ, лаънати олчоқ.

Эгангман, қуллинг унутдинг бу чоқ?

**Боязид:**

Оҳ! Бахтлими ё бахтсиз ўша тасодиф

Сув куйди-да сенинг тегирмонингга

Менга берганича минг битта фириб,

Ора кириб келар сенинг жонингга.

(Астерияга қараб)

Сен эса оғзингга мум солгандайин,

Турибсан, юзларинг ҳаёдан қирмиз.

Шу ҳаё жазонгни бергайдир, тайин.

Беақл, беадаб ва маккора қиз!

**Темурбек:**

Беақл, беадаб ва маккора қиз!

Ҳой, дарров тилингни тиш остига қис!

Сенинг захар феълинг жонимга тегди,

Агар Астерия бўлмаса эди

Мен унга бўлмасам эди маҳлиё,

Бошингни танангдан этардим, жудо.

**Боязид:**

Шундай дегин!

Нега қараб турибсан унда?

Бир ижро соз, юз марталаб ваъда бер-  
гандан.

**Астерия:**

(Бундай хавфнинг кети ҳалоқат;

Сукут сақла ё қил ибодат)

**Темурбек:**

Шошиб нима қилдим, кирмагач ақл,

хўрлашимга нишондирсан муттасил.

Қани!

Таъзим қилсин етти букилиб, қайсар, бу

кибрли бошин ҳам қилиб, оёғим ости-

да зина бўп турсин, то Амир тахт сари

устидан юрсин.

(Қуриқчилар келиб, Боязидни буки-

лишга мажбурламоқчи бўладилар,

лекин у ўзини ерга юзтубан ташлай-

ди).

**Боязид:**

Ҳеч кимнинг оввора бўлиши шартмас,

мен ўзим ер бўлдим, хор бўлдим, мана.

Бос, топта, сен билан шу тахтга нокас -  
Астерия чиқиб, қилсин тантана.

Токи, отасининг бошида юриб, ғаним  
тахти узра чиққан маккора - нонкўрни  
халойиқ билсин ошкора.

(Темурбек Астериянинг қўлидан тутайди  
ва Боязиднинг бўйнига оёқ қўйиб,  
қизни тахт томон бошламоқчи бўлади)

**Темурбек:**

Юринг, Астерия!

**Астерия:**

Юринг, Астерия!

Эҳ, олампаҳо!

Ортингиздан боргум, фақат йўл - қал-  
тис.

Жуфтингиз бўлишим магар истарсиз,

мени аянг, дейман, ахир - бу гуноҳ!

Қутлуғ йўлнинг очик тургани яхши -

токи бўлай шу он тахтингиз нақши.

**Андроник** (киради:

(Вақтида келибман-а жуда -

Бевафонинг қилиқлари авжида)

**Темурбек:**

Тур ўрнингдан!

**Боязид:**

Тур; дейсанми? Асло, турмасман.

Шундоқ йўлига ётиб олиб, ётиб қолгун-

ча ётиб қолиб, тахт сарига йўл бер-

масман мағруру маккора қизга.

**Темурбек:**

Тур, деяпман сенга; ҳой, қани!

(Боязидни турғизиш учун қуриқчилар

яқинлашганида,

у ўзи ғазаб билан ўрnidан туради)

**Боязид:**

Тур, деяпман сенга;

ҳой, қани!

Воҳ, ёвуз юлдузлар, айбим не менинг!

**Темурбек:**

Айбинг - кеккайишинг,

Боязид, зотан калондимоғ феълинг доим

берган панд.

Қара, қизинг қандай бамаъни.

Сен ҳам - куч топ, инсофга кел, бўлгунча

мулзам.

**Астерия:**

Кечиринг, отажон!

(Боязидга термулади, сўнг Андроникни

яқинидан ўтар экан)

Кечиринг, отажон!  
(Билурмисан, қай йўл билан чиқурман тахтга)

Андроник, нега жимсан?

**Андроник:**

Отангни-я

шу кўйга солдинг.

Мен ғўр-ошиқнинг эса тили танглайига ёпишиб қолди.

(Боязидга қараб)

Сер солиб қаранг-чи,

Боязид, бирров, сизга бурчдан, менга севгидан – қарзи борга ўхшарми манов?

**Боязид:**

Қанийди, кўзларим тушсайди оқиб, номуносибларга тургунча боқиб.

Андроник, не бўлса бўлди.

Боязиднинг қизи йўқ энди. (тахтга орқа ўгириб олади)

**Темурбек:**

Андроник, сизга Темурдан туҳфа олиш вақти келди-ёв.

Сиз боис мен –

Астерияга қув.

Мен туфайли сиз –

Иринанинг ёри.

Ва бир эмас, икки тахтга соҳибсиз бирдан.

Ана энди Иринани чорланг кўшк сари!

### Х саҳна

Ирина ва кўшқда тўпланганлар

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш ва мусиқа журлигида оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Ирина:**

Мен унинг ўрнига келяпман, мана, унга ваъда қилиб, аталган жойга – эга чиқиб қолмадимикан яна?

Аллақачон банд-ку, наҳот бефойда?..

Сенми ўша: тахтга ҳеч қачон ҳукм сурай, дея келмаган ва муҳаббат аталмиш туғён сирларига асир бўлмаган?

**Астерия:**

(Ҳар ҳолда, сўзларим эсида экан)

**Темурбек:**

Ўша кўрс аёл-ку, бу ерда яна?

Қани Ирина?

**Ирина:**

Ирина бундан сўнг келмагай сира.

Тахт вафо қилмаса, тахмон не керак.

**Темурбек:**

Шундай қилки, Астерия –ҳамма билан чиқишиб кетсин.

Иринангни ўшанда қучгум.

**Ирина:**

Астерияни ҳамма билан ярашишга кўндирмоқ?

Бу – имконсиз, бироқ!

Адолат ҳаққи-хурмати сўрайман:

Мана шу қаршимда турган – ўзгаларнинг бахту тахтини, ҳақ-ҳуқуқларини ноқонуний эгаллаб олган, яқинларин аямай сотган ва сотилган мазкур “малика”га ярашиш учун қўл чўзадиган бирор кас борми?

Қани, ким? Боязидми? Бечора ота.

Балки, Андроникдир? Ундан ҳазар қилгай, ахир, хонимча.

Темурбекмикан? У хонимнинг наздида қаттол жинойтчи-ку!

Демак, қўлловчи йўқ, демак ожизман.

(Ирина кетмоқчи бўлганида, уни Боязид чақиради)

**Боязид:**

Ошиқма, ожиза, сенга сўз бергум:

шу тахтдан| воз кечса – қизим бўлар ул.

Агар воз кечмаса – оқ қилгум буткул.

Билиб қўй, макқора;

сен ҳам, қаттол ёв, сўзлашимга бермай тур халал.

Бугун сўнгги марта тинглаб турибсиз, сасим эшитмайсиз кейин ҳеч маҳал.

**Андроник:**

Хукмдор...

**Боязид:**

Хукмдор...

Сўзимни бўлмай турсанг-чи.

Астерия (бундан кейин қизим демасман, илло),

эслайсанми, айт:

Темурни душман деб, қасос учун

қасам ичгандинг бир пайт?

Менинг қоним оқяптими томирларингда?

Алдоқчи, айёра.

Аслида, жазманингдан:

отангнинг қатлини, эвазига палиднинг

тахтини сўраган чиқарсан, ҳойнаҳой.  
Мана, кўксим – урмайсанми ханжар?  
Мана, бошим – кессинлар, буюр!  
Охирига етказ ёвуз режангни.

**Андроник:**

(Сезаяман, чексиз ғуссадан адо бўлиб  
борар бу юрак)

**Боязид:**

Бераҳм қиз, ўлдир дея шунча ялинди  
отанг, оқ қилдим деб, кўк қилдим деб,  
талвасалади ҳатто – айт, зиғирча ачин-  
динг ё озгина чўчидингми?

Кетдик, ўлим, бундан бошқа жойда  
бўлайлик гадо!

**Астерия:**

(ўрнидан туради)

Ота, шошманг!

**Темурбек:**

Ота, шошманг!

Астерия, шунчалик ҳам  
ожизамисан, наҳот –  
ношудларнинг ноласидан  
ташвиш текмоқ не ҳожат.

**Астерия:**

Нола чеккан отам-ку, ахир.

**Темурбек:**

Нола чеккан отам-ку, ахир.

Мен сен учун – ёстикдошинг, эр.

**Астерия:**

Ҳозирча ҳеч бундай эмас  
ва мумкиндир кетмоғим.  
Мана, йўлни энди тўсмас  
падарим – суянч тоғим.

**Темурбек:**

Не учун турибсан? Кетгин унда тез!

Темурбек тахтига белисанд одам –  
бу шаънга муносиб эмас бирон дам.

**Ирина ва Андроник:**

Астерия кетармикан?

**Астерия:**

Астерия кетармикан?

Мана, ҳозир кетарман...

**Темурбек:**

Астерия кетармикан?

Мана, ҳозир кетармиш...

Ўҳ-ҳўв, бу қув ёсуман!

**Астерия:**

Ота, нима ишлар қилиб кўйдингиз-а,  
отажон.

Қасос қушин қанотини қайирдингиз бе-  
омон.

**Темурбек:**

Сиз кишандан бошқасига лойиқмассиз,  
баттоллар!

Салтанатдан ўз кибрини устун кўйган  
ҳар бир кас –

Бу салтанат шавкатига бир лаҳза ҳам  
арзимас, шунинг учун бандиликнинг зин-  
донига йўл олар.

(Темурбек тахтни тарк этиш учун ўрни-  
дан туради;

Астерия уни тўхтатиб қолади)

**Боязид:**

Кетдик, ахир.

**Астерия:**

Кетдик, ахир.

Темурбек, шошманг.

(ихчам ханжарини кўлига олади)

Ҳамманг эшит қотганча тошдек, сен ҳам,

Темур, ҳаддингдан ошма!

Кўзингизни очурман мошдек.

(Астерия ханжарчани тахт зинасига,

Темурбекнинг пойига ташлайди)

Астерия сенга атаган илк висолнинг  
бўсасидир бу.

Келинчаклар каби ясанган ғаниминг-  
нинг тўхфасидир бу.

Тури, ҳозир у хор ва поймол, қирқа ол-  
мас қадамларингни.

Лек қасдимни шундай эслаб қол ва унут-  
ма аламларингни.

**Ирина:**

Қандай довюрак аёл!

**Боязид:**

Қандай довюрак аёл!

Ҳа, ҳа, шерюрак аёл!

**Андроник:**

Қандай довюрак аёл!

Ҳа, ҳа, шерюрак аёл!

Айнан ҳақюрак аёл!

**Темурбек:**

(ғазаб билан тахтни тарк этар экан)

Унутмайми аламларимни?

Ноҳақ қадри топталган подшоҳ ва ошиқ-  
ки, хўрланган ногоҳ, унутмайми аламла-  
римни?

Ота ва қиз ҳимояси-чун минглаб қўшин  
изласин чора, кечирилмас хиёнат ле-

кин – жазолайман юз ва минг бора.

Терцет (уч киши ижросида)

**Темурибек:**

Жангга, майдонга.

**Боязид:**

Ма, кўксим – майдон,

**Темурибек:**

Ташнаман қонга,

**Астерия:**

Ол, юрагим – қон,

**Темурибек:**

Адо бўл, бадбахт,

**Боязид:**

Қазодан кўрқмам,

**Темурибек:**

Чалсин-а ўлат,

**Астерия:**

Розиман мен ҳам,

**Темурибек:**

Қаҳрим беомон.

**Боязид ва Астерия:**

Майли, берсак жон.

(Темурибек кўриқчиларнинг бир қисми билан чиқиб кетади)

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Ота, очиқ айтингиз қизингизга,

Энди лойиқ бўлдимми ўзингизга?

Ариетта

**Боязид:**

Эҳ, жон қизим, аламинга бўлдинг-эм, энди бизга дош беролмагай ганим.

(бир нечта кўриқчилар қуршовида чиқиб кетади)

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Андроник, ҳали ҳам гинанг борми, хануз сенга мен бир бевафо ёрми?

Ариетта

**Андроник:**

Араз ҳам қилганман, ғараз ҳам қилганман, оҳ, бағритош ёр.

Афсусдаман бу кун, гуноҳларим учун, кечирма зинҳор.

(кетади)

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Ҳалиям кўрсманми мен,

қани, айтинг, дугона?

Ариетта

**Ирина:**

Йўқ, сен менга доимо кўрсатгансан садоқат, энди менга бер навбат.

Ёр менга қайтса, аммо дугонажоним, минбаъд чўринг бўлурман фақат.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Хайриятки, боплаб ўч олдим охир ўша олчоқ ганимдан.

Гарчи баттол кутилиб қолди ханжарчанинг ўткир дамидан.

Ишқи – алам, бағри – қон энди, унга бўлар кўп ёмон энди.

Ария

Ужар бахтни кўндириб, тақдирни тасдим этсам – бахтиёр бўлгум эди!

Ғамни қалбдан ўчириб, вафодор ёрни кўрсам – дарддан қутулгум эди.

### Учинчи парда

#### I саҳна

Сарой ҳарамининг Боязид билан Астерия

бандиликда сақланаётган ҳовлиси.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Боязид:**

Жоним қизим, хато ўтди иккимиздан ҳам.

Менинг айбим – таҳқиромуз нафратим бўлса, сени хатонг – севишига қарадинг беғам.

Ваҳоланки, мендан қасос олгиси келса, ганим сенинг кўнглинга йўл изларди ҳар дам.

**Астерия:**

Барчасига ёлғиз ўзим айбдор, қасос олмай, режам бўлди ошқор.

**Боязид:**

Ғаним янги ҳақоратларга дуч этмасми бизларни тағин.

Тўримдан-ку гўрим кўп яқин, лекин сен...

**Астерия:**

Лекин сен..., деб қийнаманг-да, отажон, халос бўлиш йўлин айтингиз шу он!

**Боязид:**

Эшит,.. лекин бўл ҳазир:

халос бўлмоқлик йўли – сен учун жасоратдир ва ёки шаксиз ўлим.

**Астерия:**

Майли, келса-кепти-да қазо, сиз эмас,  
мен ўлганим авло.

**Боязид:**

Қазо сен ва менга ҳам келар.  
Ма, яшир бу захри қотилни.  
Ғазнамнинг бор-йўғи шу – захар, ўзим-  
га ҳам озгина қолди.  
Оқилона сен уни қўлла, қасоскор бу юра-  
гим сен-ла.

**Астерия:**

Ота, шундай бебаҳо инъом тутган бу қўл  
– менга кўп азиз;  
жон берсангиз қилади алам хор-зорлик-  
да, ёлғиз ва бахтсиз.

**Боязид:**

Энди менга ўхшадинг, қизим!  
Қутулгаймиз кишандан албат.  
Бошқа ечим қолмади ўзи, кутмоқдадир  
кўп оғир қисмат.

Сен – дунёда ягона эркам, бил, узингга  
қила туриб қасд, ўз-ўзингни авайла, мен  
ҳам – ўз-ўзимни сақлайин минбаъд.

Оҳ, жон болам! Бундан сўнгра Темур  
ҳақоратга шайланган чоғи мана шуни  
олгину симир ва ўз ишын бажаргай оғу,  
менга етган пайти шум хабар, Ғалим  
келгай ичмоққа захар.

**Астерия:**

Амрингизга розиман, ҳатто – пойингиз-  
га бош урай, ота.

**Боязид:**

Хотиржам юрар ғаним, бизни этиб ки-  
шанбанд, қаттол қисматга, қани – бера  
олармикан панд.

**Ария**

**Боязид:**

Кеча-кундуз ўйларимдасан, синовлар-  
дан ўтиб ол, қизим.

Ва Кавсарнинг бўйларида сен – отажо-  
нинг кутиб ол, қизим.

Мен ҳам олиб бўлгач ўчимни, қанотимга  
йиғиб кучимни, ҳузурингга қушдек уч-  
гумдир, – отажонинг кутиб ол, қизим.

(кетади)

**Ария**

**Астерия**

Мен падари бузрукворимга ва қалбим-  
нинг беки – ёримга садоқатим кўрса-

тай бу дам.

Нимадандир лекин кўнглим ғаш, кўрқув  
азоб беради яккаш:  
бой берсам-а иккисини ҳам...

**II саҳна**

**Темурбек, Андроник ва Астерия бир  
четда.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Темурбек:**

Андроник,  
Астерия қаҳри ушбу кез куч бахш этди  
унга бўлган муҳаббатимга.  
Аслида-ку, шунча таҳқир айлаган бу қиз  
муносибдир бундан баттар ўч-нафра-  
тимга.

Унга жазо бермоғим шарт, лек малак-  
сиймо

Боязид деб менга макр – қилди, ўйла-  
сам

Унинг меҳри қасос ўтин ўчираар борҳо  
ва тобора қасуаймоқда қалбимда алам.

**Андроник:**

(Бошланиши бунча мудҳиш суҳбатимиз-  
нинг!)

**Темурбек:**

(Бошланиши бунча мудҳиш суҳбатимиз-  
нинг!)

Ғазаб оти ва ҳаттоки эгардан тушдим.  
Ҳушхабарчим этиб энди тайинлай сени,  
Бориб айтгин, тахтим ҳамон улар-чун  
бўшдир.

**Андроник:**

Ҳукмдорим, кўрқаманки, бунда мен  
ожиз, Усмонийлар ёвга мудом шафқат-  
сиз, зотан.

Қолаверса, бундай юксак фармойишин-  
гиз – ижросига каминада қурб қани, ат-  
танг, (энг дастлабки синовда хиёнат  
қилган одам – кейин бўларми содик,  
меҳрибону бокарам)

**Астерия:**

(Мана, сизга – садоқатнинг зўр имтиҳо-  
ни!

Қандай гумон юрагини кемирар чандон?  
Буни нега сўрамайди ўзимдан шу он?)

**Темурбек:**

Бу нимаси, кўзимнинг ёғини ялаган бир  
зот, мандан доим олиб инъом, мукофот.

олий мартабага кўтарсам ҳамки, яна ношукрлик қилса-я, наҳот? Зиммангга ол энди масъулиятни, ёхуд Астериядаги ниятнинг – сабабчиси сен деб гумон қилурман, сени сотқин дея ўйлаб қолурман.

**Андроник:**

Астерия...

**Астерия:**

Астерия... Бас қил, нодуруст!

**Андроник:**

Андроникни тингламай туриб, қарғамокқа шошилманг, гўзал.

Сиз-ла ошиқ каби шай туриб, сўзлашмоққа етиб келди гал.

**Темурбек:**

Бу не қилиқ?

**Астерия:**

Бу не қилиқ? (Воҳ, бу нимаси?)

**Андроник:**

Бу не қилиқ? (Воҳ, бу нимаси?)

Темурбекнинг фойдаси деб, севгиси деб, тўйи деб – жонни жабборга бергандим, ялиниб-ёлворгандим.

Энди ўша таклифимдан, кетмоқдаман эзилиб.

Сиз ёлғондан кунган дамда – ишондик мен ва фаним.

Сизнинг буюк фитнангиздан беҳабар қолдим қачон, энди яна нафратингиз ўқиға менман нишон.

Алалхусус, сиз – севганим,

Темур эса – душманам.

**Темурбек:**

Ишонайми қулоқларимга?

**Андроник:**

Ишонайми қулоқларимга?

Ҳа, Темурбек, ушбу сўзларни қулоққа сиргадек олингиз тақиб.

Ажрата олмайсиз энди бизларни, Мен ошиқман ва сизга рақиб.

**Астерия:**

Бу ошиқмиш ва унга рақиб.

Унингизни ўчиринг, қирол!

**Андроник:**

Асло, шошманг, исёнимни яқунлай олдин:

Хукмдорнинг тўхфалари қолсин боши-

дан.

Астерия, қалбингизга эга бўлмоқ-чун Темурга рад жавоб айтмоқ – менга нашида!

**Темурбек:**

Не-не буюк синовларда туриб ёнимда, Мени қарздор қилмасайдинг агар, кўрс қирол, умидингни узгин эди ширин жонингдан...

Астерия бирон жавоб дермикан, алҳол?

**Астерия:**

Майли, бахтсиз бўлса ҳам, шу муҳаббатимга – бағишлайман борлигимни токи тирикман.

Ўвоҳ бўлдинг сенга чексиз ўч-нафратимга, маъшуқиман – эшитдинг-ку Андроникдан.

**Темурбек:**

Маққора қиз! Ўша севгинг сабабкор энди шунча пайтда бунча қаҳрим қилмаган ишга.

Юзсизлигинг учун ўзинг гуноҳкор энди, мажбур этгум ҳали минг бор тавба қилишга.

**Астерия:**

Ошиғим бор, не ғамим бор.

**Темурбек:**

Ошиғим бор, не ғамим бор.

Курайлик қани.

Боязиднинг бошин жудо этинг танидан, Эрга беринг Астерияни – қулларимнинг энг тубанига.

**Андроник:**

Наҳотки, подшоҳнинг қизини-я...

**Темурбек**

Бас, бир оғиз гапирсанг агар, ҳукмим бўлгай бундан ҳам баттар.

**Астерия:**

(Темурбек олдида тиз чўкиб)

Оҳ, олампаҳоим, бор қаҳрингиз бўлсин мен учун, фақат отам гуноҳин кечинг!...

### III сахна

Боязид ва ўша аввалгилар.

**Боязид:**

Бу нимаси, Астерия?

Пойига тиз чўкибсан кимнинг?

Тур ўрнингдан, ўяй кўзимни – кўргунимча эрка қизимни хўрлашини қаттол ғанимнинг.

**Темурбек:**

Жодуладинг шекилли мени – чунки  
голиб зотлар ҳар қачон мағлубларни  
не қилса, сени – шундай қилгим кел-  
моқда бу он.

**Боязид:**

Не макрлар қўлладинг, гапир – менинг  
қоним этмоқ-чун таҳқир?

**Андроник:**

Қўзгатмангиз унинг қаҳрини!

**Боязид:**

Қўзгатмангиз унинг қаҳрини!  
Воҳ-ҳей! Қаҳри есин-да буни!

**Темурбек:**

Бил, Боязид, қаҳримни бўлмагайдир,  
жиловлаб, бир сен эмас – душманам,  
қўшилди бу икковлон.

Энди битта ўқ билан ургайман уч куён-  
ни – рақибимни, нонқурни ва димоғдор  
жононни.

Боязид ва Астерияни, қани, ҳайдаб бо-  
ринг базмимга;

Андроник, турмай уялиб, ҳамроҳ бўлиб  
боради менга.

Бу иснодни бўйнига тақсин ва куринсин  
қани ёрига, гар ёқтирса, гар шунча ёқса  
– қайтиб борар вафодорига.

Ария

**Темурбек:**

Заҳар силққан юзига боқсам кўксим  
ғамга тўлар яна ҳам.

Шўрлик кизнинг туғёнларига фақат  
қаҳрим бўлгайдир малҳам.

(кетади)

**IV саҳна**

**Боязид, Астерия ва Андроник.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Боязид:**

Ҳой қиз, тубан қилигинг билан мақтовим-  
ни бир пул қилдинг-а, ўз қадрингни  
кул-кул қилдинг-а.

**Астерия:**

Сизни бошингизнинг ташвишин едим.

**Боязид:**

Бошимнинг ташвишин едингми, Хўш,  
кесиб ташладими, кўрдингми?

Бу бош деб бош қотирма энди.

**Астерия:**

Мени эрга бераркан Темур кулларининг

энг тубанига.

**Боязид:**

Бундан кўра ўлганинг создур, қора ер  
бўл ва бирданига.

Андроник, ахир, сен нега – чидаб тур-  
динг шармандаликка?

**Андроник:**

Таскин бўлсам дейман хонимга, бор таш-  
вишим ҳозир шу фақат.

Шодман рафиқ бўлгани унга – ҳатто  
бирга қилгум жиноят.

**Боязид:**

Эҳ, кўрқоқлар, эҳ, юраксизлар!

Боязиднинг юраги катта, сизларга ҳам  
етар, албатта.

Хўш, не учун бу илтижолар?

Нечун бунча фиғон-нолалар?

Фақат нафрат ва сабот олар душманнинг  
қўлидан зафарни, қўлланг энди шу  
куролларни.

Қани, олға! Кўркманг даҳшатдан.

Боязиднинг юраги катта, сизларга ҳам  
етар, албатта

(кетади)

**V саҳна**

**Андроник, Астерия ва сўнгра Леон.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Андроник:**

Астерия, малика бўлиб тахт устида эка-  
нингизда – қаҳр, нафрат, қасос кўши-  
либ, тинч қўймаган сизни сира ҳам.

Жиноятчи эрурсиз бу дам – кўринасиз  
лекин хотиржам?

**Астерия:**

Аслида ким хоҳларди буни, севги са-  
баб лекин, қиролим, хоинман ё малика  
– мени алам бир пас қўймагай ҳоли.

**Леон:**

Маликам,

Қамчисидан қон томган Амир, сизни  
йўлга шошилтирётир.

**Андроник:**

Менга етмай турганди шу ғам?

Бахтиқаро ошиқ, воҳ, алам!

Қўш подшонинг мулкидан кечиб, инъом-  
дан ҳам маҳрумсан бу дам!

**Астерия:**

Андроник, саботли бўлинг!

Шоҳ отамдан олдим зўр сабоқ,

матонат ва саботда, келинг,  
ўрناق бўлай сизга мен бу чоқ.

**Андроник:**

Оҳ, қалб қўрим! Ўзга қўлларда азобин-  
гиз кўрмоқ менга ғам.

Асрагайман сизни улардан, шўрлик,  
тушкун ошиқ бўлсам ҳам.

**Астерия:**

Бизнинг бор куч, жасоратимиз –  
Соҳибқирон амридан ожиз.  
Фойдасиздир ўч умиди ҳам, ул ҳукмдор  
амир қилган кез

Леон:

Сизларни ўйласам, мени ўртар алам.

**(кетади)**

**Андроник:**

Жилла курса, сиз билан, жоним, жон бе-  
ришга бор-ку имконим!

**Астерия:**

Асло, йўқ-йўқ! Ортиқча бу гап, билмай-  
сиз-да ҳали, шаҳзодам, отам билан  
ёримни ўйлаб, қанча азоб чекгим сўнги  
дам.

Дуэт

**Астерия, Андроник:**

Ҳаётимга маъносан, жоним, яғонамсан,  
бўлгунча маҳрум – жон деб, мана, бе-  
райин жоним.

Курбон қилдик бу севгимизни, фалаклар-  
да кўришамизми?

Алвидолар айтайин, жоним.

#### VI сахна

**Темурбек зиёфати учун ясатилган  
мухташам кўшк.**

**Леон ва Ирина.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Леон:**

Маликам, тахт бўм-бўш, энди фақат сиз  
– бу тахтга муносиб ҳамда ҳақлисиз.

Иринага айтинг,

Ирина токим,

Иринага айтсин бўлмоқни ҳоким.

**Ирина:**

Воҳ, йўқ! Қаттол ҳукмдор токи – ўша  
қизда экан ҳаёли.

Ё севгисин қозонар ёки

ўчиргайдир қасос ўтини.

Балки кўнар, унинг хотини

ҳамда менга рақиб бўлгали

қўл ушлашиб қайтар ҳам ҳали?

**Леон:**

Бу ҳақда ғам чекмасин бекам,

Астерия нафратда собит,

Андроникни севар жуда ҳам, бошқалар-  
га қолдирмай умид.

Демак, сўнги ишонч бор ҳали, сиз чек-  
кан дард, ғамни ювгали.

**Ирина:**

Тилагим, шу ишонч рўёбга чиқсин.

Ирина саботда эмас-ку метин.

Шоҳлик – бу келинлик сеп-сидиргаси,  
ялиниб турмасин, нақ талаб этсин.

Жуфти ҳалол қилиб олмас экан, бас –  
ҳукмдорни душман десин шу нафас.

**Леон:**

Бу қадар ранжиманг олампадохдан,

Астерия ёқмаяпти унга тобора.

Демак, ўз-ўзидан шу яқин ора

Ирина жон олгай олий даргоҳдан.

**Ария**

**Ирина:**

Қаҳримдан меҳрим бисёр, севишга мен  
қарздор, кўнглини очса агар.

Нафратлангим беомон, қаҳрим ишқим-  
дан ёмон, рад этса, қочса агар.

**(Ирина чеккага чиқади)**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Леон:**

Ирина эришса қайтадан тахтга.

Андроник ва Астерия – бахтга; шундай  
эзгу якунланса бу эртақ, бошим нақ ос-  
монга етишса керак.

**Ария**

**Леон:**

Ишқ илоҳи, содиқ қалбга гар бахш эт-  
масанг ҳузур-халоват – қўли баланд кел-  
гай нафратнинг.

Ҳиёнатнинг шарпаси яна юракларда  
қилгай тантана, масхаралаб соф муҳаб-  
батни.

**(кетади)**

#### VII сахна

**Темурбек, Боязид, Андроник ва бир  
четда Ирина.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Темурбек:**

Ҳа, кепсан-да, Боязид, ғазабимнинг  
қуюни учирган тор кулбангдан чиқибсан-

да ниҳоят.  
Бугун менинг муҳташам базмимни кўр.  
Куйиниб – яшашингга на ҳожат.  
Кўрсмас сен ўйлагандек, боадабдир Те-  
мурбек.

**Боязид:**  
Ёв одобли кўрингани ёмон-да, қолдир-  
масми кейин яна пушмонда.

**Тему́рбек:**  
Гумонинг ҳақ, зўр тадбирим бор, сени  
этмоқ учун хору зор.

**Боязид:**  
Мени этмоқ учун хору зор.  
Боязиднинг юрагин бу кун этмоқликка  
хор ҳамда абгор – бас келарми сени;  
тадбиринг.

**Тему́рбек:**  
Бу тадбирга беролмассан дош.

**Боязид:**  
Не экан ул? Қўлла, тез бўл!  
Юрагимда тўп-тўла бардош.

**Тему́рбек:**  
Ҳозир кўрадирсан, ҳовлиқма;  
ғолиб зотнинг кўнглидан чиқмай,  
ҳақоратлар этгани учун – қисматида;  
борин кўрмоққа, қани, Астерия келсин  
бу ёққа.

(Бир неча кўриқчи чиқиб кетади)  
Андроник, сенга бўлсин дарс, адолатим  
эрур бу маним – бўлсанг ҳамки ҳозир  
ҳам ғаним, гуноҳингни кечиргайман, бас.

**Андроник:**  
Астерияни ҳимоя этгум ёки  
Андроник деб атамасинлар токи.

**Боязид:**  
Шошманг,  
Астерия-қизим, ахир, Ўз ҳимоясига шай  
турар ҳозир.

**Андроник:**  
Буюқларнинг матлаби – ғанимни мағ-  
луб этмоқ.  
Сўнг яна зулм айламоқ – номуносибдир,  
бирок.

**Тему́рбек:**  
Авалло, ўзингга боқ – шу сенга муносиб-  
роқ.

**Андроник:**  
Мендан нима кутгайсан яна,  
Астериядан этсанг гар жудо,

ишонмайман адолатингга,  
номуносиб, золим – сен, илло.

**Тему́рбек:**  
Ким қасос деб ёнгайдир – ғазаб уни  
енггайдир.

Ария

**Андроник:**  
Қайтиб бермасанг борми, менга гулюз  
дилдорни.

Демак, қалбинг – тош, ишинг – азобу  
озор эрур.

Уни деб фидо бўлгум, уни деб адо  
бўлгум, ул ёрнинг дийдорига қалбим  
интизор эрур.

### VIII саҳна

Андроник кетмоқчи бўлганида,  
**Астерия ва бошқаларга дуч келади.**  
Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**  
Мана, келдим. Не керак мандан?

**Тему́рбек:**  
Такаббур қиз, кел-да яқинроқ,  
Шундай қушқдан маҳрумсан – бир боқ.

**Астерия:**  
Нимадан жиркансанг, нафратинг келса.  
ҳаргиз ачинмайсан гар маҳрум бўлсанг.

**Тему́рбек:**  
Бу ҳалиг ҳаммасимас;  
малика бўлмадими, канизак бўлсин,  
қани.

Қўлига тутқазинг жом, қуллимиз қил-  
ган дам – Хожасининг олдида – ҳар гал  
эгиб тиззани қуллуқ айласин мудом.  
(Тему́рбек шоҳона дастурхон бўйига ўти-  
риш учун йўл олади; Андроник шамши-  
рининг думалоқ тутқичига қўлини қўяди)

**Андроник:**  
Нақадар адолатсизлик!

**Боязид:**  
Нақадар адолатсизлик! Қандай қабоҳат!

**Астерия:**  
(уни ушлаб қолади)  
Нақадар адолатсизлик! Қандай қабоҳат!  
Ҳой, шошманг фақат!

Ҳозир уни бошлаб қилгум масҳара.  
(Оҳ, Художон, мени қўлла,  
озроққина бер журъат!)

Мен қулликка тайёрман, қаранг!

**(Астерия қадахни олиш учун яқинлашади)**

**Боязид:**

(Астерия нима қилмоқчи?)

**Андроник:**

(Астерия нима қилмоқчи?)

(Не ишга этар жазм?)

**Темурбек:**

(Астерия нима қилмоқчи?)

(Не ишга этар жазм?)

Энди доим сени шу ҳолда хўрлагайман, ашаддий кибор.

**(Андроникка қараб):**

Ва шу тахлит сендан, шахзода,

кўрслик учун қасос олгум бор.

**Астерия:**

(Астерия Темурбекка узатиши керак бўлган қадахга

Боязид берган захарни солади. Буни дастурхон бўйига келган Ирина пайкаб қолади)

(Тақдир мени, ҳар ҳолда, бу гал жасоратга йўллади тугал)

**Ирина:**

(Эвоҳ! Бақрайиб қолдим нечун?)

Айни пайти-ку, ахир

Иринанинг

Ирина тўғрисида

Темурбекка айтиб бермоғи учун)

**Астерия:**

(Қани сипқор, такаббур,

Астерия сенга узатган жомни

сўнгигача симир

ва юҳо нафсингни астойдил қондир!)

**Темурбек:**

Қизингга боқ, Боязид, энди лолу ҳайрона!

Андроник, ёрингга термулдингми мастона!

Мана бу қадах – гулгун, гулдек қиздан инъомни нўш этгум отаси-ю ошигин бахти учун.

**Ирина:**

**(Қадахдан ичишга шайланган Темурбекни тўхтатиб қолади)**

Нўш этмоққа шошманг, Темурбек!

**Темурбек:**

Яна ўша кўрс аёлми? Қаёқдан пайдо бўлдинг?

Бундай адабсиз ташрифга кимдан ижозат олдинг?

**Ирина:**

Бундай адабсиз ташрифга кимдан ижозат олдим?

Иринадан, албатта, менинг олампаñoҳим.

Қўлингдаги қадахда қазойинг жилва қилди.

Сени қутқариб қолдим – шу ягона гуñoҳим.

Билиб қўй, Астерия қадахга сездирмасдан ниманидир ағдарди, менимча, захар эди.

Бу айтилганлар бари

Иринанинг сўзидир.

Қаршингда, ҳукмдорим,

Иринанинг ўзидир.

**Темурбек:**

Сен Иринами?

(Астерияга қараб)

Довюракмисан шунча?

**Боязид:**

Сен Иринами?

Довюракмисан шунча?

Шўрлик, қизим! Қасдсиз, ҳимоясиз қолган, гулгунчам!

**Темурбек:**

Ирина утирсин, жой беринг;

Сен эса, бадқирдор,

қони қочган бу афтинг –

айтиб турибди айбинг,

бизга қандай гапинг бор?

**Астерия:**

Ич, ичсанг-чи, мана, мен кафил!

**Темурбек:**

Таптортмас экансан, бас;

отанг ёки ошигинг – кафил бўлғуси, хуллас.

Айт-чи, қайси бири, хўш,

қадахдан татиб кўргай

ва сўнгра мен этгум нўш.

Мусика жўрлигида оханг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

(Дастурхон олдидан туриб, қўлидаги қадах билан

Боязид ва Андроник томон йўл олади)

Фармойиш кескин бўлди!

## Ғулом Мирзо таржимаси

«Амир Тему́р» уч пардали мусикали драмаси

Сен не қарорга келдинг, Астерия?  
Отажоним, маҳбубим, қайсингиз ичол-  
гайсиз?

Мен учун қай бирингиз золимдан ўч ол-  
гайсиз?

Ким ичади аввало?

Боязид – отам, ахир,

Андроник – севгилим; қай бири ичган

билан ечилмас-ку мушкулим!

Ҳўш, кейин нима қилгум?

Ариозо

**Астерия:**

Эҳ, нодон, ҳақсан! Нетай –

золим қолгайу омон,

айбсизлар ўлиб кетгай.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Айбсизлар ўрнига айбдор ичсин, қани,

Ноҳақ ўлимлардан соз

бир менинг жон берганим.

Ушанда биз ўч олиб, доғда қолгайдир  
ганим.

(Астерия заҳарни ичмоқчи бўлади,  
аммо Андроник

**унинг кўлидаги қадахни тўртиб юбо-  
ради)**

**Андроник:**

Ҳой, ўйловсиз, бу нима қилиқ?

**Боязид:**

Эҳ, енгилтак ошиқ-болакай!

**Астерия:**

Тентак! Бу билан нимани ютдинг?

Қазодан қутқариб қолдинг зolimнинг  
чанғалига тутдинг.

**(Андроникдан жahl билан узоқлаша-  
ди)**

**Андроник:**

Сенга ёрдам берсам дейман, эй, қай-  
сарқалб гўзалим!

**(Астериянинг ортидан кетади)**

**Тему́рбек:**

Ортидан аскарлар боришсин шу он,  
ҳибс этсин ишорат қилганим замон.

Жодугар, икки бор бўлди айбдор, чек-  
сиз хиёнатин айлаб намоён!

Тайинласам экан қандай жазони?

Ўлимнинг ўзи кам, бўлиб шармисор –  
лаънатларга кўмсин ёруғ дунёни ва ба-  
рини кўрсин Боязид-ғаддор!

Қулхонага элтинг бу димоғдорни,  
Астерияни ҳам ўшал манзилга.  
Ота кўз ўнгида – хоин дилдорни маи-  
шатга беринг бир тўда қулга.  
Мусика жўрлигида оҳанг (қироат) билан  
сўзлаш

**Боязид:**

Қараб турасанми жим, эй, ҳаё халосқа-  
ри?

Уни сенга юкиндим, мен ўзим энди бо-  
риб, ёвнинг ҳалокат йўлин режалаб чи-  
қай шу зум.

Ария

**Боязид:**

Бадкор, сен билан жангга у дунёдан бир  
қуни арвоҳ бўлиб қайтгайман.

Ажабмаски, ўшанда

Худонинг ғазабини сенга йўналтиргай-  
ман.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Ирина:**

Оҳ, олампаҳоҳим, бунча ташвишлар ич-  
энди Иринанинг ҳоли не кечгай?

**Тему́рбек:**

Энди Иринанинг ҳоли не кечгай?

Жуфти халол бўлгай Ирина менга.

Астерия жазоланур хиёнат учун ва Ири-  
на инъом олур садоқатига.

**Ирина:**

Кунглим гиналардан бўлди мосуво  
ишонч ёқар яна муҳаббатимни.

Ҳукмдорим учун айлағум фидо

Тахтимни, бахтимни, бор ҳаётимни.

Дуэт

**Ирина:**

Аминманки, унутгайдирман ғамларим  
нинг аччиқ азобин.

**Тему́рбек:**

Амин бўлки, тез унутгайсан ғамларини  
нинг аччиқ азобин.

**Ирина:**

Ким яшаса садоқат ила, Худо сийла  
муҳаббат билан.

**Тему́рбек:**

Яшаяпсан садоқат ила, сийлангайсе  
муҳаббат билан.

**IX саҳна**

Бир томондан Андроник кириб келади

**бошка томондан эса – Леон, Астерия ва ўша олдингилар.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Леон:**

Мархабо, Астерия, падари бузрукворинг менга айтди кўп асрор, бўлгил сен ҳам хабардор.

**(Темурбекка таъзим қилиб)**

Эй, буюк олампахо, сенга етказадирган муҳим гапларим бисёр!

Боязид сокин ҳозир, сен билан гаплашмоқни ўтиниб сўраётир.

**Андроник:**

Наҳотки рост бўлса шу гаплар?

**Темурбек:**

Наҳотки рост бўлса шу гаплар? Сокин ҳозир?

Гаплашмоқни сўраётир? Бу не ҳол?

**Леон:**

Гаплашмоқни сўраётир? Бу не ҳол? Ушбу кўшкдан чиққани замон кўшинингга дуч келди шу он.

Кўрди: Оркам эди асиринг ва ортида маҳбус – вазири.

Ана шунда боқди-ю кўкка, менга "Бор!", деб буюрди тикка.

"Темурга айт, мен – таслим", деди, қисматига кўнгандек эди.

"Айтгил, деди, сўзлашай ўзим, Темур билан сўнг қолсин қизим".

**Астерия:**

Энди нима бўлар?

**Темурбек:**

Энди нима бўлар?

Билармисан, менда бордир қандай сўзлари?

Ва ниҳоят, кеп қолди-ку ўзлари.

**Андроник:**

Бунча тиник, бунча сокин боқар кўзлари!

### Х саҳна

**Боязид ва ўша олдингилар.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Боязид:**

Эҳ, ушбу кун – бахт куни, омад куни мен учун!

Оҳ, қадрли қизгинам!

Ҳой, Ҳукмдор, эҳ-ҳей, дўстларим!

Юрагим ҳам юзимдек ушбу дам тинч ва

сокин;

Биласанми не учун, қизим?

Балки сенга аёнди, ганим?

Чунки кишанингдан озод бўлдим мен.

**Темурбек:**

Аммо, ким ҳам айлағай озод қазабимдан сени умрбод?

**Боязид:**

Аммо, ким ҳам айлағай озод?

Ўз-ўзимни айладим озод.

Мусиқа жўрлигида оҳанг (қироат) билан сўзлаш

Ўшқир, ўдағайла, ҳукм қил!

Кулгим келар итобларингдан:

Ҳолиб мен ва шу захри қотил, қутулдим-а азобларингдан.

Энди мени ўлдиролмасан, сақлолмасан ўлимдан ҳам, лек.

Бу ўлим – уч, зафар мен учун, сенга эса зур шармандалик.

**Астерия:**

Эвоҳ! Отажон, нималар деяпсиз?

**Боязид:**

Шундок, қизим, ўлгум, алвидо!

Сен қоляпсан – омонлиқдами,

Ёки буткул ёмонлиқдами, – бирор нарсаси дейолмам, аммо!

Қайғу инча қоляпсан ёлғиз, фақат шундан ташвишим чексиз.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Астерия:**

Йўқ, сиз билан кетурман, ота, ўлмоқчи-ман мен ҳам сиз каби, шамшир беринг, шоҳ ё шаҳзода, отам меҳри, нафрати ҳаққи!

Ота, азиз қўлларингизни тавоф этдим, мана, сўнгги бор.

Кўзёшларим эзмасин сизни, бир тиг топинг ва мардонавор – юрагимга санчингиз, қани.

Олиб кетинг изма-из мени!

**Боязид:**

Олиб кетинг изма-из мени!

Эвоҳ, худо – бу гал ҳам душман!

Қайдан олай, ахир, шамширни, ё заҳарни топаман қайдан?

Албатта, дардингга чора учун ҳам, бўғиб ўлдирардим сени ушбу дам.

Ариозо

**Боязид:**

Йиғлама, бас энди, қизгинам!  
Кўз ёшга эрк бергайсан – ўлсам.  
Зора, шунда қайғунг кўрмасам.  
Муסיқа жўрлигида оҳанг (қироат) билан  
сўзлаш

Боязид:

(Темурбекка қараб)  
Кўряпсанми, қаттолсан қандай,  
(бахтиқаро қизгинам!) Аммо  
бўлмас доим сен хоҳлагандай.  
Кетмоқдаман, келиб Азроил – таянтирар  
тавбанга, разил.

Сўниб борар умрингнинг шами, ўлим  
пуфлар сўнгги нафасни.

Келинг, жинми ё фариштами, азоб бе  
ринг – гурласин саси.

Сезаяпман, сиз шу атрофда, Яратган  
нинг қасоскор руҳи.

Қийнанг, янчинг, мажақланг,  
топтанг, сўнг қаттолни бўғиб  
азобланг.

Қон ютсин ва заҳарга чўксин  
– илонларга чақдиринг  
кўксин.

Қаҳрингизга муносиб, илло  
азоблашдан тўхтаманг, аммо.  
Агар ҳолдан тойсангиз, мана  
кутурган бу руҳимни берай.  
Олиб кетинг мен билан, яна –  
у дунёда ҳам қийнанг, кўрай.  
(Ҳолдан тойиб, Астерия ва  
Андроникка  
суянганича саҳнанинг тўрига  
қараб кетади)

Бу баттолни қаттиқ, тинимсиз  
қийнаш учун, азоблаш учун –  
қасоскор руҳ бўламан бугун.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Андроник:**

Ваҳший! Энди тўйдингми  
охир?

Сени излаб келгай арвоҳи.

**Астерия:**

Энди мен ҳам ўлмоғим керак  
– зафар тўла бўлмоғи керак.

Муסיқа жўрлигида оҳанг (қироат) билан  
сўзлаш

Мана, қара, мен ўша – сени ўлдирмоқ-  
чи бўлган икки бор.

Айбдор деб билгум ўзимни, зотан, ти-  
рик қолдинг сен такрор.

Агар менинг шунча гуноҳим қатлим учун  
сенга оз бўлса, мен деб ўлган пуштипа-  
ноҳим айбидан қўш, то тезроқ ўлсам.

Ўлдир мени! Қутмоқда отам.

Ария

**Астерия:**

Оҳ, отажон, озроқ қил сабр, осмондаги  
оқ-момиқ абр – тулпорида етиб боргай-  
ман.

Эй, сен эса, ҳукмдор, қаттол, барча  
қийноқ-азоблар-ла қол, мана, мағрур ке-  
тиб боргайман.



**Сўнги сахна**

**Ўша олдингилар, Астериядан ташқари.**

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Ирина:**

Дўстларим, тез боринг изма-из,  
Султон қизин ғамдан асрангиз!  
Соҳибқирон, ўтинаман, сиз бир қошиқ  
қонидан кечсангиз.  
Ҳаёт ато қилинг, авф этинг, садоқатим  
ҳаққи-хурмати!

**Андроник:**

Ҳожат борми шафқатга бу дам –  
шўрликни еб бўлди буткул ғам.  
Яшаш учун куч-мадор йўқдир, умидсиз  
ишқ ва аччиқ тақдир –  
Темур, мени мажбур этмоқда (шамши-  
рини чиқаради) сени лахта-лахта қил-  
моққа.

**Темурбек:**

Бас, тўхта! Мен кўп мутаассир:  
Боязиднинг ўлими – алам ва қизининг  
кулфати оғир, мени қийнар сени  
ғаминг ҳам.

Сендек дўсти вафодор учун,  
Ирина – ул содиқ ёр учун,  
Астерия айбидан кечгум,  
ҳаёт ато этгум унинг-чун.

**Ирина:**

Оҳ, нақадар карамли, меҳрга тўла қал-  
бинг!

**Темурбек:**

Ўзалим Ирина, сен ёнимда қол.  
Тож-тахтни бошқармоқ керак-  
дир, алҳол.

**(Андроникка қараб)**

Сендек садоқатли ошиққа бе-  
шак –

Астерия ва тахтинг қайтарил-  
жак!

**Андроник:**

Бундай кутилмаган, шоҳона инь-  
ом.

Амирим, мен сенга бўлайин  
ғулом.

Умрбод асранди ўғлинг бўлай-  
ин.

**Темурбек:**

Душманликка берганча барҳам

ва қайтадан бўлиб дўст-ҳамдам, бошқа-  
райлик тинч тожу тахтни, асраб бизга  
берилган бахтни.

Дуэт

**Темурбек ва Андроник:**

Ўл-чечакка қайтсин бурканиб сокин ҳаёт  
ва соф муҳаббат.

Ишқнинг ял-ял чўғида ёниб, қулга дўнсин  
ғанимлиқ абад.

Оҳанг (қироат) билан сўзлаш

**Темурбек:**

Ана энди, голиб маликам, гарчанд ай-  
бим афв этилмасдир.

Рухсат этинг, лекин шунда ҳам, менга  
сизнинг меҳрингиз басдир.

Айтинг, Амир тавба қилсинми, чин юрак-  
дан ё ялинсинми.

**Ирина:**

Буюк Амир, сиздан кўнглим тўқ, кўп шо-  
ҳона бўлди ишқ, кадр.

Энди сизга этганча қуллуқ, чўри ёхуд  
рафиқа бўлиб, хизматингиз қилай бир  
умр.

Яқуний хор

**Ҳамма:**

Мудҳиш тунни уялтирмоққа – мунаввар  
тонг чиқиб келмоқда, ўзгалликка шош-  
моқда офтоб.

Туиғулар кўп дунёда, фақат қалбларда-  
ги севги-муҳаббат – энг ёрқин, илоҳий,  
файзиёб.

**Опера тамом бўлди**



# ЭЪЗОЗЛИ МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ



Эъозли мўйқалам соҳиби Ғанишер Ҳайдаров ўзининг қатъий йўналиши ва услубига эга, рангасвирда ижод қилиб, ҳаётда ўз ўрнини топган рассомлар сирасига кирди. 1961 йилнинг 11 декабрида Косон шаҳрида туғилган. Ҳамид Олимжон номи ўрта мактабда таҳсил олган. Болалигидан расм чизишга қизиққан. Айниқса, ойнаи жаҳон ёрқали кенг намоиш этилган мультфильмлар "Винни пух" ва "Сеними шошмай тур" эртаклари асосида чизилган расмларни қоғозга тушириб, ўзича улардан завқ оларди. Ўша даврларда мактаб деворий газеталарини, безаш ишларида фаол иштирок этиб, тенгдошлари ўртасида доимо намуна бўларди.

Ёшлигиданоқ мусаввирликка иштиёқ уни Бенков номи Республика билим юртига ўқишга етаклади. У ўқиш давомида ҳам вақтини бекорга ўтказмади. Ўз устида тинимсиз изланди, тенгдошлари ижодидан тинмай ўрганди. 1984 йилда мазкур билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Театр ва рассомчилик институтининг графика йўналиши бўйича ўқишга кирди. Ўқишга тиришқоқлиги, ҳар бир нарсага бўлган қизиқиши ва интилиши туфайли ўзининг сафдошлари, ўқитувчиларининг ҳурмат ва эҳтиромини қозонди.

У рангасвир сабоқларини моҳир рассом Раҳимжон Аҳмедовдан олди. У ўқиш давомида устозидан чизиш сирларини чуқур ўрганди. Ҳақиқий асарда давр руҳи, кишилар ҳаётидаги кескин бурилишларни теран ва жўшқин дилдан ҳис қилган Ғанишер, ҳар бир асарини жонли чиқишига ҳаракат қилди. 1992 йилда олийгоҳни номунали битирган ёш рассом атроф муҳитга, она табиатга ўзгача нигоҳ билан назар ташлади. Ҳаёт кўзига бошқача жилоланди. Ўзига хос мушоҳадага эга рассом "Автопортрет", "Сардоба", "Ичанқалъа", "Тоғ манзараси", "Тоғдаги қишлоқ" манзара туркумидаги асарларида ҳаётийлик, бадийий яхлитликни намоён қилди.

Ёш мусаввир кузатишлари йилдан-йилга бойиб борди. Унинг кейинги йилларга мансуб бўлган "Китоб девони", "Чорминор", "Шоҳизинда", "Булоқ", "Қусам Шайх ота мақбараси" асарларида ранг-баранглик яққол кўзга ташланиб туради. Айниқса, унинг тарих мужассам "Қусам Шайх ота мақбараси" сурати ўзига хослиги билан олоҳида ажралиб туради. Тарих тасвири, халқимиз урф-одатларини, тарихий обидаларни ўзига хослигига меҳри-муҳаббат билан ёндашганлиги

санъат шайдолари дилини ром этди. У доимий равишда Республика кўрғазмаларида фаол иштирок этиб келди. Унинг соъй-ҳаракатлари инobatга олиниб, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинди.

Ганишер Ҳайдаров "Натюрморт" жанрида ҳам қалам тебратоди. Унинг 20 дан ортиқ бу йўналишдаги асарлари ундан маҳоратни, гўзалликни нафис хис қилишни, табиат инъомларидан завқлана олишни талаб қилади.

У гўзаллик тимсоли бўлган гулларни, табиатни акс эттириб, муҳлислари меҳрини қозонди. Унинг ҳар бир асарини гўзал ва саҳий она заминга бағишланган қасида деса муболаға бўлмайди.

Ганишер ижодига чуқурроқ назар ташласак, ҳаёт ҳақиқатларини, унинг моҳиятини ўз дунёқарашидан, тасвирий имкониятларидан келиб чиқиб акс эттирганидек, мўйқалам соҳиби ижодидида она табиат, нафосат оламига тез-тез мурожаат қилишининг гувоҳи бўламиз.

Она Ватан тасвирини, халқимиз урф-одатларини, қадриятларини, ўзига хос колоритни ёрқин рангларда акс эттириши ҳам мусаввирнинг азалий орзуси.

Ҳар йили Тошкентда Бадий академия кўрғазмалар залида "Энг азиз, энг улуг" мавзусида ўтказиб келинаётган расомлар кўрғазмасида Ганишер фаол иштирок этиб, муҳлислар эҳтирамини қозонмоқда. Унинг асарлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Унинг расмдан-расмга, жанрдан-жанрга ўсиб бораётганлиги алоҳида эътироф этилиб, "Китоб довони", "Тоғдаги қишлоқ", "Булоқ", "Зинадан тушаётган аёл", "Довон", "Тоғ манзараси", "Касби бозори", "Натюрморт" асарлари шулар жумласидандир.

- Ганишернинг шахсий кўрғазмасидан ҳаммадан кўра мен қувондим, десам лоф бўлмас, дейди вилоят Тасвирий Ойна Бадий академияси раҳбари, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", расом Азамат Сатторов. - Мен ҳам қосонликман. - Тошкентда шахсий кўрғазма ўтказишнинг ўзига яраша қийинчилик ва масъулияти бор. Бунинг учун ижодкорга ўзига ишонч, иқтидор ва жасорат бўлиши керак. Ганишерга барча бу хислатлар мужассам. Ўзи ҳаётда ўта камтар, камсуқум ва ҳокисор. Мен унга ижодий парвозлар ёр бўлишини тилаб қоламан.



# МУСТАҚИЛ ДИЁР МАДҲИ

Мустақиллик байрами арафасида санъат гулшанининг турли вазирлик ва идоралар, ижодий тизимда ғолиб бўлган ижрочи ва ижодий жамоалар қатнашишди.

Тадбирда Юртбошимиз ташаббуслари билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдек муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик

байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида истиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусиқа асарлари анъанавий республика кўрик-танловини байрамона руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов ташкилий кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу санъат байрамининг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ижодий-ташкилий ишлар мувофиқлаштириб борилади.

Кўрикни жойларда юқори савияда ўтказиш учун тажрибали режиссёрлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассислар жалб этилди. Санъат анжуманининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофас вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичларида 77 минг 300 дан ортиқ ижрочи қат





нашди. Таниқли санъаткорлар ва ижодий жамоалар билан бирга сөнъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшларнинг ватанпарварлик, юксак гражданлик руҳидаги кўшиклари сараланди.

- Ватанни куйлаш, уни юксак пардаларда мадҳ этиш олий шараф саналади, - дейди Қарши Давлат университети ўқитувчиси, "Зиё садолари" жамоаси раҳбари Лазиз Пирназаров. - Танлов учун тақдим этилган кўшиқларда уларнинг бадий савияси, хонандаларнинг ижро маҳорати билан бирга "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу юяни ўзида мужассам этганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, 40 ортиқ профессионал ва

ҳаваскор ижрочилар, еттита жамоа қатнашган танловнинг республика якуний совриндорлари орасида бизнинг университетимиз талабалари Юлдуз Набиева ва Сўҳроб Бекмуродовлар ҳам борлиги дилимизни фарахбахш этади.

Танловда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, мусаффо осмонимизни, ҳур ва табарруқ Ватанимизни, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни, бағрикенг, меҳнатсевар халқимизни тараннум этувчи кўшиқлар мухлислар ҳукмига ҳавола этилди.

"Зиё садолари" талабалар жамоаси истеъдодли шоир Исмоил Тўхтамишев сўзи билан ижро этилган "Мустақил Ватан" кўшиғи учун биринчи ўринга лойиқ топилдилар.

# МЕҲР ВА ЭҲТИРОМ ИЛА



Юртимиз мустақиллигининг энг буюк саодатларидан бири, шубҳасиз, ўтмиш меросимизга, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилгани бўлди. Зеро, шоир лутф этганидек, шеърингга қофия излаб, ҳатто, "темир" сўзини ишлатганинг учун изоҳ талаб қилинган замонлар ортда қолиб, бу хазинани бутун буй-баста билан ўрганиш, истеъфода этиш, умуминсоний маданият бисотига қўшиш имкони пайдо бўлган экан, бу хизматга миллий зиёлиларимиз камарбаста бўлиб келмоқдалар. Ана шундай фидо-йилар рўйхатининг олдинги ўринларидан бирида, шубҳасиз, қашқадарёлик таниқли олим Поён Равшанов туради. Устознинг ҳозиргача турли жанрларда эълон қилинган кўплаб китобларининг мавзуси, мозийдан, ўтмишимизнинг, фараҳли (хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин) айёмларидан, баҳс этади. Муаллиф ижодида Соҳибқирон ва фарзандлари ҳаёти муҳим ўрин тутади. Яқинда эълон қилинган "Амир Темур сулоласи" монографияси фикримизнинг далилидир. Асар инсоният тарихида беш юз йилдан кўпроқ давр мобайнида турли даражаларда қайд этилган буюк сулола аъзоларининг қариндошлик ришталарига бағишланган. Муаллиф шу аспектдан туриб даврга назар ташлайди ва ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ўнлаб янги синоатларни кашф этишга муяссар бўлади. Шу жиҳати билан бу китоб бутунлай янги йўналишдаги тадқиқотдир.

Маълумки, шавкатли бобомиз Амир Темур ҳазратлари фаолияти, жумладан, шахсиятига қизиқиш ул зот ҳаётлик вақтидаёқ жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборида эди. Зотан, "Яратганнинг бир ожиз бандаси" эришган оламшумул ютуқлар дўстни ҳам, душманни ҳам бирдек қизиқтирарди. Шу маънода ҳозиргача дунёнинг қирқдан зиёд йирик тилларида васф этилган бу тарихнинг салмони ва кўламини тасаввур этиш қийин эмас ва бу ҳеч кимда эътироз туғдирмайди. Билъакс, ҳозирги умуминсоний бўҳронлар уфқида бу қизиқиш тобора ортиб бораётганини табиат ва қадриятлар устидан қозонилган ғалабалардан боши айланаиб қолган одамзотнинг ўзи тушиб қолган чоҳдан чиқиш учун қилаётган талвасаларига қиёслаш мумкин: бундан беш юзлар олдин бу фотиҳ ер юзида эмну омонлик ва тараққиётни қандай таъминлаган экан?

Таассуфки, бу тарих она заминдан узоқда, ўзга эътиқод ва маслаклар билан қуролланган котиблар томонидан ёзилди. Улар, аввало, Соҳибқирон амал қилган маслакнинг моҳиятини тушуна олмас эдилар, эътиқодлари аксар насроний эди. Мабодо, бу кемтиклик бартараф этилганда ҳам улар бошқа тилда алла тинглаган ва тийнатларида камол топган бори эзгулик ўзгача воқе бўларди. Демак, бу иншо-

ни айнан ҳамоҳанг маслак ва ялакат муҳитда улғайган котибгина муфассал ва бенуқсон ифшо қилиши мумкин эди. Тақдирга шукроналар бўлсинки, шу кунларга етишдик. Энг қувончлиси эса айнан давлат раҳбарининг ўзи бу амалнинг бошида турди.

Ҳа, чинакам темуршунослик истиқлолдан кейин юзага келди. Энди унинг ютуқлари бор, тамойиллари шаклланган, йўналиши аниқ. Инчунун, "Амир Темур сулоласи" ва шу мавзудаги бошқа асарларга мустақиллигимиз ва асрий қадриятларимиз асосида шаклланган миллий тамойиллар билан баҳо берилади.

Бир нарса далил: "Амир Темур сулоласи" асари ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотлар доирасини ҳам бўйига, ҳам энига кенгайтиради, зеро, унда тилга олинган кўплаб маълумотлар ҳали илм аҳлига маълум бўлса-да, жамоатчиликка етиб бормаган эди. Муаллиф ўз асари билан, агар мавзуни уммонга қиёсласак, анча чуқур туша олган, яъни ҳозиргача бирор ғаввосга насиб этмаган теранликни инкишоф қилган, агар чўққини кўз олдимизга келтирсак, бирор альпинист забт эта олмаган юксакликка кўтарилишга эришган. Моҳиятда мана бу ҳақиқат йўғрилган: ҳозиргача яратилган аксарият тадқиқотларда далил - маълум шахснинг таржимаи ҳоли ёки бўлиб ўтган воқеалар юрт талашиш, қирғин-баротлар, сурони оламни тутган жанглар ва бошқа сиёсий уйинлар табиатидан келиб чиқиб талқин қилинган эди. Ҳолбуки, жамий воқеликка доя бўладиган ички мантиқ бор: оила муҳити, қариндошлик муносабатлари, авлодлар ўртасидаги узвийлик ва албатта, хос таълим-тарбия. Ахир жаҳоншумул шухратга ўз-ўзидан эришилмайди, келажак учун жангларда қозонилган ғалабанинг сиридан кура бир буюк шахс (масалан, Мирзо Улуғбек ёки Бобур)нинг камолга етиш йўли кўпроқ асқотади. Бинобарин, ҳазрат Соҳибқироннинг бошқа даҳолардан кескин фарқи ҳиладиган фазилатларидан бири - инсоният маданий тақомилига сезиларли ҳисса қўшишга улгурган икки юз нафардан зиёд Темурий шахзодалар ва маликалар силсиласини бошлаб берганидир! Соҳибқирон Амир Темур тарих саҳнасига ҳоқилган олтин қозик эмас, балки инсоният чаманзорида кўр тукиб турган томири теран кетган, шохлари ме-валардан солланиб ётган улкан дарахт. Бу асар ана шу манзарани тиниклаштиради ва оламшумул моҳиятни тушуниш, ҳис қилишга кўмаклашади.

Яъни, ҳозиргача илмий муомалада муҳокамалар асосан Амир Темур, бу зотнинг шахси, фаолияти, дунё тан олган Мирзо Улуғбек ёки Заҳириддин Бобур атрофида айланар, тарих ишқибозлари нари борса ўғиллар: Муҳаммад Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохруҳ фаолияти билан қисман таниш эдилар. Ҳолбуки, Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ набиралари Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад (1); Пирмуҳаммад, Рустам ва Искандар (2); Абубакр, Умар ва Халил Султон (3); Улуғбек ва Иброҳим Султон (4)нинг пешонасидан ўпиб, катта ҳаётга олиб кирганди. Уларни масъулиятли давлат ишларига тайёрлаш мақсадида турли даражали ҳоким қилиб қўйган, сафарларида бирга олиб юрганди. Шунингдек, мучал ёшини ўтказган бошқа набиралар: Аҳмад (2), Ийжал (3) ҳам бобосидан илк топшириқларни олиш бахтига муяссар бўлган эдилар. Қайд этилган исмлар кўпчиликка таниш, уларнинг тўла ҳаёти ҳақида маълумотлар турли воқеалар муносабати билан дарж этилган. Авлодлар ўртасидаги вобасталик изчил давом этди, бетакрор тарбия мактаби шаклланди ва у беқиёс самаралар берди. Китобда шулар ҳақида самимият билан, меҳр ва эҳтиром ила ҳикоя қилинади.

Албатта, бу муносабатларни кузатиш (яъни китобдан ўқиш) ниҳоятда мароқли. Энг юксак инсоний қадриятларга асосланган, муҳими - ҳар нуқтада адолат мезони устувор бўлган бу Каъбанинг ўз ақидалари амал қилган. Шаҳзодалар эсини таниши билан энагаларга топширилган, улғайгач эса энг тажрибали, баҳодир

лашкарбошилардан устоз - бек аткалар тайинланган. Толиб ва мураббий муносабатлари жараёнида боладаги ижобий фазилатлар камолга етиб, нуқсонлардан фориғ бўлиб борган. Кейинчалик Соҳибқирон тилидан айтилган ва сулола педагогикасининг олтин қойдаси бўлиб қолган "Азми қатъий (1), тадбиркор (2), ҳушёр (3), мард (4) ва шижоатли (5) бир киши минглаб тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир" деган ҳикматда таъкидланган беш фазилатни сингдириш бу мактабнинг бош мақсади бўлгандир. Хуллас, моҳиятга ботиндан назар солиш, муваффақиятнинг илдизларини инкишоф этиш буюк мероснинг боқий қимматини намоеън этадики, бу ҳақиқатнинг тағига етишда қўлингиздаги китоб жуда асқотади. Аслида ҳам муддао шу - балки кимнинг ким билан қайси ришталар орқали боғланганини билиш сулола дарахти (шажараси)ни тасавур қилишга ёрдам берар, бироқ яқинлар ўртасида қарор топган ва амал қилган муносабатларни теранроқ ўрганиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Масалан, шундай бир воқеа рўй берган: Султон Ҳусайн (Бойқаро) Хожа Абдулло Ансорий мазорини зиёрат қилиб қайтарди. Ҳамроҳлар қаторида жияни Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) ҳам бор эди. Ақлли, билимдонлиги билан шаҳаншоҳнинг этиборини тортган шаҳзода йўлда кетишда ёшлик ғурурига бориб, тоғасидан олдин ўтиб кетади ва бу одобсизлиги учун ...Ихтиёридин қалъасига таъинланади.

"Амир Темур сулоласи"дан олдин ҳам бу мавзуда китоблар ёзилганди. Хусусан, Турғун Файзиёвнинг "Темурийлар шажараси" (1995) асари ўз вақтида яхши баҳо олганди. Ушбу сатрлар муаллифи истеъмолдаги маълумотлар ва ўз кузатишларини умумлаштириб, журналист сифатида "Олтин силсила" (2006), кейинчалик "Соҳибқирон абадияти" (2011) китобларини нашр эттирди. Албатта, услуб ва дастхат жиҳатдан бир-бирига ўхшамаган бу асарларнинг ўз ўрни бор. Умуман олганда эса бу изланишлар бир нарсани тасдиқлайди: ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп ва мазкур савий-ҳаракаглар бир марказда мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилиши шарт. Билъакс, чўққига ҳар ким ўз сўкмоғи орқали йўл олаверса, бу из кенгаймайди, балки ўт-ўланлар орасида кўринмай қолаверади. Ахир муаммодан муаммо чиқариш эмас, балки мавҳум нуқталарни аниқлаштириш, маълум масалаларда бир ечимга келиш ва шу билан ҳақиқатга мос тушмайдиган муқобил нусхалардан воз кечиш, асосий этиборни эса ҳали қўл этмаган, ўз шарҳи ва тадқиқотини кутиб ётган жабҳаларга қаратиш тўғри йўл бўларди. Албатта, тарихнависликни "ўтмишни башорат қилиш" деганлар ҳақ, негаки, ордан юз йиллар ўтган воқеликнинг бутун шукҳи ва ҳароратини қайтариб бўлмаганидек, рўй берган ҳодисаларни юз фоиз тиклаб ҳам бўлмайди. Бу - табиий. Шундай бўлгач, воқеалар ривож, давр руҳи мантикий тафаккур кўзгусида одилона акс эттирилган тадқиқотлар қадрлидир. Бу жиҳатдан "Амир Темур сулоласи" асари жиддий муваффақиятдир.

Муаллиф далилларни қайд этар экан, уларнинг юзага келиш шароитлари, сабаблари ва, албатта, асоратлари юзасидан чуқур мулоҳаза юритади, ўз хулосаларини беради. Хусусан, Хонзода Бегим (Хонзодахоним) ёки Гавҳаршодбегимнинг салтанат ишларидаги ҳиссаси, уларнинг оқибатлари ҳақидаги фикрларга қўшилмай илож йўқ. Шунингдек, кўп англашилмовчиликлар келтириб чиқарган Мироншоҳ Мирзонинг отасига ёзган хати ўйдирма эканининг исбот қилингани тарихий ҳақиқатнинг айнан тикланишидир. Муаллифнинг Шоҳрух Мирзо тимсолини деярли биринчи марта батафсил инкишоф қилгани алоҳида таҳсинга сазовор. Буюк қалб ва улкан салоҳиятга эга бу гениал давлат арбобининг фаолияти алоҳида махсус тадқиқотларга мавзу бўла олади. Ёки шоҳ сифатида Мирзо Улуғбекнинг савий-ҳаракатлари баёни, унинг ички зиддиятларининг очиб берилгани

бир қўлда икки қилични ушлаб бўлмаслигига китобхонни ишонтиради: буюк олим вв буюк шоҳ тушунчалари асло кесишмас экан. Воқеалар мантиқий оқимидан келиб чиқиб баҳо бериладиган бўлса, Абдуллатифнинг улкан истеъдоди зое кетганидан, унинг чекига тушган шум қисмат - тақдирнинг ёрлақамагани, ниҳоят, унинг мудҳиш хатоси, инсоний фожеасидан бир одам сифатида изтиробга тушасиз.

Асар бизга кўп қадрли туйғулар ҳаёда этади, равои ўқилади, тили истиораларга бой.

Албатта, бундай китобнинг маънавий дунёмизда пайдо бўлгани ижобий ҳодиса. У, шубҳасиз, қамровни яна ҳам кенгроқ олиш, талабни кучайтириш истагини уйғотади. Зеро, айни пайтда бу мавзу жуда оммалашди, бундай шароитда баъзан "ростни ёлғондан ажратиш" мушкул бўлиб қоладиганга ўхшаш ҳол ҳам рўй бериши мумкин. Муаллифлар аниқ "йўл харитаси" буйича ҳаракат қилмас эканлар, биз бош мақсад - шавкатли аждодларимиз тарихини нотўғри ёзишлари ва талқин этишларига чек қўйишимиз қийин бўлади. Барча саъй-ҳаракатлар ҳар қандай даражадаги ёлғонларнинг олдини олишга қаратилмоғи лозим, зеро мустақилликдан кейин ўз юрти, халқига эга бўлган Соҳибқирон бобомизнинг чинакам сиймосини аниқ-тиниқ акс эттириш бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Дунё афкор оммасининг қарор топган қизиқиш кулами шуни талаб этмоқда.

Мавзуга мурожаат қилишда қандай тамойиллар билан ёндашишнинг талабига бир мисол. Муҳаммад Жаҳонгирга Хоразмдан келин қилиб туширилган маликанинг исми - Севинчбека, уни "Хонзода" нисбаси билан атай бошлайдилар. Уни Шарафиддин Али Яздий "Хонзода хоним" тарзида ёзган ва бошқа кўплаб замонавий муаллифлар ҳам шу тарзда иншо этадилар. Шунингдек, бу исмнинг "Хонзода бегим" тарзидаги кўриниши ҳам асарларда учрайди. Бу ўринда хатолик борми ёки иккаласи ҳам бир нарсами? Йўқ, шу кичкина ўнсурда хатта маъно юкланган. "Хоним - хон қизи" сифатида Олтин Ўрда маликаларига нисбатан қўлланган, "Бегим - бек қизи" маъносида бўлиб, Темурий маликалар шарафланган. Бу икки тоифа ҳар жиҳатдан фарқланади: бири кўчманчи маданият вакили, дини насроний ёки будда; иккинчиси шаҳарлашган, дини ислом. Ана шу оддий сифатлаш қўшимчасини ўрнида қўлламаслиқ орқали ҳаммаси аралашиб кетади.

Умуман, бу мавзуда фикр юритганда исмлар, унвонлар, даражалар - ҳамма нарсага ана шундай аниқлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Бу талаб олдиндан бор ва унга амал қилиш шарт.

Тадқиқотларда азалдан сулоланинг генеалогия (насабнома)си борасида жуда хилма-хилликлар кўп бўлган. Мазкур асарда шу анъана яна давом эттирилганга ўхшайди. Бу борада нисбийроқ бўлса ҳам бир тўхтамга келинган эди, муаллиф эса бутунлай янги қарашларини ўртага ташлайди ва яна ҳам чуқурроқ фикрлашга ундайди. Масалан, Темурий маликалар ва улэрининг фарзандлари борасида анъанавий қарашлар (А) ва П. Равшанов (ПР)нинг фаразларини солиштириб кўрайлик:

А: Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг никоҳида дастлаб Қадақ хотун бўлган, ундан Ширинбека туғилган. Сўнгра Такина хотунга уйланган, ундан Қутлуғ Туркон ва Темурбек дунёга келган.

ПР: У (Муҳаммад Тарағай)нинг биринчи аёли "Темурнома"ларда айтилгани каби, Амир Қазағоннинг қизи Йукун хоним эди. Тегина Бегим вафотидан кейин Амир Тарағай Қадоқ Хотунга уйланади. Бу аёл 1390 йилгача ҳаёт бўлган ва фарзанд кўрмаган (31-бет). Тўнғич қиз Қутлуғ Туркон Оғо, Темурбек ва сингил Ширинбека Оғонинг оналари Тегина бегим Моҳ эди (32-бет).

Изчилликка амал қилиб, китобдаги қуйидаги маълумотларни мулоҳаза қилиб

кўрадиган бўлсак, далилий хатолар аниқ кўзга ташланиб қолади.

ПР: Қутлуғ Туркон Оғо 23 ёшга, Темурбек 18 ёшга тўлганда она (Тегина Бегим) ҳаёт билан видолашади. Муҳаммад Тарағай ҳам 1360 йилда оламдан қайтади. Ўғай она Қадоқ Хоним билан 3-4 ёшли сингил Ширинбека Оғо Темурбек қарамоғида қолади (45-бет). Ширинбека Оғо Темурбек 18 ёшга етганда 15-16 ёшларда бўлган (46-бет). Қабр тошида битилишича, Ширинбека Оғонинг вафот этиши ҳижрий 787 (1385-86) йилда юз берган. ...У 30-32 йил умр кўрган, холос (48-бет).

А: Турмиш (Бурмиш, Нурмиш, Нурмушк) оқа Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи бўлиб, унга Темурбек 1354 йилда уйланган. Маликадан Муҳаммад Жаҳонгир ва Тоғайшоҳ Оқабегим туғилган.

ПР: Жаҳонгир Мирзо Ўлжой Туркон Оғодан туғилган (58-бет). Нурмиш (Турмиш) Оғо аслида Амир Жоку Барлоснинг қизи бўлиб, Умаршайх Мирзо ундан туғилган бўлиши мумкин (58-бет). Умаршайх билан Оғо Бегим бир онадан таваллуд топган (102-бет). Умаршайхнинг онаси тез ўлиб кетганидан унинг тарбияси билан Қадақ Хотун шуғулланган, дейиш мумкин (130-бет).

А: Ўлжой (Ўлжаой, Камолой) амир Қазагоннинг набираси, Темурбек 1357-58 йилларда уйланган ва ундан Султонбахтбегим дунёга келган. 1366 йил вафот этган. Мироншоҳ Мирзо канизак Менглибека оқадан туғилган.

ПР: Жаҳонгир Мирзо ва Султон Бахтбегимнинг онаси - Ўлжой. Жаҳонгир Мирзо Ўлжой Туркон Оғодан туғилган деган қарашлар жуда инobatли эканлигини таъкидлаш жоиз (58-бет). Ашраф Аҳмедов ҳам Жаҳонгир Мирзонинг онаси Ўлжой Туркон, деган (60-бет). Ўлжой Туркон Оғонинг бевакт вафоти... учинчи фарзанд - Амираншоҳ Мирзонинг туғилиши билан боғлиқ асөратлар билан боғлиқ (?) бўлган дейиш мумкин (63-бет). Менинг тахминимга кўра, Амираншоҳ (яъни Мироншоҳ) Мирзонинг онаси ҳам Ўлжой Туркон Оғо эди (68-бет).

А: Амирзодалар, Жаҳонгир ва Умаршайх бир йилда, 1356 да, икки онадан туғилгани қайд этилади. Умаршайх Мирзонинг онаси - Тулун оқа.

ПР: Жаҳонгир Мирзо 1354 йил туғилган бўлиб чиқади (58-бет).

Муаллиф Ҳиндувон қалъаси эгаланганда 16 ёш, вафот этганида 40 ёшда эканини инobatга олиб, Умаршайх Мирзонинг таваллуди 1354 йил эканини тўғри қайд этади.

Умуман, Соҳибқирон ўғилларининг мавқеи ҳақида гап кетганда, саройда қарор топган тартиб - малика ва канизакликни ҳисобга олишга тўғри келади. Манбаларда Жаҳонгир Мирзонинг маликадан, қолган ўғилларнинг эса канизаклардан дунёга келгани қайд қилинган. Бу ҳол ҳеч нарсага таъсир этмаса-да, фақат валиаҳд таъинлашда Соҳибқирон бу вазиятни ҳисобга олганлигини баъзи муаррихлар эътироф этган. "1370 йилда вужудга келган ҳарамнинг тўртинчи маликаси Тоғай Туркон Хотун эди (92-бет). У Ҳусайн Сўфининг қизи бўлиши мумкин" (93-бет) деб ёзади муаллиф. Ўз вақтида Т. Файзиев "Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шохрух Мирзонинг онаси Тоғай Туркон Оғо бўлиб, соҳибқирон Амир Темурнинг хос канизакларидан бўлган. Кейинчалик ўз никоҳига киритган. Хондамир мазкур маълумотни Шохрух Мирзонинг ўзи туздирган "Насабнома"дан олганлигига ишора қилади" деб кўрсатганди. Оғонинг Хоразм ҳукмдорининг қизи бўлиб чиқиши эса ушбу катта тарихдаги шов-шувли воқеа бўларди, бироқ бунинг эҳтимолли жуда кам.

Нима деймиз, бугунги кун тадқиқотчиси учун бош оғриқлар кўп бўлиши мумкин Албатта, ҳар бир далилни талқин этишда ёзилмаган меъёрлар амал қилади: аввало, андиша, одоб, ҳурмат, қолаверса, ўша кунларга мансублик туйғуси. Дабдуруст дан "Яздий... Шаҳзоданинг мияси қаттиқ шамоллаганлигини, у жуда кучайиб ке

тиб, қутуриш аломатлари содир бўлганлигини ёзади" (178-бет) сингари сўзларни ўқиганда шошиб қолар экан киши. Наҳотки?! Яна мулоҳаза қиласан: бу икки касалликни кўзғовчи омиллар бошқа-бошқа, шекилли. Ёки "Яздий, "Амир Тарағай... кадрли шайх Шамсиддин Кулолга сидқидилдан илос қиларди ва унинг муборак қабрига тез-тез бориб турарди", дейди" (30-бет) жумлаларига дуч келганда беихтиёр Яздий китобининг Фиёсиддин Али Жамол Яздий таржимасидаги нашрини варақлаймиз. Унда "Тарағайбек уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисида борур эрди" (фикр шу жойда тугайди) жумлаларини ўқиб, ҳайратимиз баттар ошади. Негаки, Муҳаммад Тарағай шайх Шамсиддин Кулолдан ўн йил олдин ёруғ оламни тарк этган эди-да.

Мушоҳадага ундайдиган, фикр кўзғайдиган асарнинг қадри юксак. Баъзан олис мозий асрорини замон хизматиға вобаста қилишда масофани тафаккур забт этишида муаммолар бўлиши ҳам бор гап. Зеро, муаллиф ўринли эътироф этганларидек, "...Бу хилдаги янглишишлар олдинги тарихларда кетганидек, бугунгиларида ҳам тўхтаб қолган эмас. Бу табиий ҳол. Шажаралар, сулолалар билан боғлиқ ришталар шунчалар чувалашиб кетганки; купинча, унинг учи-қуйруғини топишда хатога йўл қўймаслик мумкин эмас." Худди шундай. Масалан, ёзилади: "Муҳаммад Султон Мирзо ...Оқо Бегим билан Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли Сайди Аҳмад Мирзо никоҳидан таваллуд топган эди" (144-бет). Аслида Сайди Аҳмад 1391 йил туғилган ва 1429 йил вафот этган, ҳолбуки, Оқо Бегимнинг отаси Фиёсиддин Мансур 1413 йилда туғилган, яъни булажақ "келин"нинг отаси тахмин қилинган куёв вафот этганда 16 ёшда бўлган, Мантиқ? Аслида, Оқабегим Сайди Аҳмадга эмас, унинг ўғли Аҳмад Мирзо (1420-98)га узатилган, бу никоҳдан 1458 йилда Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) дунёга келган.

"Клавиҳо Соҳибқирон Амир Темурни салтанатни идора қила бошлаганидан йигирма беш йил ўтиб ҳураётган эди" (64-бет), "Марям Султон билан Муҳаммад Жаҳонгир 18 йил турмуш қурганлар" (542-бет) қаси маълумотларда ўн йилга адашилган бўлса, тарихий воқеалар шарҳи ("Амир Темур ҳокимиятга келганида мўғулларнинг истибдодига барҳам берилганига 24 йил тўлаётган эди. Амир Қазағон ва амир Хусайнлар тахтада бўлган йилларда собиқ мустабидларнинг кучи ва таъсири қандай даражада бўлса, орадан шунча йиллар ўтишига қарамай, бу куч ва таъсир сусаймаган эди" (76-бет); "Амир Қазағон асослаган ҳокимият 1370 йилга қадар давом этди... Амир Темур тахт даввосини қилмаган. Мамлакат аёнларининг, атоқли руҳонийларнинг фатвоси билан у ҳукмдорликни қабул қилган" (168-бет)да ички мантиқий зиддият бордек туюлади. Умуман, бундай камчиликлар ўзак аҳамиятга эга эмас, амалиётда қўлёзма китоб ҳолида тайёрланаётганда муаллиф ва муҳаррир ҳамкорлигида бартараф этиш мумкин бўлган жузъий ҳолатлар. Шу ўринда муҳаррирнинг ўз вазифасига нечоғлик масъулиятли бўлиши лозимлигини таъкидловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мана бу гапларни синчиклаб ўқисак, уларда муҳаррир қалами пардоз бериши ларт бўлган ўринлар мавжудлигини сезиб олиш қийин эмас: "Зафарнома"нинг 1394 йилда Боғдод (230-бетда "Бағдод") яқинидаги Хармату қалъасини олиш пайғида Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлганлиги воқеаси келтирилади" (57-бет). "Турсий амирлар, шу жумладан, Амир Ҳожи Барлос ҳам тахтга чиққан Абдуллоҳни ҳокимиятдан ағдардилар" (60-бет). "Амир Темур Хоразмга, бу жойга босиб келган Ғўхтамишхонга қарши юришлар ҳисобида бешинчи бор қўшин тортади" (70-бет). "Халил Султон Амироншоҳ Мирзонинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг бева қолган хотини Хонзода Бегимга уйланган ва бу никоҳдан Халил Мирзо туғилган" (203-бет). "...шаҳар доруғаси Халил Султон юришидан ҳам олиб, уларга

муҳолифатчилик кўрсатади" (358-бет). "Самарқандга ўғли Бойсунғур Мирзони олиб Жайхунга қадар у бирга келган эди" (566-бет). Ёки "Умаршайх Мирзонинг ўғли Аҳмад (1387 йил) (133-бет), "Умаршайх Мирзонинг тўртинчи ўғли Аҳмад Мирзо 1388 йилда дунёга келган" (141-бет). "Саъд Ваққос 1397 йил туғилган (184-бет), "у 1399 йил туғилган" (187-бет) сингари ҳар хилликларни "бир қалам чекиш" билан бартараф этса бўларди. Шунингдек, мусахҳиҳ (корректор)нинг фаромишлиги тубартафайли баъзи мантиқсизликлар келиб чиққан: "Амир Темур Ўтрорда, Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек саройга жон берганди (109-бет). " ...арқонларини сийдиннинг укаси Бердибек саройга жон берганди (109-бет). " ...қалъа кутлови (185-бет) (кутвол-комендант), лади" (116-бет) (аркон-руқндан). "...қалъа кутлови (185-бет) (кутвол-комендант), "...мулкларнинг мўғуллар ва набираларга берилиши.." (300-бет) (мўғулларга эмас, мўғулларга). "Эрдамчи барлос" (14-бет), уч қатор пастда "Эрдумчи", "Кармина" (163-бет), тўққиз қатор пастда "Кармана". "Оланчук" (230-бет), "Алинжак" (231-бет), "Жоварчи" (47-бет), "Бовурчи" (61-бет), "Жовурчи" (153-бет) (қай бири тўғри?) "Жоварчи" (47-бет), "Бовурчи" (61-бет), "Жовурчи" (153-бет) (қай бири тўғри?) каби кўплаб хатолар кетган. Албатта, буларни мисол сифатида алоҳида таъкидла наётганлигининг сабаби шуки, ҳозирга қадар юзага келган хилма-хиллик ва чалқашликларнинг асоси шундай майда хатоларда, улар "ўсиб" бораверган ва янги бир муқобил атама, воқеа, тарих юзага келаверган.. Ахир тарихий асар учун ҳар бир кичик унсур (масалан, ҳақи Сайфиддиннинг 1403 йил (314, 319-бет) эмас, 1401 йилда вафот этгани; Ҳиндудон қалъасида Ҳусайнга туясиб йўқотган киши дуч келдими ёки отини, Мироншоҳ овда бугуни куриб қолгандими ёки архарни? сингари саволлар) катта маъно ташиди. Олайлиқ, туя ёки бугу бутунлай бошқа табиий шароитларда яшайди ва уларнинг қаламга олиниши билан воқеа қандай муҳитда кечаётганлигини ҳис қилиш мумкин.

Хуллас, "Катта дарахтнинг сояси ҳам катта бўлади" нақлига амал қилганга ўхшаб, бошқа кўплаб тадқиқотларга асос тағ-замин бўлишга лойиқ "Амир Темур сулоласи" асарига ана шундай катта-кичик кўплаб хатолар утиб кетган ва бу ҳол фундаментал асарларни нашрга тайёрлаш жараёнида муҳаррир ва мусахҳиҳнинг муаллиф билан яқин ижодий ҳамкорликда жиддий тег тўкиши шартлигини яна бир бора таъкидлаб турибди. Шубҳасиз, бундай ҳолатлар турли иккиланишларга олиб боради ва баъзан ўқувчини чалғитади. Энг хавфлиси - бир сохта "илм" юзага келишига манба бўлади. Ўтрордаги аёнлар қаторида Қора Юсуф (334-бет) ҳам қайд этилади. Маълумки, қорақўнлилар раҳнамоси Қора Юсуф Соҳибқироннинг энг ашаддий рақибларидан эди. Бирданига уни таҳликали паллада Ўтрорда тасаввур қилинг?! Аслида у зот Хожа Юсуф эди, холос. Бир сўз билан...

Шак-шубҳасиз, беғараз, самимий айтилган бу мулоҳазалар тўғри қабул қилинади, деган умиддамиз. Миллий темуршунослигимиз ўзининг тадрижий тақомилани давом эттириб, яна бир жиддий асар билан бойганлиги умумий қувончимиз. Бутунлай янги йўналишдаги бу тадқиқот зиммасига олган вазифасини муваффақиятли уддалаган. Муаллиф "Хотима"да таъкидлаганидек, "Соҳибқирон Амир Темур тақдир ва давр танлаган ҳукмдор эди. Унинг сиёсат юритиши бир сира оила - хонадон фаолияти иккинчи сира". Ҳозиргача дунё қилич таққан, совут кийган жаҳонгирни танишга интилиб келди, устоз Поён Равшанов эса бу зоти шарифнинг инсон, ота, бобо сифатидаги сийратига назар солди ва кўпчиликка манзур бўладиган муносиб асар яратди. Жаҳоншумул мероснинг ҳали кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ қилган бу китоб ҳаммамизнинг қадрли мулкимизга айланиб қолиши тайин. Зеро, улкан мақсадлар билан яшаётган, бор умидини ёшларга тикиб, улардан ҳеч нарсаини аямаётган юртдошларимиз учун китобдан ортиқ совға борми?!

# Марҳум учун маникюр

Мана ўттиз йилдан бери кунларим зерикарли ва бир хил маромда ўтмоқда. На дугоналар бор, на яқинларим. Ва ниҳоят, кутилмаганда менинг ҳаётим ўзгарди. Тақдир менга Катя исмли дугонани инъом этди! Афсуски бир кун ўтиб, уни ўғирлаб кетишди. Номалум кимсалар Костя Катукков деган шахсда сақланувчи аллақандай ҳужжатларни талаб қилишарди. Катяни топиш ва уни оила бағрига қайтариш менинг бурчим! Узоқ ўйлаб ўтирмай мен Костянинг уйига бордим, лекин хонадон эгаси ўлган эди. Уша хосиятсиз ҳужжатларни топишнинг иложини қила олмадим. Бу менинг ҳаётимда энг ёмон кунларнинг бошланиши эканлигини билганимдами...

Булутларни кўлим билан тарқатиб,  
Ўтмишларга ёпаман эшик.  
Етти қават қулф ортида яширинсам  
Ва сен мени топмассан бешак.  
(кўшиқдан)

## 1 ҚИСМ

Эримни кўрарга кўзим йўқ. Мана, бугун ҳам у чашкада кофе, сўт идишда қаймоқ, қантдон қўйилган патнис билан жилмайиб кириб келганида, нима учундир унинг бошига чироқ билан солгим ва бақариб йиғлагим келади. Тан олиш керакки кунларим ҳар доим эмас, фақат Михаил уйда бўлганда шундай бошланади. Дунёнинг минг-минглаб хотин-қизлари шундоқ мулоқим, меҳрибон, саховатли, эътиборли эр учун ўйлаб ўтирмасдан ўнг кўзларини ўйиб беришарди. Унинг овқат ейишларидан кўнглим айнир, оғзидан бир умр папирос тушмайдиган отам билан яшаган бўлсамда, Мишанинг тамакиси ҳидидан аллергиям кўзирди.

- Азизам, - деди у каравот олдида мах-

сус столни қўйиб юмшоқлик билан, - негадир бугун рангинг оқарган. Бошинг оғримаяптими? Қайноққина ич, сен учун арабика қайнатдим, менимча шакар кўп қўшганим йўқ.

Мен ҳеч қандай таъми сезмасдан жигарранг суюкликни мутелик билан ича бошлайман, унганча Миша дераза олдида келиб, дарпардаларни очади, хона хира-шира ёришади.

-Қойил, - дейди у ҳайратланиб - ноябр бошидан ҳамма ёқда қор, совуққа чидаб бўлмайди, шунинг учун сенинг мазанг бўлмаса керак. Биласанми, тўшақда қолиб, дамингни ол, ҳозир Наташга бу ерларни тозалашни буюраман. Хоҳлайсанми, пирожний олиб келаман.

Мен бошимни аста чайқайман.

- Шунчалик тобинг йўқми? Эхлер ҳам емайсанми? - Миша хафа бўлиб коридорга чиқади.

Умидсизлик билан унинг орқасидан қараб қоламан. Михаил шунчалик келишган эдики, уни бемалол мода журналига чиқарса буларди. Бўйи бир-у тўқсон, оғирлиги саксонга яқин, кўзлари мовий, сочлари жингалак, ёшлигида бодибилдинг билан шуғулланган бўлиб, агар кўйлагини ечса, аёллар ҳаёжонланиб кетар, улар олдидаги эркаклар эса қоринларини ичига тортарди.

Миша бой, фақат ўйламанг у кўчада автомат билан югуриб ёки содда одамларни алдаб молиявий лавомида тузган деб. Йўқ, унинг омади келган. Ун билан дин яқин ўртоғи Лёша билан компьютер савдосини бошлаган. Бутун бир офиси бир хонада жойлашганди, ҳозирда уларнинг бир қанча дўконлари ва сервис марказлари бор. Эргинам тушган фойдани бирдан ишга қўяди, лекин турмушимизга ҳам етиб ортади. Умуман олганда алоҳида квартирамиз, дала ҳовлимиз бор, иккита машина миз ҳамда уй бошқарувчимизга эгамиз, йилида бир неча марта чет элга дам олишга борамиз. Буларнинг ҳаммаси Мишанинг номига расмийлаштирилган, мен эса камбағалман, агар Миша мен билан ажралса, бир тийинсиз қоламан. Ундан ташқари мен ҳеч қаерда ишламайман, ҳеч кимга керак бўлмаган ноодатий бўлган муסיқачилик касбим бор.

Мен гитара чалмайман, қўлимда микрофон билан сахнада сакрамайман. Мен арфа чаламан. Арфани ҳам худди эримни ёмон кўргандек ёмон кўраман. Михаил ўттиз ёшда,

менинг ёшим эса ўттиз олтида ва мен касал чигирткага ўхшайман. Бошқа аёлларнинг бўй-бастлари келишган, менинг эса суякларим чиққан, бўйим бир-у олтмишга аранг етади, оғирлигим эса бақанинг оғирлигидан сал ортиқроқ, табиат мени фақат оёғимдан қисмаган, размерим ўттиз тўққиз, бурнимга яқин жойлашган кўзларим мовий, оғзим кичкина, сочим билан эса доим бир болои бад: жингалак қилиб бўлмайди, текислаб ҳам бўлмайди, кўпинча ҳар томонга сочилиб туради. Тишларим билан ҳам мактана олмайман, Миша оппоқ тишлари билан олмаларни карсиллатиб тишлаганда менинг ғашимга тегади, нима учун бошқаларда ҳаммаси бор-у, менда йўқ.

Умуман олганда, менга ёшлигимдан омад кулиб боқмаган. Мен зиёлилар оиласида дунёга келганман. Отам, профессор, фан доктори, эллик бешга кирган, ойим эса опера қўшиқчиси, отамдан роса ўн ёшга кичик. Уларнинг ёшлигида болалари бўлмаган ва улар ўзларини зурриёдсиз бўлсак керак деб ҳисоблаганлар. Лекин, оллоҳ уларга менни бериб қувонтирган. Агар мени ҳаммамнинг диққат марказида бўлган деб уйласангиз хато қиласиз. Болалигим дах-



шатли ўтган. Ҳеч қачон мени ёлғиз қолдиришмаган, гўдаклигимда энага қараган, мактаб ёшига етганимда менга Роза Яковлевна деган гувернанткани бириктириб қўйишган. Бошқа болалар қишда тепаликлардан кизариб, завқланиб чанада учишган чоқда, мен валенкада, икки қават қалпоқда, қўлқоп, шарф ва қалин шубада умуман қимирлай олмай уларнинг орқасидан қараб қолардим. Ойим болалар ўйнаши керак бўлган ҳамма ўйинларни таъқиқлаб қўйган ва буларнинг ҳаммаси менинг фойдам учун эди. Ахир тепалиқдан яхмалак учаётганда йиқилиб - белни, тўпни орқасидан югуриб - оёқни, арқондан сакраётганда эса умуртқани синдириб олиш мумкин. Ёзда ариқда чўмилишга руҳсат йўқ, мактабга Роза Яковлевна мени унинг синфгача олиб борган. Мактаб ошхонаси бизлар учун таъқиқланган зона бўлиб, у сарғайма, дизентерия ва бошқа касалликлар ўчоғи ҳисобланарди. Умуман олганда, мен учун бир қанча ташкилий ишлар қилинган эди. Масалан, ейдиган музқаймоғим албатта идишда эритилар, ана ундан кейин менга қошиқ берилар, олма ва апелсинлар яхшилаб совунда ювилар, кетидан қайноқ сув билан чайилар, хонам кунига икки маротаба тозаланар, шунга қарамай ҳамма касалликлар менга келиб ёпишарди. Биринчи синфдан бошлаб доим касал, қизамик, сувчечак кейин тепки билан касалланганман. Агар шаҳарда грипп эпидемияси бошланса, мен у билан икки маротаба касалланар, болаларнинг бирорта юқумли касаллиги мени четлаб ўтмасди. Мактабга кам борар, ўқишим ёмон, дугоналарим эса умуман йўқ эди.

Кейинроқ бирор бир мусиқий асбобни ўрганиш керак бўлиб қолди. Қўшиқчи ойим ҳамма асбобларни ўрганиб чиқди. Унинг фикрича, роял - менга умуман тўғри келмайди, ундан қўл бўғимлари шикастлана-



ди, скрипкадан ияк ости яғир бўлади, виолончел чалганда эса кўкрак қафаси яхши ривожланмайди. Охири отам ойимнинг оҳвоҳ қилишларидан безор бўлиб:

-Менимча, энг яхши асбоб – ёғоч қошиқлар бўлса керак, ҳам енгил, ҳам яхши жанглайди. – деди.

Отамда ҳазилга мойиллик бор бўлиб, бу хислат ойимда умуман йўқ, шунинг учун икки қўлини кўтариб:

-Халқ асбоблари? Ҳеч қачон! - деб хитоб қилди.

Ўша кунларда унинг спектакли бошланди, ойим оркестрга қараб, арфа чалувчини кўриб қолди ва бир тўхтама келди.

- Арфа - ажойиб асбоб – деди, ойим севиниб. – Катта ҳам, демак уни ўзи кўтариб мактабга бора олмайди, унга кўзатувчи керак, жуда ҳам яхши, ҳар доим назоратда бўлади.

Кун бўйи арфага маъносизларча

қараб кунимни ўтказардим, онда-сонда ёруғ кунларим ҳам бўларди, ойим гастролга кетган кунлари мендан бахтли одам йўқ эди дунёда, диванда китоб билан чўзилиб ётар, арфанинг торлари устида оёқларим билан юрар, улардан ажойиб овоз чиқарди. Арфа кўзимга балодай кўринарди, оёқларим билан уни тепардим. Лекин сак-кизинчи синфга ўтганимда ойим:

-Қизим сени консерваторияга тайёрлаймиз, сенда талант бор. — деганларида хайрон қолдим, чунки кундаликларимда ҳамма фонлардан "уч" баҳо тўлиб кетганди.

Ойижоним барча танишларини ишга солди ва ниҳоят мени консерваторияга қабул қилишди. Ҳамма студентлик йилларини энг яхши давр сифатида эсласам, менда у хусусият йўқ, чунки бирор дугона ортирганам йўқ, ўқитувчилар эса менинг "тапантим"ни синаб кўриб қўл силтаб қўя қолишарди. Курсдан курсга судралиб ниҳоят дипломни қўлга киритдим. Бу вақтга келиб отам вафот этди, музика билан шуғулланмаслигимни айтиб ойимни ҳафа қилгим келмасди. Ойижоним яна танишларини ишга солиб мени филармонияга ишга олишди. Шундай қилиб етти йил ўтди, ойим яна ғамирлаб қолдилар, чунки севимли кизлари ўттизга яқинлашиб қолган, куёвдан эса дарак йўқ, қаердан ҳам бўлсин. Меҳмонга фақат ойим билан, дам олишга ҳам ойим билан, дугоналар эса йўқ. Ойижоним яна танишларига хабарлашиб мени келинлар ярмаркасига қўйдилар. Бу ерда ҳам менадан турмушга чиқишни хоҳлайманми ёки йўқми, сўрамадилар. Ойижоним билан айтишишни фойдаси йўқ эди.

Таклиф қилинган номзодларни ойим рад этар, Семённи ёши ўтган, бева, ундан ташқари болалари ҳам бор, Пётр хунук, Константин ичувчи, Алексей яхши, лекин ўта камбағал. Ойижонимга чиройли, ақлли, бой, маданиятли, ичмайдиган иложи бўлса ҳеч

кимидан бўлмаган, уйли ва дала ховлиси бўлган куёв керак эди. Ҳаммадан ҳам қизиқарлиси худди шундай номзод топилди. Бу - бизнес билан шуғулланувчи, ойижонимни яқин дугонасининг жияни Михаил Громов бўлиб, битта "лекин"и бор эди, унинг ёши йигирма тўртда бўлиб, мен июнда ўттиз ёшимни нишонлашим керак. Бу икки ҳар томонни ҳам қизиқтирмас, Мишанинг ҳоласи Аделаида Максимовна жиянининг ота-онаси ўлиmidан сўнг унга қараб юришни ўз бўйнига олган, ҳозир эса ундан тезроқ кутулишни ўйлар, ойим эса менга тезроқ никоҳ узуги тақилишни кўришни истарди.

Бизни таништиришди ва никоҳлаб қўйишди.

Тўртта ярим йил ўтиб, ойим вафот этдилар, бир ойдан сўнг Аделаида Максимовна ҳам қазо қилди. Мен концертга чиқишни ташладим, кун бўйи уйда, диванда ётаман, болаларимиз йўқ, гоҳида ит боқиб олсаммикан деган ўй келади. Кейин у билан айланиб келиш соатга қараб овқат бериш, мол докторига олиб бориш, кўргазмаларда қатнашиш керак. Тўрт йил олдин менда ҳамма нарсага аллергия бошланиб, ит боқиб олиш фикри ўз-ўзидан қолиб кетди.

Кунларим ҳар куни бир хил бошланади. Соат ўнга яқин тураман, ванна қабул қиламан, кейин телевизор қаршисига ўтириб нонушта қиламан. Сўнгга тушлик, бир ярим соатлик уйку, кейин эса магазин ёки сарторошга бораман. Бир вақтлар бассейнга борардим, лекин ўпкам шамоллаб қолди, шейпинг билан шуғулланганимда эса оёғим лат еди. Шундай қилиб спорт билан шуғулланиш фикри ҳам ўз-ўзидан тўхтади. Масажни эса жону дилим билан қабул қиламан, ҳаммомни яхши кўраман, фақат буёдан чиқиб совуқ сувли бассейнга сакрамайман, асраганини худо асрайди дейишарди. Бироқ, мени зерикарли ҳаётимда ҳам

бир ёруғлик бор, бу - детективлар. Мен криминал мавзуларни ўқишни яхши кўраман, китобларни эса қоплаб сотиб оламан. Маринина, Дашкова, Серова, Яковлева, Полякова - булар менинг ҳақиқий дугоналарим. Олган китобларим фақат бир кунга етади, холос. Намунча бу хонимлар секин ёзишмаса.

Бугун юмшоқ диванга ўрнашиб олиб, Наташага:

-Азизам, чорраҳага бориб "Криминал хроникаси", "Петровка, 38" ва "Мегаполис" газеталарини олиб келсангиз. - деб буюрдим.

Наташа чиқиб кетди, қандай яхши, яхшиям кучук асраб олмабмиз, ҳозир келиб устимга чиққан, дам олишимга ҳалоқит берган бўларди.

Эшик кўнғироғи хаёлимни бўлиб юборди, эси паст Наташа топшириқни бажараман деб қалитни олишни унутган кўрилади. Дивандан тушиб шахд билан эшикни очдим, рўпарамда келишган қорасоч қиз турарди.

-Сиз Михаил Громовни хотинимисиз?

Ҳайрон бўлиб, "ҳа"ишорасини қилдим, у эса қўлимга пакетни тутқазиб, зинадан пошналарини таққиллатганча тушиб кетди.

Пакет ичига қарадим, унда видеокассета бўлиб "Бир ўзинг томоша қил" деган ёзуви бор экан.

Хонага кириб кассетани қўйдим, у ерда икки ялонғоч тана бир бири билан чирмашиб ётарди. Порнографияни умуман ёқтирмайман, кимни хаёлига келди экан? Ўзимга келгунимча экрандаги эркак бошини бурди, ҳушимдан кетишимга оз қолди, экрандан менга Михаил қараб турарди. Қотиб қолдим, камера воқеани бошидан охиригача олган эди. Кейин, ҳалиги қорасоч қизнинг овози янгради: "Салом, биз таниш эмасмиз, лекин кўринмас ип билан боғлиқ-

миз. Таништиришга рухсат этинг - Таня Молотова. Ёшим йигирма бешда, торжмонман. Инглизча, немисча, французча, арабчада эркин сўзлашаман, топишим яхши ва жуда келишганман."

Тан олиш керак, қизча ҳақ эди. Тим қора сочлари оппоқ баданини безаб турар, чиройли кўзлар, қайрилма киприклар, ярим қайрилган қошлари одамни ҳушидан айирар даражада. Кичик бурни ва оғзи худди таниқли актриса Брижит Бардоникидай. Бели ингичка, оёқлари узун, кўкраклари қатта, умуман олганда жуда келишган эди.

"Ҳа, мен келишганман - давом этди қизча, бошини кўтариб - сизга нисбатан, ундан ташқари, ёшман. Михаил билан учрашганимизга - бир йил бўлди, ҳамма алоқаларда сиздан кўра унга мен мос келаман. Яқинда мен фарзандли бўламан, унинг отасиз ўсишини хоҳламайман. Миша сиз билан ҳеч қачон ажрашмайди, сизга эса туғрисиини айтишга кўрқади. Мени сиздан тили қисқлик ҳойим йўқ, шунинг учун эшитинг. Сиз, ҳаётини кўрпа остида мақсадсиз улказувчи бекорчи ҳамда ялқов одамсиз. Ундан ташқари ўзингизни тузалмас ҳасал деб Мишани кўрқитиб олгансиз. Лекин мейш алдай олмайсиз, сиз текинтомоқ, ҳеч кимга кераксиз одамсиз, ҳатто бола ҳам туға олмайсиз, сиз туфайли менинг болам отасиз қолиши мумкин. Шунинг учун ажрашишга ариза беринг, ҳамма нарсаларни ўзингизда қолдиришингиз мумкин. Миша битта чемадан билан кетади ва у сизни ҳар ойда таъминлаб туради. Ахир сиз мустақил бир тийин ҳам ишлаб топа олмайсиз. Ҳавотир олманг, бизлар бир амаллаб сизни боқа оламиз. Тушунинг, сиз билан Мишанинг ораларингизда муҳаббат йўқ, ишкий алоқаларингизни эса алоқа демаса ҳам бўлади. Агар шу шортларга рози бўлмагансиз, ўзингиздан кўринг. Ажрим барибир бўлади ва сиз коммуналкада бир хонали

уйда қолиб кетишингиз мумкин. Ҳозир эса яна бир бор бизлар бир-биримизни қанчалик севишимизни томоша қилинг\*.

Экранга қараб, кўзимдан ёш оқарди. Қорасоч қизалоқ ҳақ. Мен табиатан заиф бўлсам керак. Тўғри, тўйимиздан сўнг биринчи ойларида биз бир кароватда ётардик, кейинчалик Миша эрталаб ишга кетаётганда уйғотиб қўймаслик баҳонасида бошқа хонага кўчиб ўтди. Охириги марта қачон бирга бўлган эдик? Июнда, тўққизинчи числода, Лондонга кетишидан олдин. Ҳозир эса ноябр! Қолган гаплари эса тўғри - текинтомок, бир тийин ҳам ишлаб топмайдиган ялқов.

Эшикдан Наташанинг.

-Газета олиб келдим! деган хатби эшитилди.

Кассетани тезда ўчириб, кўз ёшларимни артдим ва:

-Ойна устига қўйинг. - деб қичқирдим.

Наташа одатдагидек эшитмади ва хонага бостириб кирди, қизарган кузларимни кўриб, қизиқиб:

-Йиғлодингизми? Ниёла бўлди?

Розани ўлдиришдими? - деб сўради.

Бекасининг мексика сериалининг қаҳрамони ўлганидан йиғлашини тасаввурга келтириши асабимга тегиб кетди!!!

- Сиз тўшакларни яхши ювмайсиз, шулардан аллергиям кўзгади, - деб баҳона қилдим.

- Келинг ювиб бераман.

Мен унинг эпчиллик билан ишлаётган чаққон қўлларига маъносиз тикилиб турардим.

-Тўғрида, нега хафа бўласиз, ўйловингиз бўлмаса, ташвишингиз бўлмаса, эрингиз топарман, тутарман бўлса, уйда ҳамма шароитлар бор, ҳаёт эмас эртанинг ўзи.

Бу ҳаммасидан ўтиб тушди, у чиқиб кетгач овозим борича баралла йиғладим. Умуман олганда йиғлоқи эмасман, охириги мар-

та ойим вафот этганларида йиғлаганман, бугун эса худди пиёз ҳидлагандай кўзимдан тинмай ёш оқарди.

Икки соатлардан сўнг ўзимга келиб, ўйлай бошладим, энди нима қилсам экан? Кассетани ташлаб юбориб худди ҳеч нима бўлмагандай яшайверсамми? Йўқ, бу менга тўғри келмайди. Ойижоним ҳар доим таъкидлардилар:

-Болажон, эр-хотин ўртасида ҳеч қачон сир бўлмаслиги керак. Эр ва хотин - бутун бир организм.

Унга маза бўлган, отажоним ойимдан бошқа аёллар ҳам борлигини тасаввурга ҳам сиғдирмаган бўлса керак.

Телефон китобчани қидира бошладим. Турмуш ўртоғининг телефон номерини ёдда сақлаб олмаган одамни ҳеч учратганмисиз? Тасаввур қилинг мен ўшалар тоифасиданман. Мен ҳеч қачон Мишанинг ишхонасида еки кўн телефонига кўнғироқ қилмаганман.

Мишанинг кўн телефони жавоб бермади, ишхонасига кўнғироқ қилишга тўғри кел-

ди. "Вихрь" фирмаси, - трубкадан аёл кишининг ёқимли овози келди - эшитамиз.

-Мишани чақиринг.

- Бу сенмисан, Танечка? - деди, сухбатдош хурсанд бўлиб.

- Йўқ - томоғимга бир нима тикилиб, жавоб бердим - йўқ, хотини безовта қиляпти.

- Михаил Анатольевич филиалга кетганлар, кўл телефонларига уланинг. - деган совуқ ва расмий овоз эшитилди.

Бармоқларим қалтираб яна номерни тера бошладим. Кўрдингизми? Танечка! Ишхоналаридегиларнинг ҳаммаси ўйнаши ҳақида билади! Бундай хўрликни ҳеч қачон ҳис қилмагандим. Тинимсиз кўнғироқларимдан сўнг ниҳоят Миша телефонни олди.

- Алло!  
- Миша, илтимос, уйга қайт.  
- Нима бўлди? - кўрқиб кетди у – касал бўлиб қолдингми?  
- Соппа-соғман, гаплашишимиз керак.  
- Азизам кечир, ишларим кўп, тўққизларгача бўшамасам керак.  
- Илтимос, ҳозироқ келмасанг бўлмайди!

- Нима бўлди? Наташа билан жанжаллашиб қолдингми?

Эрим ҳар доимгидек жонкуяр эди, лекин охириги сўзида мени ахмоқ қилгандек эди. Ҳа, уйимизда бўладиган энг катта ташвиш, бу менинг хизматкоримиз билан бўладиган жанжалимиз.

-Хафа бўлма, жонгинам – овутиди Миша – уни ҳайдаб юборамиз, сенга асабийлашиш мумкин эмас, бош оғригинг, кўзгаб қолади. Ҳозироқ уни уйига жўнатиб юбор, ўзинг эса ётиб дамнингни ол...

Тубрукани диванга улоқтириб деразага қарадим, йўлак бўйлаб одамлар югуриб бормоқда: эркаклар қўлида портфели билан, аёллар эса сумкаси билан, кампирлар аравачаси билан. Ҳамма қаергадир шошмоқда, фақат бу ҳаётда менинг ўрним йўқ, уйдан чиқишга ҳам ҳеч қанақа боҳона йўқ, қаерга ҳам борардим.

Мишанинг кароватига кассетани қўйдим. Кейин "Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбламанг" деб хат ёзиб, ёстиқ устига қўйдим, сўнг кийиниб ташқарига чиқдим. Уйда ҳаётимга қасд қила олмайман, Наташа бир зумда "Тез ёрдам"ни чақиради.

Мен замш этигимдан нам ўтиб охисталик билан йўлка бўйлаб одимлаб борардим. Ҳаётимда биринчи марта шамоллаб қолишдан кўрқмадим, нима учун кўрқишим керак? Мархумда шамоллаш бўлмайди.

Мен бир неча соат Москва бўйлаб мақсадсиз тентираб юриб, ўзимга лойиқ ўлимни қидиравдим. Деразадан сакрасамми? Баландликдан кўрқаман. Ўзимни заҳарла-

самми? Нима ичиб? Ўзимни арқонга оссам-чи? Унда арқон йўқ, сотиб ҳам ололмайман, чунки кармонимни, уяли телефон ҳамда калитлар билан биргаликда сумкамни ҳам уйда қолдирганман.

Кутилмаганда шаҳар тугаб, узун шоссе бошланди. Мана, ноябр ойининг қоронғу, совуқ тунлари шаҳарга бостириб келмоқда. Бурним ачишиб, акса урдим, томоғим оғришни бошлаганини сезаяпман. Йўқ, тезроқ бу ишни якунлаш керак, бўлмаса шамоллаб қоламан. Ва ниҳоят йўлда машина чироқлари кўринди, хайдовчи мени кўриб сигнал билан огоҳлантиришига қарамай ўзимни машина капотига урдим. Машинанинг чийиллаб тормоз бергани ва мен ўзимни ерда ётганимни кўрдим. Муздек лойка

сувда ётиб:  
-Эй, худойим! – деган хитобни эшитдим.

"Ҳаммаси тугади" деб ўйладим.

## 2 -қисм

Нима учундир менинг кароватим охиста тебранар эди. Кўзимни охиста очиб, пасткам, сунъий чарм қопланган шифтни кўрдим. Бир сониядан кейин миямга – мени машинада олиб кетишмоқда деган фикр келди! Афтим бужмайиб туриб ўтирдим, этигим худди нам компрес каби ҳўл, юбка, пайпоқ, пальтойим ҳам нам эди.

-Ўзингга келдингми? - деган овоз эшитилди. Рулда ўтирган орриқина, малласоч машинани ўннга буриб, йўл четига ўтиб, тўхтатди.

-Энди жавоб берчи, қани, ахмоқ, нега энди келиб-келиб менинг машинамга ўзингни ташладинг? Нега шунча автомобиллар туриб, айнан меникини танладинг? Каллаварам, ўлиб кетишингни ўйламадингми?

Мен унинг жаҳл билан берган саволларига индамай қараб туравердим. Қутқарувчимнинг катта мовий кўзлари менга ўқдек қадалиб турарди. Лабидоғи тўқ жигарранг

помадаси бўялиб кетган, сочлари ҳар томонга бетартиб сочилган. Менимча, менинг ҳам соч турмагим жойида бўлмаса керак. Қўлимни кўтариб, сочларимни тўғирламоқчи бўлдим.

-Соч турмаги эсига тушиб кетди! – деди, қўлини кўтариб аёл, – сен ахлоқ экансан. Ўзингни ўлдирмоқчи экансан, ўзингни уйингдаги ваннада чўктир. Мени қандай аҳволга солганингни биласанми? Сени босиб кетсам нима бўларди? Қамалиб кетардим, менинг эса болаларим бор, вой аҳмогей...

Унинг ғазаб билан айтаётган сўзлари қўлогимга кирмай қўйди, худойим, қандай омадсизман-а, ўзимни ўлдирмоқчи эдим шуни ҳам эплай олмадим! Кузларимга еш келиб кетди.

-Бўлди, бўлди – деб ўлдиролди аёл, қўз ёшингни оқишишни бўлди ҳил! Шунда у елкамдан кучоқлаб олди. Мен юзимни унинг шубасига босиб баралла йиғлаб юбордим.

-Бас қил йиғлашни, нима бўлди, гапириб бер.

Охири бурнимни торта-торта, ҳаммасини гапириб бердим, ойим ҳақида арфа, Миша ва видеокассета ҳақида.

Оғзимдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзларни ярим соатча эшитиб, малласоч уф тортди:

-Демак сенинг борар жойинг йўқ? Мен бошимни қимирлатдим.

-Бўпти, унда кетдик.

-Қаерга?

-Меникига, кўчада тунамассан, ахир!

"Жигули" бир қанча кўчаларни оралаб, охири тўққиз қаватли уй олдида тўхтади. Биз олтинчи қаватга кўтарилдик, малласоч сумкасини узоқ кавлади, сўнг қўлини силтаб қўнғироқни босди. Кутилмаганда итларнинг вовуллаши, мушукларнинг миёвлалари эшитилиб:

-Ойижоним келдилар! – деб, ўн бир ёшли болакай югуриб чиқди.

Мен қўрққанимдан орқага тисарилдим, тор коридорда сон саноксиз итлар, мушуклар турарди.

-Қани, уйга кир – деб, орқамдан туртди бека – нега қотиб қолдинг, қўрқма, улар тишламайди.

Болакай малласоч атрофида кувониб сақраб эди.

-Сумкани ол. – деди малласоч, болакайга катта хўжалик сумкасини узатарди, – жойига элтиб қўй.

Болакай сақраб коридор бўйлаб кетаркан, жониворлар ҳам унинг кетидан эргашшиди.

Етиб келдингми, ниҳоят, – йигитнинг асабий овози келди – тезроқ келинлар, картошқа-совиб қолади.

-Ҳозир, деди уй бекаси ботинкасини ечаркан, сўнг менга ўгирилиб, – қани нега ўтирибсан, уст-бошингни еч!

Мен беғимдаги хул этигимни ечиб, ваннага қараб юрдим, ойнадан ўзимни кўриб кўриб кетдим, кўринишим жуда даҳшатли, донгим оқарган, юзларим кир, сочларим тузғиб кетган.

-Эй! Эшик тақиллади. Эшикни очиб, тўғримда эски, лекин топ-тоза сочиқ ушлаб турган йигитни кўрдим.

-Бу менгами?

-Кимга бўларди, нимага артинмоқчи эдинг, латтагами? – деб ҳиринглади у.

Ўзимни тартибга солиб, ошхонага кирдим.

Иккита деразали катта ошхона иссиқ эди. Думалоқ стол атрофида бир неча кишилар: малласоч ёш йигит, қиз бола ва болакай ўтиришарди.

-Демак – команда берди уй бекаси – ҳозир танишамиз! Мен – Катяман, бу менинг катта ўғлим Серёжа.

Ёш йигит қулиб, мўйловини бураб қўйди

-Салом!  
-Унинг хотини Юля!  
У ҳам кулиб менга қараб қўйди.  
-Мен эса Кирюшкаман – деб қўшилди болакай – ойимнинг кичик ўғиллари.  
-Овқатдан ол! – буюрди Юля – хаёлингни бўлма!  
Стол остидан шовқин эшитилди.  
-Қани, чечен урушингизни тўхтатингчи, - бақирди Катя.

Итлар жимиб қолишди, энди мушуклар шовқин қилишни бошлашди.

-Жониворларингиз бунча кўп бўлмаса, бутун бошли ҳайвонот боғи – дедим хўрсиниб.

-Унчалик кўп эмас – хўрсанд бўлиб хитоб қилди Кирюша – отиғи унча ит ва ит кита мушук. Танишинг, итларимиз Муляна Ада.

-Яна Рейчел лақабли катта итимиз ҳам бор – деб стол тагидаги баҳайбат, қарошлари кўрқинчли бўлган малла итни реғи билан туртиб чиқараркан, анави қорасариқ мушугимиз Семирамида, сппоғини эса Клаус деб чакираимиз. Яна ...

У музлаткич ёнидаги катта аквариумни кўрсатиб, ичида ётган каламушларни кўрсатаркан:

-Кул ранглиси – Кеша, малласи – Петя, қора ранглиси – Леонардо, саватда эса – бақамиз Гертруда бор, хоҳлайсизми, кўрсатаман?

-Гертрудани эртага кўрсатасан, - гапни бўлди Юля – сиз овқатдан олинг, совиб қолади.

Мен овқатга қарадим. Столда катта товоқда қайнатилган картошка, товада ёғли қовурилган оёқчалар, ёнида эса катта идишда майонез билан тўлдирилган салат турарди. Бизнинг уйда бунақаларни ейишмайди, қовурилган товук оёқчаларида холестерин моддаси кўп.

- Сиз уялманг, – яна жилмайди Серёжа

– олинг.

Чуқур нафас чиқариб, овқатга уннадим. Қизиқ, овқатдан кейин Катядан фестал таблеткасини сўрасам, қандай бўларкин? Менинг ошқозоним бундай оёқчали овқат, майонезли салатларни ҳазм қила олмайди. Ундан кейин қизиқ оила экан. Катта ўғилнинг ёши ўттизга яқинлашган, кичигининг ёши эса ўн бирдан ҳам ошмаган, беканинг ёшини эса умуман аниқлаб бўлмайди.

-Исминг нима? – деб сўради Катя, хаёлимни бўлиб.

Мен шошиб қолдим. Менинг отам тодилмас одам бўлган, мен дунёга келганимда, узоқ ўйлаб ўтирмасдан раҳматли онасининг исмини хўйган. Ҳамма бувиларда буладиган Мария, Татьяна, Елена исмлари бўлса ҳам, майли эди, лекин мени исминини Ефросинья деб қўйишган. Мактабда, консерваторияда мени оддийгина Фрося деб чакиришарди. Ҳаммасидан ҳам қийини мени таймаганларга ўзимни таништириш.

Ефросинья. – деб гўлдирайман мен.

Душунарли – деб жавоб қайтаришади оғмоқ қилиб, – ажойиб ном, демак Фрося, мабодо фамилиянгиз Бурлакова эмасми? Йиғлогинг келади.

Серёжа, Юля, Катя ва Кирилл, ҳаммалари бараварига оғзимга қараб қолишди. Ҳатто итлар ҳам жимиб қолди... Ҳеч қачон, уларга ҳақиқий исминини айтмайман. Худди эримни ва арфадек ёмон кўргандек, Ефросинья исминини ҳам ёмон кўраман. Яхшиси калламга келган биринчи номни айтаман. Оғзимдан:

-Евлампия. – деган исм чиқиб кетди.

-Кам учрайдиган ном, қисқартирилганда нима деб чакирилади? – деб сўради Серёжа.

-Менимча, Лампа – кулди Кирюшка, ойиси бошига бир шапалоқ туширди.

Мен оғзимга ёқимсиз салатни соларканман, эй худойим, нега ҳеч омадим келмайти-я, деб ўйладим.

Кечга яқин менга меҳмонхонага дивандан жой беришди. Ётоғим жуда тор ва каттиқ бўлиб, ёстиқ ҳам қандайдир бошқача эди. У ёқдан бу ёққа ағдарилиб охири ухлаб қолибман, лекин кўпга эмас. Хонанинг эшиги фирчиллаб очилди, бошимни буриб қарадим, ҳеч ким, менимча шамол бўлса керак. Уйку элтиб, қовоғларим оғирлаша бошлади, кутилмаганда қандайдир оғир, иссиқ нарса, қўрқинчли товуш билан тўғри устимга ўзини ташлади.

-А-а-а! – деб бақирдим.

Оёқ товушлари эшитилди, чироқ ёнди.

-Нима гап? – деб уйқусираб сўради. Серёжа – сен ҳар доим уйқунгда шунча бақирасанми ёки фақат меҳмонга келганингдами?

- Кимдир устимга ўзини ташлади – деб пичирладим, туришга уриниб.

- Бизнинг уйда умуман дам олиб бўлмайдилар! – тушунтирди Серёжа, – Бу – Муля. Сен меҳмонхонада ётибсан, у эса бу ердаги диванни ўзиники қилиб олган, шунга ҳам ваҳима қиласанми, бир оз сурил, вассалом.

-Ким у – Муля?

- Инглиз итимиз – тушунтирди йигит – Яна Ада деган итимиз ҳам бор, лекин у каламушлар билан ухлайди. Сен қўрқма, Мулькамиз тишламайди, фақат салгина хуррак отоди холос, бўпти, хайрли тун.

Чироқ ўчирилди, мен меҳмонхонада қолдим. Ит ҳеч иккиланмай олдимга чўзилиб олди, у кичкина кўрингани билан оғир ва иссиқгина эди. Мен уни ўзимдан итаришга ҳаракат қилдим, лекин Муля қимир этмади, оёқларини чўзиб, узала ётиб олди. Бир диванда, исқирт ит билан ётиш! Лекин кўринишидан Муля жуда озода кўринар, ундан ялпизли сақичнинг ҳиди келарди. Кутилмаганда унинг олд оёқлари қимирлади,

орқа оёқлари эса қалтирай бошлаб, у гингший бошлади. Кулгим келди, итлар ҳам тушқўрарканда. Кўппак йиғлай бошлади. Мен уни ёнбошини оқиста силадим. Муля хўрсиниб, тинчланиб қолди. Унинг жунини силарканман, мана энди ҳозир ўрнимдан туриб кўлимни ювишим керак, деб ўйладим, лекин тургим келмас, ҳозиргина тор туюлган диван хаёлимда кенгайиб қолган, кўппакдан эса ёқимли ҳарорат келар ва у секингина хуррак отарди. Мен унинг бир маромда нафас олишини эшитиб, яна бир бор силадим. Бармоғим унинг тумшугига

тегиб кетди, у уйқусираган куйи кўзларини очиб, менинг кафтимни узун, қип-қизил тили билан ялади. Бу шунчалик тез рўй бердики, кафтимни кимдир нам, иссиқ, замш патта билан артиб олгандай бўлди. Сесканиб кетдим, менга ҳайвонларда юкумли кўртлар бўлишини айтишганди... Муля хўрсиниб менга қаради ва унинг бу қарашидан қолбимда қандайдир сокинлик пайдо бўлди. Бу итда паразитлар бўлиши мумкин эмас, ахир у яхши бир оилада яшайди. У бир маромда нафас олиб, кўрпам ичига кириб кетди ва оёғим остига елкаси билан утирилиб ётди. Уни кўрпа остидан чиқаришга уриниб кўрдим, у эса қимир этмади, бир дақиқа ўтиб менинг музлаган оёқларим исиб, чуқур уйқуга кетдим.

### 3 қисм

-Бер бу ёққа! – деб бақирарди Миша.  
-Керак бўлса ўзинг ол – жавоб берарди унга Наташа.

“Қизик, эрим билан хизматчи нима ҳақида баҳслашаётган бўлишса?” – кўзимни очмасдан, эриниб ўйладим мен. Ногаҳ туриб кетдим, кўзимни очганимда, рўпарамда маймун турарди. Бир сакраб эшик олдига бориб қолдим ва уни зарб билан очиб Серёжанинг тумшугига уриб юбордим.

-Ой! – деб юзини ушлаб бақириб юборди.

-Кечирасиз – дедим – у ерда, менинг тўшагимда бир маймун...

-Бизда Кириюшқадан ташқари бошқа маймун йўқ, - деди Серёжа, сўнг диванимга назар ташлаб, кулиб юборди – Бу ахир Муля-ку.

Мен ўгирилиб қарадим, кўппак диван ўртасида ялпайиб ётарди, хаёлимда у ҳам мени мазах қилиб кулаётгандек.

-Бўпти! – деди Серёжа коридорга ўгирилиб кетаркан, сўнг унинг:

-Сени яна қанча кутиш керак? Сени деб ишга кечикаяпман! – деб бақиргани эшитилди.

-Этигимни топа олмаяпман – деди Кириюша – шапкам ҳам йўқ... Ойи, мен мактабга шапкасиз кетаман.

-Ҳеч қачон! – деб бақирди Катя – Менингит орттириб олмоқчимисан?

-Нимага Юлкага мумкин-у, менга йўқ?

-Сен олдин менинг ёшимга кир, сўнг ноябрда ҳам ялонғоч юрасан.

-Бўлди, бозорни бас қийинг – деди Катя – қани ҳамма жўнасин.

-Бир дақиқа, итларни айлантиришга қим олиб чиқади? – деб сўради Серёжа.

-Мен – деб жавоб берди Катя – Бўлди, бора қолинглар.

Эшик ёпилди, ҳамма жойда сукунат. Мен соатга қарадим – тонгги соат саккиз. Нега улар эрта туришади? Кўчадан:

-Ойи, машинанинг калитини ташланг, илгичда қолиб кетибди. – деган овоз келди.

-Гаранг – деб бақирди Катя – мана ол! Қизиқ, бу ҳақида қўшнилари нима деркан, ё улар ҳам эрта турарканми?

Кутилмаганда Муля ўрнидан туриб дахлизга қараб йўл олди.

-Қизлар, қани айланиб келамиз, - деди, Катя мехмонхонага қараб.

Косметикасиз унинг юзи жуда ёш кўринарди, сочлари аввалгидек ҳар томонга

тўзғиган.

- Турдинги? Нонушта қилиб ол, қаҳва столда, қолганларини ўзинг музлатгичдан топиб оласан.

-Сиз қаерга кетаяпсиз? – дедим қизиқиб.

-Тимсоҳлар билан айлангани. – деб тушунтирди Катя. Ўзимни орқага тортдим, бу уйда ҳали тимсоҳлар ҳам бор экан.

- Муля, Ада, Рейчел! – деб кичқирди Катя.

Итлар тўдаси зинадан тушиб кетди.

Ошхонага кириб бўлмас, стол устида қандайдир ювилмаган тарелкалар, очилган "Нескафе" банкалари ва бир неча пишлоқ булақлари сочилиб ётар, эмалли чойнак эса бўш бўш эди.

Стол ёнида туриб, ўйловга кетдим, ярим соатлардан сўнг Катя келди ва:

-Жуда сарвук! Нега қаҳва ичмадинг? - деб сўради.

-Чойнак совиб қолибди.

- Қиздирсанг бўләрди-ку.

-Мен газ плитасини ёқишни билмай-

ман. Қанақасига – ҳайрон бўлиб сўради Катя.

-Бизда газ плитаси электр токига уланган.

-Ҳамма дугоналарингда ҳам шунақами? – деб сўради Катя ҳайрон бўлиб, газ плитасини бураркан. Мен индамай зангори оловга тикилиб туравердим.

-Менга қара – кесатди Катя – тушунаман, уйингга қайтмоқчи эмассан, шунақами?

-Шунақа, ундан кўра ўлганим яхши.

-Бўпти, биз сени уйимизда бир неча кун яшаб туришинга рози бўлдик, биз билан яшаб кўникасан, мослашасан, кейин эса қандай яшашингни ўйлаб кўрамиз.

-Лекин менинг пулим йўқ, ижара ҳақини тўлай олмайман...

-Мен нима, сендан ҳақ талаб қиляпманми? – деди у хафа бўлиб, – фақат эсингда бўлсин, бу ерда сени ҳеч ким эркалаптиб қўймайди.

-Йўқ, мен бунақа қила олмайман.

-Бир пас жим турсангчи, - хафа бўлди Катя, - сени ўйимга хизматчи сифатида ишлашни таклиф қиляпман. Ўйимиз, кўриб турибсан, жуда катта, икки хонадонни бирлаштирганмиз, болалар, итлар, ундан ташқари уйдан меҳмонлар аримайди, қариндошлар, тентак бўлиб қолиш мумкин. Мен уйда ҳар доим ҳам бўлавермайман, етти-ю ўттизга чиқиб кетиб кеч қайтаман. Овқат

ланишимиз ҳам ўзига яраша, уйларни ҳам вақтида йиғиштира олмаймиз, кийимларни ҳам йилда бир маротаба юзамиз, анчадан бери ёрдамчи излаб юргандим, раҳимга сен учраб қолдинг. Иккимизга ҳам қулаб сенга яшаш жойи ва иш, менга эса хизматчи.

-Биласизми – дедим, Катянинг шашидан туширмақчи бўлиб, мен умуман овқат тайёрлашни билмайман.

- Шунга ҳам ўйлаб ўтирибсанми, урганга ниб оласан! Кейин, уйда кун бўйи ҳеч ким бўлмайди. Кириюшка олдин мактабга, кейин гимнастика билан шуғулланишга кетади. Серёжа саккиздан олдин пайдо бўлмайди, Юлька ҳам. Эрталаб ҳаммасини овқатлантирасан, кўзотасан, итлар билан айланиб келасан, уларни ва мушукларни овқатлантирасан, озиқ-овқатларни сотиб олиб, уларни тайёрлайсан, кейин дамингни олавер. Санаб ўтган вазифалардан бошим айланиб кетди.

-Ойига юз доллардан тўлайман, овқатланиш ва қолганлари бепул. Кийимлардан хавотир олмасанг ҳам бўлади, кечқурун Серёжа эски-тускиларни олиб келади, ундан сенга брюк ҳам, свитер ва курткани ҳам топамиз.

Юз доллар? Қизиқ, Миша Наташага қанча тўларкан, наҳотки шунча арзимас

суммани тўласа?

-Хўш? – деб шоширди Катя.

Мени бошқа иложим ҳам йўқ, бошимни қимирлатиб розилик бердим.

-Унда жуда яхши – Катя ўтирган жойидан туриб кетди – демак, ҳозир соат тўртгача бир жойга бориб келаман, унғача сен ўйимизга мослашиб тур. Пуллар ётоқхонада, калитлар илгичда. Айтганча, машина ҳайдашни биласанми?

-Йўқ, - деб ғўлдирадим.

-Ҳечқиси йўқ, ўрганиб оласан, ундан кейин бир биримизни “сен”лашга ўтсак ҳам бўлади.

У коридор бўйлаб бораркан қора курткани кийиб, эшикка борди ва:

-Яна бир гап?

-Нима? – Катядан яна бирор топшириқ эшитиш элинжида сўрадим, – нима гап?

-Ҳеч қачон таслим бўлма. Ҳар қандай ҳолатдан ниқиб эшиги ҳар доим кириш жойидан бўлади. – деди Катя ва чиқиб кетди.

Хоналар бўйлаб юра бошладим. Уй чиндан ҳам катта эди, узоқ коридордан чалга ва ўзига хоналар туташиб кетган. Биринчи

си – меҳмонхона, кейин икки хонани бирлаштириб қурилган ошхона, рўпарасида эса болалар хонаси. Киранинг хонасига кириб бўлмас, нарсалар ҳар томонга сочилган,

китоб ва ўйинчоқлар стол устида, полда, полкада бетартиб жойлаштирилган, кароват тагига шоколад қоғозлари ташланган.

Кейинги хона Серёжа ва Юлянинг ётоғи бўлиб, Кирыошанинг хонасига нисбатан тозароқ эди. Ошхона ёнидаги хона Катяники

бўлиб, бу хона энг кичик хона эди, унда диван, кресло, шкаф жойлаштирилган бўлиб,

яшаш учун умуман жой йўқ эди. Бурчқад китоблар тахлама турарди, биринчи китобни қўлимга олдим – Маринина, кейингиси

– Дашкова. У ҳам детективларни ёқтираркан. Қизиқ, у ким бўлиб ишлар экан? Бу

уйдагилар ёмон яшашмайди. Тўғри, мебеллари оддий, лекин янги, ҳар бир хонада

телевизор бор, машиналари ҳам иккита. Охириги икки хона саранжом, кароватлар йиғиштирилган, ҳеч қандай кийимлар йўқ, демак мен биттасини банд қилишим мумкин.

Кейинги икки соат вақтим уй йиғиштириш билан ўтди. Ахлатларни олиб чиқиб, идиш-товоқларни ювдим, кароватларни йиғиштирдим. Чарчаганимдан кўнглим айниди, ошхонага кириб, совуқ сувда қаҳва тайёрлаётиб ўйладим "Газ плитасини ёқишни албатта ўрганиб олишим керак". Телефон жиринглади, шошиб турубкани олдим.

-Лампа, мени эшитаяпсанми – деган овоз келди трубкадан – бу мен, Катяман. Тезда кийиниб "Театральная" метроси, Володавский кўча, тўққизинчи уй, еттинчи хонага бор. У ерда Костя Катуюков яшайди.

-Нега? – деб ҳайрон бўлдим.

-Гапимни бўлма, диққат билан эшит, ундан унча катта бўлмаган, қора, чармдан бўлган портфелни олсан ва "Динамо" метросига олиб келсан. Сени кун ярмида марказ томондаги биринчи вагонда кутаман.

-Тўғри бориб, портфелни талас қиламанми?

-Худди шундай. Унга "Костя, мени хужжатларни олиб келиш учун Катя юборди" дейсан.

-Лекин мен ҳали кечки овқатни тайёрлаганим йўқ, уйларни энди йиғиштириб бўлгандим.

-Ҳамма ишларни ташла, тезроқ югур, - деди Катя ва турубкани қўйди.

Кийиниб, ётоқхонадан пулларни, илгакдан калитларни олдим, фақат кийимларим билан бир оз муаммо бўлди. Палтоим кийиб бўлмас даражага келиб қолган, этигим ҳали қуримаган. Кириш жойидаги шкафни очдим, у ердан куртка топиб олдим, Катянинг ётоғидан эса ўзимга мос шим ва свитерни топиб кийдим. Мен бегона атирлар хиди келиб турган кийимларни киярканман,

улар исидан акса уриб, ҳайрон қолдим, ҳозиргача бирор марта касал ҳам бўлмадим, аллергиям ҳам нима учундир қўзғамасди. Оёқ кийимларидан фақат эски кроссовка менга мос келди, боғичини боғлаб, зинадан туша бошладим. Итлар жимгина орқамдан кузатиб коларканлар, нима учундир уларга қараб:

-Бўпти, қизалоқлар, зерикманг, тезда қайтаман. – дедим.

Муля ва Ада думларини ликиллатиб, Рейчел эса секин ҳуриб қўйди.

Метро кейинги уй олдида экан. Тан олишим керакки, жамоат транспортидан анча йиллардан бери, тўғриси, турмушга чиққанимдан бери фойдаланмагандим. Миша мен учун шофер ёллаган бўлиб, у қаерга хоҳласам олиб бориб қўярди.

Керакки жойга метрода йигирма минута етиб бордим. Осонгина етиб келганимдан хурсанд бўлиб, эшик кўнғироғини босдим. Жим-житлик. Эшик кўнғироғини яна босишимга тўғри келди, эшик тешигидан соя кўринди.

-Сизга қим керак? – ичкаридан овоз келди.

-Салом Костя – дедим - биз сиз билан таниш эмасмиз, хавотир олманг, эшикни очинг. Мени қора чарм портфелни олиб келиш учун Катя юборди.

Эшик ярим очилиб, қимматли тилла соат тақилган қўл кўринди, ва планшетга ўхшаш нарсани узатиб, унинг:

-Олда, жўна – деган овози эшитилди.

-Катта раҳмат - деб жавоб бердим.

Эшик зарб билан ёпилди. Бизнинг ҳаётда қўпол кишилар ҳам учраб туради.

Метрода хот-дог билан савдо қилувчи семиз хола мени олдига имлаб чақирди:

-Иссиққина хот-дог хохламайсанми? Аччиққина горчица билан!

Мен юзимни бурдим, бунака токсинларга тўла овқатни ўлсам ҳам емайман.

Ҳар қалай одамлар устингдаги кийган кийимингга қараб баҳо беришар экан: "Мерседес" дан қимматли, мўйнали шубада тушиб келсанг, бу бетгачопар сотувчилар олдингга ҳам яқинлашмайди. "Динамо"га ўн беш минутда етиб бордим. Платформа ўриндиғида Катя ўтирар, ёнида худди тоққа ўхшаш барзанги бир эркак ўтирар эди. Улкан елкаларидан кичик, ясси, илонниқига ўхшаш боши чиқиб турарди. Мени кўриб Катя ўрнидан турди. Кўриниши бир аҳволда, кўзлари қандайдир мунгли, лаблари кўкариб кетганди. У кўзимга қандайдир тушунмади, кун ва касалга ўхшаб кўринди.

Катянинг олдига келганимни кўриб:

-Қани, қўлинггагини чўқ - деди барзанги.

-Унга портфелни бер, - деди Катя даст овозда.

Планшетни унга узатдим, бақалоқ уни чап қўли билан олиб, ичини очиб кўрдим. ўнг қўли ишламайди, демак ногирон.

-Ифлос! -деб шивирлади у, менга бўш сумкани кўрсатиб, - мени алдомоқчи бўлдингми?

Катянинг ранги оқариб кетди.

-Буни сенга Костя бердимми? Ичига қарадингми? Ҳеч нимани йўқотиб қўймадингми?

Ўзимни худди ҳақоратлангандай ҳис қилдим. Мени ким деб ўйлашпти?

-Костянинг ўзи берди. Ундан кейин менда беғона сумкаларни кавлаш одати йўқ.

-Ўчир овозингни! - деб бақирди эркак. Қотиб қолдим.

-Сиз менга гапираяпсизми?

-Сенга бўлмай, кимга бўларди - деди у менга жавобан.

Катя қалтираб:

-У мени алдади - деди.

-Йўқ, мушукчам, - мулоимлик билан жавоб берди барзанги - бу сен мени алдадинг, биласанми, бунинг учун сени нима

кутади?

Катянинг ранги оқариб, кўзларида ваҳима пайдо бўлди, сўнг қатъиятлик билан:

-Кўйиб юбор мени, ўзим олиб келаман - деди

-Уч марта ха-ха-ха - деди барзанги, - аҳмоғингни топ! Йўқ, мана бу олиб келсин.

У менга исқирт бармоқларини ўқталиб айтаркан, бармоғидаги катта олмос тош тилла узуги ялтираб кетди.

-Бу олиб кела олмайди, - деди бошини

чайқаб Катя - бу унақа одамлардан эмас. Рухсат бер, Ленага кўнғироқ қилай.

-Бир камим энди ҳамма оёлларга кўришим қолувди, - деб жаҳли чиқди монстрнинг, шу олиб келади дедим, вассалом.

Катя бошини қўйи солди.

-Қулоқ сел, - деди эркак - бу ерда бир нечта коғазлар ва негатив бўлиши керак (Тоғиб) худди шу ерга, роса икки ҳафтадан кейин 17 ноябрда соат бирда етказасан. Агар олиб келмасанг Катядан фақат бир уюм сўяклар қолади!

У ғазаб билан ўнг қўлини кўтарди, шу онда Катянинг чап қўли қимирлаб, уларнинг ўртасида турган шарф тушиб кетди, шунда уларнинг қўлларидаги кишанга кўзим тушиб, кўрқиб кетдим.

-Нега чақчайиб қолдинг? - деб хириллади барзанги.

-Нима? - тушунмадим мен.

-Анқайма! - деб тупурди эркак - шарфни олиб, билакузукни ёпиб қўй.

-Нима? - яна тушунмадим мен.

-Шарфни олиб, кишанларни ёпиб қўй, ҳаммани эътиборини ўзингга тортма - тушунтирди Катя - сенга айтдимку, Слова, бу унақалардан эмас деб.

-Овозингни ўчир! - деб сўхбатдоши гапини бўлди, сўнг менга қараб, - ҳаммаси тушунарлими?

-Йўқ, - дедим мен, - хужжатларни

қаердан топаман.

-Қаердан бўлса ҳам топиб келасан, вас-салом.

-Тўхта, Слава, - деди Катя - рухсат бер, тушунтирай.

-Фақат тезроқ, - буюрди "кавалер", - кун бўйи ўтиришга вақтим йўқ.

-Лампажон, - деди Катя юмшоқлик билан - Костяникига қайтиб бор, хужжатларини қаерга қўйганини аниқла. Топишга ҳаракат қил, илтимос; йўқса кейин ёмон бўлади.

Қўрқиб кетганимни кўриб, қўшимча қилди:

-Хавотир олма, Костик портфелларни адаштирган кўринади, унда бунакадан иккита. Серёжа ва Юляга мени сафарга келди деб айт, улар ўрганиб қолишган, хайрон бўлишмайди. Тушундингми?

Бошимни қимирлатиб, тасдик ишорасини қилдим.

-Баракалла, икки ҳафтадан кейин унрашамиз. Энди эслаб қол, у ерда уч донга кўк рангдаги қоғоз, ҳамда тўрт донга расм билан негатив бор. Расмда ҳар хил одамлар, асосийси эркаклар. Ҳаммаси қизил папкага солинган, устида "Комбинат" деган ёзув бор, тушундингми?

Мен яна бошимни қимирлатдим.

-Харакатингни бошла, - деб буюрди барзанги ва иккаласи ўринларидан туришди.

-Лампажон, - деб пичирлади Катя - сен ҳаракат қилиб кўр. Агар биз бошқа учрашмасак, худо ҳаққи илтимос қиламан, меникиларни ташлаб қўйма, уларнинг менадан бошқа ҳеч кимлари йўқ, оналари ўрнида она бўл.

-Кетдик, - деди уни судрагудек барзанги.

Катя унинг орқасидан эргашаркан, мен томонга ўгирилиб, бақирди:

-Худо ҳаққи, уларни ташлаб қўйма. Би-

либ қўй, уларни сенга топширдим.

Ўриндиққа ўтирар эканман, бутунлай чарчаганимни энди ҳис қилдим. Бугунги куним нотаниш, бегона ташвишлар билан - олдин уйларни йиғиштириш, кейин йўлга чиқиш, кейингиси эса мана бу учрашув билан ўтди. Миям ишлай бошлади. Нега милицияни чақирмадим? Катя болалари ҳискида гапирганда, нимани назарда тутди. Қулоғим шангиллаб, баданимдан тер оқа бошлади. Унинг сўзларини мағзини энди чақа бошладим. Агар хужжатларни топа олмасамчи, унда Катяни ўлдириб юборишлари мумкин, мен эса Серёжа, Юля, Кирышка, учта ит, иккита мушук, каламуш ва Гертруда лақобли бақага оналик қилишим керак. Эй, ўзудойим, ахир мен уларнинг фамилияларини ҳам билмайман!

#### 4 қисм

Соат ун икки яримни кўрсатганда, мен яна "Театралгий" га йўл олдим. Бу сафар эшик кўнгирағига ҳеч қим жавоб бермади. Эшикни охира тақиллатдим ва у ўз-ўзидан очилиб кетди.

Мен қанмоқ рангли чарм мебелли катта уй ўртасида туриб қолдим.

-Салом! - деб бақирдим - Костя, жавоб бериңг, қаердасиз?

Жавоб йўқ, сукунат, фақат ҳожатхонадан сувнинг жилдираши эшитилади. Кетиб қолган, эшикни ёпиш эсидан чиққан бўлса керак. Ҳар эҳтимолга қарши мен хонага разм соқдим ва у ерда диванда ухлаб ётган кишини курдим. Хурсанд бўлиб, олдига яқинлашиб, овозимни баландлатиб:

-Костя, Катя хужжатларни олиб келишимни илтимос қилди, улар "Комбинат" деб номланган қизил папкада экан. - дедим.

Лекин у қимир этмади, одам шунчалик ҳам қаттиқ ухлайдими!

Мен бунақа ҳолатга биринчи марта тушишим эди, биринчидан чақирилмаган уйга кирганман, иккинчидан бегона одамники-

даман. Лекин иложим йўқ, ҳужжатлар менга жудаям керак, уни уйғотишимга тўғри келади.

-Эй! - дедим овозимни кўтариб, - Салом! Гапимга қулоқ солинг, илтимос!

Уй эгаси қимир этмади. Иккиланиб унинг елкасидан тортдим. Кутилмаганда унинг танаши бурилди, мен кўрқанимдан бақириб юбордим. Қачонлардир чиройли бўлган бу башара қийшайиб кетган, юзи умуман йўқ, бурни ўрнида кўрқинчли тешик, бир кўзининг ярим очик, иккинчиси эса юқорига қараб қотиб қолганди. Оғзи қийшайиб кетган, ҳаммадан ҳам кўрқинчлиси унинг кўллари - кесиб ташланган бармоқлари энг ичидан кўриниб турарди.

-Хой, - деб пичирладим, паст овозда, ошқозоним ағдарилаётганини ҳис қилиб, сиз, ўлиб қолдингизми?

Лекин уй эгаси шифтга қараб қотиб турарди. Худойим, мен унинг елкаларини ушлаб турибман! Кўлларимни тўртиб олдим, оёқларим мени дераза томонга сўради. Шу онда томоғимга бир нима тикилиб, ваннага югурдим. Бир амаллаб ўзимга келиб, кир ювиш машинаси олдида туриб, ўйланиб қолдим. Нима қилсам экан? Милицияни чақирсамми? Турган, бўлгани ташвиш, биринчидан бу хонадонга қандай ва нима учун кириб қолганимни тушунтириб беришим керак, иккинчидан, бу асосийси, мендан ҳужжат талаб қилишлари мумкин... бунинг эса асло иложи йўқ. Миша хотинининг йўқолгани ҳақида ариза берган бўлса керак, менинг эса турмуш ўртоғим билан кўришишга асло хоҳишим йўқ. Йўл битта - бирортаси келиб қолмасидан, бу ердан тезроқ қочиш керак. Стаканда турган бир дона тиш чўткаси ва эркалар парфюмериясига қараганда Костя бўйдоқ эди.

Бутун диққатимни жамлаб, мурдани кўрмаслик учун кўзларимни маҳкам юмиб, эшиккача етиб бордим, оёқларимни ўзи

ташқи зинага олиб чиқиб қўйди. Лифт тавушини эшитиб, кўрқанимдан зиналардан югуриб тушиб, метрогача қандай етиб келганимни билмай қолдим.

Уйнинг эшигини аранг очдим, итлар фингшиб оёқларим остида ўралашар, Рейчел эса нима учундир ошхонага кириб кетиб, олдимга бўйинга тақадиган бўйинбоғини келтириб қўйди. Мен кўлларимни ювиб, ўзимни диванга отдим. Чарчаганимдан бутун баданим зирқирар, оёқларимга оғир тош боғлаб қўйгандек, томоғим гиппо бугилган, профилактика учун икки дона аспирин ичиб қўйсам бўларди деб ўйладим, лекин туришга мажолим йўқ эди.

Қаттиқ овоздан уйғониб кетдим. Нон ҳам йўқ, - деб бақирарди Кириуша, қарин оч, Юляжон, пиёз нон билан қуймақ қилиб бер.

-Ўзинг айтинг-ку, нон йўқ деб - жавоб берди Юля ва  
-Дуқонга чоп, тезроқ пишадиган бирор нарса олиб кел, - деб буюрди.

-Бу нима гап, Серёжанинг бақиргани эшитилди, - коридорни ким ҳўллаб қўйди. Ушанинг уйи куйди. - бирдан жавоб қайтарди Кирыушка.

-Қани, тезда чучварага югур, шоир! - деб буюрди акаси, кейин қўшимча қилиб: - кўлмак кичик, демак бу Рейчел эмас. Қани, бўйинингизга олингчи, бу кимнинг иши?

Шапиллаган овозлар келди.

-Тинч қўй уларни, - деди Юля - айб уларда эмас, уларни ўз вақтида айланишга олиб чиқишмаган. Қизик, Катя қаерга йўқолди? Кун бўйи уйда бўламан деганди, учиб кетибди, шекилли. Озиқ-овқатлар олиб келинмаган, итлар айлантириб келинмаган...

Бошимни ёстиқдан аранг кўтариб:

-Катя сафарга кетди! - дедим бақириб

Коридорда овозлар тиниб қолди, кейин Юля билан Серёжа меҳмонхонага бастириб келиб:

-Каерга? – деб бараварига сўрашди.  
Каловланиб қолдим, ёлғонни умуман гапира олмайман. Ўйлаб қарасам, ҳаётимда умуман ёлғон ишлатилмаган.

-К. ҳарфи кетадиган шахарни айтганди.

-А, тушунарли, - деди, хўрсиниб Серёжа, - Кемеровога. Буни қара, кеча бизга атайлаб айтмаган.

-Вой, айёрлигини-чи, - давом эттирди Юля, - биз уни таътилда ишлашига рухсат бермаслигимизни билган...

-У меҳнат таътилидами? – деб сўрадим.

-Албатта, - жавоб берди Серёжа. – Таътилга кеча чиққан, бугун эса пулнинг кетидан чолиб кетган, унга айтгандим, қўшимча иш олма, уларсиз ҳам яшай оламиз деб. Энди эса бизнинг койишимизни билгани учун телефон ҳам қилмайди!

-Қулоқ сол, Лампа, - деб оҳиста сўради Юля, - сен анчадан бери уйда мисан?

Мен соатга қародим. Наҳотки, тўрт соатга яқин ухлабман.

-Соат учга яқин келдим.

-Қойил, - деди Юля, - итларни айлантиришга ҳам олиб чиқмагансан, кечки овқатни тайёрлашни ҳам ўйламагансан!

Мен ҳайрон бўлиб, унга:

-Итларни айлантиришга олиб чиқиш керакмиди? – деб сўрадим.

-Албатта, - деди Серёжа, - улар ҳожатхонадан фойдаланишни билишмайди, коридорда қўлмақ қилиб қўйишганини биласанми?

-Кечиринг, - деб гўлдирадим, - мен ҳеч қачон жониворлар билан яшаб кўрмаганман...

-Тушунарли, - деди Сергей, - Бўпти, мен кизларни айлантириб келаман.

Эшик очиб-ёпилди, Кирюшканинг:

-Ким чучварага буюртма берганди. – деган қичқирғи эшитилди.

-Кетяпман, - жавоб берди Юля ва коридорда у норози оҳангда:

-Нега қимматлигидан олдинг, кейинги сафар "Дарья"дан сотиб ол. – деди.

-Уларни еб бўлмайди, - деб аниқлик киритди Кирюшка, - ҳамири қалин, ичидо эса арқон.

-Булар табиий, экологик тоза – деб кулди Серёжа. – Айтчи, ким тайёр чучвараларга гўшт солади!

-Жим бўлсаларингчи, ҳозир кўнглим айнийди! – деб бақирди Юля.

Икки чаккам лўққиллаб оғрий бошлади, бу оилада бунча шовқин кўп бўлмаса. Бир-бирас ётсам ўтиб кетар. Остонада Юля пайдо бўлди:

-Серёжа итлар билан айлангани кетди, Кирюшка нонга кетди, мен чучвара қайна-таман, сен эса кулмакни артиб ол.

-Нима билан?

У кулиб:

-Албатта, латта билан, яна нима билан буларди!

-У қаерда?

Ҳаммаи қаерда бўлса, ўша ерда, ваннахонада. Сен пол латтани қаерда сақлаб ол ётхонадами?

Бошим оғриб, коридорда у ёқдан бу ёққа юрарканман, қизиқ, мен Наташа пол латталарни қаерда сақлашини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Раковина тагидан эски сочик парчасини топиб олдим. Уни ҳўллаб коридорга ташладим. Кўлмак йўқолиши ўрнига нима учундир кўпайиб қолди. Сувни у ёқдан бу ёққа суришимни кўриб, Юля:  
-Ҳой, сен ҳеч пол ювиб кўрганмисан? – деб сўради.

Албатта, йўқ, бармоқларимни бир умр асраганман, арфа чалувчи мусикачининг бармоқлари ҳар доим назоратда бўлиши керак, ундан кейин, менинг соғлигимга оғир ишларни қилиш тўғри келмайди.

-Латтани бу ёққа бер, дардисар! – деб, латтани тортиб олди Юля.

Кейин у унча катта бўлмаган қизил

челакни олиб келиб, латтани чаққонгина сиқиб, кўлмакни артиб олди.

-Челакдаги сувни тўка оласанми? - деди, ахлоқ қилиб Юля.

Бўйруқни бажариб, меҳмонхонага бо-риб, ётиб олдим.

-Лампочка, - Кириюшканинг овози эшитилди, - кечки овқатга кел!

-Хоҳламайман, - дедим эринчоқлик билан.

-Тезроқ кел! - деди болакай. Туришимга тўғри келди. Столда товоқдан буғ чиқиб турибди.

-Сенга қанча? - деб сўради Серёжа, жавобимни кутмасдан, тарелкамни тўлдираркан. - Кетчуп, горчица, сметана...

Мен тарелкадаги овқатни билмадим. Кўзларим иштаҳо ва чаққонлик билан елимга ўхшаш егуликни оғизларига солишар, шунда ҳам улар чучварани нон билан тановвул қилишарди. Менимча, уйдагилар тўғри овқатланиш қоидаларини билишмаса керак.

-Совуқда қайноққина овқат зўр кетади-да, - деди керишиб Серёжа.

-Ухлаб қолишни хоёлингга ҳам келтирма, - деди унинг елкасига туртиб - Юля, идиш-товасқларни ювасан.

-Кирка ювиб кўяди, - деб кутулмоқчи бўлди эри.

-Бекорларни айтибсизлар, менга қанча топшириқ берилганини, биласизларми! Юлька юва қол...

-Биринчидан, Юлька эмас Юлечкажон, - деб гапини бўлди қиз, - иккинчидан, ишхонадан уйда қиламан деб анча иш олиб келганман, эртага номерни олиб бораман. Шундай экан, Серёжка, дасмолни олиб, идиш-товасқларни ювишни бошла.

-Бир дақиқага, - деди йигит, - эсингиздами, кеча ойимиз нима деганди?

-Нима? - бирваракайига сўрашди уйдагилар.

-Лампани Петербургдан бизга Нинель

Михайловна юборган...)

-Нима қилибди? - шоширди Юля.

-Нима учун жўнатган? Бизнинг уйдаги юмушларни бажариши учун. Ойимиз унга маош тайинлаган, юз доллардан. Тўғрими?

Ҳамма унинг гапини тасдиқлаганидан сўнг, Серёжа менга қараб:

-Сен эса иш стажим бошланди деб ҳисоблайвер. Кўрқма, биз сенга бўш вақтимизда ёрдам бериб турамиз.

-Розиман, - дедим, бошқа иложим ҳам қолмаганиди, - идиш-товоқ ювадиган машиналарингиз қаерда?

-Биз "Фейри" билан гўбкали дасмолда ювामиз. - деб Юля ўрнидан турди - Бўпти, ишларим кўп.

Бир уюм идиш-товоқлар билан мени қолдириб ҳаммалари чиқиб кетишди. Бир неча киши атиги битта чучварани еб шунча кўп идишларни расво қилишини хоёлимга ҳам келтирмаган эдим!

Мен раковинада турган паралон парчасини худди ўлган сичқонни ушлагандек олар эканман, идишлардаги ёғларни кетказишга ҳаракат қилдим. Лекин у қўлимдан кир раковинага сирғалиб тушарди.

-Ҳой, Лампа! - орқа тарафимдан Юлянинг мазох қилган овози келди, - сен ҳеч умрингда идиш ювганмисан? "Фейри"ни ол, қайноқ сувни оч. Айтгандай, эртага соат еттида турасан.

Мен итоаткорлик билан суюқ совунни қуйдим, ишларим жадаллашиб кетди. Бир соатдан кейин қилган ишларимдан кўнглим тўлди. Коридордан ўй эгаларининг овозлари эшитилмас эди, демак улар ухлаяпти. Уйга секин кириб, диванда ётган Муляга кўзим тушди, уни аранг суриб ўзимни тўшаққа отдим. Ҳеч қачон бундай чорчамаган эдим. Кўзларим юмилиб бораркан, ўзимча хаёл сурдим, бугун ванна қабул қилмадим, юзимга ҳам маска қила олганим йўқ. Маска қаёқда, тишларимни ҳам ювганим йўқ.

Тонг яна шовқин-сурон билан бошланди.

- Соат тўққиз! – бақирарди Юля, - Серёжа, тезроқ ўрнингдан тур!

-Тўққиз!- кичкириб юборди Серёжа. – Қирка, бир оёғинг бир ерда, иккинчиси у ерда бўлсин!

Улар меҳмонхонага бостириб келиб, бараварига:

-Лампа, нега бизни уйғотмадинг! – деб бақирди.

-Уйғотиш керакмиди? – дедим уйқусираб, соатни неча бўлганини билишга ҳаракат қилиб:

Қўзим соатга тушди, соат тўққиздан беш доқиқа ўтганини кўрсатарди. Нега улар бунча ташвишланишади, ким бу вақтда эрта туради?

-Керак эди, - деди кета туриб Серёжа.

Эшик ёпилгани эшитилди. Мен итлар билан ёлғиз қолдим, бошимни бетикка қўйишимни биламан, эшик қўнғироғи чалинди.

-Ма, - деди Юля, кичкина сумкани менга тутқазиб, - кечир, адашиб сеникини олиман.

Ўзининг кичкина сумкасини оларкан:

-Итларни айлангириш эсингдан чиқмасин, - деб бақирди.

Хайрон бўлиб сумкага қараб қолдим. Йўқ, бу меники эмас, Юляники ҳам эмас, кимники, балки Катяникидир? Кўчадан:

-Лампа, қалитни ташла, тошойнада унутиб қолдирибман. – деган овоз келди.

Бошимни суқиб, Серёжани эски оқ "Форд" олдида кўрдим.

-Итларни айлангири! – деб эслатди у.

Ошхонага ўтиб, чойнакни олдим. Газ плитасини ёқиш учун ўн марта уриндим. Кўлимдан гугурт тушиб кетар, конфорка эса ўт олмасди. Калламга бир фикр келиб, газга топиб олдим ва уни ёқиб газга тутдим. Ва ниҳоят, бу кофе ичиш учун ҳаракат қилган биринчи муваффақиятим эди.

Музхонада фақат бир дона сариёғ бор экан, ҳали уйга бозор-ўчар қилиб келиш керак. Калламга бир фикр келди. Сумкача! Кеча ўлдирилган Костянинг уйдан ҳочиб чиқаётиб, мен адашиб бегона сумкани олиб чиққанман! Демак, мен бегонанинг нарсасини ўғирлаганман. Энди нима қилсам экан? Бўпти, ҳаммасини ўз навбатида ечими бор, аввало итларни айлангиришга олиб чиқишим керак.

Овозим тетиклашиб: "Айланишга!" - деб уларни ҳовлига олиб чиқдим. Мопсалар Радъезд олдида, Рейчел эса ўтлар орасига кириб кетди. Бу жўн ишни тугалланган ҳисоблаб:

Уйга! - деб бақирдим.

Рейчел оқли кўзларини менга қадаб:

-Вов! – деди.

Уйга! – хайтардим мен.

Итлар бир-бирларига норози қараб қўлишди, лекин тапимга қулоқ солиб, уйга киришди.

Нега уларнинг ҳўлтиллари тўлмаганлигини тушунадим, айланиб ишларини баҳарлаган бўлса.

Унда мен яна газетани ёқиб, чойнакни ҳиситиб, кофе тайёрлаб олдим. Нима қилсам экан? Катя билан нима бўлади? Ҳужжатларни қаердан топсам экан? Балки, ҳаммасига тупуриб, Михаилнинг олдида қайтсаммикан? Кўз ўнгимда бегимотга ўхшаш барзанги йигит ва унга кишанланган озғингина Катя келиб кетди. Қулоғим остидан унинг "Лампажон, агар бошқа учрашмасан, болаларни ташлаб қўйма, билиб қўй, уларни сенга топширдим" деб айтган сўзлари кетмасди.

Терга ботиб кетдим. Ҳа, агар мен бу ҳужжатларни топиб олиб бормасам, уни ўлдиришади. Милицияга борсамчи? Йўқ...

Шу ҳаёллар билан ўтирганимда, ошхонага Рейчел кириб келди ва :

-Вов - деди. Унга қараб:

-Сенга нима керак? – деб сўрадим.

-Вов.

-Кечир, сени барибир тушунмайман.

Ошхонага бирин кетин қолганлари ҳам кириб келишди, менга ниманидир тушунтирмакчи бўлгандек қараб туришарди.

-Вов, - деб қайтарди Рейчел.

Муля ва Ада думларини ликиллатишди, мушуклар ҳам миёвлаб қолишди.

-Мяу, мяу!

-Нима керак сизларга?

Шунда Рейчел бўш турган идишни олиб оёғим олдига келтириб қўйди:

-Вов.

Тушундим, жониворларга овқат бериш керак. Музлаткичдан ёни олиб, оқ нонга суртиб бердим, мушуклар турсан овқатимга бурилиб ҳам қарашмади.

Дахлизга чиқиб кийиндим. Уша машғум квартирага бораман-да, диванга қарамасликка ҳаракат қилиб, яна бир бор ҳужжатларни кидириб кўраман. Столда ёки шкафда турган бўлса керак, сумкани ҳам қайтараман.

### 5 қисм

Эшик қулфланган, унга йўл-йўл чизикли қоғозча ёпиштириб қўйилганди. Мен эшикни тутқичини итариб, кесакига иложсиз равишда суяндим, кўлимдан сумка тушиб кетди. Сумкани кўтараётганимда, у ихтиёрсиз равишда очилиб кетди. Ичидан Волкова Маргарита Федоровна номига паспорт чиқди. Фотосуратда унчалик чиройли бўлмаган ёш аёл қараб турарди. Сумкада яна арзон пудра, тароқ, кир дас-рўмол ва калитлар шодаси чиқди.

Бир сония калитларга қараб туриб, улардан бирини қулфга солдим. Калит мос келиб, эшик секин очилди. Квартирага кириб, эшикни ёпдим. Раҳматли ойижоним бу қилиб юрган ишларимни кўрганидами, ҳаётда ишонмасди!

Хона хира-шира ёришиб турарди, ди-

ванда ҳеч ким йўқ, нима учундир атрафга майда кукун селип чиқилган эди.

Шовқин қилмасликка ҳаракат қилиб, ёзув столи олдига келиб, тортмоларни очиб бошладим. Қўлларим тез-тез ҳаракат қилар, лекин менга керакли нарса чиқмас эди, сигаретлар, қистирғичлар, тўлов қоғозлари, анальгин ва икки дона хат...

Қутилмаганда қулоғимга эшик қулфининг очилиши эшитилди. Қўрқиб кетганимдан гавдам онгимдан тезроқ ишлай бошлади, бир сакраб дераза тоқчасига чиқиб парда ортига яшириниб олдим, эслолмайман, қой-сидир детективда севган қаҳрамоним худди шундай яширинади.

Қалин пардалар остида ким кирганини кўриб бўлмай, ўзекнинг хоналарда юриб келин охишта телефоннинг рақамларини тергани ва телефон гудоги эшитилди.

Алло, аёл кишининг майин овози эшитилди - тасаввур қил, биз кечикибмиз. Бу ерда кимдир бўлган. Эшик қулфланмаган, фақат ёпиб қўйилган, ёзув столининг тортмолари очилган... Милиция? Йўқ, уларга шикоят расмлар нима учун керак? Йўқ, биздан бошқа яна кимдир билади, лекин ким?

Жимжитлик, у яна кўшимча қилди:

-Ритка олиб кетган деб ўйлайсанми? У унга айтган бўлиши мумкин, бўпти, уни кечга сўроқ қилиб кўраман, ҳозир ишхонамга кетяпман, яхши қол Славка, учрашгунча.

Сувнинг секин жилдараган овози эшитилди, менимча меҳмон ҳожатхонадан фойдаланган бўлса керак, сўнг энгил қадам товушлари ва эшикнинг ёпилган овози эшитилди.

Ҳар эҳтимолга қарши, яна икки дақиқа туриб, дераза тоқчасидан тушдим. Тўғригисини айтсам, машаққат билан. Оёқларим қотиб қолган, яна деразадан шамол килар, гавдамнинг белидан пасти умуман муз-

лаб қолганди. Шамоллаб қолмасам яхши эди! Қизиқ, кечаги бошланган бош оғригим эрталабгача ўз-ўзидан йўқолиб қолди. Олдинлари бош оғригим ойига бир маротаба такрорланиб, уч кун давом этар, кун бўйи қоронғи ётоқда, олдимда тоғора билан кунни ўтказардим, Наташа эса тинмай компресс кўярди.

Қотиб қолган оёқларимни полга кўярканман, "ўйлаб кўриш бурчаги"га боришим кераклигини тушундим. Ҳожатхона қора плиталар билан чиройли қилиб ўраб чиқилган, ҳамма аксесуарлари рангига мослаб танланган. Точка устида турган уяли телефонни олдим, доим унутиб қолдираман, бир камим уни эгаси ўлдирилган уйда қолдиришим қолувди.

Кўчага чиқайдан аввал, эшик тиркишидан ҳароб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилдим. Бир сония иккиланиб туриб, сумкани олдим ва чопқиллаб тушиб кетдим.

Ноябрнинг совуқ оқими бетга урилади. Совуқдан қунишиб, метрога кириб ўридикча ўтирдим. Демак, бу ҳужжатларни менадан ташқари яна бир аёл қидирмоқда ва у Ритадан гумонсирамоқда. Балки бу, аякдан турган сумканинг эгаси Волкова Маргарита Федоровнадир.

Паспортни олиб, адресни билиб олдим – Тверская кўчаси. Тўғримда турган катта соатга қарадим, соат кун ярмини кўрсатарди. Тез фикрлай бошладим: йўлимга, боришим ва қайтишимга йигирма дақиқа кетади. Фараз қилайлик, хоним билан суҳбатимизга бир соат кетсин... Ҳужжатларни оламону, кейин уйга равона бўламан. Барибир ҳеч ким соат еттигача келмайди, итларни айлантиришга ҳам, озиқ-овқатларни сотиб олишга ҳам улгураман, асосийси, ҳужжатларни қўлга киритаман.

Вагонга кириб олиб, диванга ўтирдим, поездда ҳеч ким йўқ, онда-сонда учрайдиган пассажирларнинг ҳаммаси китобга

муккасидан кетган. Метрода китоб ўқиш мумкинлигини тасаввур ҳам қилмагандим, қайтишда детектив сотиб оламан.

Баланд, эски уйда лифт йўқ эди, пиёда чиқишимга тўғри келди.

Эшикни қирқ ёшдаги аёл очди ва:

-Кимни қидираяпсиз? – деб сўради.

Сумкани кўрсатиб, ундан сўрадим:

-Бу сизникими, Маргарита Федоровна?

Аёлнинг ранги оқариб кетди, орқасига тисарилиб, қичқириб юборди:

-Милицияданмисиз? Мени олиб кетгани келдингизми?

Нима қилишни билмай, жим турганимни у ўзича тушуниб:

-Илтимос қиламан, мени ҳароб қилманг, мен Константиннинг ўлдирганим йўқ, уйга

киринг мен ҳаммасини айтиб бераман. Кириб кетдингизми!

Бошида мен уни тинчлантириб, сумкани бериб, ҳужжатларни олмоқчи эдим. Агар у бермасачи? Яхшиси, аёлга ҳаммасини айтиб беришга йўл ҳуйишим керак. Бегонага ичидегини айтмаслиги мумкин, лекин милиция ходимига албатта ҳамма сирларини айтиши мумкин. Ошхонага ўтдим, кичкина хона ойнадай топ-тоза, оппоқ электр чойнак.

-Кофеми, чой? – сўради бека.

-Агар иложи бўлса, цейлон чойи, шакарсиз – дедим ва:

-Нега Константин Катюковни ўлдирдингиз? - деб сўрадим.

Маргарита турган жойидан учиб тушди:

-Мени бунга ҳеч қандай алоқам йўқ!

Энсам қотди, агар йиллар давомида криминал мавзуда ҳамма адабиётларни ўқиб чиқсанг, фикрлашинг ҳам шунга яраша бўлади. Ундан ташқари, ҳамма муסיқачилар каби хотирам яхши ривожланган.

-Ёлғон гапиришнинг ҳожати йўқ. Бу сумка Катюковнинг квартирасида ётганди, унда эса сизнинг паспорт ва унинг уйининг ка-

литлари бор. Менимча у калитини бегона қишига бермаган.

-Сиз тушунмадингиз, – деб тушунтиришга ҳаракат қила бошлади Маргарита – мени қотилликка алоқам йўқ, Костяни эса яхши танирдим.

-Шунинг учун ҳаммасини бир бошидан айтиб беринг, – дедим қатъиятлик билан, керакли сўзларни эслаб, - ўз айбингизга икром бўлиш, жазоингизни енгиллаштиради.

Маргарита асабийлашиб олдида турган сигаретни оларкан, мен ундан чекмасликни сўрамоқчи эдим, аммо ўйлаб туриб, майли ўзини босиб олсин дедим.

У сигаретни тутатаркан, сўзлари ҳам худди шу тутундек секин-аёта ники бошлади.

Маргарита супермаркетда касал бўлиб ишлайди, бир кун ишда бўлса, бир кун ўйда. Сотиладиган озиқ-овқатлари жуда ҳам қиммат, ҳаммининг ҳам чунтагига турри келавермайди. Супермаркет марказда жойлашган, шунинг учун унинг мижозлари ўзларига тўқ одамлар. Кундузлари ҳеч қанақа мода журналида толиб бўлмайдиган кўйлак ва шубалар кийган хонимлар келишар, кечга яқин эса атрофдаги театр актёрлари қадам ранжида қилишарди. Ярим кечда эса қора чарм куртқада, джипларда ёш эркеклар чиройли, узуноёқ қизлар билан келишар, улар асосан вино ва газаклар олишар, ўзларини жуда яхши тутишар, Ритага чойчақа ҳам қолдиришар эди.

Константин кассага ярим кечада келди, у касса пештоқига бир неча банка консервалар, сосиска ва "Чили" кетчупини қўйди. Маргарита чекни уриб, ундан:

-Кетчуп жуда ҳам аччиқлигини биласизми? – деб сўради.

-Йўғ-э? – деди, у хайрон бўлиб – Раҳмат, бориб алмаштириб келаман.

Гап гапга уланиб кетди, эртаси куни

Костя яна келди. Шундан кейин у кунда келадиган бўлди, Рита билдики - у бўйдоқ, топиши ҳам ёмон эмас. Ундан ташқари унинг тим қора сочлари, кулиб турувчи кўзлари Ритага ёқиб қолганди. Константиндан қимматли одеколонлар ҳиди уфурар, кийимлари ҳам қимматли, кўпинча у касса олдида уяли телефон ва машина калитини кўярди. Рита ҳам ишга худди байрамга боргандек чиройли кийиниб келадиган, бўянадиган ва қимматли француз духиларини сепадиган бўлди.

Бир ойдан сўнг уларнинг севги қиссаси бошланди. Ҳафтасига бир марта Катуковнинг уйида учрашишар, улар бир бирларидан ҳеч нимага умидвор бўлишмас, фақат кунларини чоғ ўтказишар эди.

Костя ишқий саргузаштларга бой, жуфтига нисбатан фақат тўшақда эмас, балки ҳаётда ҳам эътиборли эди. У Ритага ҳар хил совғалада қимматли духилар берарди. Рита Костянинг ҳаётида ягона аёл эмаслигини билади, унинг уйини йиғиштирганда бегона аёлларнинг буюмларини топиб олар, бундан фожиа ясамас эди.

У Костяга турмушга чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди, икки маротаба турмуши бузилиб, оила қуришни бутунлай ҳаёлидан чиқариб ташлаганди. Костя ўзи ҳақида кам гапирар, Рита унинг фақат "Ромпа" театрида ишлашини биларди, холос.

-Менинг ролларим унчалик катта эмас, - деб куларди Костя, - лекин вақти келиб мен зўр ролларни ўйнайман.

Уларнинг алоқалари ярим йилга чўзилди. Костя унга бутунлай уйининг калитини бериб қўйди. Рита ишда бўлмаган кунлари, асосан пайшанба кунларида келиб унинг квартирасини супуриб-йиғиштирар, кўйлакларини дазмоллар, овқат тайёрларди. Кейин биргаликда овқатланиб, телевизор кўришарди. Бундай яшаш тарзи иккаласини ҳам қониқтирар, уларга бошқаси керак эмасди.

Кеча у ҳар кунгидек соат ўн иккига яқин Костянинг уйига келади, сумкани даҳлизда қолдириб, уйларни йиғиштирмакчи бўлади, диванда ётган Костяни кўриб қолади. Рита ҳайрон бўлиб уни касал бўлиб қолди деб ўйлайди ва чақиради. Рита ўзи билмаган ҳолда уни ўгириб, кўрқинчли башарасини кўргандан кейингина у гап ни мада эканлигини билиб қолади ва устига одеялни ёпиб қўяди. Милицияни чақиритишга кўрқолади. Кваттирадан шошиб чиқаркан, йўл бўйи Костяникида бирорта из қолдирганми ёки йўқ, ўйлаб боради, фақат уйига етиб келгандагина сумкасини Костяникида, даҳлизда қолдириб келганини эслайди.

Кун бўйи Маргарита ўзини қаерга қўйишини билмас, қандай қилиб қўлфларни қолган уйга киришни ўйлар, ўйлаб уйига ета олмасди. Кечаси билан ухлай олмайди, эрталаб ишхонасига телефон қилиб касаллигини баҳона қилади. Калласига хархил ўйлар келар, ҳар дақиқа ваҳимага тушарди.

-Худо ҳаққи, ишонинг, мен эмас! - тақрорларди Маргарита, - уни ўлдиритишга менда ҳеч қанақа асос йўқ!

-Менимча, сиз ҳақиқатни гапирмаясиз, - дедим, - энди эслаб кўрингчи, у сизга сақлаш учун кўк рангли қоғоз, яна бир қанча расмлар бергани йўқми? Буларнинг ҳаммаси "Комбинат" деб номланган катта папкада эди.

-Йўқ, - деди бошини чайқаб Рита, - у менга ҳеч қачон бирор нарса ни яшириш учун берган эмас.

-Унинг аёлларидан бирортасини танийсизми?

-Йўқ! Аёллардан ҳам, эркаклардан ҳам бирортасини ҳам танймайман.

Унинг ёлғон гапирмаётганига ишонч ҳосил қилдим, чунки Михаил билан турмуш қурганимда ўзим ҳам фақат бир икки оилани танир, уйимизга ҳеч ким телефон қил-

мас, ҳамма хабарлар Мишанинг телефони га келарди.

Метронинг ўриндиғида ўтирар эканман, хаёлларимни жамлашга ҳаракат қилдим. Мен нима учун Ританинг сўзларига ишонганимни биласизми? У Костянинг уйига ўн иккиларга яқин борган, эшикни ўзининг қалити билан очган, Костянинг ўлиб ётганини кўриб ваҳимада сумкани унутиб, эшикни очиқ қолдириб, қочиб кетган. Қайтиб сумкасини олмоқчи бўлган, эшик эса қўлфланиб қолган. Мен иккинчи марта қайти-

борганимда эшик очиқ эди, демак, соат ўн икки билан ўн уч оралиғида кимдир кирган, ҳужжатларни олган-у, қўённи урган. Ким бўлса ҳам у Костяга яқин одам бўлган, чунки у унинг қалитидан фойдаланган. Бу ҳақида шубҳам йўқ. Гап шундаки, Катковнинг эшиғида "Аблоу" фирмасининг ўта қимматли ва қийинчилик билан очилодиган қўлф ўрнатилган эди. Бунақа қўлфлар Михаилнинг эшиғида ҳам ўрнатилган. Ўз вақтида турмуш ўртоғим қўлфларни ўрганиб чиқиб, ойна шунисида тўхтаган эди. Бу қўлфларнинг "қоровул"и темир чизикчага тикиб қўйилган таёққа ўхшайди ва у магнит принципида ишлайди. Умуман олганда, Костянинг уйига кириш учун унинг темир эшигини автоген билан кесиб керак, унда унинг чиройли қизил чарм қопламаси шикастланган бўларди. Демак, кимдадир қўшимча қалитлар бор. Кимда?

Жавоби аниқ - бошка аёлда. Ҳужжатларни ўша олиб кетган. Энди бу хонимни қаердан топсам экан?

Кутилмаганда кўзим катта соатга тушди - у роппа-роса ўн олтини кўрсатмоқда. Шошилишим керак, мени уйда айланишга олиб чиқилмаган итлар ва бўш музлатгич кутиб турибди. Шошиб, мен китоб дўконига кириш учун юқорига кўтарилдим.

"Макдоналдс" олдида совуқ қотган со-тувчи мени кўриб полиэтиленга қўнган қор-

ларни чўткаси билан тозалай бошлади, мени янги чиққан китобларни кўздан кечира бошладим. Марининининг янги китоби чиқибди, Дашкованинг ҳам, ёнида ялтироқ муковаси билан Малишева ўзига чорлайди, нарироқда Полякованики, у ҳам яхши ёзади.

Олдинги кунларим бўлганидами, ўйлаб ўтирмай ҳаммасини олардим, шофёр ҳам жилмайиб, китоб тўла сумкани "Мерседес"га жойларди. Аммо, бугун метрода ёлғиз кетишим, ундан ташқари дўконга киришим керак, демак фақат Серовнинг китобини оламан.

Кутилмаганда орқа тарафимдан таниш овоз эшитилди:

-Танюша, сен ҳақиқатдан ҳам шу бинога кирмоқчимисан?

Қичқириб юбормаслик учун ўзимни қўлга олиб, бошимни бошқа тарафга бурдим. Икки қадам нарида "Мерседес"дан менинг эржоним тушиб келар, унинг олдида ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборган, чиройли шуба кийган қорсақ қизалоқ, ўша маъшум видеоёзувнинг қахрамони Тая Молотова турарди.

-Гамбургер хоҳлайман, - деди қизалоқ эркали билан унинг қўлидан торқилаб, - ёғли, ёқимсиз, холестеринларга бой бутербурод...

-Сенинг истагинг – қонун, - деб кўлди Михаил ва уни елкасидан қучоқлаб, дўконга олиб кириб кетди. Қалтираган қўлим билан шапкани пешонамга бостирдим, танимаса ҳам керак. Шундай ҳам бўлди, эрим арзон хитой курткази ва кир кроссовка кийган аёл олдидан эътиборсиз ҳолда, қиз эса қимматли духининг хидини таратиб олдимдан ўтиб кетди.

"Коко Шанель". Олдинги ҳаётимда бу менинг энг яхши кўрган ифорим эди...

Томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Хотини йўқолган, балки у ўзини ҳаётига зомин бўлгандир, Михаил эса ҳеч

нима рўй бермаганидек ўйнаши билан мозза қилиб юрибди. Қизик, Миша милицияга мурожат этдимикан ёки хурсанд бўлиб, квартирага бу кизни олиб келиб менинг нарсаларимни бердимикан? Унинг қизалоғи менинг духиларимни сепиб юрибди, тўғрида, шундай қимматли нарсани ташлаб юбормайди-ку.

Томоғим ачишиб, кўзларимга ёш келди. Эй, худойим, менинг Катядан бошқа ҳеч кимга керагим йўқ...

-Қулоқ солинг, хой, - деб сотувчи секингина мурожат қилди. Кўзимда ёш билан унга қарадим.

-Хафа бўлманг, - деб гўлдиради сотувчи сотиб олишга дулингиз бўлмаса, Серовнинг савга қилишим мумкин.

Китобни қалтираб бағримга босиб ўтирганимни энди англадим

бўлиб кетди. Метродан чиқиб, супермаркетга кирдим.

Будди келга овқатни тайёрлашим керак. Гўшт ва балиқ маҳсулотлари расталари олдидан ўтиб, музлатилган, ярим тайёр маҳсулотлар олдида келдим. Пештахталарни ахтариб қовурилган картошкани топдим, кейин димоғимга дудланган товўқнинг иси келди. Тайёр овқат турганда, қийналиб нима қилдим. Биттаси оиламизга етмайди, итларни ҳисобга олганда уч дона сотиб олиш керак. Қизик, мушукларга нима олсам экан?

Нима танлашни билмай, бурчакда турган сёмга балиғи филесини олдим.

Аравачам аста-секин тўла бошлади: француз ёғи, икки пакетда сабзавотлар, авокадо ва банкали краблар... кассага яқинлашганимда, келишган қизалоқ менга, сўнг сотиб олган нарсаларимга қараркан:

-Чекни ураверайми ёки битталаб ҳисоблаб чиқамизми? – деб сўради.

-Қайси маъқул? – дедим, ҳайрон бўлиб.

-Аввал битталаб ҳисоблаб чиққан маъқул, кеча биттаси худди сиздек ҳарид қил-

ганди, пули етмади, чек эса уриб қўйил-  
ганди, дардисар бўлди.

Мен, чекни ураверинг, кредит карточ-  
кам бор деб айтмоқчи эдим, вақтида оғзимни  
ёпиб олдим. Энди кредиткам йўқ, чўнта-  
гимда кармон бор, унда ҳам қанча борли-  
гини билмайман. Тан олиш керакки, ара-  
вачани тўлдираётиб пул ҳақида ўйламаган  
эканман.

-Битталаб ҳисобланг! - дедим

Қизча калкуляторда ҳисоблай кетди.  
Жами ҳаридим унчалик кўп эмас, долларда  
ҳисоблаганда юзга яқинлашиб қолди, шун-  
да ҳам уч бутилка "Перье" сувини қайта-  
риб қўйишимга тўғри келди.

Бошида хафа бўлдим, чунки мен фақат  
шу сувдан ичаман, кейин эса олмаганим  
дан хурсанд бўлдим, чунки сумкам ағир ва  
уларни машинагача эмас, уйгача олиб бо-  
ришим керак эди.

Кириш эшигини очиш қийин бўлди, ка-  
литни сумкамдан олиб суққанимда, эшик  
ўзидан-ўзи очилди, рўпарамда Серёжа  
қўлида ҳожатхона қоғози билан турарди.

-Лампа, - деди у қовоғини ўйиб,  
ларда юрибсан, жавоб бер?

Қўлимдагиларни ерга қўйиб:

-Ҳарид килишга кетгандим - дедим.

-Баракалла, - деди у, - фақат нега ит-  
ларни айланишга олиб чиқмадинг!

-Нега? - дедим, хафа бўлиб, - улар  
подъезд олдида айланишди...

-Кам айланишган, - деди Серёжа. - Бу  
ёққа кел.

У меҳмонхона эшигини очиб кўрсатган-  
да, мен қотиб қолдим. Хонанинг ҳар хил  
жойларда уларнинг ахлатлари турарди.  
Муля, Ада ва Рейчел олдимга нима учун  
югуриб чиқишмаганликлари сабабини энди  
тушунгандек бўлдим, қилган айбларини бил-  
ганликлари учун яшириниб олган эдилар.

-Фақат бир нарсани тушунмайман, -  
деди Серёжа - нима учун уларнинг ичи

бузилган. Уларга ёғли овқат бермасак, ле-  
кин худди бўкиб сариеғ егандек.

-Мен уларга нонуштага сариеғдан бу-  
терброд тайёрлаб бергандим, - дедим.

-Итларгами?! - қичқириб юборди Се-  
рёжа, - Биз уларга ёғни фақат сурги си-  
фатида берамиз.

-Лекин уйда ҳеч егулик йўқ экан.

-Мана бу нима, сенингча? - деди Се-  
рёжа, қўлидаги пакетни силкитганча.

-Улар шу нарсани истеъмол килишоди-  
ми?!

-Бу, улар учун энг яхши овқат!

-Кечир, билмаган эканман.

-Бўпти, энди тозалаб ол. - деди у менга  
ҳожат қоғозини тақозаркан.

Мен ахлатларни тозалаб олганимча Юля  
билан Кириешка кириб келди. Киря олиб  
келган нарсаларимни бирма-бир кўздан  
кечираркан, севишиб:

-Триплда пишган товук! Шоколадли кон-  
фетлар! - деди.

-Бизда нима, янги йил байрамими? -  
деб норози бўлиб тўнғиллади, Юля.

-Шу қизнинг феълига ҳеч тушунмадим:  
олиб келмасанг - ёмонсан, сумкани тўлди-  
риб келсанг ҳам норози.

-Бу нима? - деб бақирди Кириюшка.

-Авоқодо, - деб жавоб бердим.

Бола яшил пўстлоқни тишлаб, чайнади-  
да, афти буришиб:

-Худди пахтани чайнагандек бўлдим, -  
деди.

Юля қўлимдагиларни кўриб, ҳуштак ча-  
либ юборди:

-Қанча ҳаражат қилдинг?

-Кўп эмас, атиги юз доллар.

Ҳамма жим бўлиб қолди, Юля:

-Кечирасану, лекин, овқатланишга ҳаф-  
тасига икки минг рублга яқин пул ажрата-  
миз.

Уларнинг бир ҳафталик озиқ-овқатла-  
рига юз доллар кетмас экан? Қизик, улар

буни қандай эплашар экан!

-Лекин, мен фақат керакли нарсаларни сотиб олдим, масалан, сариеғ...

-Французларники, - деди Сергей, - пачкаси олтмиш икки рубл! Ўзимизники арзонроқ, ўн уч рубл туради. Агар супермаркетда бўлмаса, ўлгуржи бозордан олиш керак, икки-уч рубл арзон туради.

-Ўлгуржи бозор қаерда? - дедим қизиқиб.

-Икки бекат нарида, троллейбусда борса бўлади.

Ўйимиз олдида яхши дўкон турганида мен уч рубл иқтисод қиламан деб умумий транспортда одам топмас жойларга боришим шарт эмас! Одамзотнинг ҳасислиги чегара билмайди!

-Сёмга балиғи! - деб қичкириб юборди Юля, - уни нега сотиб олдинг, қиласи икки юз рубл туради-ку!

-Мушукларга, уларнинг қарни оч...

-Сен Семирамида билан Клаусни сёмга балиғи билан тўйдирмоқчимсан?

Серёга менга қараб:

-Лампа, қулоқ сол, сен аввал кийининг уйда хизмат қилгансан, тўғрими, бўйнингга ол. - деди қулиб.

-Мен ҳаммага яхши бўлсин дегандим - деб ўзимни оқлашга тушдим, - чучварани ейиш умуман зарарли, сабзавотли товуқ эса фойдалироқ.

Яна жимлик, сўнг Юля хўрсиниб:

-Сен бизни қаерда ишлашимизни биласанми? Мен бошимни сарак-сарак қилдим.

-Ўйимиз - жарроҳ, - тушунтирди Юля - Серёжа реклама агентлигида ишлайди, мен эса ҳозирча журналистика факультетида ўқийман ва газетада ишлайман. Бизнинг ҳар куни авокадо, қимматли сёмга балиғи ва шоколадли конфетларни ейишга имкониятимиз йўқ. Тўғри, Катяга онда-сонда касаллардан конвертда пул тушиб тура-

ди, Серёжанинг ҳам маоши яхши, лекин, биз дам олиш учун пул йиғишимиз керак, кийиниш учун, квартира учун, бензин учун тўловларни тўлашимиз керак, Кириюшканинг спорт секциясига, ундан ташқари тўртта бўвимиз бор, уларни ҳам ташлаб қўя олмаймиз.

-Нега тўртта? - ҳайрон бўлдим мен. Серёжа конфетни оғзига солар экан:

-Ўйимиз тўрт марта турмушга чиққан, тасаввур қил унинг қайнонаси нечта? - деди.

-У ҳамма қайноналарига ёрдам берадими? Нима учун? Юля қулиб қўйди.

-Шунақа бўлиб қолган. Сен оддий нарсани тушуниб ол, хафтасига икки минг рубл биз учун ҳаддан ташқари ошиқча ҳаражат.

-Уни қайишни бас қилинг - деб ёнимни олди Кириюшка, - инсон билмапти, бўйинг учун уни чиқариб олиш керакми?

-Бунақада биз маошгача яшай олмаймиз, - деди Юля.

-Мен аз доллар йиғиб қўйганман, ҳозир олиб чиқаман! - деб югуриб хонасига кира кетди Кириюшка.

-Кирка тўғри айтади - деди Юля - келинлар шунча ҳаражат қилиб олиб келинган, овоқланамиз.

Менинг овкат егим келмай қолди, бошим оғриганини баҳона қилиб, меҳмонхонага чиқиб кетдим ва диванга чўзилдим. Менимча одатларимни ўзгартиришимга тўғри келади. Олдинги ҳаётимда юз доллар ҳеч нимани англатмасди, бу ерда эса, бу пул кўп нарсани англатар экан.

Эшик ғирчиллаб, қадам товушлари эшитилди, бошимни ёстик остига олдим, шу онда момиқ тумшуклар бошимни секин турта бошлади, бошимни бурганимда икита майин тилчалар юзимдаги кўз ёшларимни ялай бошлади. Ада билан Муля менни овутишга келишибди, меҳрим товланиб улар кўзимга жуда яхши кўриниб кетишди. Улар

дан ёқимли ялпиз ҳиди келар, тумшукларидан эса геркулес бўтқасининг ҳиди келарди.

-Лампа, йиғлама, -деган овоз келди, оёғим томонидан, қўрққанимдан туриб кетдим, оёғим остида Кира ўтирганди.

-Йиғлама, - такрорлади болакай, - сенга ўзим ёрдам бераман.

-Қандай қилиб?

-Қара, - деб у қўлимга коғоз тутқазди. Ўқий бошладим "Кун тартиби. Соат еттида уйқудан уйғониш, нонушта тайёрлаш, итларни айланишга олиб чиқиш, кейин, идиш-товокларни ювиш, хоналарни тозалаш..."

Хайрон бўлиб Киркага қарадим, у мен қилишим керак бўлган ҳамма ишларни ёзиб қўйган эди.

-Давомини ўқи, - деди болакай.

Кейинги варақ "Меню" деб аталганди.

Нонуштага – бўтқа, нон, пишлок, кечки овқатга – сосискалар, чучвара ва котлетлар...

-Буларни сенга мисол тартиқасиде ёздим, - тушунтирди у, картошка ёки тухум қовурсанг ҳам бўлади.

Ёрдамчимга ҳурматим ошиб қарадим, тўғри ўйлаган, агар бу шпаргалка қаъдидимда бўлса, қиладиган ишларим эсимдан чиқмайди.

-Лампа, - деб қичқирди Серёжа – тезда етиб кел, бир оёғинг у ерда бўлсин, бир оёғинг бу ерда.

Яна нима бўлди деб, оёғимни қўлимга олиб ошхонага югурдим

-Сенга оёғими ёки тўши?- деб ҳеч нарса бўлмагандай сўради Юля, - айтгандай, товўққа гап йўқ.

-Сарийёғ ҳам зўр экан, - деб қўшимча қилди Серёжа

Ичимда бир нарса узилгандай бўлди. Болалар менинг руҳимни кўтаришга ҳаракат қилишарди, шу он Кирюшканинг қичқириви эшитилди.

-Каранглар, бизникида уяли телефон, Серёжа ишхонангдан беришдими?

-Йўқ! - деб жавоб берди акаси.

"Меники" демоқчи эдим, лекин ўзимни вақтида тўхтатдим. Энди менинг уяли телефоним йўқ, у олдинги ҳаётимда қалит ва кармоним билан биргапикда қолиб кетди.

Буни эса Константиннинг уйидан ўзимники деб адашиб олганман.

-Кимники бу? – деб такрорлади Кирка.

-Кўчадан топиб олдим, - дедим - эгасига қайтариш керак, лекин қандай қилиб?

-Жуда оддий,- жавоб берди Серёжа, аппаратни кўздан кечирар экан, - "Билайн"

га уланган экан фирмага бориб, кимнинг номига берилганини аниқласа бўлади. Бу

билан шуғуллан, Лампа! Балки, сўночисини оларсан

Мен жимгина овқатлана бошладим ва ўзимча ўйладим, омадим келмоқда. Ёлғонни шунчалик усталик билан ишлятпманки, худди бир умр шу билан шуғулланиб келгандек.

Бугун идиш – товоқларни кечагидан қилиб тез ювдимки, ўзим ҳам хайрон қардим, газ плитасини ҳам ярақлатиб ювиб қўйдим.

Кечқурун кўзимга уйқу келмади, диванга Мулядан ташқари Ада ҳам келиб қўшилди. Уларнинг орасидан оёқларимни чўзаман деб қийналиб кетдим. Ҳаммасидан ҳам Костянинг севгилисини қаердан топаман деган ўй тинчлик бермасди. Қалламга бир фикр келди, эртага Ританикига бориб, ундан қалитларни оламан, бориб телефонни жойига қўяман-у, телефон дафтарини қидираман. Шуларни режалаштириб, уйқуга кетдим.

Соат қўнғироғи чалинди, уйқудан уйғониб, коридорга югуриб чиқдим, бор овозимча:

-Ҳамма ўрнидан турсин, тезроқ!

-Яна бир дақиқа, - деб уйқусираган овози

келди Киранинг, - яна бирпасгина, кўзларим очилмаяпти.

Газета ёрдамида плитани ёкиб олдим, хонамга кирганимда Рейчел ҳам диванга чиқиб олган, уларнинг ҳаммаси иссиқ кўрпанинг ичига кириб олган, чиқишни хаёлларига ҳам келтиришмас эди.

Ошхонада Кира тез-тез чойни хўплар, Серёжа нонга сариёғ суртарди, Юля телевизор кнопкасини босди:

-Шанба, дам олиш куни турганларга эрталабки саломларимиз...

-Қанақасига, бугун шанбами?.. - Киришюшка кўлидаги чашкани кўярган, норози бўлиб тўнғиллади, - Лампа, жинни бўлдингми, нега бизни тонг саҳардан уйғотдинг.

-Тўппа-тўғри, - деди Серёжа, анчадан бери ҳеч ким менга бунақа душманлик қилмаган эди...

-Раҳмат! - деди, Юля ҳам хўшилиб, катта ёрдам бердинг...

Бу гапларни эшитмаганликка олиб, кюрдорга чиқдим ва:

-Муля, Ада, Рейчел, - кўчага кетдик! - деб бақирдим.

Бу сафар биз ропа-роса ярим соат айландик, итлар ишларини битириб, уларнинг ўзлари подъезд олдига югуриб келдилар.

-Лампа, - деди Юля, этигини киярган, - эрта турган эканмиз, шу баҳонада бозорга бориб келамиз. Қиш келди, Кириюшканинг эса на иссиқ курткаси, на ботинкаси бор.

-Қачон келасизлар?

-Еттиларга яқин, итларни айлантир, - деб буюрди Серёжа ва учаласи кўчага чиқиб кетди.

Илмоқда калитларни кўриб қолдим, пастдан уларнинг бақиргани эшитилди:

-Лампа, калитларни ташла, уйда қолдирибмиз.

Калитларни деразадан улоқтириб, кийинишга тушдим. Тезда бориб келаману,

уй ишларини бажараман.

Маргаританинг уйи олдида одамлар тўпланиб турарди. "Тез ёрдам" машинаси ҳамда "Милиция" микроавтобуси. Мен одамлар орасидан ўтиб подъездга кирмоқчи бўлдим, лекин ёшгина сержант тўхтатиб:

-Шошманг, мурдани олиб чиқайлик, - деди.

Четга ўтдим, ёкимсиз рангдаги кора халтани кўтариб чиқишди, уйдан кимдир ўлган бўлса керак.

Маргаританинг эшиги катта очиқ эди, ҳайрон бўлиб ичкарига кирдим. Кўлида папка ушлаган, бўйи унча баланд бўлмаган эркак жаҳл билан:

-Сизга ким керак, - деб сўради.

Маргарита Федоровна.

-Сиз унга ким бўласиз? Унинг буйруғона сўроқ қилганига қараганда давлат одами эканлигига шубҳа йўқ эди. Ҳақиқатни айтишни эп кўрмай, ёлғон айтишимга тўғри келди.

Ишхонасидан, нима учун ишга чиқмаганини билиш учун юборишди...

-Кимники?

-Кимники бўларди, меники, - деб кулди милиционер.

-Билмайман, - дедим ҳайрон бўлиб, - биз таниш эмасмиз.

Эркак менга бир сония диққат билан қараб туриб, сўнг:

-Ўзингизни таништиринг. - деди.

Кўрқиб кетдим: энди қўлга тушдим, деб ўйладим. Лекин, икки кундан бери ишлатаётган ёлғонларим, бу сафар ҳам иш берди.

-Татьяна... Татьяна Павловна Молотова... - деб изкувар қоғозга ёзиб кўярган:

-Супермаркетингизга бориб, каттагангизга айтинг, Волкова энди ишга бормаёди.

-Нега? - ҳайрон бўлиб сўрадим.

-У ўлган, - деб тушунтирди изкувар

манзил ва телефонни айтинг.

-Кимникини?

-Меникини!

-Билмайман!

Изкувар асабий ҳолда баҳирди:

-Мени аҳмоқ қилишни бас қилинг.

-Аҳмоқ қилганим йўқ, мендан телефон ва манзилингизни сўрайсиз, мен қаердан биламан?

Изкувар хўрсиниб:

-Қаерда туришингизни ва телефон номерингизни айтинг. – деди.

Мен ўзим билмаган ҳолда Мишанинг манзилини айтдим. Қўрқиб кетдим, нима-лар қилиб қилиб кўйдим! Унинг севгилисини номини айтганим етмагандай, унинг манзилини ҳам айтиб кўйдим, неча бoshқа-бир нарса нарса ни уйлаб топмадим?

-У нимадан ўлган, юрак хуружиданми? Изкувар секингина:

-Сизга айтишади, кўчага чиқинг. – деди.

-Одам ишонмайди, соғлом кўринарди...

Лекин милиционер мени кўчага кузатар экан, телефон кўнғироғи жириглаб қолди.

Мен аппаратни олдим:

-Алло.

-Таня, сенмисан?

-Кечирасиз, адашдингиз. Гудок эшитилди.

Милиционер қўлимдаги "Сименс"га хавфсираб қараркан, қутилмаганда сўради:

-Демак, супермакетда ишлайсиз?

-Ҳа, - дедим, зиналардан шошиб тушарканман, - кассир бўлиб.

Подъездда одамлар йиғилиб турарди.

-Уни қўшниси Надька топиб олибди, - деб гапирарди кампир, - уйига кирса, Ритка дераза билан столнинг орасида қонга беланиб ётган экан. Надька қўрқиб кетибди. Энди уй кимга қолади, Маргаританинг ҳеч кими йўқ эди.

-Юрак хуружида ҳам қон кетиши бўладими? – ўзимни тўхтата олмай сўрадим.

-Ким сенга юрак хуружидан ўлди деб

айтди?

-Рита шундан ўлган-ку!

-Уни ўлдиришган.

-Қанақасига? – дедим, лабларим оқариб.

Кампир тушунтира кетди:

-Ошхона пичоғи билан. Узоқ қийналмаган, агар у ўз ажали билан ўлганида, бу ерда бунча милиция бўлмас эди.

Оғир оёқларимни судраб, метрогача етиб бордим ва ўриндиққа ўзимни ташладим. Охири кунларда бу транспорт воситаси менга ёқа бошлаганди. Тоза, ёруғ, иссиқ, асосийси сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳамма ўз иши билан юғрибди.

Фикрларимни, бир жойга жамлашга ҳаракат қилдим. Иккита мурда, лекин ҳужжатлар топилмаган. Охири умидим, яна Костянинг уйига кириб телефон китобчасини топиш. Рита уни "Рампа" театрида ишлашини айтганди, балки ишхонасига бориб, улар билан гаплашиб кўрсам, бирор нарсани сув юзасига ҳалқиб чиқар.

7 қисм

Мен театрма-театр юрмайман, лекин "Рампа"ни яхши биламан. Бир неча йил олдин у ерда шов-шувли премьерга қўйилганди, ҳамма бойваччалар спектаклга борган, шу жумладан биз Миша билан бориб, учинчи қаторда ўтиргандик. Ўша кун эгнимда қора кўйлак, тақинчоқлардан олмос кўзли сирға бор эди. Бойликка унча ўч эмасман, лекин Миша доим "Хотин – оиланинг ойнаси. Кўпроқ қимматли тошларни тақшинг керак, бўлмаса ҳамма мени иши юришмаяпти деб ўйлашлари мумкин" деб таъкидларди.

Кириш эшиги ёпиқ экан, ҳовлидан айланиб киришимга тўғри келди. Эшик олдида, столда гавдали эркак газета ўқиб ўтирарди.

-Сизга ким керак?

-Костя Катуклова масаласида келгандим...  
-Кунни битибди-да, – деди ғазаб билан навбатчи, – бегоналарнинг хотинлари орқасидан югуришнинг оқибати бу...

-Нега унақа дейсиз, одам ўлдирилган...  
У қўлини силтаб:

-У аллақачон ўлиши керак эди, ифлос, эркак эмас у, нега ҳамма оёллар унинг ортидан эргашади, хайронман. Артист! Эшитсанг, қўнглинг айниди. Унинг ўйнайдиган роллари ҳам атиги учта, ҳар бирида учтагина сўз. Бунақа актёрлар Москвада тўлиб ётибди.

Ҳа, Костянинг нимасидир бу эркакка ёқмаган.

-Ун иккинчи хонага боринг, - деди юмшаб қоровул, - у ерда иш бошқарувчимиз Лев Валерьянович бор, у маросимлар билан шуғулланади. Тор коридор бўйлаб ўн иккинчи хонани топдим, оҳиста тақиллатиб кирдим.

Хона менинг хонамдаги шкаф ҳенглигича эди. Шу кичкина хонада стол, стул ва сейф жойлашганига хайрон бўлдим. Ҳаммадан ҳам хайрон қоларлиси хонанинг эшиги эди, унинг буйи икки метрга яқин бўлиб, чарм куртка кийган эди. Пушти, қўйлаги бўйнидаги очиқ яшил ранг рўмолга умуман тўғри келмас, қулоғидаги катта сирғаси лўлиларни эслатарди.

-Сиз менга келдингизми? – деди у қизиқиб.

-Навбатчи Костя Катуконинг дафн маросими билан Лев Валерьянович шуғулланишини айтганди? - дедим саволига жавобан.

-Тўғри, - "уф" тортди "лўли". – Костянинг оиласи йўқ эди

-Айтишларича, унинг атрофида бир неча оёллар айланиб юрган экан.

-Тўғри айтишибди, санаб адоғига етиб бўлмасди, - деди Лев Валерьянович, - бирваракайига бешта оёл билан учрашарди.

Тасаввур қиялпсизми, бешта, бирваракайига!

Бунақаси ҳеч қанақа соғлиққа ҳам тўғри келмайди. Унинг бир назарияси бор эди: ҳар бир оёлнинг ўз хислати бор, фақат ўша хислатни топиш керак... Тўхтанг, - деди гапдон, - сиз унга ким бўласиз?

Жим бўлиб қолдим, бундай саволга жавоб тайёрлаб қўймаган эдим.

-Тўхтанг, тўхтанг, - деди ҳаяжонланиб администратор, - топдим! Сиз милициядансиз ва мархум ҳақида бирор нима билиш учун келгансиз? Гапим тўғрими?

Қизик, мени иккинчи марта изқуварга ўхшатишлари, шунчалик қонун ҳимоячиларига ўхшайибми?

Демак, тўғри топибман, - деди у, жавобимни кутмасдан, – биласизми, менинг экстраенсарлик қобилиятим бор, бош оғриғини йўқотишим мумкин! Актёрлар ҳам алдамай кўйдилар! Улар қандай оиладан келиб чиққанларини яшира олмайдилар.

Ҳаётимда биринчи марта бир фикрга тўхтадим – алдаш жуда осон, фақат сўз бадалашингга қулоқ солишинг ва ўлар сен ҳақингда ўйлаганликлари тўғри эканлигини таъкидлашинг керак. Мана, масалан, Лев Валерьяновичга ҳеч нарсани тушунтиришнинг ҳожати йўқ, унинг ўзи ўйлаб топди, ўзи ишонди ва у ўзининг топқирлигидан хурсанд.

Мен хўрсиниб, қўлларимни икки ёнга чўздим:

-Сизни алдаб бўлмас экан. Ростини айтсам, мен ўзимни унинг севгилисидан бири деб таништирмоқчи ва дафн кунини аниқ ламоқчи эдим.

Лев Валерьянович қўлларини бир-бирига ишқаб:

-Мен сизга ишонмасдим! Сиз Костянинг дидига тўғри келмайсиз!

-Нега, шунчалик қари кўринаманми? Айтганча, унинг ёши нечада эди?

-Ўттиз саккизда, оёлларнинг ёши Кос

тик учун унча аҳамиятга эга эмасди, бир марта у олти ой эллик ёшдан ўтган аёл билан яшаганди. Унинг ҳамма аёлларининг бир хусусияти бор эди – улар бахтсиз эдилар.

-Тушунмадим? – дедим, креслога ўрнашиб ўтириб оларканман, - иложи бўлса исмлари, фамилиялари ва адреслари билан...

-Мен уларнинг рўйхатини тузганим йўқ. Лекин, театрда ёш, чиройли артистлар жуда кўп, Костя эса уларниг олдига ҳам яқинлашмасди.

-Нега?

-Унга бошқача аёллар керак эди, ҳаётини да қоқилган, унчалик кўп пул топмайдиган, жа иқтидори бўлмаган ва ҳаётини йўлга қўя олмаганлар. Биласизми, бунақалардан яхши уй бекалари чиқади, улар ҳаммасини режа бўйича бажарадилар, уларни тозалаш, кирларни ювиш. Костяга уларнинг ўзидан бир поғона пастда туриши, у билан фахрланишлари ва уни кўрганда кўзлари порлаб туриши ёқарди. Актрисалар билан эса бунақаси кетмайди: ҳали уларга шубаларини кийдириб қўй, конфет, гуллар олиб бер, инжиқликларига чида. Унинг гапини бўлиб:


-Бирорта фамилияни айтинг, - деб талаб қилдим.

Лев Валерьянович ўйлаб туриб:

-Биласизми, бизда бир хоним бор, Костя ҳақида ҳамма нарсани айтиб бериши мумкин, ҳаммасини икир-чикиригача, фақат унинг кулф-калитини топиш керак.

-У ким?

Администратор кулиб:



-Қоровулимизнинг хотини, Лена Литвинова. Костя у билан бир вақтлар севишганди, айтайлик, у ўзининг принципларига қарши борди. У турмуш қурган аёллар билан юрмасди, ярим йил севги-муҳаббат бўлган. Сена, унинг эри, бир марта Костя билан жанжал қилмоқчи эди, биз уни тўхташиб қолдик. Хохлайсизми, мен унга қўнғироқ қиламан?

Жавобимни кутмасдан, у телефонни олиб:

-Ленуся? Банд эмасмисан, ҳозир олдингга бир аёл боради, жиноят қидирув бўлиmidан, унга Костикнинг ўлдирилиши билан боғлиқ ишни беришган, сен у билан муомала қилганда эҳтиётроқ бўл...

Телефондан трубканинг қўйилгани эшитилди.

-Бўпти, - деди, менга ўгирилиб администратор, - дазмолхонага борасиз.

-Қаерга?

-У бизда, кийимлар устахонасида ишлайди, сахнадан кейин, чапдан пастда, юринг қўзатиб қўяман...

Давоми бор...

# ДУНЁ КЕНГЛИГИГА СИҒМАЙДИ КЎНГИЛ



Кўзимнинг оқию қораси ҳам сен,  
Ҳаётим мазмуни - сараси ҳам сен.  
Йиғласам ашкимнинг дарёси сўнгсиз  
Ўлим ва ҳаётнинг ораси ҳам сен.

## КЎЗИМ ЎНГИДА

Кўзим ўнгидасан саман от минган,  
Шамол-ла ўйнаган, кун-тун суринган.  
Тоғларда булутни қўлтиққа тикқан,  
Орзу-ниятларин авайлаб, йиққан,  
Ҳой, сен болалигим, шўх-шаддодлигим.

Дўнгликка ўтириб, кафтига урган,  
Яхши кўрган қизин ҳаёлин сурган,  
Денгиздай гувиллаб, шовиллаб турган,  
Дўстлар даврасида ловиллаб турган,  
Ҳой, сен йигитлигим, ўт-оловлигим.

Тақдир учирганда - олисга учган,  
Ёлғизлик азобин эзилиб кучган,  
Жигарбандини узиб топширган,  
Азобли йилларни йиғлаб шопирган,  
Ҳой, сен фасоҳатга ўтган азизим.

Сабри олтин бўлган, озод Ватанда,  
Ниҳоят Хумолар бошга кўнганда,  
Кўнгил алёр айтди, вужуд кулганда,  
Тўйиб яшагандай бўлдим чаманда,  
Ҳой, сиз бошга қиров кўнган дўстгинам,  
Ҳой, сиз қуёшига етган дўстгинам.

Кўзим ўнгидадир,  
Кўзим ўнгида...

Кўзларинг сийпади,  
Унутдим дардим,  
Эзилган,  
Ҳурланган  
Эдим ўшанда.  
Билмадим, қалбимда ишқни кўтардим,  
Чароғон ёришди, юрагим шунда.

Етақлаб қайга ҳам борарди тақдир,  
Интизор манзилнинг макони қайда?  
Парвосиз фурсатнинг вақти ҳам чоғдир,  
Кўпириб оққандек бўлади сойда.

Танангга сиғмасе ситам хезланиб,  
Ипақдай эшилган меҳрга зорсан.  
Лаҳзадай турибсан менга юзланиб,  
Йўқотиб қўяман қўйиб юборсанг.

Ташналикда қовжираган кўкат мисол,  
Меҳрингизга илҳақдурман,  
Биласизми?  
Сўрамайсиз ахир мендан бир бор аҳвол,  
Бу ҳолимдан, суюқлигим,  
Куласизми?

Ёдингизни балки кунлар  
Ўғирлаган,  
Тунлар кўрқув бўлиб кирган  
Хонангизга.  
Бошингизни силаб сабр

Аллалаган,  
Муҳаббатим  
Юрар ҳамроҳ ёнингизда.

Фуссаларнинг куни битиб қололсайди,  
Чок-чокидан сўтилсайди қайғу-алам.  
Соғинчингиз ўз бағрига ололсайди,  
Бахтиёрлик менга насиб бўларди ҳам.

Фурсат нима?  
Бочечак шўх кулгунчадур,  
Қиш ўрнида юзин осиб турар баҳор...  
Интиқлигим сизга ахир ўлгунчадир,  
Кейин,  
Кейин...  
Бари бекор,  
Бари бекор!

Дўстгинам, дийдорнинг йўқдир баҳоси,  
Баҳона топмоққа йўл бермас фурсат.  
Кўнгил кўчасида баҳор ҳавоси,  
Соғиниб, соғиниб, кўришиб, турсак.

Оламнинг бағри кенг,  
Турфа хил иқлим,  
Офтобнинг нурлари турибди тушиб.  
Эртани орзиқиб кутади ҳар ким,  
Кечаги дардларни жим унутишиб.

Чироғи ёқилган уйдан хотиржам,  
Кўнгил ҳам яриммас,  
Тенгдир палласи,  
Барибир киприкка илинади нам,  
Бутун бўлганмикан ният чаласи?

Шамолдай кунлар ҳам учади отдай,  
Шошқалоқ умрнинг парвози баланд.  
Оқибат қишдаги тафт мисли ўтдай,  
Ҳаётга тақдирни айлайди пайванд.

Дўстгинам, дийдорнинг йўқдир баҳоси,  
Баҳона топмоққа излама фурсат.  
Кўнгил кўчасида баҳор ҳавоси,  
Ҳозирча соғиниб кўришиб турсак.

Менинг ахир бори-йўғим шу,  
Излаб-излаб топибсан манзил.  
Йўлларимни тўсганда қайғу,  
Сурамадинг,  
Не учун эй дил?

Оқиб кетди қанча сувлар ҳам,  
Кунлар ортга қайтмади сира.  
Энди бундай ўйлаб ўтирсам,  
Орамизда йўқдир хотира.

Нафас олиб турибман ҳали,  
Эркалайди вужудим ҳаво.  
Зарурмиди энди кўргали,  
Зарурмиди энг сўнгги даво.

Шошган умр қийнамас ахир,  
Бон-кутармас балки зулм, жабр.  
Тилагайман, билсанг, тошбағир,  
Ўз-ўзимга тоқату сабр.

Атрофга боқ,  
Ҳаёт кўзи ун,  
Хуш насими бирам таралган.  
Сурадингми, не бўлади сўнг?  
Севмак учун Ўткир яралган!



# КЎҲИ ТАВБА

(Достон)

## МУҚАДДИМА

Кўҳи Тавба, эй сен чин Тавба тоғи,  
Менга ҳам келибди, бил: тавба чоғи.

Билиб-билмай қилган гуноҳлар учун  
Бош эгиб қаршингда турибман бу кун.

Мен ким, ҳатто азиз-авлиёлар ҳам,  
Гуноҳлари учун чеккан қайғу-ғам.

Шайхи валиятарош Наҳмиддин Кубро,  
Рубоийсида дарж шундайин маъно:

«Итга берсам чекиб тавбамни нонга,  
Хатто ит қайрилиб қарамас унга».

Мўъжиза сўрашса Баҳоуддиндан  
Шундай бир «мўъжиза» кўрсатган чиндан:

Бир айланиб ўзи ўтирган уйни,  
Яна ўз ўрнига чўккан шу кўйи.

«Ахир, нимасидир бунинг мўъжиза?!» –  
Деб муридлар қилмоқ бўлганда изза:

«Тоғдай оғир гуноҳлар билан асли,  
Қушдай енгил юриш мўъжизамасми?!» –

Деб мот қилган эди муридларини.  
Бир улуг тасаллила чулғайди мени:

«Кўҳи Тавба, битиб шаънинга достон,  
Зора топсам бир оз дардимга дармон!

Кечир гуноҳларим, исёнимни ҳам,  
Достонда йўл кўйган нуқсонимни ҳам...»

## КЎҲИ ТАВБА ТАЪРИФИДА

Ниҳоятда улуг бу тоғнинг ёши,  
Ўн минг йиллик тарих - унинг йўлдоши.

Қадимда Гова деб аталган қоя,  
Шу номли давлатдан қилар ҳикоя.

Шу тоғ чўққисидан тилаб имдодлар  
Оллоҳга сизинган илк бор аждодлар.

Тавба тоғи дея аталган шундан,  
Аждодлар сизинган ўша илк кундан.

Бу тоғ кўплаб қонли жанглар гувоҳи,  
Ҳалиям таралар шаҳидлар оҳи.

Мардлар қилган юртга кўксини қалқон,  
Арзийди шаънига ёзса минг достон.

Хусусан, Эрон Турон жанглари,  
Дунёга таралган улар донглари.

Хатто «Шоҳнома»дан ўрин олгандир,  
Абадиятга нақш бўлиб қолгандир.

Сиёвуш ва унинг мард ўғли Фуруд –  
Қаҳрамонликлари бўлғайми унут?

Сиёвуш шу ерда кўрдим деб фарзанд,  
Тўй-томоша берган элга аржуманд.  
Олимлар Фуруд деб исм қўйишган,  
Қаҳрамон бўлар деб таъбир йўйишган.

Ушбу фақирона, камтарона ном,  
Авлодлар ёдида яшар бардавом.

Тоғ узра унга деб қурилган қаср  
Завол билмай яшар қаритиб аср.

Ҳақ ўз паноҳига олгандир уни,  
Кўёш зар нурига чулғар ҳар кунни.

Уч кунлик йўлдан ҳам товланиб турар  
Бу нуллар олтиндай - одамлар кўрар.

Довруғи таралиб етти иқлимга,  
Бу қасрни кўриш орзу ҳар кимга.

Шохлар олайн деб уруш очади,  
Аммо мағлуб бўлиб, ортга қочади.

Ёлгон эмас, чиндир аждодлар сўзи:  
Паноҳида асрар уни Ҳақ ўзи!

Яқин йўлатмасдан фанимларни ҳеч,  
Кўриқлаб туради гўё эрта-кеч.

Одамлар чиқишиб улуг чўққига,  
Дуолар қилишган Худо ҳақиға.

Тавбалар айлашган гуноҳларига,  
Тўлиб атроф нола, оҳ-воҳларига.

Имом Хусайннинг кўмилиб боши,  
Муқаддас атади яна ҳар тоши.

Азалдан ёғилиб Ҳақ эҳтироми,  
Ҳазрати Султон деб атади номи.

Ҳақ яратган экан шу можаро деб,  
Довруқлар таратсин оламаро деб.

Ёв билмасин дея бу азиз бошни,  
Хор қилмасин дея бу азиз бошни,

Кўринг бу жавонмард, марду тантини,  
Шаҳид этиб ёлғиз жигарбандини,

Имомнинг ўрнига дафн этибди,  
Имом бошини-чи, олиб кетибди.

Ҳисор тоғи томон солиб йўлини,  
Босиб ўтиб қанча дарё чўлини.

Кўхи Тавба сари етибди охир,  
Шу ерда дафн этиб кетибди охир.

Хаворижлар уни этишган таъқиб,  
Ҳар қадамда уруш оловин ёқиб.

Бу ерда тўкилган жуда кўп қонлар,  
Мурдаларга тўлган ҳамма томонлар.

Бир чилонжйида бор бунда кўп қари,  
Қон рангида ёнар ҳали шохлари.

Шу жийда остига кўмганча бошни,  
Уч кун асраганлар тўкканча ёшни.

Бу чилонжйида ҳам шундан муқаддас,  
Динга хизмат қилган энг оғир нафас.

Довуд ғорга кириб сўнг бўлган ғойиб,  
Бу қисса тарихи чиндан ажойиб.

Кўмилгани учун Хусайн боши,  
Бунда кўп тўкилган одамлар ёши.

Марҳумнинг руҳи шод эл этса тавоф,  
Элнинг ўзига-чи, ёзилар савоб.

Шу мадфун бош сабаб айлаб зиёрат,  
Одамлар Оллоҳдан тилар мағфират.

Билиб-билмай қилган гуноҳларига,  
Ишонар - Ҳақ етар эл оҳларига.

Гуноҳ афв этилар улуг маскан бу,  
Аждоддан авлодга ўтиб келган бу.

Банда ҳеч гуноҳдан бўлмаган ҳоли,  
Гуноҳқорлик ҳисси келганда ғойиб,

Тавба тоғи сари елар одамлар,  
Афв-мағфират сўраб келар одамлар.

Яхшиям шундайин Тавба тоғи бор,  
Гуноҳларнинг афв этилар чоғи бор...

Бу ҳақда бор «Ҳазрат Султон тарихи»,  
«Қиссаи сар»да ҳам мавжуд таърифи.

Хаворижлар тўсиб, нақ икки юз йил  
Тавбатогин тавоф қилолмаган эл.

Або Муслим бунга йўл очган яна,  
Эзгу қадриятлар қилган тантана.

Ўша замондан то бу кунга қадар  
Халқ уни улуглаб зиёрат этар.

Қадамжо ҳислати асли Худодан,  
Тарихи бошланар Одам Атодан.

Аждодлар яшаган унда қадимдан,  
Она юртин асраб турли ганимдан.

Она замин эркин билиб муқаддас,  
Ёв билан курашган, енгган ҳар нафас.

Шунинг учун азиз бу тарих жуда,  
Уни мадҳ этишим эмас беҳуда.

Мен сени васф этай, эй улуғ маскан,  
Ёшлиқдан дилимда ифтихор ўсган.

Мен чўнг тарихингга дoston нақш айлай,  
Сен менинг гуноҳу айбим, бахш айла!

Шарқ томондан боқса чўққидан, азим -  
Куёш ҳам уч бора қилади таъзим.

Тоғ устига чиқиб, ким солса нигоҳ,  
Ўзи бўлар бу ҳодисага гувоҳ.

Куёш таъзим қилса фақат субҳидам,  
Мен таъзим қиламан ҳар нафас ҳар дам.

«Хайрли иш қуриш мозийга қайтиб», -  
Қодирий шу гапни кетганди айтиб.

Чиндан ҳам ўтмишни савоб ёд этиш,  
Авлодларни эслаб, руҳин шод этиш

Умумбашарга хос эзгу қадрият,  
Азалий-абადий - мангу қадрият.

Шу анъана қўлга тутказиб қалам,  
Тарихга бир назар ташладим мен ҳам.

Баҳодир ва ёвкур ота-боболар  
Жасорат куйлайди айтиб дуолар.

### ФУРУДНИНГ ТУФИЛИШИ

Хисор тоғларида тарих битилган,  
Бу тарих тошларга дарж этилган.

Баҳодирлар яшаб ўтган бу элда,  
Асрларки дoston номлари тилда.

Рустам уруш олиб борган чоғларда,  
Гурзисининг изи қолган тоғларда.

«Шоҳнома» битганда Фирдавсий шоир,  
Сўз айтган бизнинг ҳам юртларга доир.

Гузал табиатли бой ўлка Турон,  
Ёвларнинг кўзини ўйнатган ҳар он.

Асрларни бўйлаб, ўтгандир нари,  
Хусусан, Эрону Турон жанглари.

Сўғд қалъаси бўлди мустаҳкам қўрғон,  
Ботирлар ёвларга солдилар қирон.

Минг-минг йиллик тарих бу тошларда жам  
Бир тарих китоби ҳар тош ўзи ҳам.

Уларда яшайди жанглар сурони,  
Шаҳидлар ноласи, ёвлар қирони.

Тингласанг, бу тошлар нималар демас,  
Ҳар бир тош бир дoston сўйлар ҳар на-  
фас.

Аждодларнинг қонли курашларидан, -  
Тоҳи кураш, гоҳи ярашларидан.

Меҳнаткаш аҳоли чеккан аламлар -  
Заҳрини битишга ожиз қаламлар.

Бошинг узра порлар қадрдон куёш,  
Ҳамиша мададқор, ҳамиша йўлдош.

Зилол сувларингдан тошар дарёлар,  
Булутларни соғиб яшнар саҳролар.

Жаннатдай гуллаган эди бу давлат,  
Чунки мезон эди бунда адолат.

Тама билан тикиб оч-суқ кўзини,  
Босқинчилар хароб этди ўзини.

Бўлдилар сенинг ҳам мардларинг шаҳид,  
Юртим, бунга тарих ўзидир шоҳид.

Улар ичра аҳли қалам ҳам бўлиб,  
узилган гунчадек кетдилар сўлиб.

Орзуларинг ўтди асрлар бўйлаб,  
Ҳассос куйчиларинг ўтдилар куйлаб.

Яралди қанчалаб эртагу дoston,  
Ўзинг илҳомчисан, халқим - жонажон.

Ўзинг тўқиб, ўзинг куйлашар эдинг,  
Абадият билан бўйлашар эдинг.

Азалдан сийлаган сени Ҳақ ўзи,  
Азалдан сендадир дунёнинг кўзи.

Туронда кўз очди Сиёвуш беклар,  
Йўргаклаб олишди қадимги саклар.

Етишди не мардлар, авлиёлар ҳам,  
Сенга таянч бўлди қоядай маҳкам.

Ҳаттоки девларга солдилар қирон,  
Улардан қолмади бирон ном-нишон.

Сўғд қояси, шонли тарихинг битдим,  
Қадимсан, буюксан, о Турон юртим!

Қўкинг узра учар Анқо қушлари,  
Бошинг узра қўнар Хумо қушлари.

Тонгда куёш сенга сажда этади,  
Саодатли кундан мужда этади.

Тарихдан сўзласанг агар ҳикоя,  
Бу тарих ҳеч қачон билмас ниҳоя.

Сенинг тупроғингда туғилган фарзанд,  
Булар шерюрагу булар донишманд.

Ҳақ назар қилган бу замин нафасин -  
Тўйиб куч олмаган одам эмас-е!

Майдонда музаффар Турон ўғлони,  
Эронлик ёвларнинг чиқар фиғони.

Сен зафар шаънига қурганда базм,  
Мен тарих варақлаб, битаман назм.

Вужудимда сенинг қонинг жўшади,  
Бу қон илҳомимга илҳом қўшади.

Сиёвуш эгарлар учқур отини,  
Белда қилич - берар душман додини.

Гова чўққисидан тушиб келар у,  
Тўлиқиб, ҳайқириб, жўшиб келар у.

Душман юрагига солади титроқ,  
Ногоҳ гурлагандай момоқалди роқ.

Бургут каби учиб, ел каби елди,  
Деву аждаҳодек жанггоҳга келди.

Қиличин қинидан шартта суғулар,  
Душманлар сафини бугдойдай урар.

Душман узра ажал ноғора қоқди,  
Оқдарё сувлари қон бўлиб оқди.

Ғанимлар вужуди ларзага тушди,  
Ажалини сезиб, тани увушди.

Мурдалар ётади тоғу тошларда,  
Қон қотган танидан жудо бошлар-да.

Ям-яшил ўтлоқлар бўялди қонга,  
Ёв чекинди - қайтиб кетди Эронга.

Бу юрт қувватини кўрди ўшанда,  
Мардлар қудратини кўрди ўшанда.

Қўриб мард ва жасур Турон элини,  
Ваҳима чулғади душман дилини.

Эрон подшолари хаёлга толди,  
Мағлублик уларни ларзага солди.

Эроний подшолар мағлуб бўлишди,  
Туронзаминликлар голиб бўлишди.

Байроғи ҳилпирар голиб Туроннинг,  
Қалбида аламлар қўзғаб Эроннинг.

Сўғд қояси узра тикилгандир у,  
Ёв кўксига тиғдек тикилгандир у.

Сўғдий элда юксак қалъа қурдирар,  
Кўҳна тарих бундан гувоҳлик берар.

Қалъаки кўҳ билан суҳбат қуради,  
Устида булутлар сузиб юради.

Тошдан қад ростлади мустаҳкам девор,  
Авлод-аждоғларга қолсин деб ёдгор.

Мўъжиза яралди етти иқлимда,  
Сўғд қояси узра менинг элимда.

Қалъа безаклари олтиндан бўлди,  
Куюш чиққанида у нурга тўлди.

Куюш тангрисига қилиб у сажда,  
Тонгни қарши олар бериб хуш мужда.

Қасрдан кўринар бу мўъжизалар,  
Таъзим этишади эр-ожизалар.

Уч кунлик йўлдан ҳам тонгда кўринар,  
Олтин қаср бўлиб чўққида турар.

Қасрнинг шухрати кетди жаҳонга,  
У ўшар гўзаллик тимсоли тонгга.

Жаҳон халқларини шошилтирди бу,  
Эзгуликлар сари йўл кўрсатди у.

Халқим фахри бўлиб бу қаср турар,  
Олам кўрганлардан доврўгин сўрар.

Етти иқлимдаги халқлар орзуси,  
Қалъани кўрмоқни истаиди кўзи.

Тоғ чорлар халқларни эзгулик сари,  
Гуноҳин кечишин сўрашар бари.

Ҳақдан раҳмат тилаб, эллар йиғилар,  
Дардин тўкиб, гўё қайта туғилар.

Гарчи ер айланар ўзин ўқида,  
Ёзда ҳам қор ёғар азим чўққида.

Табиат сеҳрини бунда кўрарсиз,  
Жаннат гулларини шунда терарсиз.

Муздек соф сувидан ичганинг дамда,  
Бир руҳий енгиллик пайдо одамда.

Чашмаси суви минг дардга дармондир,  
Ичмаганлар дили тўда армондир.

Оллоҳим яратди кўқдаги нурни,  
Шу булоқ сувидан суғорди ерни.

Гуё жаннат йўли Сўғддан бошланар,  
Чунки бир нурли йўл кўзга ташланар.

Минг китоб бўлгулик тарих мужассам,  
Бир неча сатрини этмоқ бўлдим жам.

Менинг бу дostonим бир чизги, холос,  
Уша китобларга бўлгулик асос.

Фorsий лисонида «Кўҳи Тавба»син,  
Халқимга Оллоҳнинг катта совғасин.

Ривоят юради: қадимда шерлар  
Сўғд қояси сари илдамлаб келар.

Одамлар чўққида, чиқмасдан, шерлар  
Оллоҳнинг берган бой ризқини ерлар.

Кўқдан бир илоҳий дастурхон тушар,  
Шерлар то тўйгунча ундан ейишар.

Шерлар наърасига келаркан Суруш,  
Товушлар садоси кўрқинчли, мудҳиш.

Ризку рўз сўрашар, сўрашади жом,  
Чўққида покланиш этади давом.

Одам Ато даври бўлди итоат,  
Бандадан Оллоҳга лозим ибодат.

Нияти ҳолислар бахтли бўлади,  
Муттаҳам, ўғрилар динсиз ўлади.

Мозийнинг бағрида тилим ва тилим,  
Сўғднинг тарихида ғамлар лиммо-лим.

Туғилди бу қутлуғ заминда фарзанд,  
Мамлакат қувонди - бор эди дилбанд.

Исмини қўйдилар ота-онаси,  
Бешик узра осиб гавҳар шодаси.

Олиму авлиё жам бўлиб шунда,  
Осмонга боқдилар юлдузли тунда.

Истиқбол юлдузин излашди улар,  
Фалакнинг авжида юлдузлар кулар.

Тасанно айтишди гўдакка боқиб,  
Онаси келарди гул-райҳон тақиб.

Фуруд деб қўйишди бола исмини,  
Оллоҳ берган эди гўзал жисмини.

Кўкдан тушиб келди фаришталар ҳам,  
Бу кувонч-шодликни кўрмоққа баҳам.

Дарёга шошилар тоғдан ирмоқлар,  
Шилдираб, ўйноқлаб кўнглини човлар.

Малаклар кўрсатди тоғда қалъани,  
Йўргакка солишди ёвқур болани.

Зар билан мунаққаш қалъа девори,  
Туғилди қалъанинг жасур сардори.

Боланинг юзидан ёғилади нур,  
Энди у қалъага боғлиқ бир умр.

Отаси қалъани Фурудга берди,  
Оллоҳ қарзи учун саждада турди.

Сўғднинг қоясида мўъжиза қалъа,  
Тинчгина яшарди унда бўз бола.

Сўғд тоғи ҳикмати жуда кўп эди,  
Оллоҳнинг туҳфаси берса тўп эди.

Оллоҳ ўзи кўллар фалакдан боқиб,  
Нур иниб келарди юлдуздай оқиб.

Қалъанинг кўркига маҳлиё эрди,  
Мўъжиза масканни қалъадай кўрди.

Тонгда порлаб турар уч кунлик йўлдан,  
Ям-яшил дарахтлар ўнгдану сўлдан.

Куёш чиққанида таъзим этарди,  
Оллоҳимни амрини тонгда кутарди.

Минглаб олимлар ўтди - куёш ҳар кун  
Саждага бош қўйиб кутарди уни.

Гова чўққисиди олтин қаср бор,  
Куринар тонг куёшда пурвиқор.

Гавҳардай товланар куёш нурида,  
Кўрса тонг қотарди жаннат хури-да.

Неча минг йилдирки, халқим саждада,  
Оллоҳга сиғинар, кутар мужда-да.

Гуноҳқор кишилар келиб бу элга,  
Фориғ бўлар дилни босган юк-зилдан.

Кимки бориб уни зиёрат этар,  
Иймони-бўт бўлиб, дил занги кетар.

Туғилгандай бўлар онадан қайта,  
Худого минг қатла шукрона айта.

Дилни тўсган парда сўкилиб борар,  
Гуноҳлари: бир-бир тўкилиб борар.

Қалъада, сеҳрли туйнук бор эди,  
Кўрмаган бандалар унга зор эди.

Ҳеч ким билмас эди қайси эшикда,  
Нақшқор олтин қўл қайси тешикда.

Оллоҳ уни нурга макон айлади,  
Фуруд-белга нурдан камар бойлади.

## БОЛА КЎТАРГАН ЭРКАК

Қобилжон телефон дастагини жойига қўяр экан, хурсандчилигидан "Эҳ!" деб юборди. Қўлларини ёзиб, бармоқларини қирсиллатди. Давлатбек ака келарканлар! Тошкентда қишлоқ хўжалиги ходимларининг ун кунлик ўқишим-ей, нима балоси булар экан. Қобилжонларни кига ҳам кирар экан.



Давлатбек келса, Қобилжоннинг ҳам куни тугиб қолади. Зимистон кунгли ёз булади. Давлатбек ўз оти билан ҳам давлатли, ҳам саҳий йиғит. Хушмуомаласи билан эриманган дилларни эритади. Тошкентда ҳам, Тошкент атрофида ҳам унинг дусту-ёрлари, улфатлари кўп. Ҳар гал бу ёққа келганида Қобилжонни ўзи билан олиб юради. Қаерга боришса, қайси даврада утиришса, давранинг гулу-Давлатбек булади. Эҳ-ҳей, унинг гурунглари, латифалари. Давлатбек латифа сўзласа, давраларда қаҳ-қаҳа кўтарилди. Давлатбекнинг борманган, кўрмаган ери ҳам кам қолган шекилли, кўрган-кечирганлари ҳам бир дўстон. (Кўрган кечирганларини таърифлай бошласа, ёнида утирган одам худди бирга юргандай, ўзи кўргандай булади.

Бир гал улар чет эл сەҳаҳатига боришибди. Самолётдан тушишлари билан ҳамма сәҳаҳатчилар ўзларини ҳожатхонага уришибди. Лекин, бир кампир аланималар деб гужурлаб қиритгани қуймасмиш. Давлатбек "Э-қараб утираманми", - деб кампирни елкаси билан сал суриб ичкарига қирибди. Чиқса, кампир гуруҳ бошлигига қараб нималардир, деб гужурлаб отибди да.

Гуруҳ бошлиги уни ёнига чақириб, тартибни бузибсиз, ўртоқ, бу ерда ҳожатхоналар пулни экан, биз ҳали пулни алмаштирганимиз йўқ" - дебди. Давлатбек улардан кечирим сўрабди.

Лекин, пул алмаштиргунча уларнинг булари-булди, мен эса мазза қилиб юрдим. Бу гапни айтиб Давлатбек қаҳ-қаҳ уриб кулар экан, ёнида утирган Қобилжоннинг тиззасига уриб:

- Ука, ҳадеб тартиб-қоида деб юрмасдан, баъзан уни бузиб ҳам туриш керак-да, - деб қўйганди.

Давлатбек акаси ана шунақа йиғитлардан.

Қобилжон эса унинг акси. Одамовироқ, камгапроқ. Шунинг учунми, унинг яқин ошна-огайнилари деярли йўқ. Ҳар қандан таниш-билишлари билан ҳам салом-алиқдан нарига утмайди. Ишдан чиқиб тўғри уйга келади. Қўни-қўшниларнинг ҳам анча гурунгига қўшилмайди. Лекин уй юмушларини қилишдан оро қилмайди. Қобилжоннинг кунглида бировга ёмонлиги йўқ. Агар унинг кунглига йул топадиган одам булса, ундан жонини ҳам аямайди. Мана, Давлатбек унинг шундай одамлардан бири. У Қобилжонни меҳр билан ҳурмат қилади. Баъзан Қобилжон унга дардларини тўқади. Шунда Давлатбек шундай гаплар топиб гапирдики, Қобилжоннинг дардли юрагига малҳам қўйилгандай булади.

Шунинг учунми, ҳар доим унинг юраги Давлатбек томонга ундайди, у билан бирга бўлгиси, суҳбатларини тинглагиси келади.

Мана, Давлатбек акаси яна улар томонга келаяпти.

Анча қоронгилатиб ишдан қайтган хотини Ҳавогул ҳам бу хаберни эшитиб, севинчини яширолмади: "Вой, қандай яхши! Яна қуриб қолган музхонамиз тўлиб қолар экан. Келсин, келсиней, уша акагинам!".

Давлатбек ҳар келганда олиб келадиган гўшт, ёг, ширинликлару ичимликлар Қобилжоннинг ҳам кўз унгидан бир-бир утди.

Кечаси уринга киргандан кейин ҳам анча маҳалгача Давлатбек ҳақида уйлаб ётди. Унинг биринчи келган кунини эслади. Бундан етти-саккиз ойлар бурун бир кун Ҳавогул уйларига башанг кийинган, барваста, салгина қорин қўйган, хушмуўйлов кишини етаклаб келди. Ҳалиги киши қучоқларини ёзиб Қобилжонга қараб кела бошлади. Қобилжон аввал танимади:

- Э-э, Қобилжон, ўзингизмисиз, сизнинг кўрар кун бор эканку-а?? Меҳмон Қобилжонни қучоқлаб, кўтариб-кўтариб қўйди. - Буни қаранг, ҳеч ўзгармабсизку, ҳалиям қизлардай нозик, уятчан бўлиб юрибсизку-а? - У хоҳолаб кулди.

- Танимадингизми-а?

Қобилжон унинг чақнаб турган қоп-қора кўзларидан таниди. Давлатбек.

- Э-э, Давлатбек ака, наҳотки сиз булсангиз?! Қобилжон қайтадан қучоқлашиб кўришди.

- Қайдан танийин, ака бир хипчиндеккина талаба йигит эдингиз, энди бунақа...

Давлатбек яна хоҳолаб кулди. Қобилжон ва Ҳавогулнинг бир хоналигина уйлари унинг овозига тўлди. Бундан ун йилча илгари Давлатбек уч-турт талаба дўстлари билан Ҳавогулларникида ижарада турарди. Улар қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқишарди. Универмарг олдида сигарет, сақич-пақич сотиб ўтирган Ҳавогулни кўриб қолган Давлатбек дарҳол у билан саломлашиб, аҳвол сўрабди. Чолу-кампирларнинг оламдан ўтишганини эшитиб, уларга бир фотиҳа ўқиб кетайин деб келибди. Боягина кулиб турган Давлатбекнинг юзи жиддий тортади.

У пичирлаб, анча узоқ "қаръон" ўқиди. "Уларни худо раҳмат қилсин!" - деб юзига фотиҳа тортади.

Уша куни Қобилжон бир сиқимгина ош тайёрлади.

Давлатбек ош устидаги бармоқдеккина гўштни кўриб, хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб, уларнинг юпқагина яшашларини сезди.

- Мана бу телевизор, момо-бувалардан қолганми? Аввал уйларида кўрардим-да?

- Ҳа, уша телевизор, - деди Ҳавогул, сал иймангандай.

- Ҳа, момо-бувалар яшаган уйда файз-барака кўп эди. Қозон ҳамиша қайнаб турарди, қанчадан-қанча талабалар яшардилар. Уша ҳовлига бир-икки бор бордим, лекин ҳамиша дарвоза қулфланган турарди, сизлар бу ерда яшаркансизлар, билганим йўқ эди.

- Ота-онам утганларидан кейин у ҳовлида бироз вақт акамлар яшадилар, кейин улар ҳам бошқа жойга кучиб кетдилар. Ҳозир ҳеч ким турмайди.

Боя Давлатбек файзу-барака ҳақида гапирганда, гўё бу уларга тергизиб айтил-

гандай, Ҳавогулнинг ранги узгарди. У ер тагидан Қобилжонга қараб ўқрайиб кўйди. Ҳавогул бу уйда барака йўқлигини ҳар куни бир бор Қобилжоннинг устига ағдариб, унинг юзига солади.

Улар уша куни бирга ўтган йилларни эслашиб, анчагина суҳбатлашиб ўтиришди. Секин-секин бегоналик пардаси кутарилиб, қизиқ-қизиқ воқеаларни хотирлашиб кулишдилар. Бир гал уйда кампир йўқ экан. Давлатбек Ҳавогулга "бизга овқат қилиб бер" дебди. Ҳавогул эрка, тантиқ қиз бўлиб, 16-17 га кирса ҳам овқат қилишни билмас экан. Макоронни совуқ сувга солиб, қозоннинг қопқоғини кўйиб қайнатган экан, макарон атала бўлиб кетибди. Шунда Давлатбек уни ушлаб олиб бир шапалоқ урибди. "Ҳалиям овқат қилишни билмайсанми, эрга тегсанг эгиз тугасан-ку!" дебди. Ҳавогулга алам қилиб йиглади. Лекин, шундан сўнг овқат қилишни урганиб олибди. Бу воқеани Ҳавогул эслаб кудди.

Давлатбек ўзи ҳақида гапирди. Бир қорхонага бошлиқ экан. Иккитагина қиз фарзанди бор экан. Хотини Манзураҳон қасалланиб кейин тугмай кўйибди. Қиз бўлса ҳам бор экан, бизда шу ҳам йўқ, - деди Ҳавогул хурсиниб.

Қобилжон ҳам ерга қаради.

- Йўғ-ей, битта ҳам... фарзанд йўқми, ҳали?

Мен боғча-моғчадамикан дебман

- Фарзанд йўқ, ака, булук армонимиз шу, - деди Қобилжон ҳам ҳафа оҳангда.

- Булаяпти, лекин...

- Нима, лекин?

- Ҳалиги... деди Қобилжон найналиб, буладию тушиб қолаяпти-да.

- Уни... ундай бўлса яхши врачларга кўриниш, даволаниш керак, вақт ўтмай ҳаракат қилиш керак. Мен Манзурани жуда кўп қаратдим, лекин унга туғиш мумкин эмас эканда. Ҳа, нима бўлса ҳам, ҳаракат қилиш керак.

- Қаратишга бунинг пули борми, Ҳавогулнинг юзи қизариб, тез-тез нафас ола бошлади. Умуман, бу уйга боланинг нима кераги бор, эрим ўзини аранг бажарса.

Қобилжон туриб ошхонага чиқди. У ердан кўч-товоқнинг шақир-шуқури эшитилди.

- Отам раҳматлик ҳам битта-ю битта қизини топиб берган эрни қаранг. Буш, баёв, урмайди, сўкмайди эмиш. Мана, битта заводда ишлайдилар, бу кишим, бир нуқтадан қимирламайдилар, маош ҳам ўзига яраша. Бу кишидан кейин ишга келганлар ўсиб кетди, тағларида машина, хотинлари одам танймайди. Одамга жон керакда, жон. Улик бўлгандан кейин нима буларди.

- Ҳавогул, - деди Давлатбек ёнбошлаб ётган жойидан турар экан, - Қобилжонни кўпам ерга ураверма. Эрни эрдай кўр, эр ярим пир дейдилар. Мен шу талабалик йилларимда Қобилжон ҳам сизларникида яшарди, отангизнинг қаноти эди, акангиз ишга йўқ эди, лекин Қобилжон ҳамма ишларни қиларди. Феъли яхши, кўнгли пок йигит бўлгани учун куёв қилганлар. Ҳали, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, насиб бўлса бола ҳам, бошқаси ҳам булади.

Давлатбек балконга чиқиб ўтирди. Бир қадамгина наридаги ошхонадан кўз ёшларини артиб Қобилжон чиқиб келди.

- Ака, ҳеч ким етим бўлмасин экан, - деди у хурсиниб, Давлатбекнинг ёнига ўтирар экан.

Ичкаридан телевизор овози эшитилди.

- Ота-онам ёшлигимда ўлиб кетишиб, бунинг отаси қарамоғига олди. Ўзингиз билардингиз, ҳожатхонасининг чуқуригача тозалардим буларни. Энди... мен... мен, ҳалиям уша етимманда, бунга...

Давлатбек унинг елкасидан қучоқлаб, худди болани юпатгандай юпатганди ушанда. Қобилжон ётган жойидан хурсиниб, тўлғониб қуюди. Яна хаёл олиб кетди.

Шундан сўнг Давлатбек ҳар гал Тошкентга келганида уларникига кирадиган бўлди. Бу гал у олиб келган гўштни болтача билан чопиб-чопиб музхонага жойлар экан, "бир қўйнинг ярми-ёв" деб уйлаганди Қобилжон. Бир сафар Қобилжонга ҳам пижама билан шиппак олиб келибди. Қобилжон бир кун истиҳола қилиб:

- Давлатбек ака, бизни уялтираяпсизда, илтимос, бундай қилманг, ўзингиз келинг, ширин суҳбатлар қуриб утирайлик, - деганда Давлатбек унинг елкасига қўлини қўйиб:

- Э, Қобилжон ука, менга момо-буваларнинг хизматлари кўп, ҳар қанча қилсам оз. Бу ҳали нима гап. Мен сизларга уй олиб бермоқчимай, - деди.

Бунақа тантиликни кутмаган Қобилжоннинг оғзи очилиб қолди:

- Йўғ-эй, наҳотки, уй...уй.. йўғ-эй, бу шарт эмас, ака, бу осон эмас... Давлатбек ташқарига чиққанда Ҳавогул уни ўзиб олди:

- Сизга ким қўйибди ноз қилишни-а?

Қўлингиздан бир иш келмагандан кейин жим утиринг, хўпми, Давлатбекни бизга худо юборди, давлати денгиздай чайқалиб ётган булса, шундан бизга ҳам бир чўмичгина узатса ҳеч нарса қилмайди.

- Худога шукур, - деди Давлатбек қайтиб кирган.

- Қўлим қисқа эмас, карнайчидан бир пуфда, мендан нима кетди, "қайтса қайтар, қайтмаса худодан", - деди.

Қобилжон Ҳавогулга қараб қўйди-да:

- Қуллуқ, ака, қуллуқ, - деб қўйди.

Ҳаш-паш дегунча уч хонали уйга ҳам эга бўлишди. Бундай уйга етишиш Қобилжоннинг етти ухласа тушида йўқ эди. Бу унга етиб булмас орзу эди, холос. Давлатбек учун эса бу оппа-осон, бир пасда ҳал буладиган иш экан.

Ҳавогул ҳам Давлатбекнинг аралашуви билан универмагга ишга кирди. Бирни кийиб, бирни ечадиган, пардоз-андозни қанда қилмайдиган бўлди. Тилла буюмлар ҳам сотиб олди.

Қобилжон, "янги ишда тушум зурга ўхшайди", деб уйлар, қўлоги тинчиганга шукур қилиб, бу нарсаларни қаердан олдинг, деб ҳам сурамасди.

Ёзда Давлатбек уларни Қашқадарёга, уйга таклиф қилди. Қишлоқдаги дангиллама уйлардан бири Давлатбекники экан. Қўшқаватли уйнинг орқа томони каттакон бог, олди эса баланд ишком қилинган, ишком тагида узун супа, яна ёғоч қаравот қўйилган. Ҳамма ёғ гулзор, файзу-тароватли эди.

Давлатбекнинг хотини Манзурахон ўқимишли, тўладан келган, соддадил аёл экан. У меҳмонларни очиқ юз билан кутиб олди. "Тошкентдан меҳмон келди", - деб оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилди. "Ҳавасаки" деб гоҳ қоғоқ сомса, гоҳ гилвинди, гоҳ юпқа қилар эди. Борган кунлари Давлатбек қўй сўйди. Уникига

сонсиз-саноқсиз меҳмонлар келар, уларнинг суҳбатларидан Қобилжон билдики, қишлоқ одамлари уртасида Давлатбекнинг обриси баланд. Удабурон, гапга чечан, сахий Давлатбекнинг асфалт йул қилиш, чойхона қурилиши, газлаштириш каби ишларда қишлоқдошларига кўп ёрдам берган экан.

Давлатбекнинг ёру-дустлари, қуни-қушнилари уларга ҳар куни меҳмонга чақиришарди. Хушчақчақ, меҳмондўст, очиқ кўнгил бу кишилар орасидан Қобилжоннинг кетиси келмасди. Давлатбекнинг энг яқин ошнаси Райим аканикида роса уйин бўлди. Давлатбек ҳам уйнади. Қобилжон ҳам уятчанликни йиғиштириб, армияда ўрганган матросча уйинга тушди. Ҳатто "боцман" бўлганман деб мақтаниб ҳам қўйди. Шундан сўнг Давлатбек ҳар замонда ҳазиллашиб, уни "боцман" деб чақирадиган бўлди. Улар бир ойча бу ерга булишди. Тоғу-қирларга чиқишди, дарёларда чўмилишди. Қобилжон умрида бундай ҳурмат кўрмаган, яйрамаган эди.

Эртага кетамиз, деган куни кечаси Қобилжон телевизор кўриб утириб, зерикиб ташқарига чиқди. Супада унга орқа ўгириб ўтирган Давлатбекка кўзи тушди. Ёнида Ҳавогул ҳам бор, нималарнидир турунглашиб утиришарди. Улар томонга юрмоқчи эди, Ҳавогул хўрайиброқ қаради. У уйнинг орқасига ўтиб кетди. Анча айланиб келса, Ҳавогул хонада экан, у уч-тўрт боғлам пулни сумкага солаётган экан. "Давлатбек акам даволанишим учун пул бердилар, Тошкентта боришим билан даволанаман", - деди. "Ҳавогулнинг бу дийдесидан ҳам қутулибман! - дея хаёлидан утказган Қобилжоннинг қалби Давлатбекдан миннатдорлик туйғуси билан лиммо-лим эди.

Мана, орадан бир-ёйлар чамаси вақт ўтиб, Давлатбек яна Тошкентта, улар томонга келаяпти. Қобилжон унинг яхшиликларига қандай жавоб қайтаришни билмайди. "Агар ун кунлик ўқиши бўлса, ётоқхонада эмас, бизникида туринг, дейман, ўзим хизматида буламан", хаёлидан утказди Қобилжон.

Эртасига кечга яқин беш қаватли бино тагида қора "Волга" келиб тўхтади. Бешинчи қават деразасидан дамба-дам қараб, кутиб утирган Қобилжон "келди!" дея ҳовлиқиб пастга югурди.

Қават-қават тушалган кўрпачаларда, орқа-ёнбошларига уйиб қўйилган ёстиқларга суяниб утирган Давлатбекка чой қўйиб узатар экан, Қобилжон сўради:

- Ака, узоқ йўлдан машина ҳайдаб келиш осонми, чарчагандирсиз-а? Келинг, оёқларингизни уқалаб қўяй.

- Сиздай укамга энди, оёқ уқалатаманми? Чарчоқ ҳали аста-секин тарқайди-да. Давлатбек чой ҳўплар экан, кимнидир қидиргандай, очиқ турган эшикка қараб қўйди.

- Ваннага кираман десангиз, ҳамма нарсани тайёрлаб қўйибман. Сизни узим чўмилтириб қўяман, чарчоқлар чиқиб кетади.

Давлатбек хоҳолаб кулар экан, Қобилжонни елкасидан қучоқлаб қўйди.

- Укагинам ажойибсизда, ишқилиб.

- Кеннойим билан жиянларни ҳам олиб келмабсиз, бир Тошкентни айланиб кетишар эди.

- Энди, янгангиз сигир, товуқ деб бир жойга чиқолмайди-да, ука!

- Эшикдан Ҳавогул кириб келди. Қоп-қора сочлари қўнгироқ-қўнгироқ бўлиб

елкаларини тўлдирган, жингалак соч толалари пешонаю, чеккаларини безаган, қовоқлари устига сурилган кўк бўёқлар ёноқларига сурилган пушти бўёқлар устида зар доналари йилтирайди. Устида оёқ учларига тушиб турган янги халати унинг ҳуснига ҳусн қўшган. Терилган ингичка қошлари тагида кўзлари юлдуздай порлаб турган бу гўзални кўрган Давлатбек ҳам, Қобилжон ҳам бир муддат унга қараб қолдилар.

- Э, шу ўзимизнинг Ҳавогулми? - деди Давлатбек кўришгани ўрнидан турар экан, - мен эртақлардаги маликами дебман. Ҳай-ҳай, ўзгаришлар катта-ку-а?

- Ака, - деди Қобилжон хушомадона, - бу ўзларининг орқасидан. Энди бу сингилингиз универмаг ходими-да.

Кечки овқатдан сўнг, бироз утиргач, Ҳавогул дам олмоқчилигини айтиб, ичкари уйга кириб кетди. Давлатбек билан Қобилжон у ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирдилар. Давлатбекнинг эснаётганини кўрган Қобилжон жой солиш ҳаракатига тушди.

- Шошманг, - тўхтатди уни Давлатбек, - мен шу машинанинг ичида ётсамми, деяпман.

- Ие, нима?!... Йўқ, йўқ! Ака, нималар деяпсиз, мен шундай азиз меҳмонимни кучага қўяманми?! Ака ҳафа буламан-а, бундай деманг, - йигламсирагандай гапирди Қобилжон, - нега, нега машинада ётаман, деяпсиз?

- Қобилжон, қаранг, бу ерда биронта гараж ҳам йўқ экан. Энди, айтиб буладими, биров машинанинг бирор ёрига тегинадими?!

- Йўқ, ака, мен ухламай қараб чиқаман, битта сизга хизмат қилаолмасам, нима қилиб юрибман. Мана шу балкон деразасидан тонг оттунча ухламай қарайман.

- Йўқ, ака, сизни қўйнамайман, уйку сиздан сўрамайди, ухлаб қоласиз.

Давлатбек бир кичикроқ кўрпача билан ёстиқни кутариб ташқарига чиқмоқчи бўлди, лекин Қобилжон тармашиб олди. Улар анча пайт тортишдилар.

- Ака, шу машинада ётиш керак бўлса, мана, мен ётаман, сизга қалин қилиб жой соламан, ахир узоқ йўлдан келганмиз, уйда ётмасангиз, мен ҳафа буламан.

Хуллас, Қобилжон машинада, Давлатбек уйда ётадиган бўлди.

Ун кунлик уқиш давомида Давлатбек Қобилжон ҳар куни Давлатбекни машинасига чиқиб ётмасин деб, жон ҳалак, илгарироқ кўрпача-ю ёстиқни кутариб чиқиб кетарди.

Астойдил қилинган елиб-югуришлар, яхши врачларга кўришиб, даволанишлар фойда қилдимиз, яна Ҳавогулнинг буйида бўлганлиги маълум бўлди. Қобилжоннинг шодлиқдан юраги ёрилгудай, гоҳ ҳовлиқар, гоҳ кўрқув босар, "яна тушиб қолса-я?" У Ҳавогулга кўз-қулоқ булар, сал тезроқ юрса ҳам "секин, секин юринг" аерди.

Ой ўтиб кун ўтиб Ҳавогул эсон-омон угил тугди. Қувончлари чексиз эди. Ота-она умидларимиз рўёбга чиқди, деб фарзандларига Умиджон деб исм қўйишди.

Чақалоқни илк бор қўлига олганда Қобилжон қалтираб кетди. Кўзларидан қувонч ёшлари қўйилди. Илк бор оталик ҳиссини туйди. Оллоҳга минг-минг шукурлар айтди, унга узоқ умр тилади. Уларнинг жимжит хонадонларида ҳам гўдак овози янгради, унинг ширин ташвишлари бошланди. Болалигидан тантиқ усган Ҳавогулга ҳам ишонмай болага Қобилжоннинг ўзи кўпроқ парвона булар, унинг

тагликларини ювишни ҳам бахт деб биларди.

Боланинг чилласи чиққан кун Давлатбек келди. У бу бахтли воқеадан хабардор эди. Йўрғақдаги чақалоқнинг пешонасидан упиб, унга бахт тилади. Чақалоқнинг йўрғаги устига анчагина пул қўйди ва тез-тез хабар олиб туришини айтиб, чиқиб кетди.

Давлатбек ўзи айтгандай тез-тез келар, келиши биланоқ болани қучоғига олар, қўлидан қуймас эди. Унга атаб олиб келган уйинчоқлар, кравотча, аравачалар билан бир уй тўлаёзди.

Умиджон уч ёшга тўлди. Одатдагидай унинг тугилган кунига тўлиб-тошиб Давлатбек кириб келди. Давлатбекнинг ҳомийлигига-ю сахийлигига энди Қобилжон ҳам ўрганиб қолган эди. Умиджоннинг тугилган кунини узлари нишонлашди. Дастурхон йиғиштириб олингач, Давлатбекни тиззасига ўтирган Умиджонни бошини силаб, гап бошлади.

- Энди гап бундай. Мана, Умиджонимиз ҳам уч ёшга тўлди. Энди уни тўй қилишимиз лозим. Тўй! Қобилжон, эшитяпсизми? Ҳа, тўй. Давлатбек анчагина ичган, сархушлик билан гапда давом этди:

- Мен шу утилчамнинг тўйини қишлоғимда ўтказмоқчиман. Қишлоғимда. Шундай ваҳимали, шундай дабдабали тўй қиларди!

Ухлаб қолган Умиджонни Қобилжон жойига аётқизиб келди.

Давлатбек бошини хонтахтага қўйди. Яна бошини кутариб давом этди.

- Мен ҳали курсатиб қўяман, баъзиларга... и-и, тўй қандай бўлишини, менга қара, эртагаёқ йўлга тушамиз. Қашқадарё, қайдасан, деб. Мен тўй кунини ҳам белгилаб, ҳамма нарсани тахлаб қўйибман. Таклифномадар "закас" қилганман. Сенлар борсанглар бўлди. У яна бошини эгиб, жим бўлиб қолди.

- Менга қара, Қобилжон, бир ҳафтадан кейин тўй, эртагаёқ йўлга тушамиз. Ҳавогул тўй кунини боради. Чор... чоршанба кунини, яна-янаги... Мен олиб берган костюм-шимни кийиб, болани кутариб борасан... сиз. Болага қараш учун.

- Ака, эртага, эртага боролмайман, ишга боришим керак, кейин сураш керак, рухсат сурашим керак.

- Э, шўям ишми, сенга ойлик пул керакми? Мен уч-тўрт ойлигингни бераман, Ма, ма....

У Қобилжоннинг чўнтагига бир сиқим пул тикди. Давлатбек хонтахта устида турган шишадаги ароқнинг қолганини пиёлага қўйиб ичди. Ўзини ёстиққа ташлади.

Ҳавогул худди ҳамма гапдан хабардордай бемалол сақич чайнаб сузилиб ўтирар эди. Қобилжон жим бўлиб қолган Давлатбекни қучоқлаб тургизиб, нариги хонага кутаргандай олиб кириб, жойига ётқизди. Давлатбек Қобилжонни маҳкам қучоқлаб олди. "Кетма, кетма, жоним, Ҳаво..." деётган акасининг устини ёпиб чиқаркан, Қобилжон Ҳавогулга қараб: тавба, акам шунчалар кўп ичдимми-а? Нима деётганини ўзи ҳам билмайди, - деб қўйди.

Давлатбекнинг ҳовлисида тўй тараддуди, бир ҳафта аввал бошланган. Бир ҳафтадан бери бу ҳовли одамлар билан гавжум. Жуда катта доврўқли тўй бўлиши кутилмоқда.

"Давлатбек бир тутинган укасининг ўглини савоб учун тўй қилиб бераётган

эмиш" деган овоза теварак-атрофга тарқалган.

Мана, эртага тўй. Давлатбекнинг айтишича, эртага ер ёрилиб одам чиқади. Тўрт мингта таклифнома тарқатилган, яна оғзаки айтилганлар, айтилмаса ҳам келадиганлар қанча! Хуллас, бугун бир қанча ҳўкиз, қўйлар сўйилмоқда, қассоблар-у ошпазларнинг қўллари қўлларига тегмайди. Ҳовлида қий-чув, ҳар хил буй-руқлар бериш авжида.

Бир ҳафта аввал Умиджон билан Давлатбекнинг машинасида келган Қобилжон тўй ташвишларини томоша қилади. Умиджонни етаклаб бог айланади. Тайёрлаб қўйилган таомлардан ўзи ҳам ейди, Умиджонни ҳам овқатлантиради, ишқилиб, Умиджонга кечаю-кундуз қарайди.

Кечаси алламаҳалгача Қобилжон гингшиб уйгонган Умиджонни ёзилтиргани ташқарига олиб чиқди. Ёз кечаси. Салқинлик танга ором багишлайди. Чиридоқлар тинимсиз чириллайди, осмонда минг-минг юлдузлар чарақлайди. Ун бешкунлик ой ёругидан ҳамма ёқ чарогон! Қобилжон чуқур-чуқур нафас олар экан: "Оҳ, қандай гўзал кеча, бегубор ҳавони айтинг-а" деб кўйди. Унинг юрагида қандайдир гурур, ҳаётдан қониқиш ҳисси бор эди. "Қандай бахт, менга ҳам оллоҳ зурриёт ато этди. Эртага тўй. Мана, тўйга етказди худо. У ўзича хўрсандлик билан кулиб кўйди. Ҳовли четида каттакон қозон тагида олов ёниб турар, супада беш-унтача одам гудинг-гудинг қилишиб, қатта гушрдан хасил тайёрлашмоқда. Одам селтиган. Жуда кўп мол, кўй гуштлири осилган қанораларнинг тагида қоровулик қилиб ётган ҳўкиздай одам хўррак отмоқда. Қобилжон уйнинг орқа томонига ўтди. Ҳамма уйларнинг чироқлари учган, фақат бир хонанинг чироги ёниқ эди. Ўша уйга яқин катта бир тош устига ўтириб Умиджонни тўсди. Чироги ёниқ хонадан икки кишининг сўхбати аниқ, равшан эшитилмоқда:

- Тўй таклифномасини олиб ҳайрон қолдим. Буёққа келиб эшитсам гап бундай экан. Тўй қилмоқчи экансиз, ўзипизнинг қариндошлардан ҳам камбагаллари кўп эди-ку? - бегона овоз гапирди.

- Э, ака, менинг уругимдан тўй қилдиргани хотин қўядими. Хотинни алдадим, бечора, камбагал одамлар экан. Мен ҳам шу баҳонада бир совобли иш қилай, эанинг ковушини ўнгарай, ҳақ берай, мана сендан утил курмадим, у, бу дедим.

Бу Давлатбекнинг овози эди. Бир пас жимликдан сўнг Давлатбек гапини давом эттирди.

- Энди, ака, сиз биттаю битта акамсиз, сизга айтмасам, кимга айтаман, энди рост гапни эшитинг.

- Хуш, хўш?

- Бола ўзимники. Ўз пушти камаримдан булган. Буни аниқ исботлай оламан. Менга қўйиб қўйгандай ухшайдиям.

- Бола сеники бўлса, анави бола кўтариб юрган эркак ким? Отаси шу дейишувди.

- Уми? - Давлатбек кулди, - э, у бир қўтирчоқ, қоровул. Мен ҳар гап хотини билан бўлганимда бизга қоровулик қиларди. У яна кулди.

Устидан муздай сув қўйиб юборилгандай булган Қобилжон бошқа гапларни илғай олмади. Бошидаги фикрлари остин-устун бўлиб кетди. Давлатбекнинг акаси "Ҳароми эканда", "Бундай тўйда қатнашмайман!" дегандай булдим, Қобилжон у

ёгини ҳам, қандай қилиб уйга кирганини ҳам билмайди. Ухлаб ётган Умиджонни ҳам қандай урнига ётқизганини билмайди. Анча вақт беҳуш, ҳолсиз бўлиб диванда утирди. Нима қилсин! Нима қилсин! Ичкари уйдан Давлатбекнинг хурраги эшитилди. Қобилжоннинг юрагидан нимадир тошиб келиб, бутзига тикилди. У урнидан ирғиб турди. Юраги гурс-гурс урарди.

"Анави ошпазнинг пичогини олиб, шартта қорнига урсаммикан?" У уйнинг у бошидан бу бошига юра бошлади. Кузи рупарасидаги ойнага тушди. У уз аксига қарашга уялиб, четга қаради. Сўнг яна ойнага рубару булди. Қизариб-бузарган афтига қараб қўлини бигиз қилди: - Ҳа, аввало сени ўлдириш керак, сени! Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, ўзинг! Жонинг азизлик қилди, текинхурликка ургандинг. Номус-орингни сотиб, қўғирчоққа айландинг. Давлатбекни ўлдирармиш, умрингда битта чумчуқ суймагансанку, қул бўлдинг, қул! Давлатбек бўлмаса яна биттаси сени оёқ остида топтарди, сенда эркаклик гурури бўлмагандан кейин. У ойнага пешонасини тираб қанча вақт турди, билмайди, тўсатдан уйқудан уйгонгандай сесканиб тушди. "Тезроқ, бу ердан кетиш керак, кетиш! ! йигиштирина бошлади. Ҳамма уйқуда. Тиқ этган товуш йўқ. Қобилжон учун қаерга боришнинг фарқи йўқ, фақат шу ердан тезроқ чиқиб кетиш керак. У дарвоза олдида борганда Умиджон эсига тушиб тўхтади. "Э", деб қўл силтади, аммо уни бу ерда ташлаб кетолмаслигини тушунди. Юрагидан нимадир узилиб кетгандай булди. Уч йилдан бери юрагининг султонини, илинжи, сўянчи Умиджон эди-ди. Болани адиёлга ураб, кутарар экан, ухлаб ётган болага қараб гапирди.

- Мен сени буларга ташлаб кетмайман, болам, сен ҳам мендек хўрланасан, "хароми" деган тамгага эга буласан. Буларнинг ҳаммасига мен айбдорман, болам, келажакда ким бўлишингдан қатъий назар сен у тамгадан қочиб қутулолмайсан. Сени шу кўйга солган менман. Мен эркаклик деган буюк кучга идора этолмадим, оёқ ости бўлдим, топталдим, болам. Шунинг учун ҳам сени бу ердан олиб кетаман. Узим иш топиб ишлайман, сени катта қиламан. Кетдик, болам, кетдик!

Тонг гира-шира ёришиб келарди. Қобилжон чорраҳада бола кўтариб машина кутарди. Ана, узокдан чироқлар кўринди. У қул кутарди. Орқа кузови березант билан ўралган баҳайбат машина гумбурлаб келиб тўхтади. Ҳайдовчи Қобилжоннинг қўлидан тутиб, уларни кабинага чиқишга ёрдамлашар экан, сўради:

- Қани, йўл бўлсин, ака?

- Тутрига ҳайдайверинг. - Қобилжонни овози касал одамникидай инграниб чиқди. Машина йўлга тушди. Машина олдинга интилган сари Қобилжоннинг юрагини алақандай тушуниб бўлмайдиган ҳислар қоплай бошлади.

"Тутрига?! Тутридан уни нималар кутмоқда? Қаерга боради, ким бор. Узига ишонса буладими? Қўлидан нима келади, узи, мана бу болани бахтли қилаоладими, шунга кучи етармикан? Ҳаммаси айтишга осон. Унинг қон-қонига сингиб кетган мутелик - унинг тақдири. Тақдирдан қочиб қаерга бора оларди? Тутрига... Тутрининг ваҳимаси Қобилжоннинг елкаларидан зил-замбилдай боса бошлади. У беихтиёр ҳайдовчига қараб кескин оҳангда:

- Тухтанг, ака, орқага қайтамиз, - деб юборди.

Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб унга қаради:

- Ҳа, бирон зарур нарсангиз қолиб кетибдими? Лекин, ука, бу машинани бурниш осон эмас, кейин, анча йул босиб қўйдик. Бирон чорраҳада бурмасак?

- Ака, айтганингизни бераман. Қобилжон шошиб чўнтагига қўл юборди, ўша куни Давлатбек чўнтагига тиққан пул дўппайиб турарди. Машина орқага қайтди.


\*\*\*

Тўйнинг гулдуриси алақачон бошланган, алақачон машиналар тирбанд бўла бошлаган. Нақшинкор дарвоза олдида одам гавжум. Дарвоза олдида турган Давлатбек совга-саломлар кўтариб келаётган меҳмонлар оқими билан кўришар, қўлини ҳужига қўйиб, уларни ичкарига таклиф қилар, лекин чехраси ташвишли кўринар, бесаранжом, у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг бўлиб қарарди.

Қобилжон Давлатбекни кўриб, узини кичрайиб кетаётгандай ҳис этди. Унинг савлати олдида бир газ чўкқандай бўлиб энгашди.

Давлатбек Қобилжонга кузи тушгач, қошлари чимирилди.

- Ҳа, калайи саҳардан бери изламаган жойимиз қолмади, нима қиб юрибсиз?! - У Умиджонни юлқиб Қобилжоннинг қўлидан олди. Қобилжон томоғи кўриб қолгандай бир пас гапиролмади.



- Ҳалиги, Ҳавогулни кутиб олмоқчийдик.

- Сурамасдан-а, мен Ҳавогулга машина жўнатганман, сизга нишга? Кир-ринг ичкарига.

Қобилжон Давлатбекдан ҳеч қачон бундай дағалликни кўрмаган эди, у довдираб қолди.

Шу пайт қора "Волга" келиб тухтаб, ундан Ҳавогул тушиб кела бошлади. У жуда очилиб кетган. Зар гулли оппоқ ялтироқ кўйлагига монанд туфли кийган,

қўлидаги сумкаси ҳам шу рангда. Ҳозиргина зардаси қайнаб турган Давлатбекнинг чиройи очилиб кетди. У Ҳавогул билан узоқ сўрашди. Ҳавогул бир четда турган Қобилжонни кўрмагандай Умиджонни қўлига олиб, эркалаб, Давлатбек билан бирга ичкарига кириб кетди. Шу пайт яна меҳмонлар келиб қолишди. Қобилжон ҳам уларнинг оқими билан чиқарига қадам босди.

Тўй уч кун давом этди. Давлатбек айтгандай ваҳимали, доврўқли тўй бўлди. Лекин бу тўйда Давлатбекнинг битта-ю битта акаси қатнашмади.

# ДЕҲНАВ ҚИШЛОҒИ ҚАЕРДА?

Буюк Ипак йўлида жойлашган Деҳқонобод (Тангрихарам) ҳудудида ҳам тарихий буюк шахсларга боғлиқ жойлар кўп. Ана шундай жойлардан бири Деҳнав қишлоғидир. Деҳнав қишлоғи Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида бир неча бор зикр этилган.

"Темур тузуклари"га нисбатан "Зафарнома"да жуда кўп жойлар, қишлоқлар номи берилган. Ш.А.Яздий шунингдек, жанг тафсилотларини кенг баён қилади.

Аммо бизнинг мақсадимиз бу эмас. Гап Амир Темурнинг Деҳқонободда тўхтаб дам олган, аскарларни эҳтиёт учун яшириб қолдирган ҳозирги кунда номаълум бўлган Деҳнав қишлоғининг қаердалиги ва қайси қишлоқ эканлигини билдиришидир. Масалан, "Зафарнома"да шундай дейилган: "Ўзи эса (А.Темур) жангда синалган уч юзта мукамал (сипоҳ) билан уларга яхши отлар тақдим этиб, йўлга чиқди, (мақсади) икки юз кишини эҳтиёт юзасидан Деҳнавда – ҳозирги Деҳқонобод яқинидаги турар жой" изоҳчилар: Таржимон Омонулла Бўриев, Асомиддин Ўринбоев, "Шарқ юлдузи" журнали, 157-бет, 10.1992 й. қолдириб, юз киши билан ваъда қилинган (жой) – Чақмақ дарсига бориш эди".

Демак, бундан маълум бўладики, Деҳнав – Деҳқонобод яқинидаги жойнинг, қишлоқнинг номи. Яна бир жойда Соҳибқироннинг Деҳнавга келиб қўйгани баён қилинади.

Ҳўш, бугунги кунда Деҳнав қайси қишлоқ? Биз ана шу саволга жавоб топишимиз керак. Изоҳчилар ҳам туманимиздаги Соҳибқирон билан боғлиқ бўлган жойларнинг кўпини яхши изоҳлаб берган. Масалан, "Кўрдўнг йўли – Кўрдара адри (дўнглиги). Деҳқонобод қишлоғидан шимоли-шарқда" деб изоҳланиб берилган. Афсуски, Деҳнав, Оққиз каби қишлоқларнинг ҳозирги номи, жойлашиш ўрни аниқ айтилмаган. Шу боис Деҳнавнинг ҳозирги номини айтиш қийин бўлади.

Маълумки, урушнинг оғир вақтларида А.Темур Кўрдара орқали кетган. Кўрдара Деҳқонободдан шимоли-шарқда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Деҳнав ҳам бизнингча Деҳқонобод шарқда бўлади. Чунки бу жой Кўрдарага қараб юриш учун қулай ва Кичик Ўра дарёси ёқасида жойлашган. Шундан келиб чиқиб қадимий Деҳнав қишлоғи ҳозирги Қариқишлоқ эмасмикан, деган фикр туғилади.

Қишлоқнинг номидан ҳам билиш мумкинки, у қадимийдир. XIV-XV асрларда Янги бўлганлиги учун ҳам Янгиқишлоқ, яъни Деҳнав деб номланган бўлиши мумкин. Форс-тожикча номланиши эса ўша даврдаги муҳитга боғлиқ. Кўп жойларда Танги ёки даҳна каби форсча-тожикча терминларнинг ишлатилиши бунга мисол бўла олади.

Хуллас, бизнингча Деҳнав – ҳозирги Қариқишлоқ бўлиши мумкин. Эҳтимол, яна бошқа фикрлар ҳам бордир. Ахир, тахмин бошқа, аниқ исбот бошқа. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

# ТОНГДА СЎЛИГАН ЛОЛА

(8 парда, 16 кўринишли фожиа)

Қатнашчилар:

1. Абдулла – мадраса талабаси. 13-21 ёшларда
  2. Ҳикоятхон – мударриснинг қизи. 15-19 ёшларда
  3. Уста Абдурахмон – Абдулланинг отаси. 60 ёшда
  4. Гулойим – Абдулланинг онаси. 50 ёшда
  5. Мулла Худойкул – Ҳикоятхоннинг отаси. “Маликаи аштар” мадрасасининг бош мударриси. 65 ёшда
  6. Мейли Қори – Абдулланинг тоғаси. Мақтабдор. 45 ёшда
  7. Саид Амир Олимхон – Бухоро амири. 35-40 ёшларда
  8. Файзулла Хўжаев – “Ёш бухороликлар” ташкилоти раҳбари. 30 ёшда
  9. Абдурауф Фитрат – зиёли, жаҳид. 35 ёшда
  10. Садриддин Айний – ўзувчи, жаҳид. 40 ёшда
  11. 2 та Миршаб – 30-35 ёшларда
  12. Маҳбуслар – турли ёшларда
  13. Зиндонбанд – 40 ёшда
  14. Фирибгар аёл – 30 ёшда
- Воқеа 1910-1920 йиллар орасида Бухоро ва Шаҳрисабзда бўлиб ўтади.



## I ПАРДА. БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Шаҳри Кеш. Уста Абдурахмон югансознинг хонадони. Вакт чошгоҳдан ошган. Уй соҳиби ўз устахонасида иш билан банд. Ёнида катта ўғли Абдулла отасига ёрдам бермоқда. У эгарни миҳлаш билан овора.

Устанинг хотини Гулойим келиб, эрининг ёнига тиз чўқади.

**ГУЛОЙИМ:** Дадаси, супрамиз яна қуруқ қолди. Бир зувалик ун бор. Кечга угра қилмоқчиман. Битган ишларингиз бўлса, бозорга чиқариб, дон-дунга алмашиб келсангиз?

**УСТА АБДУРАХМОН:** Майли. Қўлимдаги ишни битказай. Абдулла билан бозорга бориб келамиз. Абдувоҳид қаерда?

**ГУЛОЙИМ:** Тоғасиникига қатикқа юбордим. Келиб қолар.

(Ая чиқиб кетади)

**УСТА АБДУРАХМОН:** Абдулла, юганлар нечта бўлди? Санаб чиқ-чи?

**АБДУЛЛА:** (девордаги миққа осилган юганларни санаб чиқади) Бу ерда 4 та. Қўлингиздаги билан 5 та, дада. (Айни шу пайт тоғаси Мейли қори кириб келади).

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Ассалому алайкум, ассалом. Келинг, қори. Келинг-чи? (Мейли қори олдин уста билан, сўнг жияни Абдулла билан қўл бериб, кўришиб чиқади. Сўнг кўрпачанинг бир четига чўккалайди).

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Илоҳо, омин! Ҳа, қалайсизлар? Аҳволларингиз яхшими, почча? Опамлар ҳам соғ-саломатмилар? Жиянчалар зўрми? Абдуллалавой, сен ҳам яхшимисан?

**УСТА АБДУРАҲМОН:** Худога шукур. Яхши. Абдуллавой ҳам қўлга аро кириб қолди. (Ичкарига қараб) Кампир, меҳмон келди. Чой келтир.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Ота касбини ўрганиб қўйгани маъқул-да. Хунарли хор бўлмас, дейдилар.

(Устанинг хотини дастурхон, чой келтиради. Иниси билан иссиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, қайтиб кетади).

Почча! Мен бир маслаҳатли иш билан келган эдим. Абдуллавой, биласиз, 7 йил ўқиди. Хат-саводи яхши. Қайси куни илм аҳллари Абдуллавойни синаб кўришиб, унга "Қори" мақомини беришди. 13-14 ёшда қори бўлганлар камдан-кам. (Мейли қори чойни қайтариб, пиёлага чой қўйди)

Илм – Исломдаги қирқ фарзнинг бири. Илмнинг чеки йўқ, почча. Абдулла яна ўқиши керак. Қанча кўп ўқиса, билимига шунча билим, ақлига-ақл қўшилади. Келажакда буюк бир аллома бўлиб етишиши ҳам мумкин. Шунинг учун Абдуллани Бухорога ўқишга юборсак, Бухорои-шарифда катта-катта мадрасалар бор. Билими кучли мударрислар кўп. Нима дейсиз, почча?

**УСТА АБДУРАҲМОН:** Аҳволимиз ўзингизга яхши маълум, қори. Жўжа бирдай жонимиз. Бари ейман, ичаман, дейди. Абдулла ёнимда ўтириб, ишимга ёрдам берса, рўзгорга қарашса, дейман.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Почча, илмли кишини худо ҳам ёрлақади. Жияннинг зеҳни ўткир. Илмга чанқоқ. Хаваси ҳам зўр. Ўзингиз-ку, ўқий олмадингиз. Энди болаларни ўқитинг, почча.

**УСТА АБДУРАҲМОН:** Ўқийсанми, Абдулла?

**АБДУЛЛА:** Ўқийман, дада.

**УСТА АБДУРАҲМОН:** Бўлмаса, шундай қори. Шаҳримизда ҳам мактаб-мадрасалар кўп. Абдулла шуларнинг бирида 1-2 йил ўқиб турсин. Унгача укаси Абдувоҳид ҳам катта бўлиб, сўнг кўлимизга аро кириб қолади. Келишдикми?

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Майли, почча. Мулла Худойкул мақсумнинг мадрасаси яхши мактаб. Бир кун келиб, Абдуллани ўзим олиб бориб, жойлаштириб келаман. Бўлмаса, менга рухсат. Мен ҳали маҳкамага ҳам бормоқчиман. (Мейли қори поччаси билан хайрлашиб, чиқиб кетади)

### ПАРДА ЁПИЛАДИ. ИККИНЧИ КЎРИНИШ.

"Маликаи аштар" мадрасасининг бош мударриси мулла Худойкул домла ўз хужрасида китоб мутулаа қилиб ўтирибди. Хонага Мейли қори олдин, Абдулла кетин кириб келишадилар.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Ассалому алайкум, тақсир! (Абдулла ҳам салом беради).

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Ва алайкум ассалом! Келинг, қори. Келингизлар, азизлар.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Хаёлингизни бўлмадикму, ҳазратим?

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Асло. Қани, қори. Урнашинг. Хўш, хизмат? (Мейли қори кўрпачага ўрнашади, Абдулла ҳам ўтиради).

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Жиянимиз Абдуллавой бизнинг мактабда 7 йил таҳсил кўрди. Хабарингиз бор, ўтган куни аҳли илм синов қилиб, "Қори" мақомини беришди-

лар. Аммо ҳали илмида кемтик жойлари кўп. Ижозат берсангиз, мадрасангизда 3-4 йил сабоқ олсалар? Хўп яхши биламанки, сизнинг мактабингизда дунёвий илмлар чуқур ўргатилади.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Жуда яхши. Марҳамат! Ижозат бергаймиз. Бўлар бола бошидан, дейдилар. Уша кун сездим. Инингизнинг келажаги порлоқ. Майли, қолдириб кетинг. Ҳа демай, талабалар келиб қолишади. Сабоқни давом эттирмакчиман.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Бўпти, тақсир. Яна учрашурмиз. Ҳозирча, хайр! (Мейли қори кетади. Турли ёшдаги ўн чоғли талабалар қўлларида тахтакач ва дафтар-қалам билан домлага салом бериб, кириб келишади).

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Ва алайкум ассалом! Балли, ўғилларим. Қани, жойлашиб олингиз-чи? Айтмоқчи, сафларингизга янги бир талаба келиб қўшилди. Шаҳри Кешдан. Исмлари Абдулла. Ўзларингизга эл билингиз. Болаларим! Қани, эсланг-чи? Ўтган сабоғимизда қандай мавзу тўғрисида сўзлашган эдик?

**1-ТАЛАБА:** (Қўл кўтариб) Фарзанднинг ота-она бўйнидаги ҳақ-хуқуқлари эди, домла.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Боракалла, ўғлим. Қани, ким айтиб беради? Ота-онангиз ўз болалари олдидаги ҳақ-хуқуқлари нечта?

**2-ТАЛАБА:** Мен айтаман, домла. (Қўл кўтариб) Ота-оналарнинг ўз болалари олдида 7 та ҳақ-хуқуқи бор. Улар қуйидагилар:

1. Бола туғилганда унга чиройли исм қўйиш.
2. Болага ақиқа қилиш
3. Болага ахлоқ ва одоб ўргатиш

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Боракалла, ўғлим. Қолганини ким айтади?

**3-ТАЛАБА:** Мен домла! (Қўл кўтаради).

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Эшитаман, иним.

**3-ТАЛАБА:** 4. Ота-она ўз боласига Ислоҳ-асосларини ҳам ўргатиши керак.

5. Ҳалол ва ҳаромнинг фарқини ҳам айтиб бориши керак.

6. Ота-она болани касб-хунарни ҳамда билимни қилиши керак.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Раҳмат, бутам. Хўш, еттинчисини кимдан эшитамиз.

**АБДУЛЛА:** (Қўл кўтариб) Мен айтаман, домла!

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Қани, Абдуллавой, айтинг-чи?

**АБДУЛЛА:** Еттинчиси шуки, ота-она ўғил болаларни хатна қилдириши керак.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Боракалла, ўғлим. Хўп, тойчоқларим. Ана шу гапларни сира ёдингиздан чиқарманг. Бўлмаса, бугун сабоғимизни давом эттирамиз. Мавзу: "Фарзандларнинг ўз ота-оналари олдидаги ҳақ-хуқуқлари". Сизлар зехн қўйиб, эшитиб борингизлар. Мен сабоқ қиламан.

Аёнки, ота-она боланинг вужудга келиши учун сабабчи бўлади. Муштипар она 9 ойдан кўпроқ ўз боласини қорнида кўтариб юради. Бола туғилсин, ором олсин", деб туни билан бедор бўлиб чиқади. Ота-она болалари учун тинимсиз меҳнат қилади. Унга илм-хунарни ўргатади, тўғри йўлга бошқаради. Уйлантириб ёки турмушга чиқариб, оқ фотиҳа тилайди.

Шунинг учун ота-онани ҳурмат қилишимиз ва уларнинг қадрига етмоғимиз лозим. Муборак "Қуръони карим"да: "Ота-онани ибодат қилгайсан ва уларга яхшилик қилгайсан. Агар улар кексайиб, куч-қувватдан қолса, жеркима, мулоим ва юмшоқ сўз айт. Уларни дуо қил!" – деб ёзилган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллолоҳи алайҳиссалом жаноблари ҳам ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш бобида жуда кўп ажойиб гапларни айтиб кетган. Ҳадиси шарифларида: "Ота рози – худо рози", "Ота-онанинг ғазаби – Оллоҳнинг ғазаби", "Отага бўйин эгиш – Худога бўйин сўниш", "Ота-онани ҳақорат

## Абдивой Раҳим

Тонгда сўлиган лола

қилган болани уринг. Уларни қийнаган кишини ўлдилинг", – дейилади. Ҳа, чиндан ҳам ота-онани хафа қилган киши оқпадар бўлади, тойчоқларим!" Ота-оналарини кексалик вақтида рози қилиб, жаннатий бўлмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин!", – дейди Пайгамбаримиз.

Буюк аллома Ҳусайн Воиз Кошифий "Ота-она одоби" 11 та деб уқтиради. Улар куйидагилардан иборат:

1. Ота-она ҳурматини жойига қўй.
2. Мол-дунё бобида улар учун хасислик қилма.
3. Қилинган ҳурмат ва иззат учун уларни миннат юки остига қўйма.
4. Ота-она юзига тик қарама.
5. Чақирганда уларнинг ҳузурига тез етиб кел.
6. Улар билан суҳбат чоғида асабингни бузма.
7. Ота-она топширигини ўз вақтида бажар.
8. Ота-онанг ижозатисиз сафарга чиқма.
9. Уларнинг кўнглини олиб, хурсанд қил.
10. Ота-онани саждагоҳ деб бил.
11. Ота-онанг қазо қилса, қарзидан қўтул.

Бундан ташқари Лукмони Ҳаким ҳам ўзининг азиз фарзандига 100 та насиҳат айтган. Улар ичида ота-она ва устозни таҳрият билиш, уларни эъзозлаш тўғрисида ибратли гаплар бор, шунингдек, Эрон шоҳи Кайқовус ҳам ўз фарзандига кўплаб панд-насиҳатлар қилган.

Чиндан ҳам ўзбек оилаларида ота-она уйнинг турида ўтирган. Ота хал қилувчи гапни айтган. Ота ўтирган уйнинг устига ҳеч ким, чиқмаган. Ота-она фарзанди йўлга отланганда оқ фотиҳа берган. Ота билан боланинг бир идишда таом ейиши одобдан эмас.

Ҳа, бўтам, оталар сўзи – ақлнинг кўви, деб бекорга айтилмагандир. Фарзандларим! Сизлар ўз ҳаётларингизда ана у гапларга, ҳақий амал қилингиз.

Шуни билан бугунги сабоғимиз оёқланди. Суроқларингиз борми? Бўлмаса, озодсизлар.

Абдуллавой, бир муддат сакданг. Сиз ҳар руз таҳсилга қатнашиб туринг. Ётиб ўқисангиз, ҳужраларимиз ҳам бор.

**АБДУЛЛА:** Майли, домла. Дадам билан маслаҳатлашиб кўрай. Хайр, тақсир!

## ПАРДА ЁПИЛАДИ.

### II ПАРДА.

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Боғ ҳовли девори. Катта йўл. Атрофда мевали дарахтлар. Ҳикоятхон бошида мева тўла саватча. Ёнида кичкина сингилчаси. У дам олиш учун саватчани ерга қўяди. Паранжисини тузатади. Мадрасадан келаётган Абдулла қизларни кўриб тўхтади.

**АБДУЛЛА:** Э, э, э. Олма неча пул, қизлар? (Абдулла нақшинкор бир қизил олмани кўлига олиб, томоша қила бошлайди) Бундай чиройли олмангиз?

**ҲИКОЯТХОН:** (Уялиб) Олма сотилмайди, ака. Бизлар савдогар эмасмиз.

**АБДУЛЛА:** Ия, нега бўлмаса, кўргазмага қўйгандай олмани йўлга чиқариб ўтирибсизлар?

**ҲИКОЯТХОН:** Отин ойиникига олиб бораётган эдик. Дам олиб ўтирибмиз.

**АБДУЛЛА:** Ёрдам берай. бўлмаса? Қайси отин ойиникига боряпсизлар?

**ҲИКОЯТХОН:** Рисолатбону аяникига.

**АБДУЛЛА:** Э, э. Уша отин ойингиз менинг холам бўладилар. Талабамисиз?

- ҲИКОЯТХОН:** Ҳа, талабаман.
- АБДУЛЛА:** У кишининг қўлларида неча йилдан буён сабоқ оляпсиз?
- ҲИКОЯТХОН:** Уч йилдан буён. Сиз ҳам талабага ўхшайсиз. Қайси мадрасада ўқийсиз? (Ҳикоятхон нотаниш йигит билан суҳбатлашаётганлиги учун ҳаё ва иф-фат юзасидан уялиб юзини бекитиб олди).
- АБДУЛЛА:** Зингарон маҳалласидаги "Малика аштар" мадрасасида. Тўрт йил бўлди.
- ҲИКОЯТХОН:** Эҳ-а, дадамнинг қўлларидами?
- АБДУЛЛА:** Дадангиз ким, яхши қиз?
- ҲИКОЯТХОН:** Ўша мадрасанинг бош мударриси мулла Худойкул домла-да.
- АБДУЛЛА:** Ҳа, яши домла. Билими кучли, зукко, олим киши.
- ҲИКОЯТХОН:** Мен сизни олдин ҳам кўрганман. (Уялиб, юзини четга буради).
- АБДУЛЛА:** Йўғе. Қаерда?
- ҲИКОЯТХОН:** Бир гал 2 киши бўлиб, уйимизга келиб, тараша қилиб бериб кетган эдингизлар.
- АБДУЛЛА:** Ҳа, ўтган йил қишда эди. Мен кўрганим йўқ-ку, Сизни?
- ҲИКОЯТХОН:** Юқорида, болахонада туриб, кузатган эдим.
- АБДУЛЛА:** Ай, сиз қувгина қизгина қизга ўхшайсиз. (Енгил кулди)
- ҲИКОЯТХОН:** Яна бир марта Оксаройнинг тагида кўғирчок театри бўлганда кўрган эдим. 5-6 толиби йлмлар билан томошга келган эдингизлар.
- АБДУЛЛА:** Унда ҳам мен кўрмаганман.
- ҲИКОЯТХОН:** Мен қизлар орасида эдим.
- АБДУЛЛА:** Кўк паранжили қиз сизмидингиз ё?
- ҲИКОЯТХОН:** Ҳа, ўша мен эдим.
- АБДУЛЛА:** Бўлмаса, сиз менинг изимга тушиб, таъкиб қилиб юрган экансиз-да? (Кулишадилар)
- ҲИКОЯТХОН:** Йўғ-э, ундай деб уйламанг.
- АБДУЛЛА:** Ана, танишиб ҳам олдик. Сизга 1-2 та савол берсам, майлими?
- ҲИКОЯТХОН:** Яхши саволлар бўлса, марҳамат!
- (Шу ерда Абдулла билан Ҳикоятхон узаро сўз уйини қилишади).
- АБДУЛЛА:** Исмингиз ким эрур, айтинг яхши қиз?
- ҲИКОЯТХОН:** Сизга баён қилсам, қани, топингиз?
- "Х" билан бошланиб, "Т" билан тугар.
- Ҳарфларни қўшсангиз олтига бўлар?
- АБДУЛЛА:** Яхши қиз, исмингиз айтай ниҳоят.
- Ё Хурмат, Ё Ҳиммат ёки Ҳикоят.
- ҲИКОЯТХОН:** Топдингиз, сўнгиси менга муносиб.
- Навбат Сизга бўлсин, топайин, ё суф.
- АБДУЛЛА:** Етти ҳарф: Боши "А", охири ҳам "А",
- ҲИКОЯТХОН:** Айтайму, номингиз экан Абдулла.
- АБДУЛЛА:** Тўғри, Ҳикоятхон. Қани, энди саватчадаги меваларга қараб, бир байтдан шеър айтамингиз. Бошланг, Ҳикоятхон?
- ҲИКОЯТХОН:** Саватчам лиқ тўла: анор, нок, олма...
- Рухсатсиз мевадан бир дона олма.
- АБДУЛЛА:** Гўё юзингиздек чиройли олма.
- Бир кило сотингиз, пулини ол, ма! (Кулишадилар)
- ҲИКОЯТХОН:** Вой, одамлар келишяптилар. Хайр, Абдулла ака.
- АБДУЛЛА:** Хўп, хайр, Ҳикоятхон. Яна кўришгунча.

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.  
ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

Мулла Худойкул домланинг ёзги ҳовлиси. Домла мавлуд тўйи ўтказмоқда. Эрак ва аёл меҳмонлар бирин-кетин кириб келишади. Мадрасадан 4 та муллавачча ҳам хизматга чақирилган. Абдулла ҳовли бурчагидаги самаворда чой қайнатмоқда. Ҳикоятхон аёллар хонасига чой олиб бориш учун чойнак билан самаворга келади.

**АБДУЛЛА:** Э,э. Ҳикоятхонмисиз? Келинг, чой тайёр, Сизга.

**ҲИКОЯТХОН:** Ассалому алайкум. Сиз Абдулла акамисиз?

**АБДУЛЛА:** Ва алайкум ассалом. Ҳа, ўша олмангизга харидор бўлган Абдулламан. Хўп яхшимисиз?

**ҲИКОЯТХОН:** Яхши. Гапингизнинг тагида гап бор, Абдулла ака. Олма есангиз, боққа келинг. Ҳозир мевалар фарқ пишган пайти.

**АБДУЛЛА:** Боғингизни қоровули борму?

**ҲИКОЯТХОН:** Боғбони ҳам, қоровули ҳам ўзимман. Бораверинг.

**АБДУЛЛА:** Бўпти. Эрта-индин бораман.

(Абдулла Ҳикоятхоннинг кўлидан гулдор чинни чойнакни олиб, самавордан чой дамлайди. Сўнг қизнинг жоду кўзларига боқади. Кўзлар кўзларга тўқнаш келади. Ҳикоятхон чойнакни кўтариб, қули-қуиғаниданми ёки хаёлиданми, чойнакни ташлаб юборади. Чойнак чил-чил синади).

**ҲИКОЯТХОН:** Вой, ўлмасам, Бу нимаси? (Уялганидан қизнинг юзлари қизариб кетади).

**АБДУЛЛА:** Ҳеч қиси йўқ. Кўркманг, Ҳикоятхон. Ана, тайёри бор. Дамлаб қўйибман.

(Ҳикоятхон дамлаб қўйилган чойнаклардан бирини олиб, орқасига қарай-қарай кетади. Абдулла чойнак синиғи билан овора).

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.**

**III ПАРДА.**

**БИРИНЧИ КЎРИНИШ**

Чаманзор боғ. Атрофда қушлар нола қилмоқда. Абдулла гуллар ёнидаги ўриндикда ўтириб, ишқий шеърлар ёзмоқда. У гоҳ қоғозга, гоҳ гулларга боқади. Бир зум булбул навосини тинглагач, ёзган ғазалини ўқийди:

Мен ул ҳусну жамолин қўрмасайдим, кошки,

Бир кўриб, Мажнун шайдо бўлмасайдим, кошки.

Фурқатий ишқ ичра бундоғ куймасайдим, кошки.

Ғурбату дард ичра жондин тўймасайдим, кошки.

Ёки ҳуснини томоша қилмасайдим, кошки,

Ё ани кўрган билан суймасайдим, кошки

Орази боғи эрамдур, қомати сарви ниҳол,

Зулфи сунбул, юзлари гулзор, жаннатдин мисол.

Хўплик бобидадур, бир тўтию ширин мақол,

Оҳ, ким вастига етмоқдур ани амри мақол,

Ё ул ой васлин таманно қилмасайдим, кошки,

Ёки бул дунёга ҳаргиз келмасайдим, кошки...

(Гулзор оралаб юрган Ҳикоятхон Абдулланинг овозини эшитади ва бир зум тўхтаб, шеърга қулоқ тутати. Сўнг қиз ҳам шеър ўқийди. Абдулла ғойибдан келган овозни берилиб тинглайди).

**ҲИКОЯТХОН:** Кўрсатиб ҳусни жамолин, беқарор этган йигит,

Ақлу хушимни олиб, беихтиёр этган йигит,  
 Юзларимга кўз ёшини навбахор этган йигит,  
 Ханжару ишқи бирла дилни фиғор этган йигит,  
 Боз бир кўрмоқ учун кўп интизор этган йигит,  
 Йўлларида қон ёшимни лолозор этган йигит,  
 Ишқ дардин достони кўп эрур, қандай этай,  
 Бедаво дарду аламга мубтало бўлдим, нетай?  
 На қилай, на ишлайин, қайга бошим олиб кетай?  
 Мақсудимдур ё ўлиш, ё ёр васлига етай.  
 Бир назар айлаб, мени девонавор этган йигит,  
 Эл аро афсонаю Мажнун шиор этган йигит...

(Абдулла ўз маъшуқасининг фиғорқ ўтида куйиб, беихтиёр ўтириб қолади. У бир зум бошини ушлаганича қизнинг шеъриндан кайф қилади. Шу пайт йўллари супириб, гулларни парвариди қилиб юрган Хурсанд хола йигитнинг ёнига келади.

**ХУРСАНД ХОЛА:** Ҳой, йигит. Ушбу хатни ўзи олиб келишга уялди, шекилли, Ҳикоятхон мендан бериб юборди. (Хурсанд хола рўмолининг учига тугиб қўйган, букланган бир қоғозчани Абдуллага узатади).

**АБДУЛЛА:** (Энтикиб) Ҳозир, ҳозир. Кётмай туринг. (Абдулла қоғозга ёзилган қизнинг бир байт ғазалини ўқийди).

**ҲИКОЯТХОН:** Сизга ёзиб юбордим ишқимнинг достонин,

Билмамки, бу хатодур ёки савоб бўлмай...

(Абдулла ўтириб, дарҳол жавоб ёзади. Хатни элчига тутқазди. Хурсанд хола мактубни Ҳикоятхонга етказди. Гулзор орасидан қизнинг кўнғироқдек овози эшитилди. У йигитнинг жавоб хатини ўқир эди).

**АБДУЛЛА:** Шеърингизни ўқиганда ҳайратга қолмаган ким,

Таҳсину офаринлар ҳам беҳисоб бўлмай...

(Ошиқ-муъшуқлар ўртасида эркин мушоира пайдо бўлади. Абдулла бу ёқдан, Ҳикоятхон у ёқдан шеър айтишадилар).

**ҲИКОЯТХОН:** Кўксимдаги муҳаббат ўти шароралиқдур,

Ҳар дамда мавж урса, диллар қабоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ҳажрингни достонин ёзсам адо бўлурму?

Бирлаб китоб эмас, минглаб китоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Мунча ширин сўзингиз, магар масеҳ эрурсиз,

Жонсиз танамда лаззат, жондек шароб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Зулфинг қоронғусидин ойдек юзингни кўрсат,

Токи бу дардмандинг масту хароб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Меҳру муҳаббатингиз сийнамда нақш бўлса,

Тасвиригиз дилимда чун офтоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ишқ ичра сабрсизлик охир бу хола етди,

Бир кўрмасам жамолинг менга азоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Ишқу муҳаббатингиз албатта сир тутингиз,

Эл ичра фош бўлса, Сизга итоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Токайгача бу сирни эл ичра фош қилмай,

Кундан-кун иштиёқим гар беҳисоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Ишқ ичра ҳар икковни мақсудимиз бир эрур,

Мақсадда бўлса бирлик, ул беҳилоф бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ҳижрон азоби ичра мақсад эрур висолинг,

Бу мақсудим ҳақиқат, ёки сароб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Сизга айтур Ҳикоят, сабру таҳаммул айланг,

Арз айлайин дадамга, яхши жавоб бўлмай.

(Қиз гулзор оралаб, аста-секин кўздан ғойиб бўлади. Йигит уни хомуш кузатиб қолади).

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.  
ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

Мулла Худойкул домланинг ёзги ҳовлиси. Домла мавлуд тўйи ўтказмоқда. Эр-как ва аёл меҳмонлар бирин-кетин кириб келишади. Мадрасадан 4 та муллавачча ҳам хизматга чақирилган. Абдулла ҳовли бурчагидаги самаворда чой қайнатмоқда. Ҳикоятхон аёллар хонасига чой олиб бориш учун чойнак билан самаворга келади.

**АБДУЛЛА:** Э,э. Ҳикоятхонмисиз? Келинг, чой тайёр, Сизга.

**ҲИКОЯТХОН:** Ассалому алайкум. Сиз Абдулла акамисиз?

**АБДУЛЛА:** Ва алайкум ассалом. Ҳа, ўша олмангизга харидор бўлган Абдулламан. Хўп яхшимисиз?

**ҲИКОЯТХОН:** Яхши. Гапингизнинг тагида гап бор, Абдулла ака. Олма есангиз, боққа келинг. Ҳозир мевалар фарқ пишган пайти.

**АБДУЛЛА:** Боғингизни қоровули борму?

**ҲИКОЯТХОН:** Боғбони ҳам, қоровули ҳам ўзимман. Бораверинг.

**АБДУЛЛА:** Бўпти. Эрта-индин бораман.

(Абдулла Ҳикоятхоннинг кўлидан гулдор чинни чойнакни олиб, самавордан чой дамлайди. Сўнг қизнинг жоду кўзларига боқади. Кўзлар кўзларга тўқнаш келади. Ҳикоятхон чойнакни кўтариб, қули-қуйганиданми ёки хаёлиданми, чойнакни ташлаб юборади. Чойнак чил-чил синади).

**ҲИКОЯТХОН:** Вой, ўлмасам, Бу нимаси? (Уялганидан қизнинг юзлари кизариб кетади).

**АБДУЛЛА:** Ҳеч қиси йўқ. Кўркманг, Ҳикоятхон. Ана, тайёри бор. Дамлаб қўйибман.

(Ҳикоятхон дамлаб қўйилган чойнақлардан бирини олиб, орқасига қарай-қарай кетади. Абдулла чойнак синиги билан овора).

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.**

**III ПАРДА.**

**БИРИНЧИ КЎРИНИШ**

Чаманзор боғ. Атрофда қушлар нола қилмоқда. Абдулла гуллар ёнидаги ўриндикда ўтириб, ишқий шеърлар ёзмоқда. У гоҳ қоғозга, гоҳ гулларга боқади. Бир зум булбул навосини тинглагач, ёзган ғазалини ўқийди:

Мен ул ҳусну жамолин кўрмасайдим, кошки,

Бир кўриб, Мажнунни шайдо бўлмасайдим, кошки.

Фурқатий ишқ ичра бундоғ куймасайдим, кошки.

Фурбату дард ичра жондин тўймасайдим, кошки.

Ёки хуснини томоша қилмасайдим, кошки,

Ё ани кўрган билан суймасайдим, кошки

Орази боғи эрамдур, қомати сарви ниҳол,

Зулфи сунбул, юзлари гулзор, жаннатдин мисол.

Хўплик бобидадур, бир тўтию ширин мақол,

Оҳ, ким вастига етмоқдур ани амри маҳол,

Ё ул ой васлин таманно қилмасайдим, кошки,

Ёки бул дунёга ҳаргиз келмасайдим, кошки...

(Гулзор оралаб юрган Ҳикоятхон Абдулланинг овозини эшитади ва бир зум тўхтаб, шеърга кулоқ тутади. Сўнг қиз ҳам шеър ўқийди. Абдулла ғойибдан келган овозни берилиб тинглайди).

**ҲИКОЯТХОН:** Кўрсатиб хусни жамолин, беқарор этган йигит,

Ақлу хушимни олиб, беихтиёр этган йигит,  
Юзларимга кўз ёшини навбахор этган йигит,  
Ханжару ишқи бирла дилни фиғор этган йигит,  
Боз бир кўрмоқ учун кўп интизор этган йигит,  
Йўлларида қон ёшимни лозазор этган йигит,  
Ишқ дардин достони кўп эрур, қандай этай,  
Бедаво дарду аламга мубтало бўлдим, нетай?  
На қилай, на ишлайин, қайга бошим олиб кетай?  
Мақсудимдур ё ўлиш, ё ёр васлига етай.  
Бир назар айлаб, мени девонавор этган йигит,  
Эл аро афсонаю Мажнун шиор этган йигит...

(Абдулла ўз маъшуқасининг фиروق ўтида куйиб, беихтиёр ўтириб қолади. У бир зум бошини ушлаганича қизнинг шеъридан кайф қилади. Шу пайт йўлларни супириб, гулларни парвариш қилиб юрган Хурсанд хола йигитнинг ёнига келади.

**ХУРСАНД ХОЛА:** Ҳой, йигит. Ушбу хатни ўзи олиб келишга уялди, шекилли, Ҳикоятхон мендан бериб юборди. (Хурсанд хола рўмолининг учига тугиб қўйган, буқланган бир қоғозчани Абдуллага узатади).

**АБДУЛЛА:** (Энтикиб) Ҳозир, ҳозир. Кетмай туринг. (Абдулла қоғозга ёзилган қизнинг бир байт газалини ўқийди).

**ҲИКОЯТХОН:** Сизга ёзиб юбордим ишқимнинг достонин,  
Билмамки, бу хатодур ёки савоб бўлмай...

(Абдулла ўтириб, дарҳол жавоб ёзади. Хатни элчига тутқзади. Хурсанд хола мактубни Ҳикоятхонга етказди. Гулзор орасидан қизнинг қўнғирокдек овози эшитилди. У йигитнинг жавоб хатини ўқир эди).

**АБДУЛЛА:** Шеърингизни ўқиганда ҳайратга қолмаган ким,  
Таҳсину офаринлар ҳам беҳисоб бўлмай...

(Ошиқ-муъшуқлар ўртасида эркин мушоира пайдо бўлади. Абдулла бу ёқдан, Ҳикоятхон у ёқдан шеър айтишадилар).

**ҲИКОЯТХОН:** Кўксимдаги муҳаббат ўти шароралиқдур,  
Ҳар дамда мавж урса, диллар қабоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ҳажрингни достонин ёзсам адо бўлурму?  
Бирлаб китоб эмас, минглаб китоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Мунча ширин сўзингиз, магар Масеҳ эрурсиз,  
Жонсиз танамда лаззат, жондек шароб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Зулфинг қоронғусидин ойдек юзингни кўрсат,  
Токи бу дардмандинг масту хароб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Мехру муҳаббатингиз сийнамда нақш бўлса,  
Тасвирингиз дилимда чун офтоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ишқ ичра сабрсизлик охир бу хола етди,  
Бир кўрмасам жамолинг менга азоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Ишқу муҳаббатингиз албатта сир тутингиз,  
Эл ичра фош бўлса, Сизга итоб бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Токайгача бу сирни эл ичра фош қилмай,  
Кундан-кун иштиёқим гар беҳисоб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Ишқ ичра ҳар икковни мақсудимиз бир эрур,  
Мақсадда бўлса бирлик, ул беҳилоф бўлмай.

**АБДУЛЛА:** Ҳижрон азоби ичра мақсад эрур висолинг,  
Бу мақсудим ҳақиқат, ёки сароб бўлмай.

**ҲИКОЯТХОН:** Сизга айтур Ҳикоят, сабру таҳаммул айланг,  
Арз айлайин дадамга, яхши жавоб бўлмай.

(Қиз гулзор оралаб, аста-секин кўздан ғойиб бўлади. Йигит уни хомуш кузатиб қолади).

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.  
ИККИНЧИ КЎРИНИШ.**

Мулла Худойкул домла ўз уйида. Бесалла, узун қалпоқ кийган ҳолда китоб ва-  
раклаб ўтирибди. Ёнида чойнак-пиёла.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Ассалому алайкум, тақсир!

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Ва алайкум ассалом. Келинг, қори.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** (Кўрпача-  
га ўтириб) Илоҳо омин.  
Қадам етди, бало етмасин.  
Ким билан суҳбат қуриб ту-  
рибсиз, тақсир?

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:**  
Имом Бухорий ҳазратлари  
билан.

(Мезбон меҳмонга чой  
узатади) Хўш, қори? Қадам-  
ларига хасанот.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Яхши  
бир маслаҳат ила келдим  
хузурингизга, тақсир.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:**  
Эшитаман, қори. Қулоғим  
сизда?

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Розилик  
берсангиз, тақсир. Қуда  
бўлсак? Талабангиз, иним

Абдулла билан қизингиз Хикоятхонларнинг туйларини ўтказасак?

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Э, э, э. Ҳозиргина имом Бухорий тўплаган пайғамбаримиз  
Мухаммад мустафо саллолаҳи алайҳис саломнинг Ҳадиси шарифларини муто-  
лаа қилиб ўтириб эдим. Пайғамбаримиз айтибдурларким, турмушга чиқувчи қиз-  
дан ҳам турмуш қурувчи йигитнинг ҳам ризолик бўраш вожибдур.

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Сизга айтсам, тақсир. Буларнинг севгилари эл аро фош бўлиб-  
дур.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Шундоқму, ҳали. Ундай бўлса, сўраб билурмиз, Ойиси?  
(Домла аёлини чакиради. Қўлида дастурхон домланинг аёли кириб келади). Утир-  
чи, бундоқ. Биродаримиз қизингга совчи бўлиб келибдур. Куёв бўлмиш мадраса-  
мизда толиби илм. Биламан. Хўп, баъмани йигит. Исмини Абдулла дерлар.  
Қизинг-дан сўраб бил-чи, рози бўлурму? (Ая чиқиб кетади). Оламда не гап, қори?

**МЕЙЛИ ҚОРИ:** Большовойлар оқ подшони йиқитиб, хуррият қилибдурлар.  
Улар Тошкану Қўқонга, Самарқанду Бухорога ҳам юриш қилмоқчи эмишлар.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Ҳай, ҳай, ҳай, қори. Нафасингизни иссиқ қилинг. Куни-  
миз кофирларга қолмасин. (Шу пайт мулланинг хотини кириб келади). Сўрадинг-  
му? Нима деди қизинг?

**АЯ:** Сўрадим. Қулиб қўйди фақат. Индамади, қурмагур.

**МУЛЛА ХУДОЙҚУЛ:** Демакки, қиз боланинг индамагани – ризолик бергани.  
Бўлмаса, қори. Истаган пайтингизда тўйни бошлайверинг.

**МУЛЛА ҚОРИ:** Ташаккур, тақсир. Менга руҳсат этинг. Тўйга ҳозирлик кўрай-  
лик. (Мулла бува дуога қўл очади: Илоҳо омин. Икки ёш кўша қарисин. Сўнг домла



хотини билан совчини кузатиб қўйишади).

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.  
БИРИНЧИ КЎРИНИШ.**

Мулла Худойкул домланинг ҳовлиси. Бу ерда тўй бошланмоқда. Одамлар кириб-чиқиб туришибди. 4 киши дарвоза ёнида қўлини кўксига қўйиб, пешвоз туришибди. Бири адрас чопон, иккинчиси кўк ятак кийган оппоқ соқолли икки киши дарвозадан тавозе билан кириб келишади. Ўтирганлар жойларидан туришиб, муфти ҳазратлари билан шаҳар имом-хатибини кўлларини кўксига қўйиб, самимий кутиб олишадилар.

**МУФТИ:** (Кўрпачага ўтириб) Илоҳо, омин! Тўйлар муборак, мулла Худойкул! Илоҳо, кўшгани билан кўша қарисин. Омин, оллоху акбар! (Ҳамма дуога қўшилади).

**ИМОМ:** Илоҳо, икки ёшнинг толеи ҳамин қадар баланд бўлиб, бола-чақаси кўпайсун. Куёв муборак, мулла!

**МУЛЛА ХУДОЙКУЛ:** Ташаккур. Хўш келибсизлар, ҳазратларим! Қани, марҳамат. Ички хонага ўтингизлар. Сизларга махсус жойимиз тайёр. (Шариат пешволари туришиб, иккинчи эшикка равона бўладилар).

Сўнг мусиқа садолари янграйди. "Тўйлар муборак!" ашуласи эшитилади. Саҳнага келин-куёвни бошлаб, ёшлар кириб келишади. Улар залда ўтирганларга қараб, келин салом қиладилар. Ёшлар саҳнани айланиб, "Омон ёр" ашуласини айтишади. Сўнг йигит-қизлар "Дилхирож" кўйига уйнайдилар.

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.  
ИККИНЧИ КЎРИНИШ.**

Уста Абдурахмон югансознинг хонадонини. Муъжазгина келин уй. Чимилдиққа латта-путталар осилган. Токчаларда китоблар ва идиш-товоқ. Келин-куёв хонтахта атрофида ўтириб, нонушта қилишмоқда. Келин чой сузаётир.

**АБДУЛЛА:** (Қўлида қоғоз) Ҳикоятхон, бу ғазалинигиз аввалгисидан анча дуруст. Музмуни ҳам, ёзилиши ҳам бошқача. Бунда бир сирли маъно бор.

**ҲИКОЯТХОН:** Бари бир Сизникига ўхшамайди, бегим.

**АБДУЛЛА:** Майли, тинмай ёзаверинг гулими. Ашъорларингиз бир девонга етай деб қолгандир.

**ҲИКОЯТХОН:** Менимча, етади. Девон тузсак, ўзингиз хаттотлик қилурсиз, бегим.

**АБДУЛЛА:** Албатта. Муҳаррир ҳам ўзим, ношир ҳам ўзим бўлурман. Жоним, сизга бир нарсани айтмоқчи бўлиб юрибман. Магарамки, хўп десангиз, айтайин.

**ҲИКОЯТХОН:** Айтинг, бегим, айтинг. Нима эди?

**АБДУЛЛА:** Биласизми? Тоғамнинг мактабида, дадангизнинг мадрасаларида, жами 13 йил таҳсил кўрдим. Билимнинг чеки йўқ. Энди Бухорога бориб ўқимоқчиман. Сиз нима дейсиз?

**ҲИКОЯТХОН:** Дадангиз жавоб берармикин, бегим?

**АБДУЛЛА:** Икковлашиб жавоб олурмиз. Ҳеч бўлмаса, боз тоғамни ишга солурмиз.

**ҲИКОЯТХОН:** Мен илмингизга илм қўшилиш тарафдориман. Майли, ўқинг.

Бухорои шарифда кучли алломаю мударрислар кўп дейишади. Бордию, Сиз Бухорога кетсангиз, девон нима бўлади, бегим?

**АБДУЛЛА:** Гарчи мен Бухорога кетгудек бўлсам, шаҳримизда Файзулла Равнақий деган хаттот дўстим бор. Ўзлари жудаям хушхат. Девонни шу кишига кўчиртираман. Тагин Сиз таҳсилни ташлаб қўйманг, жоним. Янги-янги шеърлар ёзинг.

**ҲИКОЯТХОН:** Хўп бўлади, бегим. Сабоқни асло тўхтатмагайман.

**ПАРДА ЁПИЛАДИ.**

Давоми бор...

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Осмнинг беғубор, тонглар тинч отар,  
Дарёларинг жушиб завқ билан оқар.  
Саҳарда қуёшни элим уйғотар,  
Сен она юртимсан, азми улуғим  
Номлари қутлуғим қалби ўтлуғим.

Не-не азизларни қадами етган,  
Жаҳонга шуҳрату доврўинг кетган,  
Етти иқлимда йўқ сендайин макон,  
Сен жисмимда жоним - кўзу қароғим,  
Хақ йўлни ёритган шамсу – чироғим.

Номинг дoston бугун, жаҳон тан олгай,  
Кўксинг осмон бугун кўнгиллар тўлгай,  
Сени бир бор кўрган жаннати бўлгай,  
Сен – она юртимсан, ота маконим,  
Дилимга мадорим, меҳрга коним.

Мусаффо ҳаводан нафасинг эркин,  
Куйларинг эркин, йўлларинг эркин.  
Муборак ёшингни қутлайин, бу кун  
Сенга бахшидадур дилимда борим,  
Жаннатларга ятенг она диёрим.

Сени жондин сууб, этаман эъзоз,  
Қанчалар куйласам ардоқласам-оз.  
Ўзига бек халқим байрамларинг соз,  
Сарбони улуғим, йўли ёруғим,  
Жонажон юртимсан Ўзбекистоним.



АДАШМА

Адашсанг йўлингдан, юртинг алмашсанг,  
Ўзга дунёларнинг зару-зебига,  
Лаънатга қолурсан замон талашсанг,  
Учрайсан бегумон ҳалқ ғазабига.

Кезурсан дарбадар ўзга юртларда,  
Ҳалқингга ғаним-у, нокасга соя.  
Меҳр, имон бўлмас сендек бебурдда,  
Умринг дўзахларда топар ниҳоя.

Умрингда хазонлар бошланган замон,  
Чирс этиб узилса жон япроқсимон.  
Йўқлаб бир қабрингга гул қўядиган,  
Қадрдон қондошинг бўлмайди, ишон.

Ё тўзибми, ёки бир сабаб бўлиб,  
Бевақт нурасанг гар бир қоясимон.  
Беминнат бағридан жой берадиган,  
Ўз она тупроғинг бўлмайди нодон.

Адашма йўлингдан, юртинг алмашма,  
Ўзга дунёларнинг зару-зебига.  
Оллоҳга хуш келмас, замон талашма,  
Қулашинг ҳақ бўлар лаънат тубига.



**У М Р**

Кечагина ёшлик кўз-кўзланарди,  
Завқдан, хаяжондан порлар эди у,  
Бугун бўлса, мана сочлар оқарди,  
Умрининг ярмими, тугалими бу?

Олдиндан бир гапни айтолмайсан ҳам,  
Куз эрта келдими ёки кечикди.  
Мен бахтли яшадим ва лекин ҳар дам,  
Неларнидир кутдим, куйдим, ичикдим.

Умримда, баҳорлар этганда хитоб,  
Бахтнинг оғушида кечди амоллар.  
Узун йўлда боғлар умри бўлди соб,  
Не-не чинорларни йикди шамоллар.

Ўйласам бир менми вақтни ютқазиб,  
Бодрокдек оғзини очиб анграйган?  
Во дариг бутун бир умрим ўтказиб,  
Қандай яшадим мен, қандай янграбман!

Кечагина ёшлик кўз-кўзланарди,  
Завқдан, хаяжондан порлар эди у,  
Бугун бўлса юрак оғриқли урди,  
Умрининг ярмими, тугалими бу?



**СИНОВЛАРДАН ИБОРАТ**

Кунлар ўтар, югурик йиллар,  
Баъзан сокин баъзан серташвиш.  
Остонанга тасвири қолар,  
Гоҳи баҳор, гоҳи бўлиб қиш.

Ажаб турли тонглар, кечалар,  
Баъзан ёруғ, баъзан туманли.  
Йўллар чағир, тикон қанчалар.  
Умринг бўлар баъзан гумонли.

Сен яшайбер, бўлма ношукур,  
Синовлардан иборат тақдир.  
Тонгга етдинг- Худога шукур,  
Барисини бергувчи Ҳақдир.

Соғлом имон сўра Тангридан,  
Юртга тинчлик ҳамда тотувлик.  
Соғлиқ сўра, бутун ризку-рўз,  
Асли шуда яшаш, эзгулик.

**ОНА ЮРТИМ**

Она ерим, юртим аждодлар ёди,  
«Утган кунлар»имдан ёруғ сувратим.  
Сен менинг қисматим, нурли муродим,  
Жисмимдаги жоним, юрак қувватим.

Мозийдан келдим мен, рангим зафарон,  
«Сомон йўл»ларидан ўтдим оҳишта.  
Ўз йўлим, ўзлигим, кунларим шодон,  
Ёркин келажакка умрим пайваста.

Сен гўзал бир маво, эй она юртим,  
Минг бир жон риштадан оқаётган қон,  
Боғларингда гулдай барқ уриб ўсдим,  
Сен менинг Ватаним, жон Ўзбекистон.

СИНФДОШ

Тоғларнинг тошлари гүмбурлаб кетди,  
Онам кўз ёшлари милдираб кетди.  
Дардларим чакмоқдек ярқираб кетди,  
Қаторда бордирман, кўзим тўла ёш,  
Соғиндим қайдасиз азиз синфдош?!

Деворлар нуради, терак кесилди,  
Юрак дард оғриғи энди сезилди.  
Муҳаббат йиғлади, ҳижрон эзилди,  
Қаторда бордирман, кўзим тўла ёш,  
Соғиндим қайдасиз азиз синфдош?!

Ишқнинг саҳросида юрибман сарсон,  
Наҳотки азоблаб, қилдинг имтиҳон  
Нетайки, соғинчдан бағрим тўла қон,  
Қаторда бордирман, кўзим тўла ёш,  
Соғиндим қайдасиз азиз синфдош?!

Кўзим қароғида юздаги холинг,  
Мўйсафиддек бугун сен эккан толинг  
Бир умр ташнаман кўмсаб дийдоринг  
Қаторда бордирман, кўзим тўла ёш,  
Соғиндим қайдасиз азиз синфдош?!

Кулимсирар кўрса, тугайди бардош,  
Йиллар эзиб ўтди, хирадиб-күеш.  
Ўкинчлар, армонлар, ғам-қайғу сирдош,  
Қаторда бордирман, кўзим тўла ёш,  
Соғиндим қайдасиз азиз синфдош?!

СЕН БЎЛДИНГ ОСМОН

Қирларда чечаклар очилса кийғос,  
Самони қучиб кел, қушдайн мисол.  
Сарғайган шеърларим йиллардан мерос,  
Ҳайрат ва ҳасратга айланган висол.

Изтироб руҳимни қийнар кечалар,  
Хаёллар кезади тунлари дойдиб.  
Ортада қолди кезган тупроқ кўчалар,  
Армонлар юради қўшиғин айтиб.

Наҳот, раҳминг келмас тўқсамда кўз ёш,  
Исканжага солар ул қайғу, ғамлар.  
Букилиб, титилиб кетаяпти бардош,  
Сен-ку сезмагайсан, сезган одамлар.

Бешафқат йиллардан сўрасам илинж,  
Элпоқ тонг самога исминг ёзади.



Зорланиб ортингдан йиғлар бир ўтинч,  
Қора булут ердан чоғлар қазади.

Дарёнинг сувиде.. тиниқ ва сокин,  
Сезади ўтинчим.. жим турар қалбим.  
Товлардек мағрурсан, бермайсан таскин,  
Кўзларинг тўқнашса пичирлар лабим.

Хокисор тупроқлар сендан яхшироқ,  
Бағрида эрхалаб, қучоқлайди ер.  
Дардимни бшқора қилмадим, бироқ,  
Инграб қолар мендан икки мисра шеър.

Йиллардаги ўкинч, кўксимдаги ғам,  
Хаётдир бешафқат, умидлар армон.  
Соғинч ешларидан, кўзларимда нам,  
Бир сиқим тупроқман, гарчи сен осмон!

СОҒИНГАНМИСАН

Оқ турфа гулларнинг ёнида йиғлаб,  
Ҳижрон азобидан юракни тиглаб.  
Бир бора, тушингда сочимни силаб,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Йиллар, соғинчига кўксингни тутиб,  
Таъна дашномларни ичинга ютиб.  
Ишқинг саҳросида барин унутиб,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Тикан гулларини аста қучоқлаб,  
Самога тикилиб, ишқни сўроқлаб.  
Наҳот, ташлаб кетдинг кўксимни доғлаб,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Онанг юзидаги нурга термулиб,  
Гоҳ тунда уйғониб, ўйга кўмилиб.

Сездирмай кўз ёшга гоҳо чўмилиб,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Кутганим йўлингда, ё тупроқмиди,  
Наҳот ғариблигим ўй, фироқмиди.  
Ошифта юракдан нур йироқмиди,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Баҳор келиб чечак гуллаган у дам,  
Соғинч кипригингга илинганда нам.  
Ҳаёт бошганингга, солганида ғам,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

Музларни кучоқлаб ютганингми қон,  
Мадорсиз танангда узилганми жон.  
Кўк узра ўксиниб йиғласа ҳижрон,  
Айтгин муҳаббатим, соғинганмисан.

### ХАТО

Армонлар шарпасин ташлайди ногоҳ,  
Бирор бир кимсадан асло йўқ гинам.  
Билмабман, шоҳ Машраб қилибсиз, огоҳ,  
Мен бир сиким тупроқ, фариштагинам.

Энди чақнамайди мунглидир кўзим,  
Баҳор йироғимдир, дўст қадрдон қиш.  
Элтингиз Машрабга айттайин сўзим,  
Бу ёруғ дунёда бўлдимки ташвиш.

Дардимни айтмасам дилим оғринар,  
Нетай бир касманда телба-ю гадо.  
Соғинса қабрида, онам соғинар,  
Бу ўтган умримнинг бариси хато.

### АЙРИЛИК

Тонг кўзимга тун бўлди, нетай,  
Онам учун тугади ҳаёт.  
Йиғлаб-йиғлаб сатрлар битай,  
Айрилиқдан қилай кимга дод?

Кўзгинамдек асраб онамни,  
Ранжитмоқдан тилимни тийдим.  
Хувиллатиб кетди хонамни,  
Устга аза либосин кийдим.

Кўрганларим ҳаёл ёки туш,  
Наҳот ортга қайтмаса ажал.  
Онам кетди, учди ақлу хуш,  
Аямади яратган бу гал.

Қабристон мангулик манзили,  
Лапанглайди қўлма-қўл тобул.  
Қалба қолди армоннинг изи,  
У бир умр бўлмагай унут.

Орта қолдим қаддим мункайиб,  
Онажон, мен сизсиз ярим жон.  
Бутунмасман, ёлғиз мен ғариб,  
Сизни қайдан топай, онажон.

### ВАТАН

Ватаним, кўнглимда ўйongan орзу,  
Бағрингда самога етмас қўлларим.  
Минг йиллик тарихга сочилган ёғду,  
Сенинг тафтинг билан туташ йўлларим.

Боболарим руҳи, момом алласи,  
Чинорга солинган қадим беланчак.  
Ватан деб йиғлаган ўзбек боласи,  
Кўёш нурларидан замин келинчак.

Буюк келажакка ўзинган бешик,  
Аждодлар руҳин пок сақлаган қабир.  
Ҳанимлар шарпаси ақолмас эшик,  
Аллоҳдан ўзбекка берилган сабр.

Минг йиллик армонлар тупроғинг гарди,  
Фарзандлар қамоли умид чечаги.  
Бобурнинг соғинчи, Машрабнинг дарди,  
Ўзингсан, онамнинг сирли эртаги.

Нокослар орзуси, қанотсиз қушдир,  
Тупроғинг кўзимга айлай тўтиё.  
Тинчликка чорловчи овозинг ҳушдир,  
Тангридан иноят бизга бу дунё.

Она тупроғингдан оламан мадад,  
Боболар руҳини асрамоқ учун.  
Заминга соғдалар қилай тоабда,  
Қўқда парвоз қилсин забардаст лочин.

Қийиндир шаънинга битта сўз демоқ,  
Билсанг меҳринг Онам меҳрига тенгдир.  
Берган нону тузинг оқласом, бироқ,  
Ичган сувим онам сеҳрига тенгдир.

# ҲАЁТ ЖУДА ГЎЗАЛДИР

Кўзларим қувнаб турар, аммо йитмайди дилим,  
Юзим қилар табассум, лекин қуяди тилим.  
Барчасин унутаман, чунки меникидир, жим,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Учратсам гар яхшиларни, уларга қўшиламан,  
Кўрсам пах инсонларни, илақдай эшиламан.  
Бироқ менинг феълимга, баъзилар бермагай тан,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Яхшиларга интиламан йўқолсин деб ёмонлик,  
Гўзалликка талпинаман бўлсин дея шодонлик.  
Бахтга мен юзланаман келсин дея омонлик,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Қўлдан келса барчага соялиқни улошардим,  
Имкон бериб кўлларга омадлар тилашардим.  
Севги, муҳаббат абад бор дея талашардим,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Мени тушунмаслар, балки телба ҳам деб атарлар,  
Барчасига кўз юмсамас гоҳо тентак санарлар.  
Менга минг хил нигоҳ билан ҳали ёш деб қарарлар,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Мени тушунган инсон қаршисига эгум бош,  
Сезмайин камчилигин тилайман сабр, бардош.  
Бироқ кутсам келарми, бўларми менга сирдош,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Фақат имкон беринг менга, беринг яна бир оз вақт,  
Етумдир орзумимга биров куч, керақдир шахд.  
Ниятларим ҳам кўгдир истагим тургайдир нақд,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Қанча умр берилса қиламан доим шукур,  
Қанча синов қўйилса қилгайдирман мен ҳузур.  
Чидам, сабр, қаноат - бу йўлим ёритган нур,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.

Доим йўлим ёритинг, сиздан шуни сўрайман,  
Дўстларимга ҳам соғлиқ, чинакам бахт тилайман.  
Меҳр, умид ва сеvgи, ишончларга белаيمان,  
Нима бўлса бўлар энди, ҳаёт жуда гўзалдир.



## БОЛАЛИК - ЁШЛИК

Қайларга қетгайдир болалик, ёшлик,  
Беғубор дамлар-у, ўша бебошлик.  
Эшитмай қоладирмиз у, кетади жим,  
Ёшимиз ўтганин сезмабмиз, дўстим.

Ёз-у қишда кутма, келмас у сира,  
Олисда қолгандир ўчмас - хотира.  
Узоқ олислардан излама уни,  
Ортига қайтмайди, унутма буни.

Чаналарда учган, анҳорда сузган,  
Болалиқни кўриб энди чопмаймиз.  
Варрақлар учуриб, олислаб кезган,  
Уларни биз энди излаб топмаймиз.

Қайларга қолгандир болалик, ёшлик?!  
Беғубор дамлар-у, қалби қуёшлик.  
Болаларни кўриб бормаё ҳадиққа,  
Эслаймиз биз уни, тўлиб шодлиққа.

## КУЗ ЁМФИРИ

Осмондан олтин ёмғир гоҳ ёғиб қолса, дейман,  
Рассом мўйқалам ила гафолар солса, дейман.  
Ёмғирларнинг сувидан ранглар жило олсалар,  
Кўзларни қамаштириб дилга гулу солсалар.

Сеҳрли жилоларда оқса сувлар шилдираб,  
Шамолда олтин барглар учса ҳазонрезгилар.  
Олислардан елканли кемалар сузиб келса,  
Тўлқинларга тўш уриб еллардан ўзиб келса.

Акс эттирса у яна қуёш нурин сочганин,  
Учиб юрган капалак бағри-дилин очганин.  
Дарахтлар баргин тўкиб яшилликдан қочганин,  
Суратда акс этиб куз, мудом аҳдни бузганин.

Осмондан олтин ёмғир гоҳ ёғиб қолса, дейман,  
Рассом мўйқалам ила ғавғолар солса, дейман.  
Қараб туриб ёмғирга ҳаёлларни тезлабман,  
Маҳлиё бўлиб унга тинганини сезмабман.

### СИРА ЕТМАГАЙ ҲИЛАБ БУ АСРОР, СИРГА...

Уч кунлик дунёдир бу, дўстим, сира қайғурма,  
Ҳаёт шундай яралган, кун/ўтар қилиб юрма.  
Вақтида қил ишингни, эртани ҳам ўйлагин,  
Барчамиз ҳам омонат, атрофга боқ, сўйлагин.

Вақтни тутиб бўлмас ҳеч, кулиндан чиқар, кетар,  
Ортада қолган кун эса манзилига тез етар.  
Туғилиш, яшаш, улим битилгандир тақдирга,  
Инсон сира етмагай ҲиЛАБ бу асрор, сирга.

Тез ўтар дунёдир бу, дўстим, сира қайғурма,  
Ҳаёт шундай яралган, кун/ўтар қилиб юрма.  
Тақдирнинг ўйинини тушуниб бўлмас, бироқ,  
Бир кун эса дунёни тўғри келар тарқ этмоқ.


### КУЗ

Юзни бурдинг сен куз-у қишга,  
Ботганмиди ҳаёт ташвишга.  
Сен ундадинг кечроқ ҳар ишга,  
Сепин ёяр изғиринли куз.

Ҳамма бир кун бахтин топади,  
Ерни олтин барглар ёпади.  
Яхши отку кейин чопади,  
Сепин ёяр изғиринли куз.

Ҳеч кимсадан эмасдирсан кам,  
Дилларингни чулғамасин ғам.  
Узни тутгин мағрур, азизам,  
Сепин ёяр изғиринли куз.

Инсон зоти шу лаҳза, шу тоб,  
Олға босар айлабон шитоб.  
Меҳнатини қилар сарҳисоб,  
Сепин ёяр изғиринли куз.



# КЕЧИР МЕНИ



Меҳнаткаш синглим менинг, қўли қадоғим,  
Юрагимдан ўсиб чиққан қизғалдоғим,  
Онамдан сўнг энг суюкли қалб ардоғим,  
Бир кўргани боролмайман, кечир мени.

Сен қишлоқда, эрта-ю кеч даладасан,  
Туйнуғи йўқ, меҳнат номли қалъадасан,  
Бир ҳафтада ўнталаб хат жўнатасан,  
Битта жавоб ёзолмайман, кечир мени.

Шаҳар деган, қирғоғи йўқ уммон экан,  
Келган борки, қайтмоқлиги гўмон экан,  
...Соғинсанг-да боролмаслиқ, ёмон экан,  
Сен томонга сузолмайман, кечир мени.

Шом-у, саҳар китоб кучиб шеър ўқийман,  
Муҳаммадга ҳавас қилиб шеър тўғийман,  
Мен, ўзимча буюк шоир, зўр доҳийман,  
Шеърдан кўнгил узолмайман, кечир мени.

Эсингдами, қўл ушлашиб юрар эдик,  
Юлдузларга қараб хоёл сўрар эдик,  
[Ташлаб кетган отамизни сўхар эдик,  
Энди уни сўқолмайман, кечир мени.

Ялангаёқ кўчаларда чопгим келар,  
Сен беркинсанг, менчи излаб топгим келар,  
Топиб олиб, манглайингдан ўпгим келар,  
Нима қилай, ўполмайман, кечир мени.

Айтишдики, гўзалликда ҳур бўлибсан,  
Кўрган кўзни қувнатгувчи нур бўлибсан,  
Сингилжоним, кўнглимдаги дур бўлибсан,  
Кўргим келар, кўролмайман кечир мени.

Баҳор келса гуллар тўла сепин ёйиб,  
Сочинг ўриб, қошларингга ўсма қўйиб,  
Қувнаб юрсанг ял-ял ёниб, атлас кийиб,  
Тўйиб, тўйиб қаролмайман кечир мени.

Меҳнаткаш синглим менинг, қўли қадоғим,  
Юрагимдан ўсиб чиққан қизғалдоғим,  
Онамдан сўнг энг суюкли қалб ардоғим,  
Бир кўргани боролмайман, кечир мени.

## ТОПОЛМАЙМАН

Шеър ёзишдан осони йўқ менинг учун,  
Ер чопишдан осони йўқ менинг учун,  
Пул топишдан осони йўқ менинг учун,  
Фақат сизнинг кўнглингнигни тополмайман.

Сиз шаҳорлик танноз ойим не истайсиз?  
Енгинамдан киприк қоқмай жим ўтгайсиз,  
Билиб қўйинг бир кун мени зор кутгайсиз,  
Фақат сизнинг кўнглингнигни тополмайман.

Нима қилай юрагимни ёролмасам,  
Сизни бир кун кўролмасдан туролмасам,  
Яқин бориб исмингнигни сўролмасам,  
Фақат сизнинг кўнглингнигни тополмайман.

Ҳоп отганда сизга ман-ман йигитчалар,  
Юрагимни бўрибосар итлар талар,  
Ўша чала ҳумпарларни отгим келар,  
Фақат сизнинг кўнглингнигни тополмайман.

Мен қишлоқи бир бўз йигит ошиғингни,  
Ҳечкимсага айттирмаган қўшиғингни,  
Ерим бўлинг, қоқиб келдим эшигингни,  
Фақат сизнинг кўнглингнигни тополмадим.

**ЮР, ЖАННАТГА ҚОЧИБ КЕТАМИЗ**

Тирикликка силтоб қўлларни,  
Шерик қилиб шўх булбулларни,  
Биб-бирига боғлаб дилларни,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Бу дунёда мард кураклар йўқ,  
Дардлашгани соф юраклар йўқ,  
Бор бўлсада кўзлари юмўқ,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Ҳар қадамда ҳасад-у гуноҳ,  
Ғийбатлардан топилмас паноҳ,  
Эй гўзалим, қирмизи яноқ,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Қўл ушлашиб кабутарлардек,  
Қанот қоқиб учиб кетамиз,  
Иккиланма, қўлни бер кетдик,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Ҳаммасини унутмоқ учун,  
Ишқ майидан ичиб кетамиз,  
Керак эмас бизга бу очун,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Бизга лойиқ эмас ер шари,  
Хўп десанг бас, кўчиб кетамиз.  
Эй, қалбимнинг эрка дилбари,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.

Барча дард-у ғамларни ташлаб,  
Севгимизни қўчиб кетамиз.  
Париларнинг қўлидан ушлаб,  
Юр, жаннатга қочиб кетамиз.



**КЕТМОН**

Менга қара, эй, кетмон,  
"Мен ялқов ва безбетман",  
Десаи нега куласан?

Ахир роети ҳам шуда,  
Кун ўтқариб беҳуда,  
Юришимни биласан.

Сенчи кўтармай бошинг,  
Тўқмасдан кўздан ёшинг,  
Тинмай меҳнат қиласан.

Яшнатиб она ерни,  
Артиб юзингдан терни,  
Тунда уйга келасан.

Шунданми номинг улўғ,  
Эл алқаб қилар қўллуқ,  
Буюклардан бўласан.

Мен шўр тушунмай ерни,  
Ёзганим ёзган шеърни,  
Газетларда кўрасан.

Ҳали манзилга етсам,  
Зўр шоир бўлиб кетсам,  
Фахрланиб юрасан.

Лек шоир бўлиш қийин,  
Шеър ёзиш эмас ўйин,  
Ўзни ўтга урасан.

Яхшиси деҳқон бўлай,  
Менга шуниси қулай,  
Ўзинг қўллаб турасан.

# ЮРАГИМ БИР БОРА ҚУШДЕК САЙРАСИН



## Ёшонамлик қили

Эй инсон, ҳеч қачон қилма ёмонлик,  
Умрингни безагин яхшилик билан.  
Савобли иш қилсанг сенга омонлик,  
Минг савоб ёзилар ӊллоҳ томондан.

Дўстларга ҳеч қачон ёмонлик қилма,  
Кулфат ёғдирарсан ўзинг бошингга,  
Кейин афсус чекиб кўз ёшинг тўкма,  
Ёмонлигинг қайтар бир кун ўзингга.

## Қуёш (Бувижонимга)

Қуёш, юрагимга нурингни сечгин,  
Қалбим оташингдан бироз яйрасин.  
Келиб, менла зарра сухбатлар кургин,  
Юрагим бир бора қушдек сайрасин.

Қўнглимни ёзайин кел сенга фақат,  
Ёлғиз сен устимдан кула олмайсан.  
Дардларимга хануз қиларсан тоқат,  
Дунёга сен гавго сола олмайсан.

Дўстларим яралаб кетган дилимни,  
Қайтадан яшнатиб кетақол ўзинг.  
Япроқдек тўкилар тайёр тилимни  
Яна баҳорларга қайтаргин ўзинг.

## Онамдирсан, Ватаним

Онам каби меҳрибон  
Чаманим, боғим Ватан  
Ўксиганда бошимни  
Силаган тоғим, Ватан

Юрагимга яқинсан,  
Ўчмас, оташ чақинсан.  
Жоним берсам арзийди  
Сен чорбоғим Ватан.

## Дарёлар

Тулиб-тошиб оқасиз,  
Тоғдан кулиб боқасиз,  
Чеккага гул тақасиз,  
Тулқин-тўлқин дарёлар.

Тошдан-тошга урилиб,  
Шиддат билан сурилиб,  
Далаларга куйилиб,  
Оқар жўшқин дарёлар.

Юксақдан назар ташлаб,  
Дилларни чунон ғашлаб,  
Бизларни олға бошлаб  
Олманг Сиз тин, дарёлар.

**ЎЗБЕКИСТОН**

Дунёда ягона бир бўстон,  
Битилмаган ҳали зар дoston.  
Табиатинг сўлим ва кўркам,  
Садоқатим, хур Ўзбекистон.

Онамдайин меҳринг ҳам илиқ,  
Қиёси йўқ ҳар қарич еринг.  
Пешонангда тортилган чизик,  
Қимматлидир ҳар сатр шеъринг.

Бахтимга бўл доимо омон,  
Юксакларда кўрайин сени.  
Ҳар қадамда кучавергин шон,  
Дилдан хушнуд этавер мени.



**БИЗЛАР ЎФИЛ-ҚИЗЛАРМИЗ**

Бизлар ўфил-қизлармиз,  
Истиқлол фарзандлари.  
Қолдирамиз ўчмас из,  
Интиламиз илгари.

Кўркам, обод тиклар қад,  
Замонавий мактаблар.  
Ўқиймиз аъло фақат,  
Бўй чўзади матлаблар.

Бизлар этамиз парвоз,  
Тўш урамиз албатта.  
Ўқиймиз кириб шоввоз,  
Ҳали олийгоҳларга.

**УСТОЗИМ**

Илк бор кўлларимга тутқазган қалам,  
Ўқишни, одобни ўргатган тинмай.  
Шодлигингни кўр деган баҳам,  
Сўқмоқлардан мен ўтдим синмай.

Аъло баҳо олган кунимда ҳар бир,  
Байрам қилган мен-ла доим қувониб.  
Ишлаб чиққан мудом режа ва тадбир,  
Қамолдан қувонган ҳар лаҳза ёниб.

Юксакларга бошлар доимо йўлим,  
Дегандай бўласиз "Қанотингни ёз!"  
Сизларни кўрганда кўксимда кўлим,  
Ташаккур дегайман доимо, устоз.

**ҚАЛДИРҒОЧ**

Баҳордан бериб дарак,  
Қалдирғоч учиб келди.  
Ният деб жони ҳалак,  
Айвонимга ин курди.

Она каби меҳрибон,  
Попалонин авайлар.  
Улар деб куйдирар жон,  
Учиришга тайёрлар.

Тотувлик, баракани,  
Қалдирғоч олиб келар.  
У учун юксак шаъни,  
Бизларни хушнуд қилар.

Учавергин, қалдирғоч,  
Беғубор осмонимда.  
Менга ўз сиринги оч,  
Яшнайвер бўстонида.

**ЧАНҚАДИ**  
(Кодир бахшига)

Тоғда андиз, сувда кундуз чанқади,  
Кутлуғ кунда бу дил ёлғиз чанқади.  
Бир вақтлар эчки ҳайдаб кезганинг  
Шотидаги сен босган из чанқади,  
Бу кўнгиллар, устоз, сенсиз чанқади.

Ширамдаги жавғошин-у бодомча,  
Бошин маъюс силкитар бир одамча,  
Минг қадам ҳам бу кун битта "қадамча",  
Ғам биздадир Қалмоқники бир "ғамча",  
Баҳор-у қиш, ёз билан куз, чанқади,  
Бу кўнгиллар, устоз, сенсиз чанқади.

Жазғирганинг аччиг-у алаф эди,  
Тўксон тўқай йилқидан не-наф эди.  
Думбирангдан буй кўрсатса Алпомиш,  
Кўнғиротга келган бало даф эди.  
Барчинойлар бир эмас, юз чанқади,  
Бу кўнгиллар, устоз, сенсиз чанқади.

Бош бобомнинг дердинг, Кўнғир оти бор.  
Элатимнинг Гудрай демиш зоти бор.  
Донг таратди сен яратган Ойчибор,  
Гўрўғлидек элда топдинг эътибор.  
Тоғ-у тошлар бу кун сўзсиз чанқади,  
Бу кўнгиллар, устоз, сенсиз чанқади.

Чамбил билан Чилбир эди айтганинг,  
Эсимизда, бизларни "талтайтганинг".  
Сафар кетган қайтадику вақт ўтиб,  
Қани энди устоз сенинг қайтганинг.  
Номаларинг соғинишиб кўз тутиб,

Ёр-у дўстинг кеча-кундуз чанқади,  
Бу кўнгиллар, устоз, сенсиз чанқади.



**ДИЙДОР**

Юракнинг торлари ечилди бу кун,  
Занг босган кулфлар очилди бу кун.  
Осмондан тангалар сочилди бу кун,  
Ассалом, умримнинг энг сахий куни.

Эрк қуши кўнмади қадоқ қўлингга,  
Ачиндим чорасиз кўриб ҳолингга.  
Истиқлол-чикдик-у истиқболингга,  
Ассалом, умримнинг энг сахий куни.

Гулларни кучоқлаб гул юзлар кутар,  
Кўқда ой, заминда кундузлар кутар.  
Орзулар подшоши – юлдузлар кутар,  
Ассалом, умримнинг энг сахий куни.

Дастурхон устида сут-у сумалак,  
Авжийди майдонда Чиллак, Зув-Ҳалак.  
Осмондай кўксимда осмондай тилак,  
Ассалом, умримнинг энг сахий куни.

Оламнинг кучоғи нурларга тўлсин,  
Ёвузлик, хиёнат бадарға бўлсин.  
Кўкрагим қушларга қўналға бўлсин,  
Ассалом, умримнинг энг сахий куни.

## ЎЗБЕКИСТОН

(Кеча ва бугун)

Булоқдан адашган кийигим менинг,  
Осмондай кўкраги куйигим менинг.  
Бошда тож, кўзлари ўйигим менинг,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

Оқ ойдин тунларни тусаган юртим,  
Аламдан қўрғонлар ясаган юртим.  
Фақат тушларини безаган юртим,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

Олтини хомталаш олтин бешигим,  
Мағрибу-Машриққа очик эшигим.  
Кўнжида давлати, қўйни тешигим,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

Аллларинг от қўйган пойга йўқолди,  
Бойчибор бир сакраб ойга йўқолди.  
Тарихнинг тутруғи қайга йўқолди,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

Чингизнинг дастига келган эдинг, бас,  
Қайси бир қаланғи асло тенгингмас.  
Ниҳоят, тор келди юз йиллик қафас,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

Кўксимда минг йиллик дардим улғайди,  
Алпомиш келбатли мардим улғайди.  
Темурлар қайтадан кўрдим, улғайди,  
Бугунги кунингга шукрона айтдим.

### БОЙЧИБОР

Айри-айри туёғинг,  
Олмос бўлсин Бойчибор.  
Гулмих ошиқ оёғинг,  
Толмас бўлсин Бойчибор.

Қатовдаги кийикдай,  
Сакраб юрган саманим;  
Ай, ёвларнинг ҳарбига,  
Чидаб берган омоним.

Булут бўлди осмонинг,  
Булутларни чайнадинг.  
Қулунлар четда қолиб,  
Тошлар билан ўйнадинг.

Айри-айри туёғинг,  
Олмос бўлсин жонивор.  
Алпомишинг илоё,  
Ўлмас бўлсин Бойчибор.

Кўкалдошлар йўлингда,  
Тарикдай сочилдими,  
Ёки идрок, сезгингинг,  
Кўзлари очилдими.

Қалмоқ юртда Барчиной,  
Сени зор-зор кутади.  
Тез кетмасанг ҳойнаҳой,  
Уни ғамлар ютади.

Уйкусираб ой-сузар,  
Осмон хурар ит бўлиб.  
Боботовнинг бовруда,  
Алпинг ётир хит бўлиб.

Айри-айри туёғинг,  
Олмос бўлсин жонивор.  
Қулунларинг изиллаб,  
Қолмас бўлсин Бойчибор.

Тонг ёришса юлдузлар,  
Кундуз бўлиб қуйилгай.  
Тикилган укки кўзлар,  
Охир бешак ўйилгай.

Сен Қултойнинг қаноти,  
У чол суйди, безади.  
Қалдирғоч санам бу кун,  
Гулмас, тикон узади.

Хосиятли самани,  
Қўллаб юбор Боботов.  
Қор-қировли йўлидан,  
Кетсин ғубор Боботов.

Айри-айри туёғинг,  
Олмос бўлсин Бойчибор.  
Алпинг Барчин ёридан,  
Қолмас бўлсин Бойчибор.



## ЭНАНГ БИЛМАСИН!

(Хажвия)

Пул зарур бўлиб қолди. Унчаям каттамас, арзимас пул. Қарз бермаслигига ақлим етсада бир неча танишларникига бош суқиб чиқдим. Турли баҳоналар. Баъзилари куни зўрға ўтаётганидан нолиса, баъзилари сал кечикканимни, ҳозиргина бировга пул бериб юборганлигидан ахборот берди. Ўзимни "доимо кечиқиб юрганликда" айблаб бошқача йўлларни қидира бошладим. Тўғри, уларни ҳам айблаб бўлмайдим. Ҳозир бировга қарз берадиган замонамас. Қарз берсанг ҳам бирдан умидни узиб қайтариб ололмаслигинга ишонч ҳосил қилиб бер. Шунда узинга яхши бўлади, Кўп қийналмайсан. Яна кимга борсам экан? Туйқусдан калламга бир фикр келди. Отамга бораман. "Қаҳ раз", бугун энам уйда йўқ! Чўнки, икки кундан кейин тоғамникида тўй. Отамнинг пул бермаслигику кундай равшан. Омборхонада буғдойи кўп. Шундан икки халта буғдойи ундириб, сотсам бас. Тўёнанинг масаласи ҳал. Аслидаку буғдойда менинг ҳам ҳақим бор. Ҳар йили буғдойни "тенг яримдан бўлишга" ваъдалашиб етиштираимиз. Лекин, ўрилиб уйга киргандан кейин энам: "Сенларнинг пулинг кўпайган. Хотининг ундоқ деди, бундоқ деди, писанд қилмади" деб ҳар хил баҳоналарни тўқиб ҳар йили "иқтисодий санкция" қўллаб бизни буғдойдан маҳрум қилади.

Ҳар қалай умид қилиб отамнинг олдига бордим. Ёнбошлаб чой ичиб ётган экан. Саломни қуёқ қилдим.

-Ҳа, бугун бунча меҳрибонсан-сергақланди отам. Аввалдан айтиб қўяй, пул сўраб келган бўлсанг йўқ...

Қаранг-га қанчалик доно ва сезгир одам - отам.

-Хотиржам бўлинг шундоқ ҳол-аҳвол сўраб келдим. Молларга янтоқ ўриш керак бўлса шунга ёрдамлашмоқчи эдим.

-Янтоқ ҳали пишгани йўқ- деди отам "меҳрибонлигимдан" илжайиб. Олдинги муомаласи ўзгариб, ҳатто чой қўйиб узатди.

"Ўзимам биламан. Янтоқ пишганда ўз оёғим билан келармидим" - дея ўйладим.

Энам кўринмайди?-дедим билсамда.

-Тоғангникида! Нима бирон ишинг бормиди?

-Ҳа, ишим борида.



-Қандай иш?  
 -Сиз билан битадиган ишмас.  
 -Ие, шу рўзгорда мен билан битмайдиган ҳам иш бор эканми?  
 -Ҳа бор. Қўлингиздан келади-ю, лекин иложингиз йўқ.  
 -Ўв бола ичганинг йўқми мобадо- ёнбошлаган жойидан туриб ястаниб ўтирди отам. Нималар деб валдираяпсан?  
 - Хўп бўлмаса энам келса оларман- пишангни "кульминацион" нуқтасига чиқариб ўрнимдан турдим.  
 -Ўтир жойингга-тахдидли дўқ урди отам-Нимани оласан?  
 -Икки халта бугдой керагиди-мақсадга ўтиб қўяқолдим.  
 -Қачондан буён бугдойга энанг эгалик қилиб қолган! Шу саволга жавоб бер?

Шу гап керак эди ўзи менга. Мўлжални аниқ олдим.

-Азалдан!

Отамнинг газабланиши хайратланишга айланиб менга анча вақт анграйиб қараб турди. Сўнг асл ҳолига қайтиб тилига эрк берди. Ҳатто менга бир-икки шаполоқ тортмоқчиям бўлди-ю, лекин жим турганимни кўриб индамади шекилли.

-Мошинни ўнғар!

-А-дедим эшитмагандай.

Мошинни складга ўнғар қар!-отамнинг вазохати кўрқинчли эди.

Машинамни омборхонанинг эшигига тўғриладим. Отам ҳамон энамни сўкканча: "қачондан бери энанг уйда хўжайин бўлиб қолган. Ҳали мен тирик эканман бунга йўл қўймайман." деб омборхонанинг калитини қидирарди.

Калит топилди. Фазабидан ҳалиям тушмаган отам: "Қоч устингни расво қиласан" деб машинага бугдой юклай бошлади. Икки халтадан кейин "Етади" десам ҳам кўнмай яна икки халта юклади.

-Менга қара -деди отам  
 -Уйда энам хўжайин деган чалкаш фикрни каллангдан чиқариб ташла! Бу уйда фақат менинг деганим деган.

Отамга қайта-қайта раҳмат айтиб машинани энди юргизаман деб турган эдим ён ойнадан отам қаттиқ тайинлади.

-Энанг билмасин!



**Назар Эшонкул (Эшонкулов)** - 1962 йилда Қамаши туманида туғилган. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида маънавият таҳририяти бош муҳаррири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Шерзод Курбонов** - «Соғлом авлод учун» журнаlining бўлим мудир.

**Ҳаким Сатторий** - 1953 йилда Яккабоғ туманининг Тошқўрғон қишлоғида туғилган. Унинг 20 га яқин китоблари чоп этилган.

**Ёрмуҳаммад Туропов** - Китоб тумани Қайнарбулоқ ҚФЙ га қарашли Рус қишлоғида туғилган. Бадиий ижод билан мунтазам тарзда шуғулланиб келарди. (марҳум 2014 йилда вафот этди)

**Ўткир Раҳмат** - 1948 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Фулом Мирзо** - 1965 йилда Қарши туманида туғилган. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Мавлуда Очилова** - 1950 йилда Яккабоғ туманидаги Совуқбулоқ қишлоғида туғилган. Ҳозир нафақада. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. 3 та шеърий, 1 та насрий тўплами чоп этилган.

**Лайло Ҳасанова** - 1965 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини «Банк иши» йўналишини тамомлаган. Ҳозирда коллежлардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

**Абдивой Раҳим**, 1936 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. Педагог.

**Ҳосият Акрамова** - 1952 йилда Қарши шаҳрида туғилган. «Чўли ироқ», «Меҳрибоним» номли шеърий тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Муҳиба Назарова** - Қарши тумани Файзиобод қишлоғида туғилган. Бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб келади.

**Азиза Ширқулова** - 1977 йилда Қарши шаҳрида туғилган. ҚарДУ талабаси.

**Жонтемир Тоштемиров** - 1994 йилда Шахрисабз тумани Қорапойча қишлоғида туғилган. Ҳозирда «Баркамол авлод» газетасида муҳбир бўлиб ишлайди.

**Настарин Зарипова** - 2003 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирда 5-умумий ўрта таълим мактабининг 6-синф ўқувчиси.

**Севинч Баҳромова** - Қарши шаҳридаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг 5-синфда ўқийди. Бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб келади.

**Хусан Эшмурод** - 1948 йилда Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида туғилган. (марҳум) 1996 йилда вафот этган.

**Шерали Панжиев** - 1974 йилда Қамаши туманида туғилган. Ҳозирги кунда «Муҳандис-иқтисодчи» газетаси бош муҳаррири вазифасида ишлаб келмоқда. Ижод билан мунтазам шуғулланади.

**Ганишер Ҳайдаров** - 1961 йилда Косон шаҳрида туғилган. 1992 йилдан буён Косон шаҳар «Маданият ва истироҳат боғи»да рассом бўлиб ишлаб келмоқда. Бадиий Академия аъзоси.



